

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

ФОРСИЙДАН УЗБЕКЧАГА
ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА
МУАММОЛАРИ



89'255.2

095 | 2020/63-111

Оренбург Э.

Порснигде й.т.е.о.

и т.р.м.н.о.

1365

2020/63-111

113.55.2
2.86
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

**ФОРСИЙДАН ЎЗБЕКЧАГА
ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА
МУАММОЛАРИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Тошкент – 2013

311.253.2

311.222.0'00

Очилов Эргаш. Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима муаммолари (Монография). – Т., 2013. – 236 б.

085

Бадий таржима санъат бўлса, шеърий таржима бу санъатнинг энг олий шакли, санъатлар санъатидир. Ушбу монографияда форсийдан ўзбекчага шеърий таржималар мисолида шеърий таржиманинг асосий талаб ва муаммолари текширилади. Тадқикотнинг асосий натижалари ва хулосаларидан кайси тилдан бўлишидан қатъи назар, умуман шеърий таржима муаммолари билан шуғулланадиган барча мутахассислар ва назмий асрлар таржимаси билан шуғулланадиган таржимонлар фойдаланишлари мумкин. Чунки ҳар бир тил ва адабиётнинг ўзига хос миллий хусусиятлари билан боғлик баъзи жузъий тафовутларни ҳисобга олмаганда, бадий таржима қонуниятлари ва принциплари барча тиллар учун умумий ва муштаракдир.

Мазкур монография ТошДШИда бажарилаётган ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима килишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида яратилган.

Масъул мухаррир:

Ж.Зиямуҳамедов.

филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

А.Хабибуллаев, филология фанлари номзоди, доцент

Г.Рихсиева, филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга таъсвия этилган (Баённома №3, 31.10.2013)

Alişer Navoiy

2020/63

nomidag.

911

O'zbekiston MК

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

10 47250
2 700385

КИРИШ

Хар бир фаннинг умумий қонуниятлари билан бирга факат ўзигагина тегишли хусусий қоидатари ҳам бўлади. Таржимашунослик ҳам бундан мустасно эмас. Бир тилдан иккинчи тилга таржима муаммолари ўрганилар экан, тадқикот натижасида келинган муҳим назарий умумлашмалар, чикарилган асосий хуносаларни бошқа тиллардан таржималарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Айтайлик, мазмун ва шакл бирлигини қайта яратиш, муаллиф услубини сақлаш, миллий колоритни акс эттириш, муқобил вазн топиш, бадиий санъатларни бериш ва бошқалар бадиий таржиманинг умумий масалалари хисобланади. Айни пайтда, ҳар бир тилдан таржиманинг ўзига хос хусусий муаммолари ҳам мавжуд.

Шунга ўхшаб, ушбу монографияда форсийдан ўзбекчага шеърий таржима муаммолари тадқики мисолида умуман шеърий таржима мураккабликлари ва мушкулотлари, жумладан, асар бадиияти ва таржимон маҳорати, ҳар бир жанр таржимасининг ўзига хос хусусиятлари, таржимада шеър ритми ва оҳангини таъминлаш, анъана ва ворисийлик каби кўлдан-кўп муаммолар таҳлилга тортилар экан, ушбу таҳлиллар асосида олинган натижаларни умуман шеърий таржималарга нисбатан ҳам татбик этиш мумкин. Зоро, таржимашуносликнинг умумий масалаларини ҳар бир тилдан таржима мисолида қайта қайта тадқиқ этишнинг ҳожати йўқ. Албатта, хусусий масалалар бундан мустасно. Бинобарин, мазкур тадқикот кайси тилдан бўлмасин, шеърий таржима масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва умуман шу соҳа билан қизиқувчи талаба ва магистрлар, шунингдек, шеърий асарлар таржимасига ихтинослашган таржимонлар учун ўзига хос кўлланма вазифасини бажариши шубҳасиз.

Монография олти бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда форсийдан ўзбекчага шеърий таржима тарихи қискача ёритилади, иккинчи бобда шеърий таржима мураккабликлари забардаст форсий сўз санъаткорлари асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари мисолида ўрганилади, учинчи боб шеърий таржиманинг жанрий муаммолари тадқикига бағишланган, тўртинчи бобда асар бадиияти ва таржимон маҳорати масалалари текширилса, бешинчи бобда адабий алоқа, ўзаро таъсир ва бадиий таржима мавзууда баҳс юритилади, олтинчи бобдан эса таржимон ва таржимашунос сифатида бадиий таржима хақидаги фикр-мулоҳазаларимиз, ўй-кузатишларимиз ўрин олган.

I БОБ

ФОРСИЙДАН ЎЗБЕКЧАГА ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

1.1. ФОРСИЙДАН ЎЗБЕКЧАГА ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Форсийдан туркийга таржима кўп асрлик тарихга эга бўлса-да, бу борадаги чинакам маънодаги таржимачилик XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Чунки асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб келган форсий ва туркий халқлар бир-бирларининг тилларини тушунганлари, мадраса таҳсилини кўрган аждодларимизнинг форсий адабиётни ҳам хатм кила олганлари туфайли бундай таржималарга унча эҳтиёж сезилмаган. Қолаверса. бу халқларнинг маданияти, санъати ягона тамоилилар, муштарак анъаналар асосида ривожланган, форсий ва туркий тиллардаги бадиий ижод ўзаро эгизак адабиётлар тарзида камол топган. Адабиётларимиз тарихида ҳам туркий, ҳам форсийда ижод килган зуллисонайн шоирлар кўп ўтган. Ширу шакар ёзиш анъанаси яқин-яқинларгача давом этиб келди.

Форсий адабиётдан илк таржималарнинг бу ўзаро яқинлик ва алокаларнинг бир кадар узок, форсий тил таъсиридан холи туркий минтақаларда деярли соф туркийда амалга оширилиши ҳам буни яққол тасдиклайди. Гап шундаки, Кутб Хоразмий Низомий Ганжавиййининг “Хусрав ва Ширин” достонини 1330-1336 йилларда Оқ Ўрданинг Сиғнок шаҳрида таржима қиласи ва у 1383-1384 йилларда Мисрда кўчирилади. Сайфи Саройи Саъдий Шерозиййининг “Гулистон” асарини ҳам Мисрда дўстлари ва маслақдошларининг маслаҳатига кўра 1390-1391-йилларда қипчоқ шевасида “Гулистон бит-туркий” номи билан таржима қиласи.

Бу ҳол туркий халқлар яшаган ўша худудларда форсий адабиётдан таржимага эҳтиёж етилганлигини кўрсатади. Форсий халқлар билан яқин алоқада бўлган худудларда эса бундай талаб деярли бўлмаган. Шунинг учун бу ерларда яккам-дуккам таржималар амалга оширилганлигини кўрамиз. Жумладан, XII асрда “Насихат улмулук” (“Подшохларга насиҳат”), XIII асрда номаълум таржимон томонидан машхур ҳинд эпоси “Калила ва Димна”нинг таржима қилинганлиги хакида маълумотлар мавжуд¹. Лутфий 1425 йили “Зафарнома”ни шеърий таржима кила бошлаган – 10 минг байт

¹ Шарифов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. – Тошкент: “Фан”, 1972. 33-34-бетлар.

атрофидаги бу таржима бизгача етиб келмаган¹. Масъуд ибн Аҳмад Саъдийнинг “Бўстон” асарини таржима қылган². Кейин Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийнинг “Чиҳил ҳадис” (“Кирқ ҳадис”) асарини “Арбаъин” номи билан таржима қиласди. Бу қирқ ҳадис асосида яратилган қирқ тўртлиқдан иборат.

Маълумки, ўтмишда таржима принциплари анча эркин бўлган. Шеърий асар насрга кўчирилгани каби насрй асар шеърга солинаверган. XVI асрда Захириддин Муҳаммад Бобур Хожа Ахрор Валийнинг “Волидия” рисоласини шеърий таржима қиласди. У Ҳиндистонда оғир касал бўлганида авлиё руҳидан мадад сўраб, ушбу асарини таржима қилиш орқали сихҳат топади: “Ҳазратнинг руҳига илтило қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзул ул Ҳазратнинг макбули бўлур, худ нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси макбул тушиб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доги бу оризадин кутулуб, назмимнинг қабулига далиле бўлгусидур. Ушбу ният била рамали мусаддаси маҳбуни арзуз ва зарбгоҳи маҳбуни маҳфуз вазнидаким, мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Субҳа”си ҳам бу вазнададур, рисола назмиға шурӯъ қилдим”³. Бобурнинг эътироф этишича, ҳар гал бундай дардга мубтало бўлганида касаллик ўттиз-қирқ кунга чўзилган. Бу гал Оллоҳ иноятию Ҳазратнинг ҳиммати туфайли у бир ҳафтага котмай оёкка турди.

XVI асрда Ҳомуший Фирдавсий “Шоҳнома”сини наср ва назм аралаш таржима қиласди. “Ҳомуший ўз таржимасига Жаъфар Нажафий томонидан тузилган “Шоҳнома”нинг насрй вариантини асос қилиб олади”⁴.

XVIII асрда Ҳисорда яшаб ижод этган Собир Сайқалий Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (XV аср) Муҳаммад алайҳиссаломнинг набиралари, Ҳазрат Алиниң ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг фожиали қисматига бағишиланган “Равзат уш-шуҳадо” (“Шаҳидлар боғи”) асарини шеърий шаклда, эркин ёндашган, ижодий қайта ишлаган ҳолда таржима қиласди. Ҳалқ қиссалари руҳида, жангнома усулида, енги ва равон услугуб, содда ва самимий тилда назм риштасига терилган бу асар туркий ҳалклар томонидан киссаҳонлик

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи (Учинчи нашри). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976. 323-бет.

² Ўша асар. 222-бет.

³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Шарқ”, 2002. 242-бет.

⁴ Шарифов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: “Фан”, 1965. 78-бет.

кечаларида севиб ўқилган, кўлётмалари кенг тарқалган, тошбосмада ҳам нашр этилган.

Маълумки, Ҳусайн Воиз Коифий XV асрда Ҳиротда Ҳусайн Бойкаронинг вазири, шоир Шайхим Суҳайлӣ даъватига кўра машҳур хинд эпоси “Калила ва Димна”ни қайта ишлаб, “Анвори Суҳайлӣ” номи билан форс тилига таржима қиласди. Асар руҳи, воқеалар баёнидан келиб чиқиб, унга кўплаб шеърий парчалар, китъя ва рубоийлар ижод қилиб киритади. XVIII асрда уни ўзбекчага ўғирган Муҳаммад Темур, табиийки, шеърий қисмларини ҳам саклаб қолади. Асарнинг 1890 йили Тошкентда шоир Алмайи томонидан амалга оширилган таржимасида ҳам шеърий парчалар мавжуд.

Ўзбекистонда таржимачилик фаолияти XIX асрга келиб жуда авж олди. Бу даврда ўзбек ҳалқи орасидан ниҳоятда кўп истеъдодли таржимонлар етишиб чиқкан. Биргина Ҳоразмнинг ўзида XIX асрнинг иккинчи ярмида 82 киши мунтазам равишда таржима билан шуғулланган¹. Шоҳ-шоир Феруз ташаббуси ва ҳомийлигида вужудга келган бу таржима мактабида Мунис, Оғаҳий, Комил, Табибий, Мирзо, Баённий, Рожий, Муҳаммад Рафэй, Саноий, Ҳабибий, Мулла Ибодулла Ҳожи, Холис, Домла Отажон, Муҳаммад Назар, Тожиддин Ҳоразмий ва бошқалар таржима билан кизгин шуғулланиб, 28 та тарихий, 23 та адабий асар ўзбекчалаштирилади. Бу давринг забардаст ва сермаҳсул таржимони Муҳаммад Ризо Оғаҳий бўлиб, унинг биргина ўзи 19 та асарни таржима қиласди. Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар”, Амир Ҳусрав Дехлавийнинг “Ҳашт биҳишт”, Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Абсол”, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо” асарлари таржимаси шулар жумласидандир². Шарқшунос олим А.Носиров маълумотларига кўра, умуман “XIX аср бошидан XX аср бошларигача Ҳоразмда 120 та асар таржима бўлган. Улардан йигирматаси адабий ва йигирма тўрттаси тарихий асарлар, колгани турли фанларга онд китоблар, фалсафий ва дидактик рисолалардир. Шулардан бир юз ўттиз саккизтасининг

¹ Комилов Н. Бу қадимий санъат // Таржима санъати (Маколалар тўплами). З-китоб. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1976. 80-бет.

² Таникли таржимашунос олим Нажмиддин Комилов “Оғаҳийнинг таржимонлик маҳорати” мавзууда номзодлик, “Ҳоразм таржима мактаби” маувзууда докторлик диссертацияларини химоя қиласди. Шунинг учун бу борода умумий маълумот берини билан кифояланамиз.

кўлёзма нусхаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сакланади¹.

Таржимашунос Н.Комиловнинг ёзишича, бу маълумотлар 1960 йилгача бўлган даврни камраб олган бўлиб, ундан кейин ҳам кўпгина таржима асарлар аниқланган².

Таржимачилик фаолиятининг айнан Хоразмда авж олиши ва режали равишда давом этишининг сабаби Хива хонлигида асосан туркигўй ҳалқ истиқомат қиласи эди. “Бир неча асрлар олдин яратилган асарларни кўплаб таржима килиш, шунинг учун ҳам, факат ўтмишни ўрганиш, унга таклид этиш бўлмай, балки мақсад – умумбашарий илғор гоялари ва бадиий такомили билан ҳамма даврларга ярокли адабий ҳамда ижобий ибрат бўларли воқеалар ва ҳикмат-пандларга бой тарихий, ахлоқий асарлар таржимаси орқали кенг ҳалкка маърифат таратиш, оригинал тилини билмайдиган кўпчилик кишилар учун ажойиб ҳазина эшигини очиш эди. Илгари факат мадрасаларни тутгатган форсийдон, арабийдонларгина ўқиб фойдаланган антиқа асарлар туркий тилга ўғирилгандан сўнг омма орасига чукуррок кириб борар, кўпроқ маърифат тарқатар эди. Сирасини айтганда, таржимачилик маърифатпарварлик ҳаракатининг узвий бўлаги ҳисобланиб келган. Хоразм адиллари асосан маърифатпарвар кишилар бўлиб, бутун истеъодд ва билимларини шу йўлга тиккан эдилар. Мунис, Оғаҳий, Комил, Саноий, Баённийларнинг илғор қарашлари, гуманизми маърифатпарварлик гоялари билан омухта эди. Маърифатпарварлик гоялари оригинал ижодда ҳам, таржимада ҳам етакчилик киласи, бош мақсад бўлиб ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам биз бемалол, таржимага эътиборнинг кучайгани Хоразмда маданий ҳаётдаги кўтаринкиликтан, адабий кучларнинг жонланишидан нишонадир дея оламиз. Маданий кўтаринкилик эса ўтмиш меросини ўзлаштириш, тарихни, ўзликнинг илдизларини кидириш ва унга суюнишни тақозо этади. Ўз навбатида бу миллий уйғонишнинг бошланаётгани, миллий маданиятни ривожлантиришга интилишнинг натижасиидир”³.

¹ Кўчирма куйидаги китобдан олинди: К о м и л о в Н. Бу қадимий санъат. Рисола. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 12-бет.

² Бу ҳақда қаранг: К о м и л о в Н. Бу қадимий санъат. Рисола. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 12–13-бетлар.

³ К о м и л о в Н. Бу қадимий санъат. 20–21-бетлар.

XIX аср биринчи ярмида шеърий асарлардан, шунингдек, машҳур мутасаввиф шоир Фарициддин Атторнинг “Панднома” маснавийси ҳам “Насиҳатнома” номи билан таржима қилинганд¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро, Тошкент, Фарғонада ҳам форс тилидан кўп асарлар таржима қилинган. Жумладан, Хиромий Хусрав Дехлавийнинг “Чор дарвеш” асарини эркин ижодий ёндашган ҳолда шеърга солиб таржима қилган. Мазкур асарни Сиддик ҳам назм ва наср аралаш ўзбекчалаштирган. Хиромий, шунингдек, “Раъно ва Зебо” асарини ҳам таржима қилган. Сидкий Хондайликий “Минг бир кечা”ни таржима қилган ва у икки жилда 1912-1914 йилларда нашр этилган. Маълумки, бу муazzам ҳалқ китоби ичига кўплаб шеърий парчалар бор. Хондайликий Саъдий пандномаларидан ҳам намуналар таржима қилган. Фузулийнинг форсий шеърлари ҳам гаржима қилинган. Жумладан, шоир соқийномаси Хоразмда Табиий ва Мирзолар томонидан ўғирилган².

Ҳар икки таржима ҳам Феруз амрига кўра амалга оширилган бўлиб, 300 байтдан иборат мазкур соқийномани Комил Хоразмийнинг ўғли Мухаммад Расул Мирзо ўзи ёзилган мутақориби мусаммани мақсур вазнида байтма-байт таржима қилса (шунда ҳам мураккаб байтлар таржимасида байт ортирилиши натижасида таржима 25 байтга кўпайиб, 325 байтга етган), Табиий таржимасида асар ҳажми беш баробарга кўпайган: у “Хафт жом” (“Етти жом”) соқийномаси аввалида ўзи ижод қилган олти бобдан иборат ҳамд ва наътлар келтиради, муаллифнинг ҳар бир ривоятидан кейин яна иккитадан хикоят ва “қиссадан ҳисса” мазмунидаги “гуфтор” сарлавҳали панд-ўгитлар илова қиласи, бунинг устига, байтлар мазмуни кенгайтириб таржима қиласи – натижада унинг таржимаси 1500 байтга етган³. Фузулийнинг мўъжаз ва ҳассос услуги, соқийноманинг юксак бадииятидан асар ҳам қолмаган бу таржимани шеърий усулдаги таржима-шарҳ деса, тўғрироқ бўлади. Ўтмишда ана шундай “ҳаммуаллифлик” йўналишидаги таржималар ҳам амалга оширилган ва улар деярли муваффакият қозонмаган. Таржима соҳасидаги бундай ўзбошимчаликни минг йил бурун Абу Райхон Беруний “Калила ва Димна” номли машҳур хинд эпоси таржимасида унга Барзовайҳ

¹ Қаранг: Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: “Фан”, 1965. 99-бет.

² Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. 135–145-бетлар.

³ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот топиш учун қаранг: Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 165–172-бетлар.

ҳаким хакидаги бобни ўзидан қўшган ва бошқа ўзгаришлар киритган Абдулла ал-Мукаффа мисолида кескин танқид килган эди:

“Калила ва Димна” номи билан машхур бўлган “Панчatantra” деган китобни топиб таржима қиласам, деган орзум бор. Чунки у китоб Абдулло ибн ал-Мукаффа каби ўзгартириб юбормасликларига ишониб бўлмайдиган бир гурӯҳ кишилар тили билан ҳинҷадан форсчага, сўнgra форсчадан арабчага таржима килиниб келди. Абдуллоҳ ибн Мукаффа “Калила” китобига (ўзидан) Барзовайҳ бобини қўшди; бундан максади динга эътиқоди кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни маннония мазхабига чақираётганларга зарба бериш эди. Китобга боб қўшиб ишончсиз бўлган киши, таржимада ҳам (жумла) орттириб ишончсиз бўлишдан четда кололмайди”¹.

1909 йили таникли мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиҳхўжа ўғли Саъдийнинг “Гулистан” асарини “Шавқи Гулистан” номи билан таржима килади. “Муродхўжа мадраса талабалари эҳтиёжини ҳисобга олиб, асарнинг кийин сўз ва ибораларини шарҳлаган ва форсий оригиналини ҳам кўшиб, “Гуломия” матбаасида нашр эттиради”². У тилининг мураккаблиги, услубининг бир кадар ғализлиги жиҳатидан салафлари таржимаси даражасида бўлмаса-да, лекин “Гулистан”нинг тўлиқ таржимаси эканлиги билан мухим аҳамият касб этади. Чунки Сайфи Саройи ҳам, Оғахий ҳам асарни бирмунча кискартириш ва ўзгартирishлар билан таржима килганлар. ҲаттоFaфур Гулом, Рустам Комилов ва Шоислом Шомуҳамедовлар томонидан тажима килиниб, 1968 йили босилиб чиқкан замонавий нашр ҳам тўлиқ эмас. Лекин Мулло Муродхўжа “Гулистан”ни ўзбекчага ағдараар экан, мутаржимга Тошкентда яшаб турган шоирлар ёрдам бернишган. Масалан, шоир Камий кўлёзмалари орасида “Шавқи Гулистан” учун таржима килиб берган 17 та шеърий парча учрайди”³.

XX аср бошларида газета-журналларда ҳам форсчадан килинган кўплаб таржималар босилган. Жумладан. “Шўро” журналида Дардманд Саъдийнинг бир неча шеърлари таржимаси, “Гулистан” ва “Бўстон” асарлари таржимасидан парчалар эълон килади. Содик,

¹ А б у Р а й х о н Б е р у н и й . Ўйлар. ҳикматлар, накллар, шеърлар. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1973. 34-бет.

² Комилов Н. Ҳикматлар хазинаси (Сўзбоши) // Саъдий Шерозий. Гулистан (Оғахий таржимаси). – Тошкент, 1993. 7-бет.

³ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Нашрга тайёрловчидан // Саъдий Шерозий. Гулистан (Мулло Муродхўжа таржимаси). – Тошкент, 2005. 10-бет.

Мұхаммад Саидлар ҳам шоир асарларидан намуналар таржима қиладилар. Олимжон Идрис Умар Хайём рубоийларини таржима қилади. Муса Афанди ва Мұхаммад Саидларнинг Ҳофиз Шерозий шеърларидан қылган таржималари ҳам босилади. Мұхими, журнал саҳифаларида таржима ҳақида мақолалар берилған, таржималар таҳдил килиниб, таржима ҳақида баҳс-мунозаралар олиб борилған¹.

Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан бошланган туркий ва форсий ҳалкларнинг бир-биридан узоклашиш жараёни Октябрь инқиlobи натижасида янада тезлашди. Бу орада “эскича”ни билганиларнинг кўплари катагон килинди. Икки бор алифбо алмашди. Окибатда оддий ҳалқ тугул, зиёлилар ҳам форсий адабиётни таржимасиз тушунмайдиган аҳволга тушиб қолдилар. Зуллisonайнлик анъанаси-ку Ҳамза ва Айнийдан кейин деярли давом этмади. Лекин адабий алоқанинг янги тури – бадиий таржима икки ҳалқ, икки адабиётни бояловчи ҳалка бўлиб майдонга чиқди: ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бизда форсий адабиётдан таржима ривожланди ва форсий сўз санъатининг катта қисми ўзбекчалаштирилди.

Рус тили ва адабиёти, илм-фани ва техникасининг шилдат билан ҳаётимизга кириб келиши натижасида ўтган асрнинг 20-60-йилларида асосан рус ва европа адабиётидан таржима ривожланди. 50-йилларнинг иккичи ярмидан эса Шарқ, жумладан, форсий адабиёт таржимасига эътибор кучайиб, 60-йилларда бу соҳа режали равишда ривожланди. Шу мақсадда Бадиий адабиёт нашриётида Шарқ адабиёти таҳририяти ташкил этилди. Натижада бирин-кетин Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Камол Ҳўжандий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил каби форсий сўз санъати забардаст намояндадарининг асарлари таржима килиниб, уларни интиклик билан кутган ўзбек ўкувчилари эътиборига ҳавола этилди. Бу борада Хуршид, Муинзода, Васфий,Faфур Гулом, Чустий, Тўхтасин Жалолов, Назармат, Шонислом Шомухамедов каби Шарқ адабиёти билимдонларининг хизматлари катта бўлди.

Бу жараён узлуксиз давом этиб, истиқлолгача Фирдавсий “Шоҳнома”си, Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”и, Жомийнинг “Баҳористон”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Искандар хирадномаси”, Мирзо Бедил рубоийлари ва “Комде ва Мудан” достони ва бошка кўплаб асарлар ўзбек ўкувчиларининг маънавий мулкига айланди.

¹ Бу маълумотлар ҳақида қаранг: Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. 190-198-бетлар.

Мустакиллик йилларида форсийдан таржима янгича шиддат билан ривожланди, таъбир жоиз бўлса, янги боскичга кўтарилди. Бу даврда амалта оширилган таржималарни уч гурухга бўлиш мумкин:

1. Янги асарлар таржимаси.

2. Илгари тақиқланган диний-тасаввуфий мавзудаги асарлар таржимаси.

3. Қайта таржималар.

Истиқлол замонида Олимжон Бўриев Абдураҳмон Жомийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол” (1991), Низомий Ганжавийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” достонларини (2005). Жонибек Сувонқулов “Иқболнома” достонини (2009) таржима қилдилар.

Мустакиллик даври таржимачилигининг энг катта ютуғи жаҳон сўз санъатининг илгари тақиқланган кўплаб дурдона асарларининг ўзбекчада жаранглашидир. Жумладан, форсий адабиётдан шўро даврида диний-тасаввуфий йўналишда ижод килгани учун мистик шопрлар сифатида кораланганди кўплаб шопрларнинг қадимдан ҳалкимиз орасида машҳур бўлган шеъру достонлари таржима қилинди. Забардаст таржимон, Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камолнинг ўзи Жалолиддин Румийнинг олти дафтардан иборат муazzам “Маснавий маънавий” асарини, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, “Асрорнома”, “Илоҳийнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома” достонларини, Маҳмуд Шабустарийнинг тасаввуфий рисола мақомидаги “Гулшани роз” маснавийсини маҳорат билан ўзбекчага айлантириди. Бугина эмас. Навоийнинг “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) ва “Фусули арбаъ” (“Тўрт фасл”) турқумларига кирган 10 қасидаси ва “Девони Фоний”даги 200 газали Ҳофиз, Жомий ғазаллари ва Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абдуллоҳ Ансорий, Адид Собир Термизий, Амир Хусрав Дехлавий, Нажмиддин Кубро, Ҳаким Саноий, Жалолиддин Румий. Мирзо Абдулкодир Бедил рубоийларини ўзбекчалаштириди.

Таникли таржимашунос олим ва таржимон Нажмиддин Комилов “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома”нинг насрый таржимасини амалга ошириди.

Матназар Абдулҳаким Пахлавон Махмуднинг 332 рубойиси ва Бедил ғазалларидан намуналар таржима қилди.

Аскар Маҳкам Румий, Олимжон Бўриев Ҳофиз, Ҳаёт Самаркандий Саъдий ғазалларидан намуналар ўгириб, алоҳида китоблар тарзида нашр эттирилар.

Биз форсийда қалам тебратган 200 дан ортиқ адибу олимнинг 10 минг атрофидаги рубоийсини ўз арузий вазнида таржима қилдик ва улар “Ишқ дафтари” (2000), “Мұхаббат тароналари” (2005), “Минг бир рубоий”, “Донишмандлар тұхфаси” (2009), “Рубоий гулшани” (2010), Умар Хайём. “Тириклик тилсими” (2012), Жалолиддин Румий. Мұхаббат маъвоси” (2013) номлари билан алоҳида түплемлар ҳолида босилиб чиқди.

Қайта таржималар эса күпроқ кичик лирик жанрлар доирасида амалга оширилди – Абу Абдулло Рудакий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абдуллох Анзорий, Адіб Собир Термизий, Жалолиддин Румий. Амир Ҳусрав Дәхлавий, Паҳлавон Маҳмуд, Абдураҳмон Жомий, Фоний, Бедил, Мирзо Ғолиб, Бадриддин Ҳилолий рубоийлари. Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий. Фоний ғазалларининг бир неча таржима нусхалари пайдо бўлди.

Эроннинг Ўзбекистондаги элчихонаси Маданият ваколатхонасининг ташаббуси билан Аскар Махкам, Жаъфар Мухаммад, Наргис Шоалиева, Шафиқа Ёркинлар томонидан Нуғю Юшич, Шаҳриёр, Суҳроб Сипеҳрий, Парвин Эҳтисомий, Фурӯғ Фарруҳзод каби замонавий Эрон шоирларининг ҳам кўплаб шеърлари таржима килиниб, ваколатхона нашри бўлмиш “Сино” журналида босилди.

Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима тарихини даврлаштирадиган бўлсак, кўз олдимизга қўйидаги манзара ҳосил бўлади:

1. XIV-XVI асрлар – Кутб Ҳоразмий, Сайфи Саройи. Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобурларнинг таржимонлик фаолиятлари. Бу ижодкорлар форсийдан ўзбекчага шеърий таржиманинг тамал тошини қўйибгина қолмасдан, унинг келгуси ривожланиш йўлларини ҳам белгилаб бердилар.

2. XIX аср – XX аср бошлари – Ҳоразм, Тошкент, Бухорода фаолият кўрсатган таржима мактаблари ва алоҳида таржимонлар фаолияти, хусусан, Оғаҳийнинг таржимонлик фаолияти. Бу давр форсийдан ўзбекчага шеърий таржима тарихида ўзига хос юксалиш даври ҳисобланади.

3. XX асрнинг биринчи ярми – газета-журналлар ва алоҳида нашрларда босилган шеърий асарлар. Аср бошларида “Шўро”, “Ойина” каби журналлар бадий таржима ишларини анча жонлантирган бўлса-да, Муродхўжа таржима қилган “Гулистон” пандномасидан бошка Йирик асарлар таржима килинмади ҳисоб.

Аксинча, шўро ҳукумати даврида рус ва европа адабиётидан таржима ишлари кучайиб, Шарқ ва қардош ҳалқлар адабиётидан таржималар деярли амалга оширилмади.

4. XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмидан 1991 йилгача – форс-тожик адабиётидан таржиманинг кучайиши ва маҳсус режа асосида олиб борилиши. бунинг натижасида форсий шеъриятнинг асосий қисми ўзбек тилига ўгирилди ва ҳалқимизнинг маънавий мулкига айланди.

5. Мустакиллик даври – бу даврда соҳа тараккиёти ўзининг янги босқичига кирди: илгари номи қораланган, асарлари тақиқланган кўплаб забардаст сўз усталарининг нафакат Шарқ, балки жаҳон адабиётининг дурданалари бўлмиш кўплаб шеъру достонлари таржима қилинди. Илгари кискартирилиб, ўзгартириб, бармоқ вазнига солиб таржима килинган кичик лирик жанрдаги кўплаб шеърларнинг қайта таржималари пайдо бўлди. Таржимонлар сафи кенгайиб, кўпдан-кўп янги таржималар амалга оширилди ва бу жараён шиддат билан давом этмоқда.

Дунёни ҳайратга солган форсий сўз санъатини ўқымаслик, ундан балоғат сирларини ўрганмаслик, айниқса, Абулкосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби ҳассос шоирларнинг юксак бадиий маҳорат билан йўғрилган дурдана асарларидан таъсирилмаслик мумкин эмас. Биз учун форсий адабиётни тадқиқ этиш ва унинг мумтоз намуналарини таржима қилиб, ҳалқимизга етказиш уч жиҳатдан муҳим: биринчидан, форсий ва туркий адабиёт асрлар давомида ўзаро ҳамкорлиқда ривожланган; иккинчидан, форсий адабиётнинг туркий адабиётга таъсири бекиёски, ундан кўз юмиш мумкин эмас; учинчидан, биз форсий адабиётни ўқир эканмиз, айни пайтда, жаҳон сўз санъатининг дурданаларидан баҳраманд бўламиз.

1.2. ФОРСИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎЗБЕК ТАРЖИМОНЛАРИ

Бирор-бир миллий адабиёт факат оригинал асарлардан иборат эмас, унинг катта қисмини таржима асарлар ташкил этади. Кўп холларда эса ватан адабиёти ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпи таржима асарлар ҳиссасига тўғри келади. Оригинал адабиётни шоир-ёзувчилар яратсалар, таржима адабиёт ижодкорлари таржимонлардир. Бинобарин, миллий адабиётларни бойитиш ва юксалтиришда

захматкаш таржимонларнинг хизматлари бекиёс. Шунинг учун хам А.С.Пушкин уларга маърифатнинг юкчи отлари деб баҳо берган эди.

Маълумки, Шарқ – шеърият ватани. Шеърият бўлганда хам ўзининг мўъжиза даражасидаги юксак бадиияти билан минг-минг йиллардан бўён жаҳон илму адаб ахлиниң ҳайрати ва таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда. Бу шеъриятнинг юраги эса – форсий шеърият. Форсий шеъриятнинг Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Ҳаким Саноий, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абдулкодир Бедил, Мирзо Ғолиб каби соҳир сўз санъаткорлари нафакат Шарқ, балки Ғарб адабиётига хам кучли таъсир ўтказганлар. Буюк немис шоири ва мутафаккири И.В.Гёте форслар факат еттига шоирни зўр деб тан оладилар, ҳолбуки, бу еттилика кирмаганлар ичida хам мендан кучлилари кўп деб лутф этган эди. У Ҳофиз таъсирида “Ғарбу Шарқ девони”ни яратгани маълум. Фақат Гёте эмас, Вольтер, Лафонтен, Ҳайнрих Ҳейне, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, А.Фет каби Европа ва рус шеъриятининг кўплаб забардаст намояндалари ижодини Шарқ адабиёти таъсиридан айри тасаввур килиб бўлмайди. Чунки Ғарбда Шарқ сўз санъатига қизикиш XVI-XVII асрларда бошланиб, XVIII-XIX асрларда ўзининг авж нуктасига кўтарилган. ҳусусан, Хайём, Саъдий, Ҳофиз ижоди Ғарб қалам ахлига кучли таъсир ўтказган.

Муazzам форсий шеъриятнинг дурдона асарлари ўзбек халқининг хам маънавий мулкига айланган. Асрлар оша улар халқнинг маънавиятини бойитиб, эстетик дидини ўстириб, шоирлар учун эса маҳорат мактаби, илҳом ва таъсир манбани бўлиб келмоқда. Бунинг учун заҳматкаш таржимонларнинг машаққатли меҳнатларини фахру ифтихор билан тилга олиб, уларни муносиб баҳолашимиз керак.

Форсий шеъриятнинг шаклан гўзал, мазмунан теран асарларидан халқни баҳраманд этиш ва ватан адабиёти хазинасини бойитишида Кутб Ҳоразмий, Сайфи Саройи, Алишер Навоий, Мухаммадизо Оғаҳий, Ҳуршид, Муинзода, Васфий. Тўхтасин Жалолов, Ғафур Ғулом, Назармат, Чустий, Шоислом Шомухамедов, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Жамол Камол, Олимжон Бўриев, Матназар Абдулҳаким, Аскар Махкам, Самандар Воҳидов, Жонибек Сувонқулов, Эргашиб Очилов каби кўпдан-кўп таржимонларнинг катта хиссаси бор.

Ҳар бир таржимоннинг таржима ҳақида ўз караши, аслиятга ўз ёндашув усули, ўзига хос таржима қилиш принциплари мавжуд. Бир

таржимон таржима жараёнида қўллаган самарали усуллар кейинги таржимонлар томонидан ўзлаштирилади ва ривожлантирилади, такомиллашиб, қагъий коидага айланади. Турли таржимонлар қўллаган ана шундай усуллар ва принциплар асрлар давомида йигила бориб, таржима ҳакидаги қонун-қоидалар мажмuinи ташкил этган, бу қонун-қоидалар асосида эса таржима назарияси шаклланган.

“Таржима назариясининг вазифаси – асл нусха билан таржима ўргасидаги нисбатнинг қонуниятларини кузатишдан, алохида, хусусий характердаги таржима кодисаларидан туғилган хulosаларни илмий маълумотлар асосида умумлаштиришдан ҳамда таржимачилик амалиётига бивосита таъсир ўтказиш, унинг сифатини яхшилашга кўмаклашишдан иборат. Таржима амалиёти макбул ифода воситаларини топиш ҳамда муайян конкрет таржима масалаларини ҳал қилишда муқобили модель, коида, далил ва исботларни таржима назариясидан олади”¹.

Ўзбекистонда таржима назарияси XX асрнинг 20-30 йилларида шаклана бошлаб, 50-60 йилларда мустакил фан макомини олган бўлса ҳам, “таржимачилик амалиёти минг йиллик тарихга эга”². Таржима ҳакидаги дастлабки фикрлар ҳам илк таржималар билан бирга пайдо бўлган. Гап шундаки, таржимонлар ўз таржималарининг муқаддимасида таржима қилишга унданган омилларни қўрсатиб, аслиятга ёндашиш усулларини баён этганлар, таржима жараёнида қандай принципларни қўллаганлари ҳакида маълумот бериб, унинг сабабларини асослаганлар, асар ва таржима ҳакидаги ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Бошкacha айтганда, таржимашунос вазифасини ҳам таржимонлар бажариб, таржима назариясининг тамал тошини кўйганлар.

Албатта, адекват таржима ҳозирги реалистик таржимашунослик маҳсули. Ўтмишда асосан эркин ва ижодий таржима, қўпинча уларнинг ўзаро омухта шакли амалда бўлган, яъни бир вактнинг ўзида ҳам эркин, ҳам ижодий таржима принциплари амал киlgан. Баъзан мутлақо эркин таржималар ҳам учраб туради. Бунинг сабаби таржимага оригинал асар сифатида карапланган. Аслида бу бир жиҳатдан тўғри ҳам. Чунки таржима бир тилда яратилган бадиий воқеликни қандай бўлса шундайлигича иккинчи тил воситалари билан қайтадан яратишдан иборат. Асарнинг сюжети, гояси, мазмuni, бадиий

¹ Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. 149-150-бетлар.

² Ўша асар. 150-бет.

санъатлари, кисқаси, бирор унсурига дахл килинмайди. Бунда таржимоннинг бутун ижодий маҳорати тил соҳасида бўлади – таржима килинаётган тил хазинасидан мувофик сўзларни заргарона танлаб, бадиий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланиб, таржимани ҳам аслига мувофик равон, жарангдор ва таъсирчан тарзда бўлишига, ватан адабиёти ҳодисасига айланishiiga ҳаракат килади.

Реалистик таржима назарияси ҳали яратилмаган ўтмишда эса таржимонлар таржимага соғ ижодий иш, бир асар асосида янги асар яратиш деб караганлар ва шунга мувофик асар сюжетига ҳам, мазмунига ҳам, шаклига ҳам, ҳажмига ҳам муайян ўзгартиришлар киригтанлар. Лекин бу ўзгартириш ҳар бир таржимонда унинг эстетик принципларидан келиб чиккан ҳолда ҳар хил даражада бўлган. Баъзида асар мазмунини ўзлаштириб олиб, бошка тилда уни ўз сўзлари билан қайтадан ёзib чикиш тажрибаси ҳам учрайди. Лекин, энг муҳими, асарнинг умумий мазмунига дахл қилинмаган. Масалан, Кутб Хоразмий Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достони таржимасида асарни бирмунча ихчамлаган – айрим бобларни қисқартирган, баъзиларини бир-бирига кўшиб юборган, айни пайтда янги боблар кириганига қарамай, асарнинг сюжет йўналиши, композицион курилишини аслига мувофик қайта яратган.

Кутб қўллаган таржима принциплари ўзидан кейинги барча таржимонлар учун коида, унинг маҳорат кирралари ўзига хос ижодий мактаб бўлишга муносаб. Бунинг учун достон таржимасини аслиятга қиёсан ҳар томонлама кенг ва чукур ўрганиш ва Кутб тажрибаларини оммалаштириш зарур. Хусусан, форсий шеъриятдан таржима киладиган таржимонлар учун буюк салафидан ўрганишга лойик жихатлар мавжуд. Улардан энг муҳими, Кутб ҳозирги аксар таржимонлар каби аслиятнинг таркибий тузилиши, кофия тизими, ибора-изофалари ва сўзларини иложи борича ўзидай колдириш йўлидан бормайди, аксинча, байтлар мазмунини чукур ўзлаштириб, кейин уларни соғ ўзбекча сўзлар билан қайта ифодалайди. Натижада унинг таржимаси ҳам аслиятга мувофик, ҳам соғ ўзбекча жаранглаб чиқади – равон ва таъсирчан. Бизнинг ҳозирги таржимонлар эса бугунги ўкувчига тушунарли-тушунарсиз эканлигидан қатъи назар, аввало, форсий кофияларни айнан саклаб колиши пайдан бўладилар – янги қофиялар топиш машақкатидан кочадилар, чунки кофия алмашса, байтнинг таркибий тузилиши ҳам ўзгаради-да. Кейин форсий сўз ва ибораларни, ҳатто изофаларгача айнан саклаб колишига ҳаракат килади – изланиш захматига бўйинлари ёр бермайди. Айни жихатдан уларнинг баъзи таржималари ҳатто табдилга ўхшаб кетади.

Чунки уларнинг таржималарида ижодий ёндашув етишмайди, зарур сўзларни излаб топишга тоқатлари йўқ. Нуқул ўзларига енгил йўл кидирадилар. Ўқувчининг қабул килиш даражаси хисобга олинмайди. Бу борада Кутб таржимаси таржима заҳматидан ҳам сабоқ беради. Унинг таржимаси таржиманинг ижодий иш эканлиги, унинг устида таржимон ҳам муаллиф каби тер тўкниши кераклигининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат килади.

Кутб ўз таржимасида адабий тил ҳазинасидан кўп маъноли, гўзал ва таъсирчан сўзларни чертиб танлабгина қолмай, ҳалқ жонли тилига мансуб, ҳатто шева сўзларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Бу билан у таржимонларни сўз устида қандай ишлашга ҳам ўргатади.

Кутбнинг юксак шоирлик салоҳияти, машаққатли меҳнати ва маҳоратининг маҳсули бўлган “Хусрав ва Ширин” достони аслияятга мувофиқ бўлибгина қолмай, ўзбек тилида ҳам жаранглаб чиккан. Энг муҳими, ватан адабиёти ҳодисасига айланаб, миллий адабиётимизнинг олтин фондидан жой олган.

Сайфи Саройи ҳам ўзбек ўқувчиларининг талаб ва эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда “Гулистон”ни қипчок лаҳжасида, ҳалққа тушунарли содда тилда таржима қиласди. У ҳам таржимани оригинал ижод хисоблаб, бор маҳоратини ишга солади. Факат унда эркинлик даражаси бир кадар юкори бўлиб, гоҳ мисра орттиради. Гоҳ ўзидан қўшади, гоҳ насрый хикматларни шеърга солади. Лекин у ҳам таржимага ўз асаридай муносабатда бўлиши, сўз устида заргар каби заҳмат чекиши, таржиманинг бошқа тилда ҳам ўша ҳалқ адабиёти намунаси каби жаранглаши ва севиб ўқилишига интилгани ва бунинг уддасидан чиқканлиги билан ўзидан кейинги таржимонлар учун ибрат бўлади.

Оғаҳий – бадиий таржима тарихида фавкулодда ҳодиса ҳисобланади. Ўзи ҳам улкан сўз санъаткори бўлганлигидан у таржимага катта масъулият билан ёндашади. Тўғри, у ҳам баъзи кискартириш ва ўзгартиришларни амалга оширган, лекин улар чўзилиб кетган ёки такрор ўринларга тегишли бўлиб, асарнинг яхлит бутунлигига таъсир кўрсатмаган. У, асосан, ўз таржимасининг аслияятга ҳар жиҳатдан мувофиқ бўлишига интилган. Жумладан, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо” достони таржимасига илова қилинган асарнинг таржима қилиниши сабаби ҳақидаги фаслда ўзининг асл нусхага қандай муносабатда бўлганлиги хусусида шундай ёзади:

2020/63 111	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------	----------------------------------------------

Хар на сўздин килибдуур таҳрир.
Байт-бар байт айладим тақрир.
Хар сўзким дедим, онинг сўзиidor.
Мен демайким, деган онинг ўзиidor.
Гўиё мен аниг тилидурмен.
Тутғали хомани алидурмен¹.

Оғаҳийнинг таржимонлик маҳорати таникли таржимашунос олим Нажмиддин Комилов томонидан ўрганилган. Лекин унинг аслиятга ёндашиш усуслари, таржима жараёнида қўллаган принциплари, сўз устила ишлаш маҳорати ва бошқаларни янада кенгрок текшириш ва уларни бадиий таржима амалиётига татбик этиш лозим.

Таржимашуносликда таржима концепцияси деган тушунча мавжуд. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир таржимоннинг аслиятга ўз ёндашув усули, уни таржима килишдан кўзлаган муайян максади, ўзига хос таржима принциплари бўлади. Бугина эмас. Таржиманинг қандай ўкувчига мўлжаллаб амалга оширилганлиги ҳам муҳим. Таржимага баҳо берганда бу омилтарнинг барчаси ҳисобга олиниши керак. Айтайлик, Мулло Муродхўжа қаламига мансуб “Гулистон” таржимаси гоҳ ижобий баҳоланди, гоҳ танқид килинди. Бунинг асосий сабаби таржима концепциясини ҳисобга олмасликдан. Бадиий таржима мезони билан ўлчаганда бу таржима чиндан ҳам у кадар баланд эмас. Лекин у мадраса талабаларининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўкув максадларида амалга оширилган. Шунга мувофиқ сўзмас-сўз таржима принципи асос килиб олинган, аслият билан таржима ёнма-ён берилган, мураккаб, тушунилиши қўйин сўз ва атамаларга таржима ҳошиясида изоҳ берилган. Бундан ташкари, у “Гулистон”нинг ягона тўлиқ таржимаси эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади: унгача ҳам, ундан кейин ҳам амалга оширилган таржималарнинг барчасида муайян кискартириш ва ўзгартиришларга йўл кўйилган. Демак, у аслиятга мувофиқлиги билан ҳам илмий кимматга эга. Таржимага холис ва ҳакконий баҳо бериш учун айни жиҳатларнинг барчаси ҳисобга олиниши керак.

Бошқа таржимонлар ижодида ҳам ўрганса, ибрат олса бўладиган жиҳатлар оз эмас. Айтайлик, Ҳофиз ғазаллари таржимаси мисолида Хуршид таржимада аслият руҳига кириш, муаллиф услубини саклаш, асарнинг ўзига хос ички мусикаси ва оҳангини етказишнинг гўзал намуналарини кўрсатибгина қолмай, форсий ва туркий адабиётнинг

¹ Бу ҳақда қаранг: Ко м и л о в Н. Бу қадимий санъат. 81-82-бетлар.

муштарак анъаналари ва умумий жиҳатлари асосида асрлар мобайнида қарор топган вазн. кофия, радиф, мавзулар олами, образлар кўлами, ҳар икки тилда мавжуд сўз ва иборалардан самарали фойдаланиш имкониятларига эътибор қаратди ва унинг таржима муваффакиятини таъминлаш йўлидаги имкониятларини ўз таржималари мисолида кўрсатиб берди.

Ғафур Ғулом, Муинзода, Васфий, Чустий, Жамол Камол каби таржимонларнинг ҳам аслиятнинг таржимада жаранглаб чикиши йўлида кўрсатган маҳоратлари, кўллаган тажриба ва усуллари таҳсинга сазовордир.

Форсий адабиётнинг билимдон тадқиқотчиси ва забардаст таржимони Шоислом Шомухамедовнинг таржимонлик фаолияти форсийдан ўзбекча шеърий таржимагина эмас, умуман, бадиий таржима тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Ижодида арунда амалга оширилган таржималар ҳам оз бўлмаса-да, у мумтоз шеърият намуналарини бармоқ вазнида таржима қилишнинг ўзига хос мактабини яратди. Ҳусусан, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Бедил рубоийлари, Абу Абдулло Рудакий, Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий ҳикматлари таржимаси мисолида у маъно таржимасининг бетакрор дурдоналарини яратди. Диссертацион тадқиқотлар, монографияларнинг алоҳида боб ва фасллари, макола ва тақризларда устоз мутаржим таржимонлик фаолиятининг баъзи қирралари ўрганилган, у амалга оширган ўёки бу асар таржимаси ҳусусида фикр юритилган бўлса-да, унинг бой ва ранг-баранг таржима мероси яхлит монографик тадқиқот доирасида тадқиқ этилиши керак.

Таржима тарихи турли даврларда яшаб ижод этган таржимонлар фаолиятига асосланishi, таржима назариясини эса уларнинг таржима жараёнида кўллаган ранг-баранг тажрибалари ва улардан келиб чикадиган усуллар, кондадар, принциплар ташкил этиши, умуман, таржима амалиётида таржимонлар асосий ўрин тутишлари, бинобарин, улар ижодини ҳар томонлама кенг ва чукур тадқиқ этиш лозимлиги жиҳатидан ушбу фаслда таржимон омилига эътибор қаратдик.

II БОБ

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА МУРАККАБЛИКЛАРИ

Таржима тарихини текширишнинг йўл ва усуллари кўп: уни турли даврлар, ранг-баранг таржима мактаблари, асосий тамойиллар ва етакчи анъаналар, асарлар таржимаси, таржимонлар фаолияти каби йўналишлар бўйича ўрганиш мумкин. Биз эса бу борада ўзига хос йўл тутдик – форсий сўз санъати забардаст намояндалари асарларининг халқимиз орасига кириб келиши, бу асарларнинг турли даврлардаги таржималари ва уларни амалга оширган таржимонлар, мумтоз ва замонавий таржима принциплари, таржималарнинг ютуқ ва камчиликлари, кайта таржима ва унинг зарурияти, таржимада мазмун ва шакл бирлигини саклаш сингари муаммолар нуктаи назаридан текширишни маъкул кўрдик.

Айтайлик, Низомий Ганжавий асарлари таржимасининг ўзи кариб етти юз йиллик тарихни ўз ичига олади. Улар гоҳ эркин, гоҳ насрий, гоҳ аruz, гоҳ бармоқда, гоҳ тўлиқ, гоҳ кискартириб таржима қилинган. Шунингдек, шоир ижодининг ўзбек адабиётига таъсири хусусида фикр эритиш, Ҳайдар Хоразмий каламига мансуб “Гулшан ул-асрор” “Махзан ул-асрор”нинг таржимаси бўлмай, балки унинг таъсирида яратилган оригинал достон эканлигини асослаш баҳона бадиий таржималарнинг адабий алоқалар ривожидаги ўрни каби масалаларга ҳам у ёки бу даражада тўхталиб ўтдик. Зоро, адабий алоқа, бадиий таржима ва ўзаро таъсир яхлит ҳодисанинг турли кўринишлари бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

2.1. РУДАКИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛҚИНЛАРИ

Форсий шеъриятнинг тамал тошини кўйган Абу Абдулло Рудакий шеърлари нихоятда халқчиллиги, теран ҳаётий ҳақиқатлар, фалсафий фикрларни барчага тушунарли, содда бир тарзда акс эттириши, енгил ва равон услуби, мусикий оҳанги, ҳассос рухи, самимияти билан ажralиб туради. Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте бадиий ижод жараёнини уч босқичга бўлган эди: соддалиқ, мураккаблик ва яна соддалиқ. Кейинги соддалиқ бу ҳаётний тажриба, чукур билим, кенг дунёкараш, донишмандлик, ҳикмат омухта қилинган буюк соддалиқ бўлиб. унга унча-мунча шоир этишолмайди: Рудакий шеърларидағи соддаликини худди ана шу

соддалика ўхшатиш мүмкин. Зеро, бир караңда содда ва тушунарлы күринган бу шеърлар катта ҳаёт ҳақиқати, теран фалсафий фикрни ўзида омухта этган. Шунинг учун ҳам Рудакийга эргашганлар күп бўлган, лекин ким ким унга ўхшатиб ёзолмаган. Ҳақиқатан ҳам, Рудакийнинг чуқур маъноли ва қўйма байтларига тенг келадиган мисралар ижод килиш кийин.

Бу байтлар ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган катта тажриба эгаси, ўз замонасининг ҳамма билимларини эгаллаган комусий атлома, сўз санъатида етук маҳорат хосил қилган бекиёс истеъдод сохиби бўлган улкан ва ҳассос қалб қаъридан кайнаб чикан қўйма ҳикматлардир.

Бу байтлар таржима воситасида ўзбек ўқувчилари орасида ҳам машҳур бўлиб кетган: бирор тўй-маросим, давра ёки йигилиш йўқки, улар ўқилмаса!

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,

Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Чуқур билим, кенг дунёкараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган мутафаккир шоир тирикликнинг мазмун-моҳиятини ўзида жамлаган теран ҳикматни ҳалк маколи даражасида юксак бадиий маҳорат билан икки мисра қатига жо қилган. Форс-тожик адабиётининг билимдони, забардаст мутаржим Мунирхон Муинзода ҳам бутун билими, тажрибаси ва маҳоратини ишга солиб, улут сўз санъаткорининг бу шоҳбайтини аслига мувоғиқ жаранглата олган – ўзбекчада ҳам гўзал ва таъсирчан чикканлигидан у, мана ярим асрдирки, ўқувчилар тилидан тушмай келади. Бу самимий ва ҳаётий мисралар кириб бормаган ўзбек хонадони. уларни ёд билмайдиган ўзбек топилтмайди. десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ҳар бир киши дилининг туби, тилининг учиди турган фикрни ўзида ифодалаган бу ҳаққоний мисралар дўстлараро ёзишмалар, хотира ва ён дафтарларнинг сарнакшига айланган.

Таржиманинг аслиятга қанчалик қойилмақомлигини кўрсатиш учун устод шоир байтини келтириб ўтишнинг ўзи кифоя:

Хеч шоди нест андар ин жаҳон,

Бартар аз дидори рӯи дўстон.

Мазмуни: “Бу дунёда дўстлар билан дийдор кўришишдан ҳам ортиқ шодлик йўқ”.

Бу мазмунни мутаржим бир кадар бошқача – жаҳоннинг бутун шодлиги бир ерга жам бўлса ҳам, у дўстлар дийдоридан устун

бўултмайди тарзида ифодалаб, ҳам шоир фикрини янада ёркинрок очишга эришган, ҳам соғ ўзбекча шеърий ҳикмат яратишга муваффақ бўлган.

Бадиий таржиманинг антиномияларидан бири шундаки, таржимон матнга қанчалик ёпишиб олса, уни сўзма-сўз таржима қилишга уринса, аслиятдан шунчалик узоқлашади, аксинча, матндан бир қадар чекиниб, унга ижодий ёндашса, муллифнинг сўзини эмас, фикрини укишга, асарнинг зохирий маъносини эмас, балки ботиний мазмунини акс эттиришга интилса, аслиятга шунча яқинлашади, гўзал ва мукаммал таржима яратади. Чунончи, келтирилган байтни:

Бу дунёда ҳеч бир шодлик йўқ
Дўстлар дийдорини кўришдан ортиқ, –

тарзида сўзма-сўз. айнан таржима қилиш ҳам мумкин. Лекин бунда байтнинг бадиияти анча сусайди, шунга яраша таъсири ҳам камаяди.

Таржимон фақат аслият мазмунини беришнигина эмас, балки унинг бадиий гўзалигини ҳам қайта яратишни, асарнинг таъсир кучини ҳам сақлаб қолиши ва таржиманинг ҳам аслият каби жараглаб чиқиши, бошқа заминда гуллаб мева берган ниҳол каби ўзга тилда ҳам аслий тароватини кўз-кўз қилиши, таржима ўкувчинининг ҳам шуурини тўлқинлантириб, кўнглидан жой олишига эришиши керакки, бунга фақат катта маҳорат билан амалга оширилган ижодий таржима орқали етишилади ва Муинзода таржимаси бунинг ёркин намунаси.

Худди шундай фикрларни буюк сўз санъаткорининг қуйидаги байти ҳақида ҳам айтиш мумкин:

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Бу ҳам Рудакийнинг ўзбек ҳалқи орасидап машхур, кўплаб илм даргоҳлари. тарбия масканларининг пештоқига ёзиб қўйилган чукур маъноли ҳикматларидан. Бу байт таржимасида ҳам моҳир мутаржим маҳорат кўрсатган – унинг асли қуйидагича жараглайди:

Ҳар ки н-омӯхт аз гузашти рўзгор
Низ н-омӯзад зи ҳеч омӯзгор.

Бунда аслиятдаги сўзлар деярли ўзгаришсиз таржимага ҳам кўчган: “хар ки” – “ҳар киши” н-омўхт” – “олмаса таълим”, “аз гузашти рўзгор” – “ҳаётдан”, “зи ҳеч” – “ҳеч бир”, “омўзгор” – “муаллим”. Бу ерда факат жузъий ўзгартиришларгагина йўл кўйилган: “н-омўхт” – “ўрганмаса” сўзи вазн талабига кўра “олмаса таълим” тарзида икки сўз билан, таржима килинган бўлса, “аз гузашти рўзгор” сўз бирикмаси, аксинча, бир сўз билан таржима килинади – “ҳаётдан”. Бу иборанинг маъноси даврнинг айланиши, замоннинг кечиши, фалакнинг ўзгариши, ҳодисаларнинг юз бериши каби бир неча маъноларга эга бўлса-да, бир бутун олганда, ҳаёт, тириклиқ, тақдир деган маънони беради ва бунда уни “ҳаётдан” сўзи билан бериш оркали таржимон тўғри йўл тутган. Факат фикрнинг колипи салгина ўзгартирилган: “Кимки ҳаётдан ўрганмаса, ҳеч бир муаллимдан ҳам ўрганолмайди” деган фикр “Кимки ҳаётдан таълим олмаса, унга ҳеч бир муаллим ўргатолмайди” тарзида берилган: “ўрганолмас” – “ўргатолмас”га айланган.

Маълумки, сўз ургуси ва маъно ургуси бор. Агар ургу сўзга тушса, уни албатта таржимада ҳам акс эттириш керак, лекин максад маъно бўлса, уни аслига хос ва мос акс эттириш йўли изланади. Мазкур байт таржимасида ҳам шундай йўл тутилган: ҳаётдан ўрганмаган киши ҳеч бир устоздан ҳам ўрганолмайди деган фикр жузъий тафовут билан ҳаётдан таълим олмаган кишига ҳеч бир муаллим ўргатолмайди деб берилган ва у аслиятга зид эмас, аксинча, таржимада янги кирралари билан намоён бўлган ва, энг муҳими, ўзга тилда ҳам теран мазмуни, бадиий баркамоллиги ва эстетик таъсири кучини саклаб қолиб, муваффакият билан ўзининг янги ҳаётини бошлаган. Таржимоннинг маҳорати ҳам, таржиманинг муваффакияти ҳам шунда.

Таржимада асарнинг нафакат ғоявий мазмуни, балки эстетик маъносини ҳам қайта яратишга эришиш талаб килинади. Асарнинг ғоявий мазмуни унда ифодаланган фикр бўлса, эстетик маъноси унинг ўқувчидаги туғдирадиган кайфияти, унга ўтказадиган таъсири, бағишлийдиган завқи. Бинобарин, таржимада асарнинг мазмуни бошқа тилга кўчса-ю, эстетик маъноси сакланмаса, таржима муваффакиятсиз чиқади, таржимон ўз максадига эришмаган бўлади. Бундай таржима ўзга тил ўқувчилари қалбидан жой олмайди, ватан адабиёти ҳодисасига айланмайди.

Ҳакикат киёсда очилади деганларидек, мазкур таржиманинг ҳам қанчалик муваффакият билан амалга оширилганини баҳолаш учун

уни айни байтнинг Шоислом Шомуҳамедов таржимасидаги намунаси билан қиёслаш кифоя:

Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч кандай устод.

Албатта, бу таржима ҳам аслиятни ўзида тўлиқ акс этиради. Лекин бу ерда умумлашма маънони билдирувчи “ҳар ким”, (“ҳар киши”) сўз бирикмасининг тушиб қолиши натижасида шахс номаълум бўлиб қолган ва байтнинг таржимада бир қадар мавжуд ва гализ чикишига сабаб бўлган. Бунинг устига, унда бир қадар китобийлик мавжуд.

Рудакий шеърлари биринчи марта таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан 1957 йили Шоислом Шомуҳамедов сўзбошиси билан Муинзода, Гафур Гулом ва Алибек Рустамовлар таржимасида чоп этилган эди. “Рудакий” деб номланган бу мўъжаз тўпламдан ўрин олган шоирнинг “Қарилнқдан шикоят” қасидасини Гафур Гулом, икки ғазалини Алибек Рустамов таржима килган бўлиб, қолган барча шеърлари Муинзода таржимасида берилган.

Муинзоданинг ютуғи шундаки, у шоир асарларини асосан ўз арузий вазнида ўзбекчалаштирган эди. Чунончи, қуйидаги рубойи ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл (иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл) вазнида ёзилган бўлиб, мутаржим уни ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазни билан таржима қилган:

Бо он, ки дилам аз ғами ҳажрат хун аст,
Шоди ба ғами туам зи ғам афзун аст.
Андеша кунам ҳар шабу гўям: “Ё Rab,
Ҳижрон-ш чунин аст, висолаш чун аст?!”

Ҳажринг ғамида агарчи бағримидир кон,
Лекин бу ғаминг билан эрурман шодон.
Ҳижрони шу бўлса, васли қандайдир деб.
Ўйлаб чиқаман кечалар ўлиб ҳайрон.

Бу изланишлари мұваффакиятли чиққанига қарамай, негадир, мутаржим шоир рубоийларини бармоқ вазнида таржима қилишга кўпроқ майл кўрсатади. Ҳолбуки, бармоқ вазнида ўтирилганда бу рубоийлар ўзининг аслиятга хос жарангдорлиги ва жозибасини

йўқотади. Мисол тарикасида, айни рубоийнинг Шоислом Шомуҳамедов томонидан бармоқда қилинган таржимасини келтириб ўтиш мумкин:

Ҳажринг ғамидан гарчи бағрим қон,
Лекин бу ғамдан эрурман шодон.
Ҳажри шу бўлса, васли қандай деб,
Ўйлаб чикаман кечалар ҳайрон.

Кўриниб турибдики, Муинзода Рудакий рубоийсини ўзининг анъянавий вазнида таржима қилиш билан шакл талабини кондирган, маъносини аслиятга мувофик ўгириш билан мазмун шартини ҳам бажарган ва аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мувофик таржима яратган бўлса, Шоислом Шомуҳамедов рубоий мазмунини аслига мос таржима қылган бўлса-да, шаклини курбон қилган. Натижада, унинг таржимаси мазмунан аслиятга мос келса-да, шаклан ундан фарқ қиласди.

Ўзбекнинг донишманд шоири Fafur Fулом “Қариликдан шикоят” қасидасини ижодий ёндашган ҳолда катта маҳорат билан таржима қиласди. У устод шоир фикрларини ярк этиб очадиган, қасиданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласдиган баъзи сўзлар ва образли ибораларни ҳам заргарона нозик дид ва усталик билан мисралар қатига жо этиб юборади. Мисол:

Жаҳон ҳамеша чунин аст, гирдгардон аст,
Ҳамеша то бувад, оин-ш гирдгардон аст.

Рудакийнинг жаҳон ҳамиша ҳозиргига ўхшаб бир доирада айланиб келган ва то мавжуд экан, бундан кейин ҳам бир доира бўйлаб айланаверади деган фалсафий ҳикматини Fafur Fулом халкона бир ташбех билан бойитади – айланувчи жаҳонни кўз соқкасига ўхшатади:

Кўзингни соққасидек айланиб турувчи жаҳон
Ҳамиша айланади, ҳамма вакт гардон эди.

Таржимашуносликда компенсация деган тушунча бор. Бунинг маъноси шуки, таржимон таржима жараёнида курбон берилган бир тилга хос бўлиб, иккинчи тилга кўчириш жуда кийин бўлган кўп

маъноли сўз, ибора ёки баъдий санъатларнинг ўрнини бошқа бирор нарса билан тўлдиришга уринади, бошқача айтганда, товоң тўлайди.

Аслиятда “гирдгардон” сўзи иккى марта келиб, такрор санъатини ҳосил қилгани маълум. Бу сўзга ургу берилиши байтнинг таъсир кучини оширган. Лекин айни ўринда бу такрор ўзбек тилида ғализликка сабаб бўлиб, байтнинг таъсир кучини сусайтириб қўйниши ҳам мумкин эди. Қиёсланг:

Жаҳоннинг одати шу – ҳамиша айланади,
Чунки ҳамиша шундай, азалдан гардон эди.

Шунинг учун забардаст шоир ва мугаржим бу йўқотишнинг олдини олиб, жаҳонга кўзнинг соккаси сифатини беради ва такрор санъатини ташбех билан компенсация килади.

Бу ҳолни қасиданинг илк байти таржимасида ҳам кўрамай:
Маро бисуду фурӯ рехт ҳар чи дандон буд.
Набуд дандон, ло бал ҷароғи тобон буд.

Мазмуни: “Оғзимда қанча тиш бўлса, барчаси чириб, тўқилиб тушди. Ҳолбуки, бир пайтлар улар тиш эмас, бамисоли порлок чироқ эди”.

Рудакий тишлигини бир марта таърифлаб, бир пайтлар улар худди порлок чироқдек эди деса, Fafur Fулом таржимада яна бир ташбех орттиради – уларни дурри ғалтон – юмалоқ дурга ҳам ўхшатади:

Тишим бари тўқилиб кетди, дурри ғалтон эди,
Уларни тиш дема, балки ҷароғи тобон эди.

Fafur Fулом Рудакий қасидасининг таржима эканлиги билинмай, ўзбек тилида ҳам аслиятдагидай равон, тушунарли, жарангдор ва таъсирчан чиқиши учун жон куйдириб, таржима жараённида унинг умумий мазмунига дахл қилмайдиган баъзи ўзгаришларга йўл кўядики. Шеърий таржимада бусиз мумкин эмас (Ёмғирнинг марварид томчиларида ярқираган тишиларнинг тонгги Чўлпон юлдузидай порлок тишиларга айланиши, сулув канизакнинг халқона сўз билан татти канизак деб берилиши ва бошқалар шулар жумласидандир).

Муинзодадан кейин Рудакий шеърлари таржимаси ва нашри билан таникли олим ва моҳир мутаржим Шоислом Шомуҳамедов жиддий шуғулланди – у “Қарилидан шикоят” қасидаси ҳамда Муинзода ва А. Рустамовларнинг баъзи таржималаридан ташкари, улуғ шоирнинг тожик олимлари топиб эълон килган адабий меросини тўлалигича қайтадан таржима қилиб чиқди. Лекин у Рудакийнинг

бир-икки ғазалини ҳисобга олмаганда, барча шеърларини замонавийлаштириб, бармоқ вазнида ўгиради. Албатта, бу таржимон ижодида ҳам муваффакият билан таржима қилинган намуналар бир талай. Хусусан, шоирнинг кўплаб ҳикматли байтлари унинг таржимасида ҳам жаранглаб чиқсан. Чунончи:

Маялфанж душман, ки душман яке,
Фузун аст, дўст ар ҳазор андаке.

Душман кўплик килар битта бўлса ҳам,
Дўстинг юз бўлса-да, минг бўлса-да кам.

Албатга, бу ерда таржимон матнни бир қадар эркин талқин қилган. Лекин душман битта бўлса ҳам кўп, дўст мингта бўлса ҳам оз деган ҳикматона мазмунни ўзбекчада ҳам жаранглатиб чиқара олган.

Маълумки, Рудакий услубини адабиётшунослар саҳли мумтанеъ деб белгилаганлар. Бунинг маъноси: осону лекин мумкин эмас. Чиндан ҳам шоир шеърлари бир қарашда оддий ва сода кўринса-да, унга ўхшатиб ёзиш осон эмас. Бу шеърларни бошқа тилга таржима килиш эса ундан-да кийин. Масалан, унга фавкулодда шухрат келтирган “Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме” мисраси билан бошланадиган ғазалига 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Рудакий даражасига кўтариоломаган. Қизиги шундаки, мазкур ғазал Алибек Рустамов, Сулаймон Раҳмон ва Самандар Воҳидовлар томонидан уч марта ўзбекчага таржима қилинган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам аслиятга яқинлашолмаган.

Бу таржималар таҳлили алоҳида мақола бўлади. Фикрларимиз курук бўлмаслиги учун бу ерда ғазалнинг илк байти таржималари таҳлили билан кифояланамиз:

Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳруbon ояд ҳаме.

Мазмуни: “Мўлиён аригининг ҳиди, меҳрибон ёрнинг ёди келаяпти”.

Рудакий ғазали рамали мусаддаси маҳзуф вазнида яратилган бўлиб, ўзбекча таржималарнинг барчаси айни вазнда амалга оширилган.

А.Рустамов таржимаси:

Мўлиённинг бўйи бул ён келадир,
Меҳрибон ёди шул он келадир.

Таржимада аслият мазмуни тўғри акс этган бўлса-да, биринчидан, “келадир” радифи муваффакиятсиз танланган бўлиб, мисралар охирида оҳанг тушиб кетади, иккинчидан, “бул ён” ва “шул он” сўз бирикмалари вазн талабига кўра, шунчаки мисрани тўлдириш учун келтирилган – улар мазмунни кучайтириш ёки уни ёрқинроқ очишга хизмат килмагангина эмас, балки уни хиралаштирган, унга осилиб қолган: бундай ортиқча сўзлар таржимашуносликда “навбатчи сўзлар” деб юритилади ва зарурат туғилгандагина бъизда мисрани тўлдириш учун кўлланади. Энди Рудакийдай забардаст сўз санъаткори шеърида, бунинг устига, унинг хар бир сўз танлаб ишлатилган – шоирнинг мақсадига хизмат килмайдиган, бадиий вазифа бажармайдиган сўз кўлланмаган фавқулодда машхур бир газалида ва яна бир байтидаёқ 4 та ортиқча сўзнинг ишлатилишини кандай баҳолаш мумкин?!

Аслиятда байт 10 та сўздан иборат бўлиб, таржимада у 11 та сўз билан берилган. Шундан тўрттаси, демак, салкам 30 фоизи ортиқча.

С. Раҳмон таржимаси:

Мўлиён бўйи буён келмоқдадир,
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадир.

Бу таржимада “келмоқдадир” радифи яхши топилган – жарангли, оҳангдор. Шунга қарамай, гарчанд мазмунни тўла ифодаласа-да, биринчи мисрада оҳанг тушиб кетган, иккинчи мисра эса аслиятга қойилмақом. Бу ерда ҳам “буён” сўзи ортиқча.

С. Воҳидов таржимаси:

Мўлиённинг хуш хиди келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёри меҳрибон.

Бу таржимада радиф тушиб қолган, лекин у ифодалаган маъно мисралар катига сингдириб юборилган. Шундай бўлса-да, келтирилган таржималар ичida аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатида энг мувоғиги – шу.

Ўйлаймизки, бу ижодий мусобака ҳали давом этади ва ғазалнинг янгидан-янги таржималари яратилади.

Бухоролик мұмтоз шоирлар ижодидан тартиб берилған “Бухорийлар бүстони” түпнамига истеъдодли шоир ва таржимон Самандар Вохидов Рудакий ижодидан ҳам намуналар таржима қилип кирилган – у шоир ғазалларини арузда, панду ҳикматларини бармоқ вазнида таржима килған. Таржималар анча муваффакиятли чиқкан. Чунончи:

Шод зи бо сияхчашмон, шод,
Ки жаҳон нест жуз фасонаву бод.
З-омада шодмон бибояд буд,
В-аз гузашта накард бояд ёд.

Ўтказ умринг ул каро кўз бирла шод,
Ел каби ўткинчидир ёлғон ҳаёт.
Келгуси ҳар дам ила шодмон бўл,
Кечмишингни ўйлама ва қилма ёд.

Биз ҳам буюк сўз санъаткорининг мавжуд 37 та рубойисини жанр учун белгиланган анъанавий вазнда – ҳазаж баҳри тармокларида таржима қилиб, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Маданият ваколатхонаси нашри бўлган “Сино” журнали ва форс-тожик мұмтоз шоирлари рубоийлари таржимаси асосида тартиб берилған “Мұхабbat тароналари” ва “Минг бир рубоий” түпнамларида нашр этирганимиз. Бу ерда улардан бир мисол келтириш билан кифояланамиз. Чунончи, куйидаги рубоий ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи мажбуб (иккинчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб) вазнида яратилған бўлиб, биз уни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб вазнида таржима килдик (учинчи мисра – ҳазажи мусаммани макбузи солими абтар):

Бо дода қаноат куну бо дод бизи.
Дар банди такаллуф машав, озод бизи.
Дар бех зи худи назар макун. ғусса маҳӯр,
Дар кам зи худи назар куну шод бизи.

Кўн борига-ю Ҳакни этиб ёд яша!
Дил берма такаллуфга-ю озод яша!
Ғам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,
Сендан-да фақирларни кўриб, шод яша!

Бундан ташқари, биз шоирнинг пароканда байтларидан ҳам бир қатор намуналарини таржима қилдик ва Рудакийнинг ўзбек тилидаги сара таржималарини йигиб, Бобо Тохир дубайтийлари билан биргаликда “Шарқ” нашриёт-матбаа акционерлик компанияси орқали чоп этаётганимиз “Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари” руқнида нашрга тайёрладик. Бу нашр яқинда ўкувчилар кўлига етиб боради, деб умид қиласиз.

Маълум бўладики, Абу Абдулло Рудакий номи ва унинг асарлари ўзбек халки орасида ҳам машҳур. Улуғ шоир асарлари бир неча авлод таржимонлар томонидан қайта-қайта таржима қилиниб, турли талқинларда ўзбек ўкувчилари ҳукмига ҳавола этилган – улар Рудакийнинг муайян шеъри ёки байтининг бир неча таржима нусхалари орасидан ўзларига маъқулини танлаб ўқиш имкониятига эга. Лекин бу Рудакий асарлари тўлиқ таржима қилиниб, бу борадаги ишлар якунига етди. дегани эмас. Чунки Рудакийнинг барча асарлари ҳам бирдай муваффақият билан таржима қилинмаган, улар орасида устод шоир номи ва маҳоратига номуносиб бадиий жихатдан саёzlари ҳам, гоҳ шакл, гоҳ мазмун курбон берилгандар, баъзида эса шоирнинг фикри, асарнинг ғояси бузиб, нотўғри талқин килингандар, гоҳо фикр гализ ва мавхум ифодалангани, гоҳ тил ва услугуб жихатидан тушунарли ва равон чикмагандар ҳам анча-мунча. Баъзида шеър мазмуни таржимада тўғри берилса-да, эстетик маъноси қайта яратилмаган, кўпинча арузда яратилган бадиий баркамол намуналар бармокка солиб ўғирилиши натижасида таржималар аслиятга мазмунан мос бўлса-да, шаклан мувофиқ келмай қолган. Хусусан, “Қарилқдан шикоят” ва “Майнинг онаси” каби шоир маҳорати чўққиси бўлган икки касида анчайин бўш таржима қилинган. Бунга яна давр омилини ҳам кўшиш мумкин: илк таржималар бундан ярим аср муқаддам амалга оширилган эди. Бу орада авлодлар алмашди. Ўкувчиларнинг диди ва савияси ошди. Таржимачилик ривожланиб, ўзининг энг юкори чўққисига чиқди. Аслиятнинг дахлсизлиги таржиманинг давр ва тил нуктаи назаридан эскиришини ҳам назарда тутсак, янги авлод учун шоир асарларининг қайта таржималарига зарурат мавжудлиги аён бўлади. Зоро, буюк сўз санъаткорлари ижодига ҳар бир даврнинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади.

2.2. ТАРЖИМА САНЪАТИ ВА САНЪАТ ТАРЖИМАСИ

Дунёга донғи кетган кўплаб олиму адиларга бешик бўлган муқаддас ўзбек заминидан турли даврларда Амъак Бухорий, Сўзаний Самаркандий, Асириддин Ахсикатий, Сайфи Фарғоний, Бадриддин Чочий, Хожа Исмат Бухорий, Абдураҳмон Мушфикий, Шавкат Бухорий, Носир Бухорий, Мирзо Содик Мунший каби бир неча ўнлаб форсигўй шоирлар ҳам етишиб чикқанки, улар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима килиб, халқимизга етказиш ватан адабиётини янада бойитиш ва ривожлантиришга хизмат килиши шубҳасиз. Бу санъаткорлар даврасида ўз бадиий салоҳиятининг баландлиги билан Адид Собир Термизий алоҳида ўрин тутади.

Шахобиддин Собир ибн И smoил Термизий 1078 йили Термиз шаҳрида таваллуд топган. Кенг ва чукур билими туфайли Термизда расадхона бунёд этган хоким Абулқосим Али ибн Жаъфарнинг назарига тушиб, мазкур илм даргоҳида фаолият кўрсатади ва истеъдодли олим сифатида шуҳрат қозонади. Шеърларидан бирида Собирнинг ўзи ҳам астрономия ва математикада ҳеч ким унинг олдига тушолмаслигини эътироф этган эди (“Чунон ки ҳайъати таркиб устувори ман аст”)¹. Лекин жоҳил уламолар томонидан расадхона вайрон қилиниб, олимлар ҳар ёкка тарқалиб кетадилар. Абулқосим Али ҳисб этилади. Адид Собирни ҳам шиаликда айблаб, таъкиб қиладилар, ҳатто қисқа фурсат у камок азобини ҳам чекади. Бир неча муддатдан сўнг ҳалос бўлган Абулқосим Али Адид Собирни ҳам ўзи билан Нишопурга олиб кетади.

Адид Собирнинг шундан кейинги ҳаёти ҳукмдорлар саройи билан боғлиқ. У дастлаб Хурросон раиси номи билан машҳур Абулқосим Али дарборида хизмат қилади. Бу ерда у амал ва шоншуҳратнинг чўққисига кўтарилади. Лекин Баҳоуддин Накшбанд шуҳратда оғат бор, деганидек, Адид Собир ҳам тухматга учраб, саройдан четлатилади – тоғли Бадаҳшоннинг Рован номли мавзесига сургун этилади. Сўнг у ҳаж бахонасида Арабистоннинг катор шаҳарларини айланаб чиқади. Сафардан қайтгач, яна Абулқосим Али саройига йўл топади. Кўп ўтмай, Султон Санжар саройига даъват килинади.

Адид Собир Султон Санжар саройининг етакчи шоири бўлиш билан бирга, салжуқийлар салтанатининг сиёсий ҳаётида ҳам фаол

¹ Қаранг: А б д у л л о е в А. Адид Собири Термизий (Замон. ҳаёт ва эжодиёти ў). – Душанбе, 1969. С. 26.

иширок этган. Давлатшоҳ Самарқандий: “Собир Султон Санжар ва унинг аркони давлати олдида азиз ва муҳтарам эди”¹, – деб ёзди. 1143 йили Султон Санжар ўз салтанатига карши кайфиятга бўлган хоразмшоҳ Муҳаммад Отсизнинг хатти-харакатларидан хабардор бўлиб туриш учун уни Хоразмга элчи қилиб юборади. Элчи-шоир бу икки ҳукмдорнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш, улар ўртасида тинчлик-тотувликни сақлашда муҳим роль ўйнаган. Лекин хоразмшоҳнинг хоинона режаларига халакит бергани учун 1147 йили у жосусликда айбланиб, Амударёга чўқтирилган. Ўзининг шаҳид бўлишини олдиндан кўнгли сезган Адид Собир Отсизга йўллаган шеърларидан бирида уни бу ёвуз ниятидан воз кечишга даъват килган эди:

Не, макун, шоҳо, дарьёб, ки гар кушта шавам,
Барнаёд ҳама олам ба баҳои кафана².

Мазмуни: “Эй шоҳ, эхтиёт бўл ва ўйлаб иш тутки. агарда мен ўлдирилсан, кафаним баҳосига жумла олам етмайди!”

Маълумки, Шарқда фасоҳат ва балоғатда юксак мақомга эришган сўз усталаригагина “адиб” унвони берилган. Зеро, Адид Собир каби гўзал ва ҳассос шоир форсий адабиёт тарихида жуда оз ўтган. У ҳақда фикр билдирган илму адаб аҳли яқдиллик билан шоир ғазалларининг тили ширин ва услуби мавзун эканлигини таъкидлайдилар. Чунончи, Муҳаммад Авфий “балоғат сипоҳининг шоҳи ва маҳорат таҳтининг амири” деб лутф этса, Жабалий уни “шоирлар пайғамбари” деб улуғлайди. Анварий унга “покизаназм” сифатини берса, Абулқосим Козаруний Адид Собирни “жаҳон шоирларининг улуғларидан эди”, деб таърифлайди. Абдураҳмон Жомий: “Ширинсұхан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латоғат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолғанлар”³, – деб ёзса, Давлатшоҳ Самарқандий унинг “хушсұхан, сўзлари покиза, равон ва сехрли” эканлигини таъкидлаб: “Адид Собир ўз асри шоирларининг

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (Бўривой Аҳмедов таржимаси). – Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 52-бет.

² Адид Собир и Тирмизий. Осори мунтакаб (Ба чоп тайёркунандан матни мажмӯа, муаллифи муқаддима ва мураттиби лугату тавзехот Аҳмад Абдуллоев). – Душанбе, 1981. С. 11. Бундан кейин шоирнинг форсий шеърлари шу нашрдан олинниб, саҳифаси кавс ичиди кўрсатилади. – Э. О.

³ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Шоислом Шомуҳамедов таржимаси). – Тошкент, 1997. 78-бет.

сардафтари экан”¹, – дейди. Адип Собирнинг замондоши ва дўсти, машхур шоир ва адабиётшунос Рашидиддин Ватвот унга бағишланган таърифларида, жумладан, шундай ёзади:

Табъат, эй Собир ибни Исмоил,
Ҳаст даръё, ки дур ҳамезояд...
Хирад бо жони ту жустаст вуслат.
Хунар бо табъи ту бастаст паймон²

Мазмуни: “Эй Собир ибни Исмоил, сенинг табъинг дарё – ундан дур пайдо бўлади. Акл сенинг жонинг билан васл айлайди, хунар сенинг табъинг билан паймон боғлайди”.

Таникли тожик адабиётшуноси Аҳмад Абдуллоев бир неча йиллардан бўён Адип Собир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини излаб топиб, нашр этиш билан жiddий шуғулланиб келмоқда. Унинг саъй-харакатлари натижасида шоир асарлари Тожикистонда 3 марта чоп килинди (1965, 1981, 1983). Олим Адип Собир ҳаёти ва ижодига бағишлаб маҳсус рисола ҳам ёзди.

Адип Собир улкан девон сохиби бўлса-да, у бизгача тўла етиб келмаган. А. Абдуллоевнинг гувоҳлик беришича, ҳозиргacha шоир асарларини ўз ичига олган 4 та девон маълум – улар Англиядаги Индия Оффис кутубхонаси, Британия музейи, Озарбайжон ФА қўллэзмалар фонди ва Тожикистон ФА Шаркшунослик институтида сакланади.

А. Абдуллоев томонидан тайёрланиб, Эроннинг “Ал-худо” халкаро нашриётида босилиб чиқсан Адип Собир Термизий девони аввалги нашрлардан ўзининг матний мукаммаллиги билан алоҳида ажralиб туради³. У шоирнинг ҳозиргacha аникланган 126 касида, 7 таркиббанд, 67 ғазал, 162 китъя, 88 рубойй – жами 7045 байтдан иборат адабий меросини ўз ичига олади.

Адип Собир нафакат форсийда, балки арабийда ҳам қалам тебратганлиги ҳақида замондошлари маълумот берганлар. Рашидиддин Ватвот уни назмдагина эмас, насрда ҳам устоз эканлигини таъкидлайди. Афсуски, шоирнинг араб тилидаги асарлари ва насрий мероси ҳалигача топилган эмас.

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўstonи. 51-бет.

² Каранг: Абдуллоев А. Муқаддима // Адип Собир Термизий. Осори мунтахаб. С. 35.

³ Каранг: Адип Собир Термизий. Осори мунтахаб. С. 34.

⁴ Каранг: Девони Адип Собир Термизий. – Техрон, 1380 (хижрий-шамсий).

Адиб Собир мероси асосан қасида, ғазал, таркибанд, китъя ва рубонийлардан иборат. Унинг, хусусан, қасида ва ғазалда шуҳрат тутганилиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган. Ишку муҳаббат, табиат манзаралари, замонадан шикоят ва панд-насиҳат – шоир шеъриятининг асосий мавзулари ҳисобланади. Ҳаётсеварлик, инсонпарварлик – уларнинг магзини ташкил этади. Сиёсий нотинчлик шароитида яшаган, машакқатли ҳаёт кечирган, мураккаб тақдир соҳиби бўлишига қарамай, некбин кайфияти, бардам руҳи шеърларидан кўриниб туради.

Адиб Собир – дилбар шоир. Шеърлари шаклан гўзал ва мазмунан теранлиги, ташбеҳларининг табиийлигию фикрларининг самимийлиги билан ажralиб туради. Бадиий санъатларга, ҳалқона образли ибораларга бой. Оҳорли фикрни гўзал бадиий шаклда ифодалашга ҳаракат киласи. Шеъриятда бадиий баркамоллик учун курашган ва ўзи ҳам бунга риоя килган. Сода ва ҳалқона хурросон услубини маъқул кўрган. Рудакий, Дақикий ва Фаррухий анъяналарини давом этирган. Эрон олими Саид Нафисий лутфнинг равонлиги, маънонинг таъсирчанлиги ва услубнинг гўзалиги жиҳатидан бу уч шоирдан кейин Туркистон шоирларининг бирортаси Адиб Собирнинг олдига тушолмаган, дейди¹. Шоирнинг ўзи ҳам бежиз шеърларини юксаклик ва равшаникда учар юлдузга ўхшатмаган эди (“Ба равшанию баланди чу шеъри ман шъяро”). Бошқа бир ўринда эса, шеърларимнинг ёниклигини кўриб, оташ ҳам фаҳр этади, дейди:

Ба шеъри отashi ман фаҳр бошад оташро,

Агарчи роҳ надорад ба фаҳру ор оташ (26).

Дарҳаққат, шоир шеърияти баённинг соддалиги, услубнинг равонлиги, фикрнинг оҳорлилиги, жўшқин руҳи, жозиб оҳангি билан ўкувчиларни ўзига жалб этади.

Ўзбек ўкувчилари Адиб Собир Термизий ижоди билан илк бор 1979 йили танишдилар. Шу йили форс-тожик адабиётининг билимдони, таникли шоир ва моҳир мутаржим Чустий билан адабиёт ихлосманди Эшбой Пардаев таржимасида унинг мўъжазгина “Танланган асарлар”и нашр этилган. Кейинчалик – 1982 йили босилиб чиқкан Адиб Собир “Сайланма”сида унинг рубойлари

¹ Адиб Собир и Термизий. Осори мунтахаб. С. 28.

таниқли шоир ва мутаржим Жамол Камол таржимасида эълон килинди¹.

Буюк сўз усталари асарларининг жарангдорлиги, мусикийлиги, арузий вазни, равонлиги, ширали тили, мавзун услубини беришга интилиш – Чустий таржималарининг хос хусусияти ҳисобланади. Бунинг исботини унинг Адаб Собир Термизий ижодидан килган таржималарида ҳам кўрамиз. Чунончи, шоирнинг қуидаги ғазали рамали мусаддаси маҳзуф вазнида бўлиб, мутаржим ҳам уни айни вазннинг ўзи билан таржима киласди:

Дар нишасту хост чун сарву маҳ аст,
Фитнаҳо з-он сарву маҳ бархоста (260).

Юрганида сарву ўлтирганда ой,
Фитналар ул сарву ойдан тарқатур (105).

Шоир тағazzуллари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Лекин унда табиат манзаралари тасвири, ишқу муҳаббат тараннуми, замонадан шикоят оҳанглари етакчи ўрин тутади. Айникса, табиат манзаралари тасвирида шоир моҳир мусавирдек қалам тебратган:

... Замин чун лўъбати шамшодзулф аст,
Жаҳон чун кўдаки анбаръизор аст...

Ҳаво чун чашми ошиқ дуршифон аст,
Сабо чун зулфи дилбар мушкбор аст...

Баҳор аст ин, надонам. ё биҳишт аст?
Биҳишт аст ин, надонам, ё баҳор аст?

Насими настаран бифзуд жонам,
Магар дар вай насими зулфи ёр аст? (57-58).
Таржимаси:
... Замин шамшод сочли бир қўғирчоқ,
Жаҳон гул юзли бир гўдакча бордир...

Ҳаво ошиқ кўзидек дур сочувчи.
Сабо ёр зулфидек анбарнисордир...

¹ Каранг: А д и б С о б и р Т е р м и з и й . Сайдланма (Форсчадан Чустий ва Жамол Камол таржимаси). – Тошкент, 1982. Бундан кейин шоирнинг ўзбекча шеърлари шу нашрдан олиниб, саҳифаси кавс ичидаги кўрсатилади. – Э.О.

Баҳорми бу ва ё билмам биҳиштми?
Биҳиштми бу ва ё билмам баҳордир?

Қўшар жонимга жон насрин сочиб хид
Ва ё ёр зўлфи атри бунда бордир? (18-19).

Адиб Собир қасида ва ғазалда шуҳрат козонгани маълум. Лекин унинг китъалари ҳам бадиий юксаклиги, мазмунан теранлиги билан қасида ва ғазалларидан қолишмайди. Таъбир жоиз бўлса, шоирнинг китъалари Шарқ шеъриятига хос бўлган романтик баландпарвозликдан холи, ҳаётй, кўнгилга якин ва тушунарли эканлиги билан ажralиб туради. Турли ҳолат ва кайфиятда яратилган турфа мавзу, ранг-баранг ҳажмдаги бу китъаларни Адиб Собирнинг кундалик дафтари, ўзига хос лирик миниатюралар, дейиш мумкин. Маълумки, китъада кўпинча панд-насиҳат, оний бир кайфият тасвири, у ёки бу фикр, фалсафий мушоҳада акс этади. Китъа таржимасида ана шу ихчамлик ва маъновий мухтасарлик сақланishi. унда ифодаланган фикр бир зарб билан ўқувчига етиб бориши керак. Чунончи, шоирнинг қуидаги китъасида ҳаётнинг азалий ва адабий қонуниятларидан бири ўзининг гўзал бадиий талкинини топган бўлиб, мутаржим уни маромига етказиб таржима килган:

Олим, ки хўрдан-ш ҳама ғам бошад аз жаҳон,
Беҳтар зи жохиле, ки наими жаҳон хўрад.
Гарчи гизои боз бувад синаи тазарв,
Беҳ зо-н ҳумой, гарчи ҳама устухон хўрад (194).

Гар олимким, ғаму ҳасрат насиб ўлмиш бу оламда,
Жаҳон неъматларин кўпроқ еган жоҳилдан ул яхши.
Агарчи карчигайнинг ризки бўлмиш кирғовул тўши,
Хумо ер устухон доим, эрур күшларнинг ул нақши (152).

Ҳофиз ғазал ва рубоийлари таржимасида Хуршид уларни асосан ўзи ёзилган вазн билан ўзбекчалаштиришни қонида қилиб олган. Бунда шоир шеърларининг мусиқаси, оҳангি, руҳи ва таъсирчанлиги айнан сақланади. Бу – Хуршид таржималарининг муваффакиятини таъминлаган асосий омил бўлган эди. Чустий эса имкони борича шеърларни улар ёзилган вазннинг ўзи билан таржима қилиш мухимлигига кўп ҳам эътибор бермайди. Буни дастлаб у амалга оширган Ҳофиз ғазаллари ва рубоийлари таржимасида кўрган эдик. Бу нотўғри усул Адиб Собир Термизий ғазал ва тағazzуллари таржимасида айникса яққол кўзга ташланади. Гап шундаки. Чустий

унинг шеърларини сидирғасига ҳалқ оғзаки ижодига якин, бир қадар енгил ва осонлиги жиҳатидан арузнинг “туркий вазнлари” сифатида машхур бўлган ҳазаж ва рамал вазнларига солиб ўгиради. Ҳолбуки, Адаб Собир ўзбек шоирлари севиб кўллаган (Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг барча ғазаллари биргина рамал баҳрида. Атойи шеърларининг ҳам 70 фоизидан ортиғи ҳазаж ва рамалда) айни шу вазнлардан ўз ижодида жуда кам фойдаланган. Ўз-ўзидан аслият ва таржима орасида номувофилик келиб чикади. Чунки шоир ва мутаржим услуби бир-биридан фарқланади.

Тўғри, Чустий Адаб Собир шеърлари таржимасида аruz доирасидан четга чиқмайди. Лекин уларни ўзи ёзилган вазнда таржима кильмаслиги натижасида бу шеърлардаги рух, ритм, оҳанг ўзгаради, таъсирчанлик камаяди. Чунончи, мана бу ғазал ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, Чустий уни рамали мусаммани маҳзуфда ўгиради:

Овард ба мо булбули ошик хабари гул,

Жуз булбули гулдўст ки донад хатари гул? (250)

Бизга гулдан булбули шайдо кетурди хушхабар,

Ким билур булбулдин ўзга – бу хабардур бехатар? (98)

Қўриниб турибдики, ғазалда аслият ва таржима оҳангни бир-биридан ўзаро фарқланади. Бу шоир руҳи ғазал таъсирчанлигини аслидагидай дарк этишга ҳалал беради. Бундан ташкари, ғазалнинг шакли ва мусикаси, бўғинларнинг кам ёки кўплигига қараб сўзлар миқдори ҳам ўзгаради. Маълум бўладики, гарчи аruz баҳрида таржима қилинса-да, аслиятдагидан бошқа вазн танланса, бу таржимада катор курбонликлар берилишига олиб келади. Шусиз ҳам таржима курбонликсиз амалга ошмайди. Бинобарин, мутаржим имкони борича бундай курбонликлар миқдорининг камрок бўлишига интилиши керак.

Албатта, ҳар кандай шеърни ҳам унинг ўз вазни билан таржима қилишнинг имкони бўлмас. Лекин бу аксарият шеърларни дегани эмас. Чунончи. Ҳофиз ғазаллари таржимасида Хуршид бу ҳолга деярли йўл кўймаган бўлса, Чустий таржималарида бунинг мутлақо тескарисини кўрамиз. Ахир, узоқ тилларга таржимада ҳам оҳанг ва ритм жиҳатидан ўзаро муқобил вазнлар изланиши сир эмас. Айтайлик, славян ва Farb тилларида аruz йўқ. Лекин Шарқ шоирлари шеърлари, хусусан, маснавий ва рубонийлар таржимасида рус мутаржимлари силлаботоник вазннинг турли шахобчаларидан фойдаланганлар: улар айнан бўлмаса-да, маснавий ва рубонийга хос

оҳанг ва ритмга яқин. Форсийдан ўзбекчага шеърий таржимада эса бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки ҳар иккала тилдаги шеърият ягона шеърий тизим – арузда ривожланган. Форсий сўз санъаткорлари бу шеърий тизимнинг кайси вазнларидан фойдаланган бўлсалар, забардаст ўзбек шоирлари ҳам улардан истифода этганлар. Хусусан, Алишер Навоий ижодида арузнинг барча баҳр ва вазнлари маҳорат билан қўлланганлигини кўрамиз. Бинобарин, ўзбек таржимони вазн танлашда муваффакиятсизликка учраса, бунга унинг ўзи айборд.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ўзи ҳазаж ёки рамалда ёзилган тағazzул ва ғазаллар таржимаси анча муваффакиятли чиқкан. Лекин таржимон ҳазаж ёки рамалда битилган шеърларни ҳам ўз вазни билан таржима килишга интилмайди. Жумладан, куйидаги тағazzул рамали мусаммани маҳзуфда яратилган бўлиб, Чустий уни ҳазажи мусаммани солим вазни билан ўгиради:

То сиришкам бештар шуд, сабри ман камтар шудаст.
Рост пиндори, зи дида сабр меорам, на об (45).

Менинг бори қарорим бекарор зулфининг боғлабсен.
Анинг ҳар ҳалкаси, билсанг, менинг жойи қароримдир (17).

Чустий таржималари учун кўпсўзлилик хос. У ўзига қурайлик яратиш учун шеърларни анча кенгайтириб таржима килади. Натижада гоҳ кофия талабидан келиб чикиб, гоҳ мисраларни тўлдириш учун ортиқча сўзларни кўп қўллайди. Умуман, Чустий бадиий таржимани бир тилдаги мазмунни иккинчи тилга ўтказишгина деб тушунган. Вазн, шакл, ритм, бадиий санъатлар унинг учун иккинчи даражали нарсалар хисобланган. Хусусан, форс-тоҷик адабиётининг забардаст мутаржимлари Хуршид ва Муинзода таржималари билан мукояса килганда Чустий таржималарининг анча заифлиги сезилиб колади.

Адид Собир – санъаткор шоир. У бадиий санъатлардан “кўб ва хўб” фойдаланади. Бу унинг шеърларига алоҳида жозиба баҳш этади. Шоир услубининг ширали ва равон бўлиш баробарида, бир қадар мураккаб ҳам эканлигига шеърларининг бадиий санъатларга бойлигини сабаб килиб кўрсатадилар. Лекин мазкур санъатларни таржимада кайта тиклаш осон эмас. Мисол учун, куйидаги байт тарсеъ ва такрор санъати асосига қурилган бўлиб, у мазмуннинг гўзал ва таъсиридан чиқишини таъминлаган:

Дар лаби лаълаш ҳама нўш асту қанд,
Дар сари зулфаш ҳама печ асту тоб (231).

Ўзбекчада байт мазмуни тўла берилган бўлишига қарамай, тарсевава такрор санъатларини акс этмагани учун у аслиятдагидай гўзал ва тъсиричан чикмаган:

Лаълида болу шакар, ширину қанд,
Халка-халка сочида бир неча тоб (56).

Мана бу мисрада “чин” сўзи ёрдамида сўз ўйини килинган:
Рўи ман чин аз фироки он нигори Чин гирифт... (232).

Мутаржим мазмунни гўзал тарзда ўзбекчага ўтказган, лекин сўз ўйини бой берилган:

Чин нигори ҳажрида тушди юзимга юз ажин... (70).

Албатта, сўз ўйинлари кўпинча ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз бойлиги натижасида келиб чикадики, уни бошка тилда тиклаш жуда кийин, баъзан ҳатто иложи ҳам йўқ. Лекин моҳир мутаржимлар бой берилган бундай имкониятлар ўрнини бошка жиҳатдан тўлдиришига интиладилар. Чустий ҳам мазкур мисра таржимасида “юз” сўзини қўшиш орқали ҳам юзга шунчаки ажин эмас, балки жуда кўп ажин тушганини ифодалаш билан мазмунни чуқурлаштирган, ҳам “юзимга” сўзидан кейин кўллангани боис “юз” сўзи ёрдамида тажнис ва такрор санъатларини юзага келтирган.

Куйидаги байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, унда ҳакикат ва мажоз бир-бирига қарама-карши кўйилган. Таржимада “ҳакикат” сўзининг “Ҳак”ка айлангани натижасида аслиятдаги тазод санъати йўқка чиккан:

Эй, зулфи ту чун ваъдаи васлат ба дарози,
Хубет ба ҳакикат буваду ваъда мажози (267).

Ваъдаи васлинг каби зулфинг узун кўп, дилрабо!

Ҳак эрур сенда чирой, ваъданг мажозий мутлако (107).

Бундан ташқари, Чустий жуда кўп тағazzул ва ғазалларни кискартириб таржима қилган. Бу кискартиришлар асосан мураккаб ва бадиий санъатларга бой, таржима учун кийинчилик туғдирадиган байтларга тегишли.

Қофия – шеърий асарнинг муҳим унсурларидан бири. Пишик ва жарангдор қофия поэтик фикрнинг гўзал ва тъсиричан чикишини таъминлайди. Лекин Навоий Атойини танқид қилгани каби Чустий ҳам “қофия эҳтиётига муқайяд эрмас”. Мутаржим вазн, бадиий санъатларга унча аҳамият бермаганидек, қофия борасида ҳам ортиқча изланиб, машаққат чекиб ўтиrmайди: унга номига қофия бўлса – бўлди. Шунинг учун ҳам у кўллаган кўпгина қофияларни қофия илми

нұқтаи назаридан кофия дейиш қийин. Масалан, қүйидаги байтда “кокилин” сұзига “хидларин” кофия қилинганды:

Элчисисен дилбар икки кокилин, боди сабо,

Шул сабабдан олдинг анбар хидларин, боди сабо (101).

Еки “Айтадир сенсиз дилим писта даҳонинг киссасин” (71) мисрали ғазалдаги қофияларни олинг: “киссасин”, “сенсизин”, “ширин”, “муждасин”, “оташин”, “ошикларин”, “ошикин”. “Чин нигори ҳажрида тушди юзимга юз ажин” (70) мисрали ғазалда эса қүйидаги қофияларни кўрамиз: “ажин”, “ширин”, “ғамин”, “нечун”, “оташин”, “якин”, “ёлкинин”, “шарбатин”, “оффарин”.

Чустий, шунингдек, радифли ғазалларни аксарият радифсиз таржима килган. Тўғри, радиф ифодалаган маънони матн ичига сингдириб юборади. Лекин имкони борича радифни саклаб қолишига интилиш ҳам керак.

Адид Собирнинг “Танланган асарлар”ига кирган рубойларни Эшбой Пардаев муаллифга нисбат бериб бўлмайдиган даражада бўш таржима килган. Бу – сўзма-сўз таржиманинг, ҳижжалаб ағдаришнинг типик намунаси: маъно бор, таъсир йўқ. Мазкур тизмалар кўпинча ҳатто шеърий асар даражасига кўтарила олмаган: шеърий оҳанг, равонлик, ритмдан мосуво. Шеърий таржиманинг ўзидан кўра шеърий таржима учун аскотадиган таглама (подстрочник)ни эсга солади. Чунончи:

Афтодани дандони ту, эй бадри мунир,

Додаст ду гулбарги туро ранги зарир.

Чандин чи каши зи баҳри дандон ташвир,

Аз як садаф, эй нигор, як дур кам гир!

Мазмуни: “Эй тўлин ой, бир дона тишингнинг тушгани икки юзингни саргайтирибди. Бир тишга шунча изтиробми? Садафдан бор-йўғи бир дур камайса-камайибди-да!”

Тишингни тушди, дер, эй нурфишон жамол,

Иккала юзингни кулдирмиш (?) бу ҳол.

Нега чекасан шунчалик кўп ташвиш,

Садафдан бир дур йўқолмиш мисол.

Ўзбекча тўртлик илк сатридан бошлабоқ ғализ: “Тишингни тушди дер...” Ким? Богланмаган. Иккинчи мисранинг мазмунин аслиятга зид: тишлари тўкилиб, оғзи кийшайиб колган кампирга қилинганды кинояга ўхшайди. Шоир айтаяптики: “Садафдан бир дур камайганига шунча ташвишми?” Талқин эса унга тескари: “Чекаётган ғаминг – садафдан йўқолган дурга ўхшайди”.

Ж.Камол эса Адиб Собир рубоийларини жуда койилмаком, маромига етказиб таржима қилган. Мумтоз адабиётни, рубоийнавислик анъаналарини чукур билиши унга бу борада кўл ниҳоятда келган. Мазкур таржималарда форсий ва туркий рубоийнавислик руҳи билан бирга, замонавий шеърият оҳангини ҳам дарк этамиз, нафакат муаллиф, балки мутаржим услубини ҳам ҳис қиласиз – улар ўзаро уйғуналашиб кетган, бир-бирини тўлдирган. Ж.Камол бу рубоийларни нафакат арузда, балки рубоийнинг ўз вазнида таржима қилган. Юкоридаги рубоийнинг таржимаси бунинг ёрқин мисолидир:

Бир дона тишинг тушибдир, эй ойжамол,

Шунданми юзингда ранг синик, ўзгача ҳол.

Бир тишга, суманбар, шу қадар ташвишми?

Бир дур камайибдир садафдан, не малол?

Биз ҳам Адиб Собирнинг 86 рубоийси ва қитъаларидан намуналар таржима қилганимиз.

Хулоса килиб айтганда, Адиб Собир Термизий шеърларини юкори савияда таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига етказиш, шоир ҳаёти ва ижоди бўйича тадқикотлар олиб бориш адабиётшунослигимизнинг кечикитириб бўлмас вазифаларидан ҳисобланади. Зоро, Адиб Собир Термизий каби етук ва дилбар шоир ўзбек адабиётида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши керак.

2.3. НИЗОМИЙ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИ ТАРИХИ ВА ТАДРИЖИ

Низомий Ганжавий номи қадимдан халқимиз орасида машхур, таъбир жоиз бўлса, у ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган. Алишер Навоийдан тортиб, барча мумтоз шоирларимиз уни ўзларига устоз деб билишган. XIV аср ўрталаридаёк Қутб Хоразмий унинг энг машхур достони – “Хусрав ва Ширин”ни тилимизга маҳорат билан таржима қилган эди. Орадан бир аср ўтгач, Ҳайдар Хоразмий ҳамса асосчинининг “Махзан ул-асрор” достонига жавобсан “Гулшан ул-асрор” асарини яратади. Забардаст шоир ва мохир мутаржим Мухаммадризо Оғаҳий “Ҳафт пайкар”ни эркин насрый таржима килади. “Искандарнома” достони ҳам ўтмишда илму адаб ахлининг дикқатини ўзига жалб этган. Жумладан, “Шоҳнома” таржимони, шоир ва адиб Шоҳи Ҳижрон “Қиссаи Дорои Зарринкамар” асарида “Иқболнома”нинг муҳтасар мазмунини баён этган. Нурмуҳаммад

Бухорий, Мулла Фозил Хомушийлар ҳам Низомий “Хамса”сини шарҳлар эканлар, “Искандарнома”ни батафсилрок таҳдил қилишга ҳаракат этишган”¹.

1947 йил Низомийнинг 800 йиллик юбилейи собик Иттифок миқёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам шоир “Хамса”си достонлари таржимасидан намуналар – “Хусрав ва Ширин” (Кутб таржимаси), “Махзан ул-асрор” (Ҳайдар Хоразмий таржимаси), “Ҳафт пайкар” (Оғаҳий таржимаси) ҳамда “Лайли ва Мажнун” (Н.Охундий, Ҳислат ва М.Муҳаммаджоновлар таржимаси)дан парчалар Максуд Шайхзода сўзбошиси билан алоҳида тўплам ҳолида нашр килинди². Кейинчалик таникли таржимон, форс-тожик адабиёти билимдони Шоислом Шомуҳамедов шоирнинг 2 қасидаси, 20 ғазали, 8 китъаси, 49 рубонйси, 74 ҳикмати ҳамда “Махзан ул-асрор” ва “Ҳафт пайкар” достонларидан парчалар таржима килиб, “Шарқ классиклари меросидан” сериясида чоп эттириди³. Форс-тожик шонрлари асарларининг ўзбекча таржималаридан тартиб берилган “Инжулар уммони” тўпламида Ганжа лирикага бағишлиланган парча Ш.Шомуҳамедов таржимасида берилган⁴. Олимжон Бўриев “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун”, Жонибек Сувонқулов “Иқболнома” достонларини ўзбекчалаштирилар⁵. Биз шоирнинг 15 рубойисини ўз арузий вазнида таржима килдик⁶.

¹ Ҳ о м и д и й Ҳ. Ганжалик пир // “Сино” журнали, 2002 йил, 7-сон, 31-бет.

² Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул-асрор” маснавийси “Махзан ул-асрор” достони таъсирида ёзилган мустақил асар бўлиб, у узок йыллар мобайнида янглиш равища Низомий “Хамса”си илк достонининг таржимаси хисобланиб келди ва унинг ушбу тўпламга кириб колиши ҳам шу хато карашлар натижасидир. – Э.О.

³ Каранг: Низомий Ганжавий. Гулдаста (“Панж ганж”дан парчалар). – Тошкент, 1947.

⁴ Каранг: Низомий шеъриятидан. – Тошкент, 1983.

⁵ Каранг: Инжулар уммони. – Тошкент, 1988. 256-бет.

⁶ Ўша ерда. 272-275-бетлар.

⁷ Каранг: Низомий Ганжавий. Лайли ва Мажнун. – Техрон, 2005; Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. – Техрон, 2005; Низомий Ганжавий. Иқболнома. – Тошкент, 2009.

⁸ Каранг: Донишмандлар тухфаси. Рубойлар (Эргаш Очилов таржимаси). – Тошкент, 2009. 96-100-бетлар.

Ўзбек адабиётида Низомий Ганжавий асарлари таржимасига илк бора Кутб Хоразмий кўл уради. У “Хамса” асосчисининг “Хусрав ва Ширин” достонини 1330-1336 йилларда муайян қискартиришлар ва ўзгартиришлар билан ўзбек тилига, хусусан, хоразм шевасига мослаштириб таржима килади. Чунки унинг мақсади “Хусрав ва Ширин” мисолида ўзбек тилида шундай бир ишкий достон яратиш эди. Қолаверса, ўша даврда бадиий таржима принциплари шундай бўлган – таржимага оригинал асар сифатида караоб, уни хоҳлаганча қискартирганлар, ўзларидан боб ва фасллар қўшганлар, замонга мослаб ўзгартирганлар.

Кутб достонни аслига мувофиқ таржима килиш баробарида, айрим манзаралар тасвирида бир мунча мустакил йўл тутади. Вокеалар баёнини айнан саклаб колганига қарамай, салафи достонида ўз орзу-идеаллари ифодасини кўрган, ўз фикру туйғулари акс садосини эшитган мутаржим уни ёркин таржима килиш жараёнида асарга ўз ғоя-карапларини ҳам сингдиради. ўз даври муаммоларини ҳам омухта килади. Шунинг учун мутахассислар уни муаллифлаштирилган таржима деб ҳам баҳолаганлар.

Диккатга сазовор жойи шундаки, достонда сўзма-сўз таржима килинган ўринларни учратмайсиз. Мутаржим аввал матн магзини яхши чакиб, кейин уни ўз сўзлари билан ифодалаш йўлидан боради. Албатта, бунда у форсий ва туркий халқларнинг ўзаро яқин алокалари натижасида ҳар икки тилда мавжуд бўлган муштарак сўз ва иборалардан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

Жумладан, қуидаги мисралар ижодий таржиманинг ёркин намунасиидир:

Хаёлатро шабе дар хоб дидаст,
Аз он шаб ақлу хуш аз вай рамидаст.

Хаёлингни кеча тушида кўрмиш,
Ўшул кундин бери аклин йитурмиш.

Кутбнинг таржима тилининг ҳам оригинал асал тили каби равон ва жарангдор бўлиб чикиши тарафдори экани ва “Хусрав ва Ширин” таржимаси оркали бунинг гўзал андозасини яратганлигини қуидаги мисралар яккол тасдиклайди:

Агарчи фитнаи олам шуд он моҳ,
Чу олам фигна шуд бар сурати шоҳ.

Бу янглиғ фитна эркан бу жаҳонда,
Кўруб шоҳ сувратин ўрнатти жонда.

Шу ўринда мұхым бир ҳолатта эътибор каратмокчимиз: бизда форсий шеъриятдан таржимада таржимонлар асосан жумла курилишини ҳам, кофияларни ҳам, күплаб сўз ва ибораларни ҳам, ҳозирги ўқувчига тушунарли-тушунарсиз эканлигидан қатъи назар, иложи борича айнан сақлаб қолишга харакат қиласылар. Бунинг натижасида тушунарсиз ва ғализ таржималар пайдо бўлади. Кутб эса, кўриб ўтганимиздек, форсий сўз ва иборалар ўша давр ўқувчисига бугунгидан кўра тушунарли бўлганлигига қарамай, соғ туркий сўзларни кўллашга, жумлаларни туркий тил қонуниятлари асосида куришга, энг мухими, янги кофиялар топишга интилади. Таржимада у кўллаган усул ва ёндашувлар замондош таржимонлар учун намуна ва ибрат бўлишига ҳар жиҳатдан муносиб.

Хуллас, Кутб Низомий “панжасига муносиб панжа уриб, “Хусрав ва шириң” таржимаси мисолида гўзал туркий достон намусини яратди ва у асрларни бўйлаб, бизгача етиб келди. Бу шуҳратли таржима кейинги бобларнинг бирида алоҳида фаслда маҳсус ўрганилиши жиҳатидан бу ерда у ҳақда тўхтадимаймиз.

Ҳайдар Хоразмийнинг лирик мероси сакланиб колмаган, бизга қадар унинг факат улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий “Ҳамса”сининг биринчи достони “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”)га назира тарзида ёзилган “Гулшан ул-асрор” (“Сирлар гулшани”) достони етиб келган. Якинда топилиб, илмий муомалага киритилган XV асрнинг биринчи ярмида яшаган Шайх Ахмад Тарозийнинг 1436-1437 йилларда ўзбек тилида ёзилган “Фунун ул-балога” (“Етуклик илмлари”) номли адабиётшуносликка оид асаридан маълум бўлишича, биз бу пайтгача Лутфийга нибат беруб келганимиз “Гул ва Наврӯз” достони аслида Ҳайдар Хоразмийники экан. У ўз асарида “Мавлоно Ҳайдар айтур” деб достондан бир неча марта мисол келтиради¹. Захириддин Мухаммад Бобур ҳам “Муҳтасар” рисоласида бу асарни Ҳайдар Хоразмийга нисбат бергани маълум.

Асли хоразмлик бўлган шоир кайситир сабаб билан Шерозга бориб, турғун бўлиб қолган ва Искандар Мирзонинг сарой шоири сифатида хизмат килган. 1409-1411 йиллар орасида “Гулшан ул-асрор” достонини яратиб, ўз хукмдорига тақдим этган.

“Махзан ул-асрор” фалсафий-таълимий достон бўлиб, у 59 бобдан иборат. Шундан 18 боби мұқаддима. Достон 20 мақолат ва

¹ Қаранг: Шайх Ахмади бин Ҳудойод Тарозий. Фунун ул-балога / “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2002, 1-сон, 85-бет, 2-сон, 77-бет; 4-сон, 87-бет ва ҳоказо.

уларни тасдиқловчи 20 ҳикоятни ўз ичига олади. Хоразмий достони эса салафи асарига қараганда бирмунча мўъжаз бўлиб. 23 бобдан иборат. Шундан 7 боби муқаддима бўлиб. қолган 16 таси достоннинг асосий қисмини ташкил этади. Бу боблар асосан ҳикоят ва мавъиза (панд-насиҳат) лардан иборат.

“Гулшан ул-асрор” Хоразмийнинг ўз даврининг илғор фикрли, тараккӣ-парвар кишиси бўлганлигидан далолат беради. Сўзнинг қадри, адабиётнинг аҳамиятидан бошлаб, илму ҳунарнинг фойдалари, камолот касб этишнинг зурурлиги, эзгу инсоний фазилатлар тарғибию нафс, дунё ва ношойиста одамлар танқиди асарни ичдан нурлантириб турган асосий ғоялардир. Шоир аввал панд-насиҳат килиб, кейин ўз ўгитларини тасдиқлаш максадида ҳаётий ҳикоят ва ривоятлар келтиради.

Ҳайдар Хоразмий ўзбек адабий тили таракқиёти учун курашган шоирлар жумласига киради. Шунинг учун ҳам у ўз достонида ўзбек тили бойликларини кўз-кўз килишга, унинг барча имкониятлардан фойдаланишга интилади. Темур ва темурийлар даврида туркий халқларнинг мавкеи қўтарилиши билан туркий тилнинг нуфузи ҳам ортиши ушбу асарнинг туркий тилда ёзилишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди:

Турк зухуридур очунда бу кун,
Бошлар улук йир била туркона ун!...

Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкли кўбуз¹.

Шоир “Гулшан ул-асрор”ни Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” достонидан таъсирланиб ёзгани, бу йўлда улуғ устоз унга раҳнамолик қилганини қуидаги мисраларда эътироф этади:

Менки пишурдим бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.

Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ёрлиғу бурҳон топиб(222).

Маълумки, мумтоз адабиётда Оллоҳ ҳамди, пайғамбар наъти каби асарларнинг муқаддимасида сўз таърифида фикр юритиш ҳам бир анъанага айланган эди. Ҳайдар Хоразмий ҳам достоннинг

¹ Ҳайдар Хоразмий . Гулшан ул-асрор // Муборак мактублар. 221-бет Кейинги мисоллар ҳам шу напрдан олиниб, сахифаси қавс ичидагу кўрсатилади.

“Мусаннифнинг васфи ҳоли” бобида сўзнинг қадри ва ахамияти, уни нуктадонлик ва талабчанлик билан танлаб-танлаб ишлатиш жоизлиги хусуна ёзди. Чунончи:

Сўзда керак маънию маънида завқ,

Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ (218).

Инсоний камолот йўлида тўсик, одамлараро муносабатларга рахна соловчи ёвуз куч, жамиятнинг издан чиқишига сабаб бўлувчи асосий иллат эканлиги жиҳатидан нафс барча ёмонликларнинг онаси ҳисобланиб, Шарқ мумтоз адабиётида у қаттиқ кораланади. Ҳайдар Хоразмий ҳам салафларнинг бу анъанасини давом эттириб, нафсни мазаммат этиш учун оҳорли ташбиху тимсоллар қўллайди. Жумладан, меъдани дўзахга ўхшатади – у энг қаттол душманинг бўлиб, конингни ичса ҳам тўймайди:

Меъда тамуғиким, эрур душманинг,

Тўймағусидир агар ичса конинг (230).

Шоирнинг уқтиришича, эр йигитни айнан нафс – ҳалкум ғами хор қиласи. Бинобарин, кимки нафсини тия олса, ундан зўр одам йўк:

Хор килур эрни бўғузнинг ғами,

Шум бўғузин бўғса, у зўр одами (230).

Ҳайдар Хоразмийнинг ўз замонининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, ҳалқ ҳаётини чукур ўрганган, одамларнинг феъл атворини таҳлил қилган фозил ва донишманд инсон бўлганлиги асарда келтирилган ўғитларнинг ҳаётйлиги ва ҳалқ мақоли ёки ҳикматдай жаранглашидан англашилиб турибди. Чунончи, ҳар бир хато эр йигит учун бир сабоқдир, ўз хатосини билган донишманддир, дейди:

Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,

Ўз ғалатин билса, хирадманд эрур (244).

Достон шоирнинг ўқиб-ўргангандлари, кўрган-кечирганлари юзасидан чиқарган чукур мазмунли фалсафий мушоҳадаларига бой. Айтайлик, бу дунёда ҳамма нарса навбати билан, дейди у, ким бугун кулиб юрган бўлса, эртага йиглаши мумкин ёки аксинча:

Дуняда ким кулди хуш, эй хушёр –

Ким сўнгидиа йигламади сад ҳазор (232).

Шоирнинг баъзи фалсафий мулҳозалари буюк фалсафий Умар Хайём рубоийларига ҳамоҳанг:

Гарду губорки, сочар ер юзи,

Бир каро сочининг юзидир ё кўзи (231).

Албатта, “Гулшан ул-асор” достони ўз даврининг етакчи мафкураси бўлган тасаввуф таъсиридан ҳам холи эмас. Кишиларни

факру қаноатга дарьват этувчи күйіндеги байтлар шундан далолат беради:

Хар ким эрур тақвию тоат била,
Бўлса керак факру қаноат била.

Хирсу ҳавас, нафсу ҳаво бўйин уз,
Факру қаноатни ризо бирла туз (237).

Маълумки, Оғалий ўзбек адабиётидаги энг забардаст ва сермаҳсул таржимонлардан ҳисобланади. У турли йўналишдаги 19 та асарни таржима қилган. Низомийнинг “Ҳайт пайкар” достонини у эркин насрый таржима килиб, форс тилини билмайдиган ўқувчиларни шоирнинг шоҳ достонларидан бирининг мазмуни билан таништирмокчи бўлган. Мазкур таржима ҳакида тасаввур ҳосил килиш учун биргина мисол келтириш билан кифояланамиз:

Шикоят кардани мазлуми аввал

Аввалин шахс гуфт бо Баҳром,
К: “Эй шула душмани ту душманком,
Ростравшан ба захмҳои дурушт,
Дар шиканжа бародарамро кушт.
В-он чи буд аз маошу маркабу чиз
Ҳама бистуд, ҳаёту ҳашмат низ.
Хар кас аз хубиу жавонии ў.
Сўхт бар ғабни зиндагонии ў.
Чун ман ангехтам хурӯшу нафир,
З-он жиноят маро гирифт вазир.
К-ў ҳавоҳоҳи душманон будаст,
Ту чунинию ў чунон будаст.
Ғўрие тундро ишорат кард,
То маро низ хона горат кард.
Банл бар пои ман ниход ба зўр,
Кард бар ман саройро чун гўр.
Он бародар ба жавр жон бурда,
В-ин бародар ба дасту по мурда.
Карда зиндониям кунун солест,
Рўи шоҳам хужастатар фолест?!“
Шоҳро чун зи гуфти он мазлум.
Он чи дастур кард, шуд маълум.
Хар чи дастур аз ў ба ғорат бурд.

Жўмла бо хунбаҳо бад-ӯ биспурд.
Кардаш озоду дилхуши додаш.
Бар сари шуғли худ фиристодаш.

Огахий таржимаси:

Аввалғи мазлумнинг шикояти

Аввалғи мазлум шоҳ Баҳромнинг олдида ер ўпуб, зор-зор йиглаб. дуо килиб дедиким: “Мен сенинг вилоятинг раиятларини биридурман. Менинг бир зебосурат ва поксийрат биродарим бор эди. Вазир ани ҳеч гуноҳсиз кўп азоблар бериб, зулм бирла ўлтурди. Барча мол асбобин олдилар ва биродарим ўлгани учун ҳамма ҳеш ва акраболар ҳасрат бирла йиғлашдилар. Мен ҳам сабр кила олмай, каттиқ ун бирла фарёд килиб йиғладим ва бу сабабдин вазир мени тутиб: “Сен душманларга бош қўшмишсан”, – деб ёлғондан тухмат килиб, уйимни хизматкорлариға буюриб талатди. Қўл-аёғимни банд этиб, зинданға ташлади. Биродарим анинг зулми бирла ўлди. Мен бир йил бўлдиким, қўл-аёғим банд бўлиб, зинданда маҳбус ётибдурман”. Шоҳ Баҳром анинг сўзин эшитиб, вазирнинг анга килған жафосини маълум этиб, вазирнинг андин олган нимарсаларин қайтиб олиб, анинг кўлига бериб, хушхол килиб ўз ихтиёрига юборди.

“Лайли ва Мажнун” достонидан Н.Охундий, Хислат ва М.Мухаммаджоновлар парчалар таржима қилганлар. Достон ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи максур (маҳзуф) вазнида яратилган бўлиб, таржимонлар уни айни вазнининг ўзида ўзбекчалаштирганлар:

Гуфти, ки ба шир буд шаҳде,
Ё буд маҳу миёне маҳде.

Таржимаси:

Гўё асал ичра сут топиб жой,
Ё ётган эмиш бешикда бир ой.

Кўриниб турибдики, таржимонлар аслият вазнинигина таржимада саклаб қолмай, мазмунни ҳам аслига мувофиқ мукаммал тарзда яратса олганлар. Келтирилган мисолда шоирнинг гўзал ташбехлари ўзбекчада ҳам яраклаб чиккан бўлса, куйндаги намунада хикматона мисралар аслига мувофиқ жаранглаганини кўрамиз:

Бисёр ғараз, ки дар навард аст,
Пўшидани ў салоҳи мард аст.

Таржимаси:

Кўпдир бу хаёт йўлида зармон.

Мардлар тутади у сирни пинҳон.

Достонни ўқир экан, Навоий ёки Фузулийнинг шу номдаги асарини она тилида мутолаа килгандай бўласиз. Чунки катта маҳорат билан ўзбекчага ўтказилган аслиятга мос мисралар ўқувчига ана шундай маънавий-эстетик завқ бағишлайди:

Достонни дегучи айди шундоғ,

Сўзнинг ипига гуҳар тизар чоғ:

Мулки араб ичра бир улуғ зот,
Топканди гўзал диёр ила от.

Омир элига раис эди ул,
Обод бўлиб эрди ўлка буткул.

Донгғидин аниб арабни юрти,
Жомидаги май каби соғ эрди.

Бу мисраларнинг қанчалик маҳорат билан таржима қилинганига ишонч ҳосил килиш учун уларни аслиятга қиёслашнинг ўзи кифоя:

Гўяндан достон чунин гуфт,
Он лаҳза, ки дури ин сухан сүфт,

К-аз мулки Араб бузургворе
Будаст ба хубтар диёре.

Бар омириён кифоят ўро,
Маъмуртарин вилоят ўро.

Хоки Араб аз насими номаш
Хушбўйтар аз рахики жомаш.

Албатта, таржимада ўша давр мафкураси билан изоҳланадиган, бъазида таржимонларнинг Низомий “панжасига панҷа” уролмаганлари билан боғлиқ хато-камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Султони Араб деганда, Муҳаммад алайхиссалом қўзда тутилади. Лекин даҳрийликни мафкура даражасига кўтарган тузум даврида унинг номини ҳам тилга олиб бўлмаслиги учун таржималар уни Эрон шоҳи билан алмаштирадилар:

Султони араб ба комгори,

Қоруни Ажам ба молдори.

Таржимаси:

Эрон шоҳидай бутун башавкат.

Коруни Араб каби ба давлат.

Бундан ташқари, таржимонлар кўпинча кофия масаласига унча эътибор бермайдилар – пишик, тўлиқ, гўзал ва оҳорли қофиялардан кўра, оч. чала, баъзида эса ҳатто мутлақо кофия бўлмаган сўзлар ҳам кўп учрайди (боғидан – тиларман, ўтирсам – кўролмам, кўрганингдан – эшитганингдан, сабога – кушода, ғамингдан – қолган, темирдан – ёширибсан, ҳалқасидан – кўйибсан, одамлар – айлар, узунлигидан – бирдан, илан – димоғдан, тилидан – малҳам). Таржимада вазний сакталиклар, маъно билан боғлиқ хато-нуқсонлар, шоир кўллаган бадиий санъатларнинг курбон килиниши туфайли келиб чиккан камчиликлар ҳам анчагина.

Шоислом Шомуҳамедов ҳам Низомий шеърлари таржимасида анча маҳорат кўрсатган. Унинг таржимасидаги “Мен ошикман гўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо”, “Қайдаки сен бор, камар на даркор”, “Келди баҳор ишқ фасли бу, маъшуки гулрухсор қани?”, “Бул давлати сармасстим ҳушёр бўлур бир кун” мисралари билан бошланадиган ғазалларнинг кўшикка айланиб, санъаткорлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олганлиги фикримизнинг ёркин далилидир. Шоир ҳикматлари унинг таржимасида ўзбек ўқувчилари орасида ҳам машҳур бўлиб кетган. Мисол тариқасида. “Ҳафт пайкар”дан бир парча келтириб ўтайлик:

Хар ки з-омўхтан надорад нанг,

Дур барорад аз обу лаъл аз санг.

В-он, ки дониш набошадаш рўзи,

Нанг дорад зи донишомўзи.

Эй басо тезтабъи коҳилкўш,

Ки шуд аз коҳили сафолфуруш.

Ш.Шомуҳамедов таржимаси:

Кимки ўрганишни уят билмайдур,

Тошдан лаъл ундирап, сув каъридан дур.

Кимнингки, илмдан ризку рўзи бор,

Илм ўрганишдан асло этмас ор.

Қанча тезфаҳмлар киlldи танбаллик.

Охири ишлари бўлди ҳаммоллик.

Олимжон Бўриев Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" ҳам "Лайли ва Мажнун" достонларини ўз арузий вазнида тўлиқ таржима килиб, ўзбек ўқувчиларига тақдим этди. "Хусрав ва Ширин" ҳазажи мусаддаси мақсур (маҳзуф) – у – – у – – у – – (мафойилун мафойилун мафойил) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазннинг ўзи билан таржима қилиб, таржимада шакл ва вазн яхлитлигини саклай олган. Чунончи:

Зи кажгўи суханро қадр кам гашт,
Касе, к-ў ростгў шуд, мўхташам гашт.

Деса ким сўзни ёлғон, қадри камдир.
Кишиким тўғрисўздир, муҳтарамдир.

"Лайли ва Мажнун" достони эса ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (маҳзуф) – – – у у – у – – (мафъувлу мафойилун мафойил) вазнида яратилган бўлиб, О.Бўриев уни ҳам аслига мувофиқ жаранглата олган:

Майдони сухан марост имрўз.
Бех з-ин сухане кужост имрўз.

Майдони сухан бугун манимдир,
Сўз дурри демак бугун танимдир.

Пекин бу таржималарда вазний сакталиклар, маъно бузилишлари ҳам кам эмас. форсий сўз ва иборалар, изофаларнинг кўпи айнан таржимасиз қолдирилган. Бу ҳол шоир достонлари жарангосини сусайтирган, маъно-мазмунини мавҳумлаштириб, ўқувчининг тушунишини кийинлаштирган.

Кутб таржимасидаги "Хусрав ва Ширин"нинг адабиётшунослик йўналишида бир қадар ўрганилганлигини айтмаса, Низомий асарларининг ўзбекча таржималари маҳсус текширилиб, ўзининг муносиб баҳосини олган эмас. Бинобарин, Низомий асарларининг ўзбек таржималарини алоҳида тадқиқ этиш ўзбек таржимашунослигининг кун тартибида турган долзарб вазифаларидан хисобланади.

Низомий Ганжавий нафакат Шарқ, балки жаҳон сўз санъатининг ҳам забардаст намояндаларидан бири. Бинобарин, шоир асарларининг мукаммал ва баркамол таржималари ватан адабиёти ҳазинасини бойитибгина колмай, асрлар давомида жаҳон илму адаб ахлининг хайратга солиб келган буюк ўзбек адабиёти озиқланган манбаларни теран идрок этиш, форс-тожик ва ўзбек адабиётларининг ўзаро

алоқалари ва адабий таъсир масалаларини ўрганиш борасида мұхим ахамият касб этади.

2.4. ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ АСАРЛАРИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Жалолиддин Румий асарлари, хусусан, “форсий Куръон” номи билан улуғланган “Маснавий маънавий”си асрлар давомида ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлиб, юртимизда маснавийхонлик кенг таркалган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида “Маснавий маънавий”нинг “юзга якин кўлёзма ва босма нусхаларичинг мавжудлиги”¹ бунинг исботидир. “Бизнинг тарихимиз ҳамиша маснавийхонлик тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб келган, – дейди бу ҳақда таникли адабиётшунос олим, Шарқ мумтоз адабиётининг билимдони Иброҳим Ҳаккул. – Шўро даврида бу гўзал анъанадан узилдик. Румийни мистик шоир, деб зълон қилдик. Мустақиллик қадимий қадриятларга кайтиш, яна “Маснавий”ни ўқиш имконини берди”. Дарҳакиқат, дин, унга қўшиб тасаввуф ҳам кораланган Шўро даврида – салкам бир аср мобайнида буюк исломий адабиёт ва мутасаввиф шоирлар ижодидан, жумладан, Мавлоно Жалолиддин Румий номи билан боғлиқ буюк маънавият дарёсидан, юксак бадиият дунёсидан бебахра яшадик. Бизда Румий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш ўтган аср саксонинчи Йилларининг ўрталарида жамиятимизда вужудга келган эркинлик эпкинликлари туфайли таникли шарқшунос ва адиб Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” деб номланган тарихий-биографик романини таржима килиш билан бошланди². Шундан кейин форс-тожик адабиёти билимдони, забардаст мутаржим Шоислом Шомуҳамедов буюк сўз санъаткорининг бир неча ғазал, рубоний ва хикояларини тилимизга ўтириди³.

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шархи // Шайх Одиниа Муҳаммад Ҳоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. – Тошкент, 2006. 4-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Очилов Э. “Маснавий маънавий” тақдимоти // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2006, 6-сон. 96-бет.

³ Қаранг: Фиш Р. Жалолиддин Румий (Русчадан Ж. Камол таржимаси). – Тошкент, 1986.

⁴ Қаранг: Инжулар уммони (Форс-тожик шоирлари асарлари таржималаридан намуналар). – Тошкент, 1988. 210-251-бетлар.

Истиқлол йилларида Жалолиддин Румий хаёти ва ижодини ўрганиш, меросини таржима қилиб, нашр этишда алоҳида давр бошланди дейиш мумкин. Ориф Усмон, Ҳамиджон Ҳомидий, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаккул, Ҳамидулла Болтабоев. Тоҳир Қаҳхор, Рашид Жумаев каби олимлар бу борада илмий тадқиқотларини эълон килдилар¹. Таникли шоир ва мутаржим Жамол Камол шоир рубоийлари² ва “Маснавийи маънавий” ҳикоятларидан намуналар таржима қилиб, нашр эттирди³. Истеъоддли ёзувчи ва таржимон Улугбек Абдуваҳоб “Фиҳи мо фиҳи” ваъзлар китобини

¹ Қаранг: Усмон О. Мавлавия тарикати // “Шарқ машъали”, 1998, 3-4-сонлар, 62-67-бетлар. Янауш а. Маънавият деңгизи // Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Тошкент, 2001. 5-21-бетлар; Комилов Н. Румийни англашиштиёқи // Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-китоб (Таржима шарҳи билан). – Тошкент, 1999. 5-12 бетлар; Янауш а. Тафаккур хазинаси (Сўзбоши) // Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингладир. – Тошкент, 1997. 4-8-бетлар; Янауш а. Максад – Ҳакка етишмоқ // Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент, 1999. 23-33-бетлар; Ҳомидий Ҳ. Маънавият пешвоси // Кўхна Шарқ дарғалари (Бадий-илмий лавҳалар). – Тошкент, 1999. 105-109-бетлар; Янауш а. Жалолиддин Румий // Тасаввуф алломалари. – Тошкент, 2004. 132-137-бетлар; Ҳаккул И. Башарият шоири // “Шарқ маъшали”, 1998, 3-4-сонлар, 74-76-бетлар; Янауш а. Рухи ҳур, ирфони ҳур шоир // Ҳаккул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент, 1998. 49-65-бетлар; Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти // Мумтоз сўз қадри (Адабий-илмий мақолалар). – Тошкент, 2004. 24-33-бетлар; Қаххор Т. Руҳоният шоири (Сўнгсўз) // Жалолиддин Румий. Учмокқа қанот йўқ вале учгайман (Ривоятлар ва рубоийлар). – Тошкент, 1994. 35-47-бетлар; Жумайлов Р. Мавлоно Жалолиддин Румий. – Тошкент, 2003; Янауш а. Румий ва Машраб // Мумтоз адабиёт масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 2006. 73-82-бетлар; Ҳомидов Ҳ., Очилов Э. Румий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2004. 7-жилд. 385-386-бетлар; Очилов Э. Жаҳон адабиётининг муazzам сиймоси // Барҳаёт сиймолар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. 109-119-бетлар; Сайдов У., Сайдов Э. Ўзбекистонда румийшунослик // “Сино”, 2006, ёз (№ 22), 24-27-бетлар.

² Мавлоно Жалолиддин Румий. Рубоийлар // 333 рубоий (Форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Тошкент, 1991. 54-63-бетлар (2007 йил бу тўплам қайта нашр этилди. – Э.О.).

³ Жалолиддин Румий. Учмокқа қанот йўқ вале учгайман. Ривоятлар ва рубоийлар (Форсийдан Ж. Камол таржимаси). – Тошкент, 1994.

туркча таржимаси орқали ўзбекчалаштириди¹. Заҳматкаш мутаржим Асқар Маҳкам туркиялик румийшунос олим Обиддин Пошшо ва эронлик мавлавийшунос Карим Замонийларнинг шарҳларидан фойдаланган ҳолда, “Маснавий маънавий” биринчи китобининг бир кисмини ўғирди². Биз ҳам хассос шоирнинг аввал 100, кейин 178 та рубоййини ўзбекчалаштирганимиз. Кейинчалик унинг ададини мингтага етказганимиз³. Яқинда Маҳмуд Ҳасаний XVIII асрда Хоразмда яшаган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Маснавий маънавий”нинг дастлабки уч дафтари шарҳланган “Мифтоҳ ул-асрор” деб номланган тафсирини таржима қилиб, нашр эттируди⁴. А. Маҳкам “Улуғ девон”дан 100 та ғазални ўзбекчалаштириб, форсий аслияти билан бирга алоҳида китоб ҳолида чоп килди⁵. Шунингдек, Жуманиёз Жабборов ва Олимжон Бўриевлар ҳам Румий ғазалларидан намуналар таржима қилганлар⁶.

Албатта, бу таржималар ичида Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камол томонидан “Маснавий маънавий” олти китобининг тўла таржима қилиниб, нашр этилиши адабий-маънавий ҳаётимизда унунтимас воеа бўлди⁷. Асрлар давомида бу муazzзам асарнинг факатгина таърифини эшитиб келган ўзбек ўкувчилари ниҳоят уни

¹ Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (Таржимон Улугбек Абдуваҳоб). – Тошкент, 1997.

² Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-китоб (Таржима шархи билан). – Тошкент, 1999.

³ Жалолиддин Румий. Рубоийлар // Ишқ дафтари. Рубоийлар (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари). – Тошкент, 2000. 45–60-бетлар. Жалолиддин Румий. Рубоийлар // Мухаббат тароналари. Рубоийлар (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари). – Тошкент, 2005. 211–243-бетлар; Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2008; Жалолиддин Румий. Мухаббат маъвоси (Рубоийлар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013.

⁴ Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор (“Маснавий маънавий” тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент, 2006.

⁵ Шамс Табризий. Ғазаллар (Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси). – Тошкент, 2006.

⁶ Жалолиддин Румий. Сен бор бўлсанг... Ғазаллар (О. Бўри таржимаси), рубоийлар (Э. Очилов таржимаси) // “Жаҳон адабиёти”, 1997, 5-сон, 173–180-бетлар.

⁷ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. 1-6-китоблар. – Тошкент, 2001–2004.

она тилларида ўкиб, буюк маънавият уммонидан баҳраманд бўлиш баҳтига эришдилар.

Маълумки, “Маснавий маънавий” – энг кўп шарҳ ёзилган асар. Унга шарҳ ёзиш XV асрдан бошланди. Илк шарҳлардан бири Хоразмда яратилади – Xожа Абулафо Хоразмий шогирди Камолиддин Ҳусайн Хоразмийни унга шарҳ ёзишга ундаиди. Лекин у “Жавохир ул-асрор ва завохир ул-анвор” (“Сирлар жавоҳири ва нурлар жилоси”)да “Маснавий маънавий”нинг факат уч дафтари шарҳлаган. Машхур накшбандия шайхи Яъкуб Чархий ҳам асаддаги най тимсолини шарҳлаб рисола ёзган. XVIII асрда эса Шайх Одина Мухаммад Хоразмий “Мифтоҳ ул-асрор” (“Сирлар қалити”) номли тафсирида “Маснавий маънавий”нинг дастлабки уч дафтари (китоби)ни ирфоний шарҳлаб берган.

Албатта, бу таржималарнинг барчаси буюк Мавлоно даҳосига ҳурмат ва эҳтиром сабабли амалга оширилган бўлиб, ўзбек ўқувчиларини Жалолиддин Румийнинг ижод дунёсига олиб киришда у ёки бу даражада хизмат қилди. Ўз-ўзидан маълумки, улуғ сўз санъаткорининг шеърларидан илк таржималар ҳам Жамол Камол таржимасида тилимизда жаранглади – Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романида шоирнинг кўплаб ўтли шеърлари ҳам келтирилган бўлиб, уларни моҳир мутаржим меъёрига етказиб ўзбек тилига таржима қилган ва бу таржималарнинг кўпи тиљга тушди. Бу ўринда биргина “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил” мисрасини эслашнинг ўзи кифоя. Бутунги кунда бу мисрани билмайдиган адабиёт муҳлисис мамлакатимизда топилмаса керак. Бу мисра олиму шоирларга айрича илҳом бериб, кўплаб мақолалар ва шеърларининг эпиграфига айланди, иқтиbos ва тазмин сифатида келтирилади. Мана бу ғазал таржимаси эса ҳатто қўшикка айланиб кетди, давраларда, тўйларда ўқилиб келаяпти:

Кўнгил ичра нечук олам, нечук султон, билмассен,
Таним саргайди, пойим устувор чандон, билмассен.

Мунаввар бир күёшмен, дур тўла тўлқинли уммонмен,
Замин теграмдадир, дилда яшар осмон, билмассен.

Жаҳон бўстонида бир боларидек учганим-учган,
Асалдек сўзларим, лекин сенга пинҳон, билмассен.

Каломдин ҳам муборақдир улар. Мен ошиён курдим,
Кабутарларга дерменки, келинг, эй жон, билмассен!

Акл бегона сенга йўқ эмиш фаҳми-фаросат ҳам,
Билармен, деб дам урма, урганинг ёлғон, билмассен!..

Шунингдек, асардаги “мен кўп замон ошик”, “унутма бизни”, “истармен”, “келди”, “айладинг кетдинг”, “келадир” радифли ғазаллар, қатор рубоийлар ва шеърий парчалар таржимаси ҳам румиёна чиккан.

Шундан кейин Ш. Шомухамедов Жалолиддин Румийнинг 10 та газали, 50 та рубоийси ва “Маснавийи маънавий”дан бир неча ҳикоят ва парчаларни ўзбек тилига таржима килиб, форс-тожик мумтоз шеърияти буюк намояндалари асарлари асосида тартиб берилган “Инжулар уммони” тўпламида эълон қилди. Бу таржималар ҳам Румий ижоди билан танишиш йўлида навбатдаги қадам бўлди. Мутаржим ғазалларни арузда, рубоий ва ҳикоятларни бармоқ вазнида таржима килган. Лекин “Маснавийи маънавий”-дан килинган таржималарнинг баъзилари асар ёзилган рамали мусаммани максур (маҳзуф)да. Туркӣ шеъриятда туюқ вазни сифатида машҳур ушбу вазннинг оҳанги ва ритми ҳалқимизга, қалбимизга яқинлиги сабабли савки табний билан бенхтиёр арузда чикиб қолган бўлса, не ажаб. Чунончи:

Ҳар киро жома зи ишке чок шуд.
Ўзи ҳирсу жумла айбе пок шуд¹.

Ш. Шомухамедов таржимаси:

Қай кишининг жомасин ишк чок этар,
Қалбини ҳирсу тамаъдин пок этар².

Худди шу байтни Ж. Камол қуидагича таржима килади:

Ишк ила кимнинг яқоси чок эрур,
Ҳирсдин озоду айбдин пок эрур.

Маълумки, муайян асарнинг бир неча таржималари бўлиши жаҳон таржимачилиги амалиётида ижобий ҳодиса ҳисобланади. Бунда, биринчидан, ҳар бир таржима асарнинг янги киррасини очади, ўзгача талқинини вужудга келтиради. Иккинчидан, ўқувчи бу

¹ “Маснавийи маънавий”и Мавлоно Жалолиддин Мавлавий. Аз рӯи нусхай Р. Никўлсун. – Техрон. 1380 (хижрий-шамсий). С. 6. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат килинганда саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади.

² Инжулар уммони. 225-бет.

³ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий биринчи китоб – Тошкент, 2001. 26-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат килинганда жилди ва саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади.

таржималар ичидан дидига қараб ўзига ёкканини танлаб ўкйиди. Учинчидан, бу таржималарни аслиятга қиёслаш орқали улардан қайси бирининг аслиятга кўпроқ мувофиклиги, таржимонларнинг маҳорат даражаларини ҳам аниклаш мумкин бўлади. Чунончи, келтирилган байт таржимасида ҳар иккала мутаржим ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилишган. Биргина “жома” – “тўн” сўзини айтмаганди. Ш. Шомухамедов таржимаси замонавий чиқсан. Ж. Камол “жома” сўзини ҳозирги ўқувчига таниш ва ўзбекча “ёқа” сўзи билан алмаштиради – бу унинг муваффакияти. Чунки бу ерда обьект ўзгаргани – “тўн” “ёқа”га айлангани билан моҳият ўзгармаган: шеърда кўзда тутилган максад – бағирга ишк ўтининг тушиши ва ундан вужуднинг ўт ичра колиши. Бу ҳол таржимашуносликда меъёрий ҳол ҳисобланади. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний бундан минг йил муқаддам шундай деган эди: “Агар (таржималаримизда) ишлатган сўзларимиз одатда ишлатиладиганда тўғри келмаса, маъноларга эътибор берилсин, чунки максад маъноларни билдиришдир”¹. Лекин Ж. Камол таржиманинг ўтмиш адабиёти намунаси эканлигини таъкидлаш максадида “эрур” тўлиқсиз феълини кўллади. Шунингдек “билан” кўмакчисининг “ила”, “дан” чикиш келишиги қўшимчасининг “дин” шаклида кўлланиши (“хирсдин”, “айбдин”) ҳам таржиманинг мумтоз матн намунаси эканлигини билдириб туради. Умуман, арабий-форсий сўзлар, изофа-иборалар, қўшимчаларни кўп кўллаш Ж. Камол таржималари учун ҳос хусусият ҳисобланади. Бу ҳол унинг Румий ижодидан қилган таржималарида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

1991 йили Ж. Камол форс-тожик тилида калам тебратган 9 нафар мумтоз шоир ижодидан 333 та рубонини ўз анъанавий вазнида таржима килиб, нашр эттирди. Улар орасида Жалолиддин Румий қаламига мансуб 53 та рубой ҳам мавжуд. Бу рубониларни мутаржим мумтоз рубоийнавислик анъанаси ва рубой таржимачилиги тажрибаларига таянган ҳолда аслига мувофиқ таржима қилишнинг улласидан чика олган. Чунончи:

Эй муниси рўзгор, нечуксан менсиз?

Эй ҳамдаму ғамгусор, нечуксан менсиз?

Мен бори ҳазонману ҳаробман сенсиз,

Эй юзлари гулбаҳор, нечуксан менсиз?

¹ А б у Р а и х о н Б е р у н и й . Ҳикматлар (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов). – Тошкент, 1973. 22-бет.

Бу таржимани аслият билан киёсласак, унинг қанчалик маҳорат билан ўзбекчалаштирилгани аён бўлади-кўяди:

Эй мўниси рўзгор, чуни бе ман?

Эй ҳамдаму ғамгусор, чуне бе ман?

Ман бо рухи чун хазон ҳаробам бе ту.

Ту бо рухи чун баҳор, чуни бе ман?

Баъзида маҳорат билан топилган ва ўрнига тушган биргина сўз ёки ибора ҳам таржиманинг ҳуснини очиб юбориши мумкин. Бу ерда ҳам, таъбир жоиз бўлса, “чуни бе ман?” (“Менсиз аҳволинг қандай?”) радифининг “нечуксан менсиз?” тарзида мумтоз услубда жуда топиб ўзбекчалаштирилгани таржиманинг муваффакиятини таъминлаган.

Маълумки, шеърда радифнинг аҳамияти катта. У “оҳангдорликни таъминлайди. интонацияни юзага келтиради ва кўп ҳолларда асарнинг ички мазмуни, моҳияти, асосий маъносини ўзида акс эттиради. Бундай радиф муаллифнинг ўз обьектига муносабати, нуктаи назари ва ҳис-туйғусини ҳам жамлаб кўрсатади”¹. Лекин таржимада радифни беришнинг ҳамиша ҳам иложи топилавермайди. Шунинг учун кўпинча радиф мазмуни мисралар орасига сингдириб юборилади. Чунки таржима тили имкон бериши-бермаслигидан катъи назар, радифни саклаб қолишга уриниш шаклбозликка олиб келиши ҳам мумкин. Радифни акс эттириш имкони топилганда эса бундан таржима кўп нарса ютади. Жумладан, келтирилган таржимада топиб кўлланилган радиф таржиманинг муваффакиятини таъминлаган – колган майда-чўйда камчиликлар шунинг соясида колиб кетган. Бўлмаса, “мўниси рўзгор”, “ғамгусор”, “бори хазон” каби сўз ва сўз бирикмалари ҳозирги ўзбек ўқувчисига тушунарли эмас. Бинобарин, уларнинг таржимага айнан кўчганини оклаб бўлмайди. Бундан ташкири, иккинчи кўшмисра таржимасида мутаржим бирмунча эркинликка йўл кўяди. “Мен хазондай юз билан сенсиз ҳаробман, сен баҳордай яшнаган юз билан менсиз қалайсан?” мазмунидаги мисраларни:

Мен бори хазонману ҳаробман сенсиз,

Эй юзлари гулбаҳор, нечуксан менсиз? –

деб таржима киласди. Лекин конкретлик бир қадар умумлашмаган бўлишига қарамай шоир кўзда тутган маъно акс этган. Таржиманинг умумий жарангосини эса ўша топиб кўлланган радиф таъминлаб турибди: “нечукчан менсиз?”

¹ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Маколалар тўплами). З-китоб. – Тошкент, 1976. 138-бет.

1994 йили Жалолиддин Румийнинг Жамол Камол таржимасидаги “Учмокка қанот йўқ vale учгайман” номли шеърлар тўплами нашр этилди. Ундан шоирнинг юқоридаги 53 рубойси ва “Маснавий маънавий”даги айрим ҳикоятлар таржимаси ўрин олган. Бу ҳикоятларнинг айримлари (“Уч йўловчи ҳакидаги ривоят”, “Эшак ва дарвешлар”) Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романи ичida ҳам келган.

“Маснавий маънавий” таржимаси нафакат Жамол Камол таржимонлик фаолиятининг чўккиси, айни пайтда, ўзбек бадий таржимачилигининг ҳам улкан ютуғи ҳисобланади. 6 дафтар – 25685 байт (51370 мисра)дан иборат муazzам асар тўлиқ таржима қилиниб, 2001-2004 йилларда ўзбек тилида чоп этилди. “Маснавий маънавий”да Куръони каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топган, 690 та ҳадисга румиёна шарҳ берилган, 270 та турли мавзудаги ҳикоя ўрин олган. Унинг форсий Куръон, Маънавият дентизи, Тасаввуф қомуси, Дунёнинг китоби деб улуғланиши шундан. Чунки у Куръон, Ҳадис, тасаввуф ва ҳаётни, инсон қалби ва феъл-атворини тушуниш учун ўзига хос очқичдир¹.

“Маснавий маънавий”да ҳалқ мақоллари даражасидаги мазмунан теран ва бадиий юксак ҳикматли мисра ва байтларнинг кўплиги шундан – уларни бир ерга йигиб, мавзусига кўра жойлаштириб чикса, инсонга Оллоҳни ва ўзини танитадиган, олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир-синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга йўллайдиган ўзига хос “Ҳикмат китоби” дунёга келади. Бу ҳикматлар Куръони карим ва Ҳадиси шариф отлиқ мўътабар чашмалардан сув ичгани, комусий билим ва катта ҳаётӣ тажриба асосида яратилгани, кундалик турмуш воқеалари асосига курилгани, ҳалқона соддалик, самимиятга йўғрилгани, юксак бадинияти, хассос руҳи, равонлиги, жарангдорлиги ва таъсирчанлиги билан бутун дунё илму адаб ахлини ҳайратга солиб келяпти. Бу ҳикматли мисра ва байтларнинг кўпи ўзбек тилида ҳам аслидагидай жаранглаб чиқсан. Мисоллар:

Яхшилик ёки ёмонлик этмайин,
Бир нафас дунёда турмоғинг кийин (2-88).

* * *

Сўрдилар: устоз, тасаввуф не эмиш?
Деди: ғам келганда феълни кент қилиш (3-287).

¹ Бу ҳақда каранг: “Маснавий маънавий” тақдимоти // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2002, 6-сон, 96-бет.

* * *

Бул жаҳон тоғдир, киши не айтадир,
Айтгани тоғдин ўзига қайтадир (2-188).

* * *

Пора – ришват олмасанг, кўргувчисан,
Пора олсанг кўр бўлиб юргувчисан (2-237).

Бу таржималарнинг қантчалик муваффакиятли чикканига ишонч
хосил қилиш учун уларни аслият билан қиёслаб кўриш мумкин:

Вакти сихҳат жумла ёранду ҳариф,
Вакти дардуғам ба жуз Ҳак ку атиф (871).

Ж. Камол таржимаси:

Соғ эканда барча дўсту ошно,
Хасталик етганда дўстинг бир Худо (5-290).

Ёки:

Гар шавад беша – калам, дарё – мидод,
“Маснави”ро нест поёни умид (1019).

Таржимаси:

Бўлса гар ўрмон – калам, дарё – сиёҳ,
“Маснавий” назмига етгайму адо (6-202).

Албатта, асар бошдан-оёқ шундай муваффакиятли таржима
қилинмаган: гоҳ муаллифнинг фикри нотўғри талқин этилган, гоҳ
маъно мавҳум бўлиб қолган ўринлар ҳам йўқ эмас. Таржимоннинг энг
кўзга кўринган камчилиги таржимада форсий-арабий сўзларнинг
сунистемол қилинганлиги. Чунки бутун-бутун мисра ва байтлар
деярли форсий сўз, ибора ва ифодалар билан шундоккина ўзбекчага
үтказиб кўя колинган. Қиёсланг:

Кофирон чун жинси сижжин омаданд,
Сижни дунёро хушойин омаданд.

Айбиё чун жинси иллийин буданд.
Сўи иллийин жону дил шуданд (32).

Ж.Камол таржимаси:

Куфр эли чун жинси сижжин келдилар,
Сижни дунёга хушойин келдилар.

Анбиёким, иллийиндин эрдилар,
Жону дилни иллийинга бердилар (1-77).
Ёки:
Сиғбатуллоҳ номи он ранги латиф,
Лаънатуллоҳ бўи он ранги касиф (37).

Таржимаси:

Сиғбатуллоҳдир ўшал ранги латиф,
Лаънатуллоҳдир магар ранги касиф (1-87).

Яна:

Хомили дин буд ў, маҳмуд шуд,
Қобили фармон буд ў, мақбул шуд (51).

Ж.Камол таржимаси:

Хомили дин эрди, маҳмул бўлди ул,
Қомили амр эрди, мақбул бўлди ул (1-114).

Аскар Маҳкам ҳам кейинги байтни шу хилда таржима қиласиди, тўғрироғи, деярли айнан ўзбекчага ўтказиб қўя колади:

Хомили дин эрди у – маҳмудлариди,
Қобили фармон эди – мақбулдир¹.

Бу таржимонларнинг изланиш, захмат чекишдан қочиб, осон йўлни танлашлари маҳсулидир. Бундай ярим форсча, ярим ўзбекча таржимадан таржимон ютса ютар-ку, лекин ўқувчи ютқизади.

Муайян камчиликларига қарамай, шундай жаҳон сўз санъати дурдонаси бўлмиш муazzзам асарнинг тилимизга ўтирилиши улкан адабий ҳодисадир. Ҳали бу асар устида кўплаб тадқикот ишлари олиб борилади ва унинг ютуқ-камчиликлари илмий асосда очиб берилади.

Аскар Маҳкам “Маснавий маънавий” биринчи жилди 1-китобининг турк шарқшуноси Обиддин Пошибо ва эронлик олим Карим Замонийлар томонидан амалга оширилган шарҳини ўзбекчалаштириб, уларга ўз шарҳларини ҳам илова қиласар экан. шарҳ ичida келган кўплаб байтларни ўз арузий вазнида аслиятта мувофик таржима қиласиди. Масалан:

Ин жаҳон кўх асту феъли мо нидо,
Сўи мо ояд нидоҳоро садо.

Таржимаси:

Бу жаҳон – тоғ, феълимиз гўё нидо,
Бизга қайтар бу нидолардан садо (122).

Лекин унинг таржималари форсий сўз, ибора ва изофаларнинг кўплиги билан ҳарактерланади. Чунончи:

Мебиларзад арш аз мадҳи шакий,
Бадгумон гардад зи мадҳаш муттакий.

А.Маҳкам таржимаси:

Арш титрар мақталар эрса шакий.

¹ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. 310-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинниб, сахифаси кавс ичida кўрсатилади.

Бадгумон бўлгай бу ҳолдан муттақий (132).

Ёки:

Ному номуси малакро даршикаст,
Кўраи он кас, ки бо Ҳак даршикаст.

Таржимаси:

Ҳам маътак номусини синдириди шаст,
Кимсаким Ҳак бирла бўлди даршикаст (266)

Асосий максади маънони шарҳлаш бўлгани учун у қофия
масаласига ҳам унча диккат қилмайди. Чунончи:

Аз барои ҳаққи сўхбат солтоҳо,
Боз гў холе аз он хушҳолто (91).

Таржимаси:

Неча йиллик сухбатимиз ҳурмати,
Кел, у хушҳол ҳолидин бир сўйлагил (92).

Биз ҳам шоирнинг 178 та рубоийсини анъанавий вазни – ҳазажи
мусаммани аҳрам ва ахрабда таржима қилдик. Айни пайтда, уларнинг
соғ ўзбекча жаранглаши учун ҳаракат қилдик. Бу ўринда бир мисол
келтириш билан кифояланамиз:

Хуш-хуш санамо, тозарухон омадаи,
Хандон, ба лаб лаъл газон омадаи.
Он рўз дилам зи сина бурди, бас нест,
К-имрўз дигар ба қасди жон омадаи?¹

Таржимаси:

Яшнаб, очилиб менга қараб келдингми?
Макрингни табассумга ўраб келдингми?
Ул кун кетиб эрдинг-ку олиб калбимни,
Бул кун яна жонимни сўраб келдингми?²

А.Маҳкам “Девони кабир”дан 100 та газални таржима қилиб чоп
эттириди. Бу шоир девонини ўзбек тилига ўгириш йўлидаги илк
қадамлардан биридир. Албатта, у таржима жараёнида ғазаллар
мазмуни, бадиияти, муаллиф услубини аслиятга мувофиқлаштиришга
интилган ва баъзида бу машакқатли ишнинг улдасидан чиқкан ҳам.
Чунончи:

Суврати мо гар ҳароб омад, чи бок,
Дар миёни доми маъни донаем.

Таржимаси:

¹ Куллиёти Шамс Табризий. С. 1488.

² Мұҳаббат тароналари. Рубоийлар (Форс тилидан Эргаш Очилов
таржималари). – Тошкент, 2005. 213-бет.

Сувратимиз гар хароб эрса, не бок,
Маъни доми ичра худди донамиз¹.

Ёки:

Тамаъ нигар, ки миннати панд медиҳам, ки макун
Чунон, ки панд диҳад нимпашиша анкоро.

Таржимаси:

Тамаъ кильма, уқиб ол пандни, миннат эшитгайсан,
Чунончи, панд берар бавзида пашша мурғи анқони².

Лекин, бир бутун олганда, бу таржималарни унча муваффакиятли чиккан деб бўлмайди. Уларда форс-тожик сўз ва иборалар, изофалар меъеридан ортиқ. Жумладан, “сарварда бор думболлар”, “эй ногаҳоний рустахез”, “афлок сендан сарнагун”, “Ишқдан самолар мўъталиф. беишк юлдуз мунхасиф”, “бешу кам”, “афкори бад”, “бухлу ҳасад”, “халкобадир жисми тарим”, “пишмай ҳануз ангуримиз”, “Тортма аёғинг коримиз. ёзгили чигал дасторимиз”, “садраи Ҳазро”, “ол жоми сабухни”, “яди байзо”, “Гар ҳозики жаддир ва магар ишваи тийбо”, “Юз кари ҳам пайдо эрур, қолгай бу афлоку хало”, “эй кўйида хайлу ҳашам”, “юз пираҳан чокини кўр”, “улким кўрар рўйинг сенинг”, “Рақс айлабон гардун томон”, “ундан ўтиб бечун томон”, “Ойдан ситора оласан... Гоҳ ширхора оласан”, “Гар соchlарим чун ширдир, мард шавқидин у пирдир”, “Нух гарчи мардумвор эди, тўфон мардумхор эди”, “фотиху мафтуҳ ўзинг”, “Тур уза мурғ ўзинг, кўксида минкор маним”, “Рўз ўзинг, рўза ўзинг, ҳосили дарюза ўзинг”, “Бу шашаайи нурни, бу жоҳу жалолатни”, “истар эдим ҳармуҳрани”, “вайронни кишвар айлагил”, “Хонумони тархондаман”, “зиндаю поянда бўлур”, “мири хўбон”, “лаълин кабо”, “оҳан сифат”, “Оҳан олар ойинагар, заҳм етказар унга шарап”, “дурри ятим”, “ёндирди хушку тарни”, “Токи кўҳналарни жадид қилгайлар”, “Халқ ҳам бесару по келмоқда”, “бонги сақо”, “васлу лико келмоқда”, “марди роҳ”, “Ки гўр дарпардаи жамъияти жинон бўлгай”, “шамсу қамар ботмоғи”, “ҳақойик ҳатлари”, “ҳақойик шаҳри”, “таҳайюр макоми”, “тажаллий боргоҳи”, “чатри Сулаймон”, “неча муханнас нажод” каби кўплаб сўз, ибора ва мисралар бунинг исботидир.

Якинда истеъдодли адабиётшунос олимга ва нозиктабъ шоира Шафиқи Ёркин Жалолиддин Румийнинг 161 та рубонийсини анъанавий

¹ Шамс Табризий. Ғазаллар. 132-бет.

² Ўша ерда. 158-бет.

вазнида таржима қилиб, Кобулда нашр эттирди¹. Унинг форс ва ўзбек тиллари. Шарқ мумтоз адабиёти, аruz вазни, бадий санъатларни яхши билиши таржималарининг муваффакиятини таъминлаган. Лекин аслият таъсиридан чиқиб кетолмаслик ва аruz қоидаларига бўйсуниш бу таржималарда форсий сўз, ибора ва ва изофаларининг баъзида меъёридан ортиқ кўлланишига сабаб бўлган. Ҳолбуки, бадий таржиманинг антиномияларидан бири шундаки, аслиятдан канча узоқлашсанг, унга шунча яқинлашасан. Чунончи:

Жуз ишк набуд ҳеч дамсоз маро.
Не аввалу не охиру оғоз маро,
Жон медиҳад аз даруна оғоз маро,
К-эй коҳили роҳи ишқ, дарбоз маро².

Йўқ ишқдан ўзга менга ҳеч бир дамсоз,
Ишқ аввали ишқ охиру ишқдур оғоз,
Кўнглим ичидан бир чакирик, бир овоз
Дейди: эшигим очик эрур, кил парвоз!³

Албагта, таржималар ҳали давом этади. Буюк шоир ижодига таржимонларнинг янгидан-янги авлоди кўл уради. Ҳали шонрнинг “Девони Кабир”и ўз таржимонини кутиб турибди. Кейинги таржималар аввалигни таржималарнинг ютуқларини ўзлаштириб, камчиликларини бартараф этиши шубҳасиз.

Кўриниб турибдики, Жалолиддин Румийнинг турли жанрдаги кўплаб асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Улардан баъзиларининг бир неча таржима нусхалари мавжуд. Бинобарин, бир мақола доирасида уларнинг барчасини ўрганишнинг имкони йўқ. Бу таржималар бир неча катта тадқиқотларга мавзу беради.

2.5. «ДЕВОНИ ФОНИЙ»НИНГ НАСРИЙ ВА НАЗМИЙ ТАРЖИМАЛАРИ

Маълумки, Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам самарали ижод қилган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. У “Хазойин ул-маоний” девонлар туркумини тузиб бўлгач, 1495-1500 йилларда форсий тилдаги ижод намуналарини ҳам

¹ Қаранг: Мавлоно Жалолиддин Мухаммад Балхий. Рубоийлар. Форс ва ўзбек тилларида. – Кобул, 2007.

² Ўша ерда. 4-бет.

³ Ўша ерда. 5-бет.

тўплаб, “Девони Фоний” (“Фоний девони”)ни тартиб берди. Шоирнинг йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламига асосланадиган бўлсак, бу девон анча салмоқли бўлиб, 552 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия-таркибанд, 64 китъа, 72 рубойй. 16 таърих, 9 луғз (чистон), 266 муаммодан иборат¹. Ғазалларнинг аксарияти машҳур форс-тоzik шоирларининг шеърларига татаббуълардан иборат. Жумладан, Ҳофиз Шерозийнинг 237, Абдураҳмон Жомийнинг 52, Амир Ҳусрав Декълавийнинг 33. Саъдий Шерозийнинг 25 ва бошқа шоирларнинг кўплаб ғазалларига татаббуълар килинган. Ўзининг форсийда битган оригинал ғазалларига “Мухтара” ва “Ихтиро” деб сарлавҳа кўйилган бўлиб, уларнинг сони 50 дан ортиқ. Бундан ташқари, у форсийда яна 2 та қасидалар тўплами ҳам тузган. Улардан бири “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) деб номланиб, 6 қасидани ўз ичига олади. “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) қасидалар туркуми эса йил фаслларига багишланган 4 қасидадан иборат.

Алишер Навоийнинг форсий мероси Абдураҳмон Жомий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Камолиддин Биной, Давлатшоҳ Самаркандий, Гиёсиадин Ҳондамир каби машҳур замондошлари томонидан юксак баҳоланган. Шоирнинг ўзи “кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар вокеъ”лиги жихатидан форсий асарлари ҳам халқ орасида машҳур бўлиб, замондошлар уларни севиб ўқишларини айтади².

Шунга қарамай, ҳалигача биз бу муazzзам мероснинг тўла шеърий таржимасига эга эмасмиз. Турли йиллардаFaфур Ғулом, Шоислом Шомуҳамедов, Чустий, Абдулқодир Ҳайитметов, Жамол Камол, Носир Муҳаммад, Ҳабибулло Саид Ғани, Олимжон Бўриев, Эргаш Очилов, Абдуҳамид Парда каби таржимонлар Фоний ғазал, қасида, китъа, рубоййларидан намуналар таржима киlgанлар.

“Девони Фоний”нинг шеърий таржимасига биринчи бўлиб Faфур Ғулом кўл уради. Шоир таваллудининг 525 йиллиги олдидан у “Бир кадаҳ май излабон кетдим бугун майхонага” ва “Яхши бўлғай олам аҳлин кильмасанг ҳеч ёдтарин” мисралари бошланадиган икки ғазалини ўзбекчалаштириб, “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1966

¹ Карап: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Девони Фоний. XVIII-XX жиллар. Тошкент, 2002-2003. Маколада мазкур жилларга мурожаат килинганда жилди ва саҳифаси кавс ичилди кўрсатилади.

² Карап: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн // Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Тошкент, 2000, 32-бет.

Йил 30 январь сонида эълон қиласы¹. Чунончи, иккинчи ғазал рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – –V – – – V – – – V –) да ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазннинг ўзи билан таржима килиш оркали аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан мувофиқ таржима яратган:

Ҳарчи ҳастанд аҳли олам бех, ки н-ори ёдашон,
То ба хотир н-оядат аз ёдашон бедодашон (19-366).

Яхши бўлгай олам аҳлин қилмасанг ҳеч ёлларин,
Олмасанг ҳеч хотирингга ёлларин – бедодларин².

Лекин биринчи ғазал ҳазажи мусаммани ахраби солим вазнида бўлиб, мутаржим уни ҳам рамали мусаммани мақсурда таржима қиласы.

Форс-тожик адабиётининг билимдони ва забардаст тадқикотчиси, мохир ва сермаҳсул таржимон Ш.Шомуҳамедов Фонийнинг “Тухфат ул-афкор” касидаси (қисқартиришлар билан) ҳамда 9 китъя ва 10 рубойисини бармок вазнида таржима қиласы³.

Шеърий таржиманинг дастлабки шарти аслиятга мувофиқ вазн танлашдан иборат. Вазн нотўғри танланса, маъно ҳар қанча тўғри берилмәсин, бундай таржима муваффақиятли ҳисобланмайди. Чунки шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳангига ҳам ўзгаради, бир эстетик вокелик бошка эстетик вокеликка айланади, шунга мувофиқ, унинг ўқувчига ўтказадиган таъсир кучи ҳам ўзгача бўлади. Чунончи, қуийдаги китъя рамали мусаммани мақсур вазнида яратилган бўлиб, Ш.Шомуҳамедов уни 9 ҳижоли бармок вазнида таржима қиласы – 15 ҳижоли мисралар ўзбек тилига 9 бўғинли бўлиб кўчган. Натижада аслият мазмуни тўғри акс этган бўлса-да, Навоий китъасига хос оҳанг ва жозиба йўколган, шоир услуби ўзгаришга учраган, фикрларнинг залворли оқими ихчам мисраларда тезлашиб кетган, шунга мувофиқ, шикоят оҳангига ҳукмга айланган:

З-ошноён он қадар ранжу алам дидам, ки нест
Майли он акнун, ки бо худ низ бошам ошно.

¹ Бу ҳақда қаранг: *F a f ур F ул о м . Муқаммал асарлар тўплами*. Ўн иккى жилдлик. 9-жилд. Тошкент, 1988. 749-бет (изоҳлар кисми).

² Ўша ерда. 57-бет.

³ Қаранг: *Инжулар уммони (Тўплам)*. Тошкент, 1988. 386-393-бетлар.

Дил харошу жон ано бинад аз эшон гўиё,
Хаст як нисф аз хароши дил, дигар нисф аз ано (20-30).

Мазмуни: “Дўстлардан шу кадар (кўп) ранжу алам кўрдимки, энди ҳатто ўз-ўзим билан дўст бўлишдан ҳам юрагим безиллаб қолди. Улардан кўнглимга озору жонимга азоб етади – гўёки уларнинг бир кисми дилга озор берувчи-ю, бир кисми жонни азобга кўювчи”.

Ш.Шомухамедов таржимаси:

Ошнолардан шунча алам чекдимки,
Энди ошноликка майлим йўқдир ҳеч.
Улардан дил яра, жон мажрух, гўё
Ярми жонга бало. ярми дилга ў¹.

Таржиманинг аслиятга нисбатан сиккىк вазнга солинганлиги мисраларни ҳам ихчамлаштиришга олиб келган – бу муаллиф фикрларининг чала ифодаланишига сабаб бўлган: биринчи мисрада “ранж” сўзи тушиб қолган (шоир факат алам кўрдим эмас, балки азоб ҳам чекдим демокда), иккинчи мисра янада кисқаришга учраган: “ҳатто ўз-ўзим билан ҳам” жумласидан воз кечилган, ҳолбуки, шоир нафакат одамлар, ҳатто ўзим билан дўстлашишга ҳам юрагим безиллаб қолди деган фикрни илгари сурган – фикрнинг охорлилиги ҳам шунда. Учинчи ва тўртингчи мисралар ифодалаган маъно гўё таржимада тўла сакланган бўлиб кўринса-да. ташбеху тазодлар етарли даражада таъсирчан чикмаганлиги туфайли шеърнинг таъсир кучи сусайган.

Ҳабибулло Сайд Ғани “Девони Фоний”даги 25 та ғазални ўз вазни, ҳатто ички қофияланиш тартибини саклаган ҳолда таржима килиб (ҳолбуки, Ж.Камолдай моҳир таржимон ҳам ички қофияларни саклашга кўпда эътибор бермаган), аслият билан бирга алоҳида китобча шаклида эълон килди². Бу улуғ шоирнинг форсий меросини таржима қилиб, ўқувчиларга етказиш йўлидаги жиддий қадамлардан бири эканлиги шубҳасиз. Албатта, таржимон таржимада шакл ва мазмун мутаносиблигини саклаш борасида бир кадар муваффакиятга ҳам эришган. Чунончи, қуйидаги мухтараъ ғазал сарийи мусаддаси матвийи максур (муфтаилун муфтаилун фоилун --VV--VV--V--) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазннинг ўзи орқали

¹ Ўша ерда. 391-бет.

² Қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. “Девоний Фоний”дан. Тошкент, 2006.

таржима қилиш билан шакл ва мазмун мутаносиблизгини таржимада ҳам саклай олган:

Мо ба кужо, зуҳду ибодат кужо?
Маст кужо, тақвию тоат кужо? (18-28)

Кайда бизу зуҳду ибодат қани?
Маст қани, тақвию тоат қани?¹

Лекин унинг барча таржималари ҳам ҳудди шундай аслиятга ҳар жиҳатдан мувофик эмас. Жумладан, айни ғазалнинг бешинчи байти таржимаси тўғри эмас:

Хонақаҳи зуҳд зи мо шуд ба танг,
Шоҳраҳи дайри маломат кужо?

Мазмуни: “Биздан зуҳд хонақоҳи додга келди (безор бўлди, чидаб бўлмас даражага келди ва шу каби), маломат майхонасининг шоҳкӯчаси қаёқда?”

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “танг” сўзи бу ерда “тор” маъносида эмас. Ҳолбуки, байтнинг Мўминжон Муҳаммаджонов томонидан амалга оширилган насрый таржимасида ҳам, Ҳабибулло Сайд Ғани қаламига мансуб шеърий таржимасида ҳам у айнан шу маънода олинган.

Насрый таржима:

“Зуҳд хонақоҳи бизга танглик қилади, маломат майхонасининг катта кӯчаси қаёқда?”² Афсуски, янги нашрда ҳам бу хато айнан такорланган (18-29).

Шеърий таржима:

Зуҳд элин хонақоҳи тор манга,
Шоҳ кӯчада дайри маломат қани?

Бу ерда “ба танг шудан” – безор бўлиш, додга келиш, оғир аҳволга тушиш, чидаб бўлмас даражага келиш, ҳаддан ташқари азобу

¹ Ўша тўплам. 7-бет.

² А ли ш е р Н а в о и й . Асарлар. Ўн беш жилдлик. 5-жилд. 1-китоб. Тошкент, 1965. 23-бет.

ситам ўтказиш, азоб чекиши, ожиз қолиш каби маъноларни билдириб келаяпти¹.

Таржиманинг иккинчи мисраси ҳам хатодан холи эмас: “Маломат майхонасининг шоҳкӯчаси қаёқда?” деган фикр “Шоҳ кўчада жойлашганд майхонаси қани?” деб ўгирилган.

Олтинчи байт таржимасида эса “пир” сўзи тушиб колган: “Шайх риё, пири муғон май намуд” – “Шайх риё, майни муғон кўрсатур”. Бу ерда шоир шайх ва пирни, хонакоҳ ва майхонани бир-бирига зид қўяпти. Таржимада ана шу тазод қурбон килинган. Бундан ташқари, пири муғон – тасаввуф шеъриятида маънавий раҳбар, раҳнамо маъносига келадики, муғон – муғлар, яъни оташпастлар сўзи бу маънони бермайди.

Кўриниб турибдики, тўпламдаги илк таржиманинг ўзида бир неча хатога йўл қўйилган. Бошка таржималар ҳам у ёки бу даражадаги хато-камчиликлардан холи эмас. “Пайманаи май жўён рафтам сўн майхона”, “Аз ҷашми ман марав, ки туам нури дидаи”, “Меравад сарви ману рафтор мемонад ба дил” мисралари билан бошланадиган ғазаллар таржимасида кофия ва радиф мувофиқ танланмаганлиги натижасида таржимада поэтик мутаносиблик шеърий жарангос бузилган.

Ёки:

Хисраву Ҳофиз туро. Фоний, агар ҳодиянд,
Пайравийи Жомият ҳаст ба важхи Ҳасан (19-362).

Хусраву Ҳофиз мудом Фонийгадир раҳнамо,
Жомий йўлин излагил, чунки у важхи Ҳасан².

Байтнинг насрый таржимаси қўйидагича: “Эй Фоний, Хисрав (негадир, аслиятда ҳам, насрый таржимада ҳам Ҳусрав (Амир Ҳусрав Дехлавий) номи “и” ҳарфи билан хато ёзилган) билан Ҳофиз сенга йўл кўрсатувчи бўлсалар ҳам, сени Жомийга пайравлигинг энг яхшидир” (19-363).

Ҳабибулло Саид Ғани эса “важхи Ҳасан” иборасига “тўзал чехра; яхши баҳона. Маъноси (иккинчи мисранинг – Э.О.): “Жомий йўлидан боргин, чунки у энг мақбул йўлдир” деб изоҳ беради.

¹ Каранг: Фарҳангги забони тоҷики. Иборат аз ду жилд. Жилди 2. М., 1969. С. 320.

² Алишер Навоий. “Девони Фоний”дан. 25-бет.

Аслида бу ерда мазкур ибора икки маънода келаяти: 1) яхши усулда (йўлда, таврда), 2) Ҳасан Дехлавий усулида. Яъни сен Ҳасан Дехлавий усулида Абдураҳмон Жомийга пайравлик килаяпсан. Ғазалнинг Ҳожа Ҳасан Дехлавийга татаббуъ эканлиги ҳам шундан далолат беради. На насрый, на шеърий таржима муаллифи бунга дикқат қилгандар. Шу ўринда насрый таржималар ҳам муайян даражадаги камчиликлардан холи эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Шундай таассурот туғиладики масъулият юки босиб, Ҳ.Саид Ғани аслиятга ижодий муносабатда бўлишга ҳамиша ҳам журъат этолмаган. Таъбир жоиз бўлса, у ғазал ёзилган вазнни топиб, сўзларни унга жойлаб қўйишга интилган – бу эса унинг эркинлигини бир қадар бўғиб қўйган. Натижада баъзида маъно иккинчи ўринга сурилиб қолган.

“Девони Фоний” таржимаси йўлидаги энг жиддий қадамни Ўзбекистон Ҳалқ шоири, забардаст таржимон Жамол Камол қўйди – у Алишер Навоийнинг форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнида – арузий жилоси билан таржима килиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттиради¹. Унинг Шарқ мумтоз сўз адабиётини яхши билиши, форсий адабиёт таржимасида катта тажриба тўплаб, юксак маҳорат ҳосил қилгани, энг муҳими, тийнатида шаркона рух мавжудлиги, ўзи ҳам арузда ҳассос ғазаллар, пурмаъно рубонилар ва ошиқона мухаммаслар ёзиб, қалами қайралгани Фоний ғазаллари ва қасидалари таржимаси муваффақиятини таъминланган омиллар сирасига киради. Баъзи жузъий қусурларини айтмаганда, бу таржималар асосан ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатидан аслиятга мувофик чиққан, энг муҳими, Навоий ғазалларига ҳос мазмуний теранлик ва шаклий жозиба, ҳассос туйғулар мавжию оташин кечинмалар тўлқини ўзбекчада ҳам аслиятга муносиб равишда ўз аксини топган. Чунончи:

Оламе ҳоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў (19-450), –

байти билан бошланадиган рамали мусаммани мақсур вазnidаги мухтара Фонийнинг энг гўзал ва машҳур ғазалларидан бўлиб, уни Жамол Камол ўз вазни билан маромида таржима қилган ва таржимада шакл ва мазмун бирлигининг ёркин намунасини яратган:

¹ Қаранг: Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани (Ғазаллар ва қасидалар). Тошкент: “Meriyus”, 2011.

Олам истарманки, унда аҳли олам бўлмасин,
Унда олам аҳдининг бедодидин ғам бўлмасин¹.

Таржима деярли сўзма-сўз аслига мувофик – факат “мардуми олам” иборасини мұқобилини топиб “аҳли олам” деб ўзбекчалаштирган. Чунки “мардуми олам” ўқувчига бир оз тушунарсиз, “аҳли олам” эса ўз сўзимизга айланиб кетган. Яна вазн тақозосига кўра “жафо” сўзини “бедод” деб оладики, бу ҳам унинг маҳоратидан, зеро бу сўзлар ўзаро маънодош хисобланади.

Маҳорат билан топилган биргина сўз таржиманинг ҳуснини очиб юбориши, аксинча, ноўрин қўлланган бир сўз таржимани хирадаштириши, ҳатто мазмунини бузиши, соҳталаштириши мумкинлиги маълум. Ҳар кандай таржимани ана шундай топилма сўзлар безайди. Жумладан, Ж.Камол “ратли гарон” – “улкан қадаҳ”ни жуда топиб, “шоҳкоса” деб олади. “Ширинкор” сўзини ҳам “ширин дилдор” тарзида мұқобилини топиб таржима қилган. Ёки чопиб, югуриб, тез маъносидаги “давон” сўзини контекстдан келиб чиқиб. “равон” деб ўзбекчалаштирган.

“Девони Фоний” тўлик таржима килинмаган бўлса-да, бир неча газал, рубоий, китъя ва қасидаларининг икки, ҳатто уч таржима нусхаси пайдо бўлган. Бу ҳол уларни ўзаро киёслаб ўрганиш ва аслиятга нисбатан якин таржимани аниқлаб олиш имкониятини яратади. Масалан, Ш.Шомуҳамедов шоир рубоийларидан намуналар таржима қилган эди. Кейинчалик Э.Очилов ва А.Пардалар мавжуд 72 рубоийнинг барчасини ўзбекчалаштирилар². Худди шундай Алишер Навоийнинг Амир Ҳусрав Дехлавийнинг Шарқда машхур “Дарён аброр” қасидасига жавобан устози Абдураҳмон Жомийга бағишлиб ёзган 99 байтлик “Тафаккур тухфаси” қасидасининг ҳам уч таржимасига эгамиз.

Ш.Шомуҳамедов қасиданинг 39 байтини кисқартириб, 60 байтини таржима қилган. Бунда у асосан араб ёзувидағи ҳарф ўйинларига асосланган мураккаб ҳамда диний-тасаввуфий мазмун бўртиб турган байтларни кисқартириб кетган. Лекин унинг радиfdban воз кечиб, қоғия шаклини ўзгартириши ижобий натижа бермаган. Албатта, таржима яхши бошланган:

¹ Ўша тўплам. 15-бет.

² Каранг: Мұхаббат тароналари. (Рубоийлар). Тошкент, 2005. 305-319-бетлар. П а р д а А. Чорлов (Шеърлар, таржималар). Тошкент, 2008. 120-130-бетлар.

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст (20-239).

Подшоҳлар тожида ёлқинли лаъл бўлса безак,
Бошдаги ҳар хом хаёлга тоб берувчи чўғ демак¹.

Лекин катта ҳажмдаги мазкур қасида таржимасида таржимон кўпинча мувофиқ қофия топишга кийналиб, матнга муносаб келмайдиган, баъзида ҳатто мутлақо алокаси бўлмаган пўпак, тартарак, бўнак, яхмалак, пучак, ғилвирак, ҳашак, эшак, сўлак, лойхўрак, йўлак, қурмисқадак, ғулак каби сўзларни қофия килиб келтиради. Масалан:

Қайди зинат мускити фару шукӯҳи хусравист,
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст (20-239).

Зебу зйнат кайдидан шоҳ шаънига етгай путур,
Билки. шер занжирга тушса, савлатин босган пўпак².

Машҳур адабиётшунос Абдулқодир Ҳайитметов ҳам рамали мусаммани мақсур вазнида яратилган мазкур қасидани айни вазннинг ўзи билан аслиятга мувофиқ таржима қиласди:

Бегуноҳро соҳтсан озурда аз теги забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст (20-242)

Бегуноҳ одамга тил тигидан озор етса, бу –
Соф томирга урилган ноўрин ништар эрур³.

Қасидани Жамол Камол киёмига етказиб. равон услугуб ва ширали тилда ўзбек тилида жаранглатган:

Чашми комил чашмаи Хизрасту бошад ҳар ду айн,
З-ин ду ҳар якро касе кўёфт умри бемар аст (20-244).

¹ Инжулар уммони. 386-бет.

² Ўша ерда.

³ А б л у л - К о д и р. Ишқим чечаклари. Тошкент. 2002. 59-бет.

Комил инсон күзлари эрмиш Хизринг чащмаси,
Кимки топтай биттасин, умри абадга ёр эрур¹.

Маълумки. “Гуҳфат ул-афкор” Навоийнинг энг машхур, унинг шоирлик салоҳияти, бадиий маҳоратини ўзида намоён қилган баркамол асарларидан ҳисобланади. У қўплаб бадиий санъатлар, жумладан араб алифбосига хос ҳарф ўйинларидан моҳирлик билан фойдаланган ва таржимон ҳам уларни маҳорат билан ўзбек тилига ўтирган. Чунончи, “сафро” сўзининг охирида “алиф” ҳарфи унинг олдига ўтса, “асфар” (сариқ)ка айланганидек, ошиқнинг алвон чехраси ҳам ишқ ўки (бу ерда ашф ва ўқ ўзаро бир-бирига ўхшатиљмоқда)дан заъфарон тусга киради мазмунидаги байтнинг таржимасини кўриб чиқайлик:

Ранги зарди ошики фоний бувад аз тири ишк.
Ҳамчу сафро, к-аш алиф шинад ба паҳлу асфар аст (20-241).

Ишк ўкига учрабон, ошиқ ранги заъфарон,
Гар алиф “сафро”га ёндашса, сўзинг “асфар” эрур².

Албатта, Ж.Камол таржималари ҳам катор камчиликлардан холи эмас. Жумладан, бир неча газаллар ўз вазнида таржима килинмаган. Газални умуман арозда таржима қилишининг ўзи кифоя эмас, уни ўзи ёзилган вазнда ўтириш талаб этилади. Зоро, “ҳар бир газал учун танланган аruz баҳри ўша газал интонацияси ва ритмини ифодалаб. лирик қаҳрамон кайфиятига мос бўлиб тушиши керак. Чунки арузнинг ҳар бир баҳри муайян мусикий оҳангни акс эттириб келади ва кишида ўшанга мос руҳий кайфият пайдо қиласи”³. Масалан, куйидаги газал музореъи мусаммани максур вазнида ёзилган:

Дилро фурӯ гирифта зи ҳажрам малолат аст,
Сокий бидор май, ки дил саъб ҳолат аст (18-266).

Ж.Камол эса уни осонгина ҳазажи мусаммани солим билан ўтириб кўя колади:

¹ Фоний гулшани. 245-бет.

² Ўша тўплам. 241-бет.

³ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик қўпприклари. – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 194-бет.

Кўнгилни кийнаган бу дарди хижрондин маломатдир,
Кетур, сокий. майи нобингниким, бу тийра ҳолатдир¹.

Ж.Камол кофия ва радифларни деярли ўзича саклайди, факат ўзгартирмасликнинг иложи бўлмаган ҳолатлардагина уларни ўзгартиради. Тўпламда маҳорат билан топиб кўлланган ва таржимага узукка кўйилган кўздай мос тушган кофия ва радифлар кўп, албатта. Шу билан бирга, Шарқ поэтикасининг асосий устунларидан бўлган кофия масаласига етарлича эътибор қаратилмаган, радиф нотўғри танланган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, дилнинг титраши, гуп-гуп уриши, беоромлиги, изтиробга тушиши, бекарор бўлиши мазмунидаги “метапад дил” радифини “депсинар дил” деб ўзбекчалаштирадики, бу ўзини оқламаган. чунки “депсиниш” дилга эмас, оёқка хос:

Ба маҳмури паёпай метапад дил,
Магар аз муждан май метапад дил (19-184).

Хуморидан пайёпай депсинар дил,
Етарму муждан май, депсинар дил?²

Бир катор сўзлар мумтоз адабиётда бошка, хозирги тилимизда бошқа маъноларда келади. Таржимада бу омилни хисобга олиш керак бўлади. Масалан, “мехнат” сўзини биз хозир асосан иш маъносида кўллаймиз. ҳолбуки, ўтмишда у айнан шу маъносида деярли ишлатилмаган, балки мashaққат, кийинчилик, дард, ғам, ташвиш. ballo маъноларида истифода этилган. Худди шундай “хунар” сўзи ҳам ҳозиргидай факат “касб” эмас, балки фазилат, хислат маъноларини ҳам билдирган. Якин сўзи эса ҳакикат, тўғри, ишончли дегани, яъни биз ҳозир тушунадигандек узокнинг зидди эмас. Гайрат сўзи ҳам рашқ, ҳасад маъноларини билдиради. Fash сўзи ҳам гард, ғубор, булғанч. ифлос маъноларида кўлланадики, биз унинг факат кўнгилдаги нохушлик, дарду изтироб маъноларини биламиз. Ж.Камол эса шу томони билан кўпда хисоблашмай ўз таржималарида уларни фаол кўллаб кетаверади.

Албатта, бир макола доирасида барча таржималар ҳакида батафсил фикр юритишнинг иложи йўқ. Энг муҳими, кейинги

¹ Фоний гулшани. 64-бет.

² Ўша тўплам. 177-бет.

Йилларда Навоийнинг форсий меросига эътибор кучайди – “Девони Фоний”ни тадқиқ, таржима ва тарғиб этиш ўзининг янги боскичига кирди. Бу – ижобий ҳодиса. Зеро, биз шеърляг султонининг нафакат ўзбек тилидаги, балки форс тилидаги меросини ҳам бирдай меҳру муҳаббат билан ўқиб-ўрганишимиз, таржима килиб кенг ҳалқ оммасига етказишимиз, унинг форсий адабиёт тараккиётига кўшган ҳиссасини кўрсатишимиз ва бу муazzам сўз санъатида тутган мавқенин тайин этишимиз керак.

Баркамол бадиий дурданалари бир неча таржима нусхаларининг бўлиши бадиий таржима амалиётида ижобий ҳодиса хисобланади. Чунки ҳар бир таржима аслиятнинг бошқа бир киррасини очади, унинг янги талқинини вужудга келтиради – ўкувчилар эса улар орасидан диди ва табъига ёкканини танлаб ўқиш имкониятига эга бўлади. Айни жиҳатдан, келгусида “Девони Фоний”нинг бир эмас, бир неча тўла шеърий таржимаси яратилиши ва уларнинг ҳар бири даҳо шоиримиз тафаккур кўлами ва бадиинят оламини кашф этиш йўлида ўзига хос боскич бўлиши керак.

2.6. ТАРЖИМА – ИСТИЛОҲ – МАҶНО

Абулмаоний – Маънолар отаси номи билан машҳур бўлган забардаст шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил (1644 – 1721) ёшлигидан турли фанларга қизиқиб, Шайх Камол, Шоҳ Фозил ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан сабоқ олган. Араб, форс, хинд, урду тилларини мукаммал билган. Шарқ ҳалқлари адабиёти ва тасаввухни чуқур ўрганган. У 120 минг мисрадан ортиқ шеърий ва кўпгина насрой асар ёзган. “Чор унсур” (“Тўрт унсур”), “Ирфон”, “Тилисми ҳайрат” (“Ҳайрат тилсими”), “Муҳити аъзам” (“Улуг уммон”), “Тури маърифат” (“Маърифат тоғи”), “Ғазалиёт”, “Рубоиёт” ва бошқа асарлари машҳур.

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима ва изоҳлар билан ҳалққа етказиш ўзбек адабиётшунослиги учун уч жиҳатдан муҳим: 1) авлод-аждодлари Шаҳрисабзининг барлос уруғидан бўлган шоир ўзбек ҳалқининг ҳам фарзанди хисобланади; 2) Бедил Мовароуннахрнинг адабий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган, ижтимоий-фалсафий тафаккур тараккиётига қучли таъсир ўтказган адеб ва мутафаккирлардан саналади; 3) у нафакат Шарқ, балки жаҳон адабиётининг ҳам забардаст сўз санъаткорлари қаторида туради.

Албатта, Бедил ҳаёти ва пжодини ўрганиш, бой адабий-фалсафий меросини халкқа етказишда Ўзбекистонда анча-мунча ишлар амалга оширилган. Бу ўринда Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Шоислом Шомухамедов, Шавкат Шукуров, Ҳамидjon Ҳомидий, Нажмиддин Комилловларнинг тадқикотларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шоир шеъриятидан намуналар Назармат, Шоислом Шомухамедов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Матназар Абдулҳакимлар томонидан таржима килинган. Лекин бу ишлар буюк шоирнинг оламшумул нуфузи ва асарларининг жаҳоний салмоғи оддида дарёдан томчига ўхшайди.

Маълумки, Бедил – Шарқ сўз санъатида услуги мураккаб шоир сифатида машҳур. Унинг асарларини ўқиб тушуниш, қават-қават тимсолу ташбеҳларга ўралган фикрларининг магзини чакишининг ўзи кийин – алоҳида филологик тайёргарликни такозо қиласи. Теран фалсафий фикрларни юксак бадиий усулда талкин этиш эҳтиёжи шоир услубининг мураккаблиги, тилининг оғирлигини келтириб чиқарган.

Бедил шеърларининг кўп маънолилиги ҳакида ҳатто ривоятлар ҳам тўкилган. Маълумки, шоир ижоди мактаб ва мадрасаларда маҳсус дастур асосида ўқитилган, “Шарқ донишмандлигининг гўзал кўзгуси бўлган бедилхонлик анжуман”лари машҳур бўлган. Ана шундай бедилхонлик давралардан бигтасида бедилхонлардан бири шоир қаламига мансуб бир мисранинг 99 та маъносини кашф этиб, ҳаммани қойил қиласи. Лекин кечаси тушига Бедил кириб, унинг юзинчи маъносини айтиб берган.

Бедил асарларини таржима килишининг канчалик машаккатли меҳнат эканлигини шундан билиб олаверинг!

Бедил асарларининг нафакат мазмуни теран, балки тили ҳам оғир – рамзу ташбеҳларга бой. Бунинг устига, Бедил ижодида унинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган ва шоир асарларидагина учрайдиган истилоҳ ва тимсолларнинг бутун бир тизимини кўрамиз (“Масалан, шоир “оина” сўзи билан дунёни ва, шунингдек, илоҳий нур инъикосини, “ҳайрат” сўзи билан эса, инсоннинг дунё сирлари тагига етолмаслигини ифодалайди ва ҳоказо”). Фитрат таъбири билан айтганда, у “Жуда ингичка муносабатлар топиб, мажозлар, истиоралар, жинослар ясайдир. Ингичка, оғир, бир озда коронгу сўйлайдир. Шуниси ҳам борки, Бедилнинг мажоз, истиора каби ўйунлари кўб шоирларимизда кўрулганидек, жумлани безатмак. сўзга адабий бир тус бермак каби хизматлар билан қолмайдир. Булар Бедилнинг фикр билдиришларига ёрдам қиласи. У 20 сўз билан

айтатурған фикрни мажоз, истиора ёрдами билан 10 сўзда айтиб бўтирадир”¹.

Бедил ижодидан намуналар илк бор 1960 йили мумтоз сўз санъаткорларининг “даҳриёна шеърлар”идан тартиб берилган “Тафаккур мевалари” тўпламида босилди – ундан Faфур Гулом, Носир Сайдий ва Шоислом Шомухамедов таржималарида шоирнинг шайху зоҳидларни мазаммат килувчи 21 та рубоййси ўрин олган. Шу йили «Ирфон» асаридан олинган «Комиде ва Мудан» қиссаси Назармат таржимасида нашр этилди. Бу қисса асосида «Икки дил достони» фильмни яратилди. Ушбу тўплам ва Faфур Гуломнинг ўн жилдлигидан ўрин олган рубонийларни ўзаро қиёслаш шоирнинг ўз таржималаридан кўнгли тўлмай, босилиб чикканидан кейин бўлса-да, уларни қайта кўриб чиккани, айтиш мумкинки, қайта таржима қилганинги кўрсатади – у Бедил асарларига яна шундай масъулият билан караган:

Зоҳид, аз бас фасурданаш сохта шах,
Мушкул ки қунад иложи табъаш дўзах.
Ин музғаи замҳарир дар отап ҳам,
Гар меафтад – чу байза мебандад ях.

Қотиб колмок зоҳидни этмишdir шах,
Табъининг иложин қилолмас дўзах.
Музтабиат зоҳид ўтга тушса ҳам,
Тухумдек котадир, бўлиб худди ях.

Бу таржимада таржимон аслиятнинг таъсирига тушиб колгани ва шунинг учун соф ўзбекча таржима чикмаганини сезиб, уни қайта таржима килади:

Зоҳид кеккайишдан шунчалар котган,
Дўзах ҳам эритиш эвин йўқотган.
Чайналган чала гўшт, тухум сингари
Ўтга тушганда ҳам музлаган, котган.

Шу йили “Ирфон” асаридан олинган “Комде ва Мудан” қиссаси Назармат таржимасида нашр этилди.

¹ Ф и т р а т . Бедил (Бир мажлисда). – Тошкент, 1996. 17-бет.

Таниқли шоир Эркин Воҳидов ғазал ёзиш билан шугулланиб, “Ёшлик девони”ни тартиб берган даврида Бедилнинг ҳам уч ғазалини таржима қилган. У таржима учун шоирнинг машҳур ва теран мъйноли ғазалларини танламаган бўлса-да, уларни ўз вазни ва мазмунини сақлаган ҳолда анча муваффақиятли таржима қилган. Чунончи:

Дар базми висолат, ки ҳаё жом ба даст аст,
Гар об шавад, бодаи ноб аст дили мо...

Оини ҳамон чашмаи тӯфони хаёлест,
Бедил, чи тавон кард, сароб аст дили мо¹.

Таржимаси:

Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибdir,
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди бизим дил...

Бир чашма-ку тӯфони хаёл ичра бу олам,
Бедил, на илож, эмди сароб ўлди бизим дил.

Ғазал ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи маҳзуф (мағъувлу мафойилу мафойилу фаувлун — — v v — v v — v v —) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон ҳам уни айни вазнда таржима қилган.

Кейинчалик Шоислом Шомуҳамедов шоир рубоийлари таржимасига кўл урди (Рубоийларнинг биринчи нашрида (1974) – 408, иккинчи нашрида (1986) – 439 рубоий мавжуд). Бу нашр адабий-маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган бўлиб, унга таниқли файласуф олим, бедилшунос, академик Иброҳим Мўминовнинг ўзи бош-кош бўлган эди. Шоислом Шомуҳамедовнинг форсий адабиёт мутахассиси сифатидаги кенг билими, катта истеъоди, мутаржимлик маҳоратию машҳақатли меҳнати самараси ўлароқ, Бедил услуби, фалсафаси, шеърларининг асосий гоясию мазмуни ўкувчиларга етказилди. Бунда унинг Умар Хайём рубоийлари таржимасида тўплаган тажрибаси ҳам кўл келганлиги шубҳасиз. Чунончи:

¹ Абдулкодир и Бедил. Осор. Дар ҳашт жилд. Жилди якум. Ғазалиёт. – Душанбе, 1990. С. 51.

Сад басту күшод бо ҳам омехтаанд,
То ранги бинои ин жаңон рехтаанд.
Дилтанг мабошед, ки монанди ҳилол
Пеши хар дар калиде овехтаанд¹.

Юз тугун, юз ечим бўлмишdir боҳам,
Токи ўз рангига киргунча олам.
Дилтанг бўлманг, кўқда ҳилол мисоли
Калити осиғлиқ хар эшикнинг ҳам.

Таникли шоир ва мутаржим Жамол Камол ҳам Бедилнинг 30 та рубоийсини ўз арузий вазни билан таржима қилиб, ўкувчилар эътиборига ҳавола этди. У бу рубоийлардаги оҳанг ва сўз жарангини топа олган. Маъно товланишларини чуқур хис килган. Қуйидаги рубоий фикримизнинг далилийдир:

Ҳар дида, ки ибрате нагирад кўр аст,
Ҳар нуқл, ки лаззате набахшад шўр аст.
Рахте, ки тағиyr напазирад – кафан аст,
Он хона, ки табдил наёбад – гўр аст!²

Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар лукма агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн, агар ўзгартирмаса, тўнмас, у – кафан.
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир³.

Жамол Камол рубоийни ўз арузий вазни билан ўзбекчага ағдарган ва шунга мувофик равишда таржимада ҳам рубоий оҳангни, руҳини кайта яратада олган. Бу – биринчидан. Иккинчидан, ҳар мисра бошида “ҳар” кўшимчасини кўллаш орқали такрор санъатини ҳосил килган. Аслиятнинг эса у фактада дастлабки икки мисрасидагина мавжуд. Учинчидан, таржиманинг биринчи кўш мисрасида тарсев санъати ҳам бор – иккинчи мисрадаги катор сўзлар биринчи мисрадаги сўзларга бир кадар мос келган. Тўртинчидан, кофиядан кейин такрорланувчи “-дир” кўшимчаси ҳам ритмни кучайтириш, таъсиришчанликни оширишга хизмат килган.

¹ Мирзо Абдулодири Бедил. Рубоиёт. – Душанбе, 1961. С. 46.

² Мирзо Абдулодири Бедил. Рубоиёт. С. 21.

³ 333 рубоий. – Тошкент: “Нур”, 1991. 71-бет.

Истеъдодли шоир ва заҳматкаш мутаржим Матназар Абдулқаким кўп йиллар Бедил ғазаллари таржимаси билан машгул бўлди. Бу таржималар кўплаб нашрларда босилди, алоҳида тўплам бўлиб ҳам чиқди. У буюк сўз санъаткори шеърларини бир қадар эркин қиласди. Лекин, бу эркинлик кўпинча ўзининг ижобий натижасини берган.

Ҳинд услубида ёзилган шеърларнинг бадиий жиҳатдан пишик, мазмунан теранлиги – бир неча маъно қатламларига эгалиги маълум. Ўз фикрларини асослаш учун хикматомуз бир фикр келтириш, далиллаш бу услубнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни тушунтириш мақсадида қатор-қатор шарҳ китоблари яратилган. Чунончи, қуйидаги байтида Бедил ошкор бўлган ишқ сирининг қадрсизланишини вайронадан айри тушган олтиннинг кўлдан-кўлга ўтишига нисбат беради:

Рози ишқ аз дил бурун афтоду расвои қашид,
Шуд парешон ганж, то ғофил шуд аз вайронахо¹.

Мазмуни: “Севги сири кўнгилдан ташқари чиқди-ю, хор бўлди. Бу ҳол ҳудди вайронани тарқ этган ганж (олтин, кумуш, ҳазина)нинг кўлма-кўл бўлиб кетганига ўхшайди”.

Матназар Абдулқаким таржимасидаги ошкор бўлган ишқнинг тилга тушиб, расво бўлгани тўғри акс этгани ҳолда, ганжнинг қисмати вайронага кўчирилади:

Ишкимизнинг қадри йўқ дилдан чиқиб, бўлгач баён,
Бой бериб ганжин, ҳувиллаб қолдилар вайроналар².

Ўзбек тилига Бедил меросининг жуда оз қисмигина ўзбекчалаштирилган. Нафакат Шарқ, балки жаҳон сўз санъатининг ҳам забардаст намояндаси бўлган Бедил асарларини тўла таржима килиш, тадқиқ этиш адабиётимизни бойитиб, уни янги поғонага кўтариши шубҳасиз. Шу маънода умид қиласмиш, бу борада эришилган нуктада тўхтаб колмаймиз: таржималар давом этади ва ҳар бир янги таржима “маънолар отаси” деб улуғланган улуғ шоир ижод оламини қашф этишда янги босқич бўлаверади.

¹ Абдулқодир и Бедил. Осор. Жилди якум. С. 207.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазаллар // “Жаҳон адабиёти”, 1997, 6-сон, 66-бет.

Таникли шоир Эрвин Воҳидов ғазал ёзиш билан шуғултаниб, «Ёшлик девони»ни тартиб берган даврида Бедилнинг ҳам уч газалини таржима қилган. У таржима учун шоирнинг машхур ва теран маъноли ғазалларини танланмаган бўлса-да, уларни ўз вазни ва мазмунини саклаган ҳолда анча муваффакиятли таржима қилган. Чунончи:

Дар базми висолат, ки ҳаё чом ба даст аст,
Гар об шавад, бодаи ноб аст дили мо...

Оини ҳамон чашмаи тӯфони ҳаёлест,
Бедил, чи тавон кард, сароб аст дили мо¹.

Таржимаси:

Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибдир,
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди бизим дил...

Бир чашма-ку тӯфони ҳаёл ичра бу олам,
Бедил, на илож. эмди сароб ўлди бизим дил².

Ғазал ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи маҳзуф (мағъувлуву мағоийлу мағоийлу фаувлун - - - V V - - V V-- - V V --) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон ҳам уни айни вазнда таржима қилган.

Айни пайтда, Бедилнинг бадиий санъатларга бой байтларини таржима қилишда Эркин Воҳидов бирмунча ожизлик ҳам қилган:

Боғе, ки баҳораш ҳама санг аст, дили ўст,
Даште, ки ғубораш ҳама об аст, дили мо³.

Мазмуни: «Баҳори бошдан-оёқ тошдан иборат бўлган боғ – унинг дилидир. Ғубори бутунлай сув бўлган дашт – бизнинг дилимиздир».

Бошқача айтганда, ёрнинг дили – гулсиз, сабзасиз, қуруқ тошдан иборат боғ бўлса, ошиқнинг дили – чнггу тӯзони сел бўлган бўлган

¹ А б д у л қ о д и р и Б е д и л . Осор. Дар ҳашт чилд. Чилди якум. Ғазалиёт. – Душанбе, 1990. С. 51.

² В о ҳ и д о в Э. Сайланма. 1-жилд. 214-бет.

³ А б д у л қ о д и р и Б е д и л . Осор. Чилди якум. С. 51.

дашт. Худди шу тазод, тақрор ва тарссы санъатлари воситасида ифодаланган теран ва гўзал мазмун ўзининг аслига мос ифодасини топмаган:

Гулбогу чаман фаслида тош ўлса у кўнгил,
Дашт узра губор ўлса-да, об ўлди бизим дил¹.

Шу ўринда, таржима ҳажм жиҳатидан тўлиқ эмаслиги – 12 байти салмоқли ғазалнинг ичидан беш байти танлаб олиб таржима килингандигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Кейинчалик Шоислом Шомуҳамедов шоир рубоийлари таржимасига кўл урди (Рубоийларниңг биринчи нашрида (1974) – 408, иккинчи нашрида (1986) – 439 рубоий мавжуд). Бу нашр адабий-маданий ҳётимизда катта воқеа бўлган эди. Бу ишга таникли файласуф олим, бедилшунос, академик Иброҳим Мўминовнинг ўзи бош-кош бўлган эди. Шоислом Шомуҳамедовнинг форсий адабиёт мутахассиси сифатидаги кенг билими, катта истеъоди, мутаржимлик маҳоратию машаккатли меҳнати самараси ўлароқ, Бедил услуги, фалсафаси, шеърларининг асосий ғоясию мазмунни ўқувчиларга етказилди. Бунда унинг Умар Хайём рубоийлари таржимасида тўплаган тажрибаси ҳам кўл келганлиги шубҳасиз. Чунончи:

Сад басту кушод бо ҳам омехтаанд,
То ранги бинои ин чаҳон рехтаанд.
Дилтант мабошад, ки монанди ҳилол
Пеши ҳар дал калиде овехтаанд².

Юз тугун, юз ечим бўлмишdir боҳам,
Токи ўз рангига киргунча олам.
Дилтант бўлманг, кўқда ҳилол мисоли
Калити осиглик ҳар эшикнинг ҳам³.

Лекин Бедил рубоийлари таржимаси Хайёмнинг ўзбекча тўртликлари кадар шухрат қозонмади. Бунинг бир катор сабаблари бор:

Биринчидан, Хайём рубоийларининг мазмуни қанчалик чукур, фалсафаси теран бўлса, услуги шунчалик енгил, тили содда, ифодаси

¹ Вохидов Э. Сайланма. 1-жилд. 214-бет.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоиёт. – Душанбе, 1961. С. 46.

³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Тошкент, 1986. 50-бет.

халкона. Бедил асарларининг эса мазмуни ҳам теран, услуги ҳам мураккаб, тили ҳам оғир – рамзу ташбехларга бой. Бунинг устига, Бедил ижодида унинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган ва шоир асарларидағина учрайдиган истилоҳ ва тимсолларнинг бутун бир тизимини кўрамиз («Масалан, шоир «оина» сўзи билан дунёни ва, шунингдек, илоҳий нур инъикосини, «хайрат» сўзи билан эса, инсоннинг дунё сирлари тагига етолмаслигини ифодалайди ва ҳоказо»¹). Фитрат таъбири билан айтганда, у «Жуда ингичка муносабатлар топиб, мажозлар, истиоралар, жинослар ясайдир. Ингичка, оғир, бир озда коронғу сўйлайдир. Шуниси ҳам борки, Бедилнинг мажоз, истиора каби ўйунлари кўб шоирларимизда кўрулганидек, жумлани безатмак, сўзга адабий бир тус бермак каби хизматлар билан колмайдир. Булар Бедилнинг фикр билдиришларига ёрдам киладир. У 20 сўз билан айтатурған фикрни мажоз, истиора ёрдами билан 10 сўзда айтиб битирадир».

Иккинчидан, Хайём рубоийлари таржимасида муаллиф ва мутаржимнинг кайсиdir даражада «юлдузи юлдузига тўғри» келган эди. Бедил рубоийлари таржимасида бу ҳолни кўрмаймиз: у Бедил руҳига киролмаган, услугига калит тополмаган.

Учинчидан, ҳозирги ўқувчининг савияси, диди анча ўси: энди уни ғояю мазмуннингина байрок килиб олган таржима кониқтирумайди – у санъат асари ўкишни, ундан маънавий завқ тўйишни истайди.

Тўплам ўзбек ўқувчиларини Бедил ижодий олами ва фалсафаси билан танишириш баробарида, кайсиdir даражада шоир муҳлисларининг ҳафсаласини пир ҳам қилди. Чунки Бедил ижоди ҳакида юксак тасаввурларда юрган адабиёт муҳиблари бу таржималар орқали ўртамиёна бир шоир ижоди билан танишгандай бўлдилар. Албатта, мутаржим шоир фалсафаси, рубоийларининг мазмунини тўғри ва тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилган. Масалан:

Ҳар тирадаруне, ки ҳасад шомили ўст,
Бар тўхмати покон назари ботили ўст.
Ран, пунба ба сакфи хона овезу бубин,
Дуде, ки зи шамъ сар қашад моили ўст³.

Дили ҳасад тўла ичи коралар

¹ Ўша с尔да (Расул Ҳодизода изохлари). 98-бет.

² Ф и т р а т . Бедил (Бир мажлисда). 17-бет.

³ Мирзо Абдулкодир Бедил. Рубоиёт. С. 18.

Доим тұхмат ила покни қоралар.
Шип бурчига оппоқ пахта илиб күр:
Шамдондан барча ис шунга ўралар¹.

Лекин Бедилнинг барча рубойлари ҳам шундай маҳорат билан таржима килинмаган. Уларнинг күпіда бадиият конунларига риоя килинмаган, ортикча сўзбозликка ружуъ қўйилган, шоир фалсафаси ва фикри мавхумлашган, шакл ва мазмун уйгунлиги бузилган ва ҳоказо. Мисол учун, қўйидаги рубойи таржимасини кўриб чиқайлик:

Шеърам, ки ба сад забон фуруд омадааст,
Ден чандин вақту он фуруд омадааст,
Таврот набуд, то бигўям, ки ҳама
Якбора зи осмон фуруд омадааст².

Рубоийда шоир шеърининг илохий китоб бўлмиш Таврот каби бирданига осмондан тушмагани, минг бир машаққату узоқ вақт мобайнида вужудга келгани, зеро, ижоднинг мураккаб жараён эканини таъкидламоқда. Энди бу гўзал рубоийнинг ўзбекча таржимасини ўқисангиз, унинг Бедил номига накадар номуносиб эканлигини кўрасиз:

Юз шевадир мен ёзган ашъор,	(9)
Ёзмадим уни мен бир қунда, як бор.	(11)
Таврот эмаски, унинг ҳаммаси	(10)
Тушса осмондан бир йўла тайёр ³ .	(10)

Бедил рубоийси уч вазн – ҳазажи мусаммани макбузи макфуфи аҳтам (1- ва 4-мисралар), ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам (3-мисра) ва ҳазажи мусаммани аҳрами аштари макфуфи аҳтам (2-мисра) иштирокида ёзилган бўлиб, Шоислом Шомуҳамедов ҳам уни уч вазн, 9, 10 ҳамда 11 ҳижоли бармоқ вазни билан ўтиради. Ахрам ва ахраб – ҳазаж баҳрининг икки тармоғи. Улар орасида кучли фарқланиш йўқ. Келтирилган рубоийда вазннинг ўзгаргани ҳатто сезилмайди ҳам. Лекин бармоқ вазни – бўғинлар сонига асослашган ўлчов бирлиги. Ҳар бўғиннинг ортиши ва камайиши билан вазн бутунлай ўзгаради ва бир-

¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 16-бет.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоиёт. С. 33.

³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 34-бет.

биридан тамомила фарқ қиласы. Бу қоидани құлиғина қалам олиб, шеър машқ қила бошлаган ҳаваскор шоиргина бузиши мүмкіндір. Шоислом Шомухамедов эса катта олим, таржимон ва ҳатто бир неча шеърий түпламлар чиқарған шоир ҳам.

Жамол Камол анъанавий вазнини сақлаган ҳолда ҳам айни рубоййни гүзәл таржима килиш имконияти мавжудлигини исботлады:

Шеърим менга неча юз забондин келадир,
Күпдан бери, күп вакту замондин келадир.
Таврот эмаски ул, то тахмин этсам:
Бир йўла магарки осиондин келадир¹.

1936 йили Максуд Шайхзода қуйидаги сарлавҳалар остида туркум-туркум рубоййлар эълон қилган эди: «Ленин ҳакида рубоййлар», «Қардошлиқ рубоййлари», «Май рубоййлари», «Баҳор рубоййлари», «Элимнинг тўйига», «Ленинград ҳакида олти рубойй»². Бунда у бармоқ вазнининг 11 ҳижоли (6+5 турокли) турини танлаган:

Ҳар қандай тўрут қонун // наъма бўлурми?
Илгаксиз кўйлакда // тугма бўлурми?
Рубойй маънолар // баҳрида кема,
Тўрут дона қайиқдан // кема бўлурми?³

Таржимашунослар Файбулла Саломов билан Нажмиддин Комилов ана шу фактга суюниб, «ўзбек адабиётида бармоқ вазнида рубойй ёзиш таржимага нисбатан оригинал адабиётта олдинроқ» вужудга келди. «Шайхзода танлаган бу вазн системаси кейинчалик таржималар учун ҳам асос бўлди»⁴, – деб ёзалилар.

Ҳақиқатан ҳам, тилимизга ўгирилган рубоййларнинг асосий қисми 11 ҳижоли бармоқ вазнида. Бу вазнни рубоййларни бармоқ тизими билан ағдарган мутаржимларнинг барчаси қўллаган. Шу сабабдан 11 ҳижоли бармоқ ўзбек таржима адабиётида рубойй вазни сифатида қабул қилинди. «Чиндан ҳам, бармоқнинг бошқа турларига қараганда, 6+5 турокли 11 ҳижоли вазн тури рубойй оҳангини акс

¹ 333 рубойй. 74-бет.

² Шайхзода М. Чорак аср девони. – Тошкент, 1958. 291-305-бетлар.

³ Шайхзода Асарлар. Олти жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1969. 323-бет.

⁴ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоййлар. 155-бет.

эттиришга бирмунча имкон беради. Гарчи бу вазн тури рубоий учун белгиланган ҳазажи мусаммани ахрам ёки ахраб ўрнини қоплаёлмасада, бирок рубоийни арузнинг бошқа вазнлари (рамал, ҳазаж ва ш.к.) билан таржима килгандан кўра, шу 11 ҳижоли бармок билан ўгириш афзалрок эканлиги аникланди. Чунки арузнинг бошқа баҳрлари интонацияни бутунлай ўзгартиради, 11 ҳижоли бармок эса – агар у мохир таржимон тадбири билан амалга оширилса, ўзига хос интонацияни бера олади»¹.

Рубоий табиати хилма-хил вазнларни кўтармайди. Шунга қарамай, бу борада Васфий ва Чустий арузнинг бир неча вазнларини тажриба қилиб кўрганлари каби, бармок тизимида ҳам уни турли ўтчовларга солиб ўгириш ҳамон давом этаяпти. 9, 10, 11, 12, 13, 14, ҳатто 15 бўгинли бармок вазни билан амалга оширилган таржималар учраб турибди. Хусусан, 14 ва 15 ҳижоли бармок вазни рубоий учун ўта қўпол, нокулай. Фалсафий мазмун сўзлар уюми тагида колиб кетади. Рубоиёна рух йўқолади. Ахир, шаклнинг ихчам, мазмуннинг эса сикик бўлиши – рубоийнинг хос хусусияти ҳисобланади. 14 ва 15 ҳижоли бармокда нафакат сўзлар меъёридан ортиб кетади, балки оҳанг ҳам бутунлай ўзгаради – аслият билан таржима ўртасидаги интонацион фарқ кучаяди, таъсирчанлик камаяди. Бунда намуналар кўпинча қандайдир шеърнинг дастлабки бандига ёки бошлаб кўйилган-у, аммо тутатилмаган назмга ўхшайди. Бедил рубоийлари таржимасида ҳам бундай вазнлар кўп кўлланган. Мисоллар:

Кўк паргорида бош-оёқ бажо – ҳар иккиси бир, (15)

Шоҳларнинг тожи – касойи гадо – ҳар иккиси бир. (15)

Пастлик-баландлик фарқин қилмоғинг бехабарликдан, (15)

Оёқда ҳалхолми, бўйинда тавқ ё – ҳар иккиси бир². (16)

Қул бўлайн ул кишига, бўлмаса у гар номард, (15)

Совутмаса ҳаё, одоб ҳангомасин айлаб сард. (15)

Ўзи хуноб бўлганда ҳам ёпишмаса бировга, (15)

Ўзи гардгард тўзганида ҳам юктирмаса дилга гард³. (15)

Шоислом Шомуҳамедов таржималари маъно билан боғлиқ хато-камчиликлардан холи эмас. Жумладан, қуйидаги рубоий таржимасида

¹ Ўша ерда. 156-бет.

² М и р з о А б д у л қ о д и р Б е д и л. Рубоийлар. 34-бет.

³ Ўша ерда. 45-бет.

фалсафий маҳмүн билан ҳисоблашмай, қофия талабидан келиб чикиб, ўхшатишларнинг ўрнини алмаштирган:

Дунё, ки парокандагияш асбоб аст,
Ором дар ў ҳамсабаки симоб аст¹.

Парокандаликдир дунёга асбоб,
Оромга ҳамсабоқ бўлмишдир симоб².

Асбоб – ўзак, асос. Симоб – бекарорлик, бетокатлик рамзи. Пароканда – ўзгариш, харакат маъносида келган Демак, асоси харакат. ўзгариш бўлган дунёда унга нисбатан тинч нарсанинг мавжудлиги – ёлғон. Шу маънода, ором ҳам беором! Боз устига, у бекарорлик рамзи ҳисобланган симобга бекарорлиги жиҳатидан ҳамсабоқ бўлайти. Таржимада, аксинча, симоб оромга тенглаширилаяпти – ҳаловатга ошно қилинайти.

Таникли шоир ва мутаржим Жамол Камол ҳам Бедилнинг 30 та рубоийини ўз арузий вазни билан таржима килиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. У бу рубоийлардаги оҳанг ва сўз жарангини топа олган. Маъно товланишларини чукур ҳис килган. Қуйидаги рубоий фикримизнинг далилидир:

Ҳар дида, ки ибратс кагирад кўр аст,
Ҳар нукл, ки лаззате набахшад шўр аст.
Рахте, ки тағиyr напазирад – кафан аст,
Он хона, ки табдил наёбад – гўр аст!³

Ҳар кўзаки, агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар лукма агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас, у – кафан,
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир⁴.

Жамол Камол рубоийни ўз арузий вазни билан ўзбекчага ағдарган ва шунга мувофиқ равищда таржимада ҳам рубоий оҳангиги, рухини қайта яратади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, ҳар мисра

¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоиёт. С. 32.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 16-бет.

³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоиёт. С. 21.

⁴ 333 рубоий. 71-бет.

бошида “хар” кўшимчасини қўллаш орқали тақрор санъатини хосил қилган. Аслиятнинг эса у фақат дастлабки икки мисрасидагина мавжуд. Учинчидан, таржиманинг биринчи қўш мисрасида тарсъ санъати ҳам бор – иккинчи мисрадаги қатор сўзлар биринчи мисрадаги сўзларга бир қадар мос келган. Тўртингидан, коғиядан кейин тақрорланувчи “-дир” кўшимчаси ҳам ритмни кучайтириш, таъсиричаникни оширишга хизмат қилган. Шоислом Шомуҳамедов таржимасида эса рубоийнинг бадииятини кучайтирадиган мазкур воситаларнинг бирортаси ҳам йўқ:

Ҳаётдан олмаса ибрат у кўзи кўр,
Асалда бўлмаса ширинлик у шўр.
Ўзгариб турмаган лиbos кафандир,
Ўзгариш билмаган хона – қаро гўр¹.

Аруздан воз кечилганда, одатда, унда форсий-арабий сўзларни кўп ишлатишга тўғри келишини баҳона килишади. Лекин мазкур факрнинг унча ҳам тўғри эмаслигини Жамол Камолнинг кўриб ўтганимиз рубоийлари тасдиқлаб турибди. Шубҳасиз, Жамол Камол таржималарида мумтоз услугуга мойиллик, анъанавийлик устун. Баъзан форсий-арабий сўзлар, ибора-изофаларни сувиистеъмол килиш ҳоллари кўзга ташланади. Шу маънода, «Жамол Камол таржималарида араб-форс сўзларини кўп ишлатади» қабилидаги таъналарда жон бор. Лекин мана бундай намуналар учун юқоридаги гаплар ножоиз:

Ҳар кимсаки, то шикаста, дилхун бўлмас,
Ул мулки вафода қадри афзун бўлмас.
Дунёдаги ҳар тош бўлавсермас ёқут,
Ҳар қатра сув ҳам гавҳари макнун бўлмас².

Бедилнинг мазкур рубоийсини ўқувчи Шоислом Шомуҳамедов таржималари сингари замонавий асар сифатида эмас, балки мумтоз адабиёт намунаси каби қабул қиласи ва бу мантиқан тўғри ҳам. Зеро, Бедилнинг ўтмиш шоири эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Таржимада қўлланилган уч-тўрт арабий-форсий сўзни Навоий ва Бобур меросхўрлари бўлган ҳалқقا нотаниш дейиш эса ўзимизни

¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 20-бет.

² 333 рубой. 73-бет.

камситишдан бошка нарса эмас. Қолаверса, форсий ибора-изофаларни баъзан аруз вазни ҳам талаб килишини хотирдан фаромуш этмаган маъкул.

Жамол Камолнинг максади рубоийни анъянавий вазниу услуби билан тилимизга ағдариб, ўзбек китобхонига мумтоз шоирнинг шеърини мумтоз асар сифатида тақдим этиш бўлган ва мутаржим бунинг уддасидан чиқсан. Шоислом Шомуҳамедов эса айрим олинган муҳлисларни эмас, балки бутун бошли ҳалкни замонавий тўртлик билан баҳраманд этишни назарда тутган. Чунки арузда яратилган назмни бармоққа солиб таржима килишдан кўзда туттилган максад аслида шу. Ажабки, «тушунарсиз» сўзларни ишлатишда у ҳам Жамол Камолдан ортда колмаган:

То киши лаълидек дилхун бўлмагай,
Вафо мулкида пархи афзун бўлмагай.
Табиатда ҳар тош ёкут бўлолмас,
Ҳар катра сув дурри макнун бўлмагай¹.

Маълум бўладики, форсий-арабий сўзларни кўллаш-кўлламасликда асарни қайси вазн билан таржима килишнинг алоқаси йўқ даражада. Мисол учун, Гайбулла Саломов келтирган маълумотга кўра: «Шоҳнома» таржимасида ҳам «мутакорибни рад этиб, бармоққа мурожаат килиш эвазига унда араб ва форс сўзларининг салмоғи заррача камайган эмас»².

Истеъдодли шоир ва заҳматкаш мутаржим Матназар Абдулҳаким ўн йилдан ортиқ вактдан буён Бедил ғазалларини таржима килиб келади. Бу таржималар кўплаб нашрларда босилди, алоҳида тўплам ҳам бўлиб чиқди. Лекин бу таржималарни жуда ҳам муваффакиятли деб бўлмайди. Маъно-мазмунга алокадор нуксонлар билан бирга, вазний сакталиклар ҳам талайгина. Таржима килишга кийналганда, бутун-бутун байтларни ташлаб кетади (Маслан. «шабнамро» радиофили ғазатнинг икки байти ташлаб кетилган). Шоирнинг пурмаъно байтларини байт килиб таржима килишнинг уддасидан чиқмаган ўринларда гоҳ уларнинг бир мисраси, гоҳ айрим маъноларидан воз кечиб кўя колади. Эркин ижодий таржима усулини кўллаб, кўпинча матн мазмуни бир четда колиб, ўз тасаввур-тхайюлига зўр беради. Чунончи:

¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 85-бет.

² Саломов F. Таржима ташвишлари. – Тошкент. 1983. 65-бет.

Халке ба ҳавои талаби гавҳари васлат
Бигсаста чу тори нафаси мавж инонҳо¹.

Мазмуни: «Ҳалқ мавж нафасининг тори янглиги тўсикларни орадан кўтариб, васлининг гавҳарини қўлга киритиш учун интилади».

Ўзбекча таржимадан эса бу маънени чиқаролмайсиз:

Тузмакчи эдим шода килиб гавҳари васлинг,
Шарт узди нафас торини ёнган у фигонлар².

Албатта, бу эркинлик ўзининг ижобий натижасини берган ўринлар ҳам йўқ эмас:

Пухтаги хоҳи, ба дарди бенавои сабр кун,
Осмон сарсабз дорад меваҳои ҳомро³.

Бенаволар ёраси пишсин десанг, сабр айлагил,
Вактни кўп чўзди фалак хандон бўлиблар ҳомга⁴.

Лекин бундай муваффақиятли чиқкан таржималар ҳам жузъий қусурлардан холи эмас. Жумладан, байтнинг мазмуни: «Тажриба ортириб, ҳаёт қозонида пишишни ҳоҳласант, қашшоқлик дардига сабр айла, ахир, табиат ҳам меванинг ҳомлигига маҳлиё бўлиб, унинг пишиш муддатини чўзади» бўлиб, бу ерда «ёра» сўзи ўрнига тушмаган.

Ёки:

Кай равал фикри мазаррат аз мизочи аҳли кин?
Мор натвонад чудо аз заҳр дидан комро⁵.

Мазмуни: «Душман аҳлининг табиатини зарап етказиш фикри хеч качон тарк этмайди, зеро, илон ўз мақсадига эришиш йўлини заҳар солишдан айри ҳолда тасаввур килолмайди».

¹ Абдулқодир Бедил. Осор. Чилди якум. С. 28.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Газаллар (М.Абдулҳаким таржималари) // «Жаҳон адабиёти», 1997, 6-сон, 67-бет.

³ Абдулқодир Бедил. Осор. Чилди якум. С. 19.

⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Газаллар (М.Абдулҳаким таржимаси) // Тафаккур, 1996, 1-сон, 102-бет.

⁵ Абдулқодир Бедил. Осор. Чилди якум. С. 21.

Байтни таржимон түғри таржима қилган, лекин иккинчи мисрада бир оз ғализлик мавжуд:

Не килиб бад феълини тарк айласин ахли нифок,
Заҳридан кечгайми воз ҳаргиз илонлар комнинг¹.

Ҳинд услубида ёзилган шеърларнинг бадиий жиҳатдан пишик мазмунан теранлиги – бир неча маъно катламларига эгалиги маълум. Ўз фикрларини асослаш учун ҳикматомуз бир фикр келтириш, далиллаш бу услугнинг ўзига хос ҳусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни тушунтириш максадида қатор-қатор шарҳ китоблари яратилган. Чунончи, қуйидаги байтида Бедил ошкор бўлган ишқ сирининг қадрсизланишини вайронадан айри тушган олтиннинг қўлдан-қўлга ўтишига нисбат беради:

Рози ишқ аз дил бурун афтоду расвои кашид,
Шуд парешон ганч, то ғофил шуд аз вайронаҳо².

Мазмуни: «Севги сири кўнгилдан ташкари чиқди-ю, хор бўлди. Бу ҳол ҳудди вайронани тарк этган ганж (олтин, кумуш, хазина)нинг қўлма-қўл бўлиб кетганига ўхшайди».

Матназар Абдулҳаким таржимасида ошкор бўлган ишқнинг тилга тушиб, расво бўлгани түғри акс этгани ҳолди, ганжнинг қисмати вайронага қўчирилади:

Ишкимизнинг қадри йўқ дилдан чикиб, бўлгач баён,
Бой бериб ганжин, хувиллаб қолдилар вайроналар³.

Бир караганда, таржимон муваффакиятга эришган – аслият мазмуни таржимага бекаму кўст кўчганга ўхшаб кўринади. Ҳақикатан ҳам, ганжидан айрилгач, вайrona хувиллаб қолади. Лекин ҳамма гап шундаки, бу ерда ишқ билан ганж ўзаро муқояса қилинайти, қалб билан вайронага эмас. Агар шоир ишқдан айри тушган қалб ганждан мосуво вайронага ўхшайди деганида, бу таржима ўзини оклаган бўлар эди. Лекин байтда қалдан ташкарига чиқсан, яъни ошкор бўлган ишқ

¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Фазаллар // «Тафаккур», 1996, 1-сон. 104-бет.

² Абдулқодир Бедил. Осор. Чилди якум. С. 207.

³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Фазаллар // «Жаҳон адабиёти», 1997, 6-сон, 66-бет.

сирининг оғизларда чайналиб, сийқаси чикканлигини вайронада кўмилиб ётган ганжнинг топилиб (қазиб олиниб), ёруғликка чикканидан кейин кўлма-кўл бўлиб кетганига ташбех этмоқда. Бу ўхшашликдан шоир ўзининг бадиий максадини амалга ошириш учун маҳорат билан фойдалаиган ва байтнинг тъясир кучини оширган. Тимсолларнинг ўрни алмашгани, тўғрироғи, бир тимсолга юкланган вазифанинг иккинчисига кўчирилгани таржимада аслиятнинг мазмуни бузилиши, шоир кўзда тутган маъненинг бутунича очилмай колишига сабаб бўлган.

Мумтоз асарлар таржимасида тарихийлик ва замонавийлик аро майян меъёрни саклаш жоиз. Таржима баҳонасида ўтмиш шоирини бутунлай замонавийлаштириш ярамайди. Албатта, ҳар қандай таржима замонавий ўқувчига мўлжалланади. Бинобарин, у замонавий бўлиши керак. Айни пайтда, нимадир унинг мумтоз асар эканлигига ҳам ишора килиб туриши лозим бўлади. Мумтоз сўз усталарини бугунги ўқувчига замонавий шоирлар сифатида тақдим этиш улардан ишончсизлик туйгуларини уйғотиши шубҳасиз. Шу жихатдан, Ҳиндисонда яшаб ижод этган Бедил ғазалида соғ ҳоразмча д е г и ш (Кучли сув оқимидан дарё ўнг қирғонининг муттасил ўпирлиб туриши) сўзининг учраши кишида шубҳа уйғотади:

Йўқлик чангининг тошқинимиз, оби бақомас,
Сув лойкасимиз, бизни дегиш олгани онлар¹.

Таржимада, хусусан, шеърий асар таржимасида, бунинг устига, у мумтоз сўз санъаткори қаламига мансуб бўлса, тил меъёрларидан чекиниш, шевага хос сўзларни кўллаш, бизнингча, ўринли эмас.

Ўзбекчада аслиятнинг маъноси ҳам тўғри акс этмаган:

Тўфони губори адамем, оби бақо ку?
Даръё ба миён маҳа жуд аз чўши каронҳо².

Мазмуни: «Биз адам, яъни бу йўқлик олами тўфонининг чанг губорларимиз, (бу чанг губорни бостириш учун) оби ҳаёт қани? Қирғоклар кўтарилиб борган сари ўртада дарё кўринмай қолаяпти».

Байтдан келиб чикадиган маъно куйидагича: биз тирикчилик ташвишлари тўрига тушиб қолдик, ундан қутилиш учун илоҳий бир мададга муҳтожмиз. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари ошиб борган сари у ўзидан ортмай Яратганни ҳам унтиб кўяди, ўзи ҳам тирикчилик

¹ Ўша ерда. 68-бет.

² А б д у л қ о д и р и Б е д и л . Осор. Чилди якум. С. 28.

ташвишлари ичра маҳв бўлиб кетади. Бу ҳол ҳудди кирғоклари кўтарилигани сари дарёнинг кўринмай қолишига ўхшайди.

Кўриниб турибдики, бу мазмун таржимада акс этмаган. Биринчи мисрада «йўклик» сўзи «йўклик олами» маъносини тўлик акс эттирганини ҳисобга олмаган тақдиримизда ҳам, иккита хото мавжуд: биринчиси – «йўклик чангининг тошқини». Ҳолбуки, аслиятда «тўфоннинг губори» (чанг) ибораси қўлланган. Иккинчиси – «оби бақо ку?» жумласи «оби бақомас» деб нотўғри таржима қилинган: «ку» – бу ерда «кучо» – «қаерда» сўзининг қисқарган шакли. Бинобарин, у «оби бақо қани?» деб таржима қилинишп керак. Натижада, аслиятга зид маъно келиб чиқкан: «Биз мангулик суви эмас, балки бор-йўғи йўклик чангининг тошқинларимиз». Аслида: «Биз йўклик олами тўфоннинг губорига айланиб колдик, магнгулик суви қани? (Бизни бу аҳволдан ҳолос қилиш, қайта жон бағишлаш учун)» тарзида ўтирилиши лозим эди.

Иккинчи мисранинг эса биринчи мисрага ҳам, умуман, байтга ҳам алоқаси йўқ: «Қирғоннинг муттасил емирилиб бориши туфайли биз лой сувга айланиб колдик». Аслиятда эса: «Қирғоқларнинг доимий равишда кўтарилиб бориши сабабли ўртада дарё кўзга кўринмай колаялти» деган мазмун акс этган ва у биринчи мисрани тўлдириш, ривожлантириш, далиллаш учун хизмат қилган. Таржимада эса у нафакат аввалгисига боғланмаган, балки умуман кераксиз мисрага айланган. Натижада, биринчи таржимада байтнинг мазмуни чиқмаган, иккинчидан, Бедилнинг теран мазмунли фалсафий фикри бой берилган, учинчидан, биринчи мисрада илгари суритган фикрни кучайтириш ва далиллашга хизмат қиласидиган ҳинд услуби акс этмай қолган.

Матназар Абдулҳаким таржималари вазний сакталикларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Баъзи таржималари эса мутлақо арузга тушмайди – улар бармоқдаги ғазалларга ўхшаб қолган:

Икки жаҳон – спир. Кўринур ойна – юракда,
Гардиши дард, ўзга рақам йўқ бу маконда...

Ҳил-ҳил бу Замон – мева, емак-чун мен ўзим – хом,
Бир лаҳза йўқ, ичмакка қасам йўқ бу маконда¹.

Бу ерда мазмун билан боғлик хатолар ҳам йўқ эмас. Аввало, «дар ин чо» – «бу ерда» радифининг «бу маконда» деб олиниши унча тўғри

¹ Мирзо Абдулқодир и Бедил. Ғазаллар // «Тафаккур», 1996, 1-сон, 101-бет.

эмас. Иккинчидан, илк байтнинг мазмуни: «Қалб саҳифасида иккى жаҳон рамзи мавжуд эканлигини англадик – у ерда ҳайрат гардидан ўзга ёзув йўқ» бўлиб, мутаржим уни аслига мувофиқ беришга хар қанча интилмасин, бир кадар мавхумликка йўл кўйганини ҳам инсоф юзасидан кайд этиб ўтиш керак.

Иккинчи байтнинг мазмуни: «Ҳали ҳомлигимиз (тажриба орттириб, ҳаётнинг ҳақиқий моҳиятини англамаганимиз) туфайли дунё неъматларига бўлган ҳавасларимиз заррача камайган эмас. Аслида бу ерда биз ичган беҳадду ҳисоб қасамлардан ўзга таом йўқ». Бу мазмун ўзбекчада мутлақо акс этмаган. Унинг ўрнига таржимоннинг ўз ижоди маҳсули бўлган: «Замон ҳил-ҳил лишган мевага ўхшайди, факат мен ҳомлигим туфайли уни тановул қилишнинг уддасидан чиқолмаяпман. Бу маконда қасам ичмок учун бир лаҳза йўқ» деган мантиқсиз ва пойма-пой сўзлар йиғиндисидан тузилган байтни кўрамиз.

Афуски, бундай хато-камчиликлар Матназар Абдулҳаким таржималарининг асосий, белгиловчи хусусияти даражасига кўтарилиган. Унинг таржималари орасид аслиятга шакл ва мазмун жиҳатидан мувофиқ, шоир фикрлари аник, лўнда ва тушунарли ифодалангандари бармок билан санаарли. Кўзга яққол ташланиб турган аник мазмунни ҳам мавҳумот пардасига ўраш, фикрни аник ва тушунарли ифодалаш ўрнига сўзни айлантириш, тимсоллар ва уларнинг вазифаларини чалкаштириб ташлаш деярли ҳар бир ғазал таржимасида учрайди. Натижада, энг оддий фикрни ҳам тумтарок сўзлар орасидан зўрга ажратиб оласиз, баъзан улардан маъно чиқаролмай кийналиб кетасиз.

Маълум бўладики, Бедил асарлари таржимасида ҳали бирор-бир ўзбек таржимони тўла муваффақият қозонолмаган. Бунинг устига, буюк сўз санъаткори меросининг жуда оз қисмигина ўзбекчалаштирилган. Нафакат Шарқ, балки жаҳон сўз санъатининг ҳам забардаст намояндаси бўлган Бедил асарларини тўла таржима килиш, тадқик этиш адабиётимизни бойитиб, уни янги погонага кўтариши шубҳасиз. Шу маънода умид киламизки, бу борада эришилган нуктада тўхтаб колмаймиз: таржималар давом этади ва ҳар бир янги таржима «маънолар отаси» деб улугланган улуғ шоир ижод оламини кашф этишда янги босқич бўлаверади.

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЖАНРИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳар бир жанрнинг ўз таркибий тузилиши, тасвир усули, ифода имконияти бўлганидек. уларни таржима қилишнинг ҳам ўзига хос талаблари мавжуд. “Аввало, жанр масаласи шунчаки шакл масаласи эмас. Унда, муайян халқнинг асрлар давомида таркиб топган бадиий анъанаси, психологияси ифодаланган бўлади. Бу томондан жанр муаммоси миллийлик проблемаси билан чамбарчас боғлик. Жанрнинг ўзига хослигини таржимада акс эттириш ўзга халқнинг миллий хусусиятларини беришга уриниш демакдир. Бу эса бадиий таржима назариясининг жанр спецификаси билан боғлик маҳсус проблемалари ҳам борлигидан дарак беради”¹.

Мазмун бадиий асарнинг моҳиятини ифодаласа, шакл шу моҳиятнинг намоён бўлиши, яъни ифодаланиш усулидир. Мазмунсиз шакл, шаклсиз мазмун бўлмайди. Албатта, мазмун бирламчи, лекин у шаклсиз рўёбга чиколмайди. Бинобарин, мазмун ҳар қанча муҳим бўлмасин, уни қандай шаклда етказишнинг аҳамияти ҳам кам эмас. Ҳар қандай асар мазмун ва шакл бирлигидан иборат экан, таржимада ҳам ана шу яхлитликни кайта яратиш тақозо қилинади. Тўғри, Л.С.Бархударов таъкидлаганидек: “Таржима учун муҳим нарса, энг аввало, нима ифодаланаётганидир, унинг қандай ифодаланиши эса биринчисига тобе бўлиши керак”². Лекин бундан шакл иккинчи даражали нарса экан-да, деган янгилиш бир фикр келиб чикмаслиги керак. Таъбир жоиз бўлса, мазмун ва шакл худди оригинал асардаги каби таржимада ҳам биргаликда, ўзаро уйғунликда намоён бўлади. Аслият мазмуни ҳар қанча тўлиқ ва гўзал таржима килинмасин, унинг шакли сақлаб қолинмаса (ёки мувофиқ шакл топилмаса), бундай таржима мазмун жиҳатидан аслиятга койилмақом бўлса-да, шакл жиҳатидан унга мувофиқ бўлмайди. Яъни мазмун ва шакл муносабати бузилган хисобланади. Шунинг учун ҳам аслиятга мувофиқ вазн топиш шеърий таржиманинг дастлабки шарти ҳисобланади. Яқин тиллардан таржимада бу масала нисбатан осон ҳал қилинадигина

¹ F.Саломов, Н.Комилов. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Маколалар тўплами). З-китоб. – Тошкент: Faafur Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 97–98-бетлар.

² Кўчирма кўйидаги мақоладан олинди: Умаров Ҳ. Шакл ва мазмун бирлигини кайта тикилаш // Таржима маданияти (Маколалар тўплами). – Тошкент, 1982. 35-бет.

эмас, кўпинча вазн муаммосига дуч келинмайди ҳам. Чунки қардош ҳалкларнинг тарихи, дини, маданияти, адабиёти муштарак анъаналар асосида ривожланганидан шеъриятида ҳам ягона шеърий тизим амал киласи. Айни жиҳатдан биз анча кент имкониятларга эгамиз: туркй тиллардангина эмас шеъриятни ягона ўлчов – арузда яратилгани жиҳатидан кўпгина Шарқ тилларидан таржимада ҳам бу тўсик бўлмаслиги керак эди. Лекин араб ва форс назмидаги барча жанрлар туркй шеъриятда ҳам “кўп ва хўб” ишлангани, аруз бу шеъриятнинг ҳам асосий ўлчови бўлишига қарамай, ғазаддан бошқа жанрдаги намуналарни бармок вазнларига солиб таржима килиш билан бу муаммони ўзимиз келтириб чикардик.

Мумтоз шеърият жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ўз такомилига эришган. Шунга мувофиқ, улардан ҳар бирининг ўз мавзу камрови, тасвири усуслари, ифода имконияти ва албатта, ўз вазни мавжуд. Айтайлик, туюқ, дубайтий каби жанрлар факат битта вазнда яратилса, рубоий бир вазннинг турли гармоқларида ёзилади. Маснавийлар ҳазаж, рамал, мутақориб баҳрларининг нисбатан ихчам – мусаддас вазнларида битилади. Ғазал бу жиҳатдан кенг имкониятга эга бўлиб, арузнинг деярли барча баҳр ва вазнларида ижод килиниши мумкинлигига қарамай, муайян вазнларига ғазални бошқа вазнга солиб таржима килишни таржима назарияси окламайди. Шунинг учун ушбу бобда Шарқ шеърияти жанрлари учун ҳал килувчи аҳамиятга эга бўлган ва уларнинг жанр сифатидаги ўзига хослигини белгилаган вазн муаммосининг таржимада қандай ҳал килиб келинганилиги ва уни қандай ҳал қилиш кераклиги хусусидаги масалани кўриб чикамиз.

3.1. “МАСНАВИЙ МАЪНВИЙ” ТАРЖИМАСИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

Шарқ шеъриятидан таржимада бизда вазн муаммоси бўлмаслиги керак. Чунки аруз ўзбек мумтоз шеъриятининг ҳам асосий ўлчови бўлган; Шарқ шеъриятидаги деярли барча жанрлар ўзбек адабиётида ҳам мукаммал ишланган; биз арузий шеърлар руҳида тарбияланганимиз ва бу вазндан ҳам бутунлай узилиб қолганимизча йўк.

Шарқ шеъриятидаги машҳур ва етакчи жанрлардан бири – маснавий ҳисобланади. Маснавий арабча сўз бўлиб, иккилик деган маънони билдиради. Яъни маснавийнинг ҳар банди икки мисрадан ташкил топиб, **аа**, **бб**, **вв**, **гг**, тарзида қофияланади. Маснавий ҳажм жиҳатидан ҳам, вазн жиҳатидан ҳам чекланмаганлиги, Навоий

таъбири билан айтганда. қамрови кенг бўлғанлиги учун воқеабанд асарлар – достонлар шу шаклда ёзилган ва айни жиҳатдан маснавий ва достон синоним тушунчаларга айланган.

Маснавий шакли ва вазни ўзбек ўкувчиларига ҳам бегона эмас. Чунки Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хибат ул-ҳақойик” достонларидан тортиб Алишер Навоий “Ҳамса”си ва “Лисон ут-тайр” асаригача, бўёғи XX асрнинг бошигача яратилган барча достонлар айни шакл ва вазнда эканлиги маълум. Ўкувчиларда ҳам бу жанр ҳакида муайян тасаввур ва унинг мутолаасига кўнишка мавжуд. Нафакат оригинал, балки таржима адабиёти ҳам арузга асосланган. Кутб Хоразмий Низомийнинг “Ҳусрав ва Ширин”, Оғажий Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Абсол”, Ҳилолийнинг “Шоҳ ва Гадо” достонларини ўз вазни билан таржима килишган. Бу анъанани давом эттириб, дастлаб Н.Оҳундий, Ҳислат ва Муҳаммаджоновлар Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан парчаларни у ёзилган вазннинг ўзи – ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи максур (маҳзуф)ла таржима килган эдилар. Шунга қарамай, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си таржимасига келиб вазн муаммоси пайдо бўлди.

Асар таржимонларидан бири Ш.Шомуҳамедовнинг ёзишича, “Шоҳнома” дастлаб арузда – у ёзилган мутакориби мусаммани максур (маҳзуф) вазнида таржима килина бошланган. Лекин айни вазнда амалга оширилган “Рустам ва Суҳроб” достони муҳокамага қўйилганда зиёлиларнинг ўзи уни арузга солиб ўкиёлмагач, ҳалк қулоги ўрганган “Гўрўғли” ва “Алпомиш” вазнлари бўлмиш ўн бир хижоли бармоқ вазни маъқул кўринади¹. Шу тариқа у мумтоз достонлар таржимаси учун асос қилиб олинади ва кейинчалик Низомий, Носир Ҳисрав, Ҳусрав Дехлавий, Румий достонларидан парчалар, Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонлари шу вазнда ўзбекчалаштирилди.

Ўзбек таржимашунослик мактабининг асосчиси Ғайбулла Саломов масаланинг бу тарзда енгил ва осон ҳал килинганини танкид қилиб чиқкан эди. Атокли олимнинг фикрича, бу билан таржимонлар шундай ҳам биздан тобора узоқлашиб, “бегоналашиб” бораётган арузда янада йироклаштириш йўлини тутдилар. “Классик адабиётимизда мавжуд бой маънавий бисот – аруз вазнида ёзиб

¹ Бу ҳақда қаранг: Шомумедов Ш. “Шоҳнома” таржимаси ҳакида сўз // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1978. 188-194-бетлар.

колдирилган мислсиз улкан шеърий хазинанинг ранг-баранг шакл ва имкониятларидан ўз-ўзимизни бенасиб этиш, маҳрум килишга уриниш качондан бери “шавкли ва шукухли” бўлиб колган? Ҳолбуки, “Шоҳнома” ва шу сингари жангномалар, классик газалиёт дурдоналарини ҳозир арузда таржима қилинмаса, качон таржима қилинади? Ахир, таржимадан максад, ўзгалар яратган санъат асарларини ўз андозамиз ва услубимизга солишгина эмас, балки улар яратган янги адабий шакллар, янги жанрлар, янги восита ва услубларни ўз адабий заминимизга соҳибкорларга хос дид ва тажриба билан авайлаб ўtkазиш, пайвандлаш билан бирга, азалдан маданий меросимизда мавжуд, аммо ҳозирда маълум сабаблар оқибатида узоклашаётган, унугилаётган. лекин ҳаётбахш анъаналар, удумлар. воситалар, адабий жанр ва турлар. луғатларга ҳам янги ҳаёт нафасини пуркашдан иборат”¹.

Одил ҳакам бўлмиш вақт устод таржимашуноснинг куйинишлари асоссиз эмаслигини кўрсатди. Дастреб Олимjon Бўриев Абдурахмон Жомийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол”, Низомийнинг “Хисрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини ўз арузда жаранглатган бўлса², кейинчалик Ўзбекистон Xалқ шоири Жамол Камол Жалолиддин Румийнинг олти дафтардан иборат муazzзам “Маснавийи маънавий” асари, Фаридиддин Атторнинг “Мантик уттайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” достонларини анъанавий вазнларида таржима қилди³. Ажабки, бу таржималарнинг вазни ҳакида бирор-бир эътиroz эшигилмади. Аксинча, ҳар хил ёш ва турли тоифадаги ўқувчилар уларни бирдай кизикиш билан мутолаа кильмокдалар.

Биз бу ерда ушбу достонлардан бири – “Маснавийи маънавий” таржимаси хусусида сўз юритамиз.

¹ Саломов F. Таржима ташвишлари. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 64-65-бетлар.

² Қаранг: А б д у р а ҳ м о н Ж о м и й . Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. – Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989; Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. – Техрон, 2005; Низомий Ганжавий. Лайли ва Мажнун. – Техрон, 2005.

³ Қаранг: М а в л о н о Ж а л о л и д д и н Р у м и й . Маснавийи маънавий. 1-6-китоблар. – Тошкент-Техрон, 2001-2004; Ш а й ҳ Ф а р и д и д д и н А т т о р Н и ш о п у р и й . Асрорнома (6 достон). – Тошкент: “Тамаддун”, 2012; М а х м у д Ш а б у с т а р и й . Гулшани роз. – Тошкент: “Тамаддун”, 2013.

Жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг инсон маънавий ҳаётининг комуси сифатида нафақат Шарқда, балки Фарбда ҳам катта кизиқиши билан ўрганилиб келаётган муazzам “Маснавий маънавий” асарининг ўзбек тилига ўгирилиши таникли шоир ва мохир таржимон Жамол Камол таржимонлик фаолиятининг чўққисигина бўлиб қолмай, ўзбек таржима адабиётининг ҳам улкан ютуғи хисобланади. Куръони каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топгани, 690 га ҳадисга шеърий шарҳ берилгани, 270 та турли мавзудаги пурмаъно ривоят ва хикоятлар ўрин олгани, чукур мазмунли ҳикматли сўзлар ва теран фалсафий мушоҳадаларга бойлиги жиҳатидан форсий Куръон, Тасаввуф комуси, Маънавият денгизи. Дунёнинг китоби каби номлар билан улуғланган 25685 байт (51370 мисра)дан иборат бу бебаҳо асар Куръони карим ва Ҳадиси шарифни, тасаввуф ва ҳаётни, инсон қалби ва феъл-авторини англаш учун ўзига хос очкичдир. У асрлар давомида ўзбек ҳалки орасида ҳам машхур бўлиб, юртимизда маснавийхонлик кенг тарқалган. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида “Маснавий маънавий”нинг “юзга яқин қўллэзма ва босма нусхаларининг мавжудлиги”¹ бунинг ёрқин исботидир. Бу ҳайратомуз бадиият обидасининг факатгина таърифини эшлиб келган ўзбек ўкувчилари ниҳоят уни она тилларида ўқиб, буюк маънавият уммонидан баҳраманд бўлиш баҳтига эришдилар.

Ўзбек ҳалқини Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди билан таништиришда Жамол Камолнинг хизматлари катта. У ўзининг бу муҳим маънавий миссиясини Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” номли тарихий-биографик романини таржима қилишдан бошлаган эди². Бу асар бир пайтнинг ўзида бир неча вазифани бажарганлиги билан ҳам эътиборга сазовор: биринчидан, у бизни Жалолиддин Румий номли улуғвор бир оламга олиб кирди – унинг таржимаи ҳоли, шахси ва тарикати, адабий фаолияти билан таништирди. Чунки ўшангача бу улуг сўз санъаткори ҳақида ўзбек тилида етарли маълумотга эга эмас эдик. Иккинчидан, у орқали ўзбек ўкувчилари тасаввуф таълимоти, унинг асосий ғоялари ва образлар олами билан

¹ Ҳасанов М. Улуғ китобнинг улуг шархи (Сўзбоши) // Шайх Одина МуҳаммадХоразмий. Мифтоҳ ул-асор. Тошкент, 2006. 4-бет.

² Каранг: Фиш Р. Жалолиддин Румий (Тарихий-биографик роман). Русчадан Ж.Камол таржимаси. Тошкент, 1986. Китобнинг иккинчи нашри 2005 йилда чоп этилиб, у ҳам киска муддатда тарқалиб кетди.

танишдилар – бу китоб тасаввүф адабиётига ўзига хос кириш бўлди. Учинчидан, Радий Фиш деган нуктадон шаркшунос олим ва тарихий мавзуда калам тебратувчи хушсухан ва ширинзабон адабни танидик. Ва, албатта, романни шаркона ифода ва услубда, кизгин муҳаббат ва айрича эҳтирос билан қиёмига етказиб таржима килган Жамол Камол истеъоддининг яна бир киррасини кашф этдик.

Романда Жалолиддин Румийнинг кўплаб ўтли шеърлари ҳам келтирилган бўлиб, меъёрига етказиб таржима килингандиги туфайли улар тезда тилга тушди. Бу ўринда биргина “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил” мисрасини эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги кунда бу мисрани билмайдиган адабиёт муҳлиси мамлакатимизда топилмаса керак. Бу мисра олиму шоирларга айрича илҳом бериб, кўплаб мақола ва шеърларнинг эпиграфига айланди, иктибос ва тазмин сифатида келтирилди. Шунингдек, асаддаги “Билмассен”, “Мен кўп замон ошик”, “Унутма бизни”, “Истармен”, “Келди”, “Айладинг-кетдинг”, “Келадир” каби ғазаллар, катор рубойй ва шеърий парчалар таржимаси ҳам румиёна чиқкан, ғазаллардан айримлари хатто кўшикка айланиб кетган.

1991 йили Ж.Камол форс-тожик тилида калам тебратган 9 нафар мумтоз шоир ижодидан 333 та рубоййни мумтоз рубоййнавислик анъанаси ва рубойй таржимачилиги тажрибаларига таянган ҳолда аслига мувофик таржима килиб нашр эттириди. Улар орасида Жалолиддин Румий қаламига мансуб 53 та рубойй ҳам мавжуд¹. 1994 йили эса унинг таржимасида мутасаввиф шоирнинг “Учмоққа қанот йўк, vale учгайман” номли шеърлар тўплами босилиб чиқди². Ундан юкоридаги рубоййлар ва “Маснавий маънавий”даги айрим ҳикоятлар таржимаси ўрин олган. Бу ҳикоятларнинг баъзилари (“Уч йўловчи ҳакидаги ривоят”, “Эшак ва дарвешлар”) Р.Фишнинг “Жалолиддин Румий” романни ичидаги ҳам келтан эди. Мана шундай боскичма-боскич амалга оширилган узок тайёргарликдан сўнг шоиртаржимон ниҳоят “Маснавий маънавий” таржимасига киришди: ҳамма нарсадан узилиб ишлаб, уни қисқа бир фурсатда – тўрт йилда ниҳоясига етказди ва у 2001-2004 йилларда бу китоб ҳажмида чоп

¹ Каранг: 333 рубойй (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). Тошкент: “Нур”, 1991. 54-63-бетлар; Иккинчи нашри – Тошкент, 2007.

² Каранг: Ж а л о л и д д и н Р у м и й . Учмоққа қанот йўк vale учгайман (Ривоятлар ва рубоййлар). Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.

этилди¹. Якинда у ягона жилда – алоҳида китоб ҳолида нашр килинди².

“Маснавийи маънавий” рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф) вазнида (фоилотун фоилотун фоилун: – V – – – V – – – V –) яратилган. Туркий шеъриятда туюқ вазни сифатида машҳур бу вазннинг оҳанги ва ритми халқимизга таниш, қалбимизга яқин. Бу имкониятдан усталик билан фойдаланган таржимон асарни айни вазннинг ўзи оркали ўзбекчалаштириш билан таржиманинг аслиятга нафакат мазмунан, балки шаклан ҳам мувофиқ бўлишига эришган. Чунки “шеър бевосита оҳанги оркали киши руҳига таъсир этади, қайфият уйғотади. Инсон эса мазмун ва маънони, фикр ва маълумотни **кандай қайфиятда** қабул килиши жуда муҳим. Бир фикрнинг ўзи агар турли хил шеърий формага солиб ифодаланса, у ҳолда ҳар бир шеър одамга алоҳида таъсир кўрсатади ва унинг қалбида бошқа-бошқа руҳий кечинмаларни уйғотади. Шу боисдан шеърларнинг ғоявий-эстетик таъсири ҳам ҳар хил бўлади”³. Бинобарин, шакл ва мазмунни бир-биридан ажратиб бўлмайди. “Шакл ва мазмун – яхлитликда, диалектик бирликда мавжуд ҳодисалардир... Модомики, шеърнинг таржимаси ҳам тўрт мучали бутун мукаммал асар бўлиши талаб қилинар экан, унда таржима оригиналга мукобил ҳолда шаклан ҳам мазмунан ҳамоҳанг бўлиши даркор”⁴.

“Маснавийи маънавий”:

Бишнав аз най / чун ҳикоят / мекунад,

Аз жудои / ҳо ҳикоят / мекунад⁵ –

байти билан бошланади ва уни таржимон аслига шаклан ва мазмунан мувофиқ равиша қўйидагича таржима қиласи:

¹ Қаранг: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-жилд. Тошкент, 2001; 2-жилд. Тошкент, 2002; 3-4-жиллар. Тошкент-Техрон, 2003; 5-6-китоблар. Тошкент-Техрон, 2004.

² Қаранг: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий (Иккинчи нашр). Тошкент, 2010. Мақоладаги ўзбекча иқтибослар шу нашрдан олиниб, саҳифаси кавс ичидаги кўрсатилади.

³ Саломов Ф., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). З-китоб. Тошкент, 1976. 153-бет.

⁴ Саломов Ф., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). Тошкент. 1979. 68-бет.

⁵ “Маснавийи маънавий”и Мавлоно Жалолиддин Мавлавий (Аз рўи нусхай Р. Никўлсун). Техрон, 1380 (хижрий-шамсий). С. 5. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичидаги кўрсатилади.

Тингла найдин, / чун ҳикоят / айлагай,
Айриликлар / дин шикоят / айлагай (8).

— V — V — V —

Кўриниб турибдики, таржима сўзма-сўз аслиятга мувофиқ: бирор сўз ёки ибора ўёқ-буёққа силжимаган – “аз” – “дан” келишин кўшимчаси форсчада ажратиб, ўзбекчада эса сўзга қўшиб ёзилади (“аз най” – “найдин”; “аз жудоиҳо” – “айриликлардан”). Шунинг ҳисобига аслият мисраларидағи сўзлар бигтаданга камайиб, ўн сўздан иборат форсча байт ўзбек тилига саккиз сўз билан ўтирилган. Р.Фишнинг “Жалолиддин Румий” романни таржимасида бу байтни у бир оз бошқача таржима қилган эди:

Тингла, най андок ҳикоятлар килур.

Айриликлардин шикоятлар килур¹.

Маълум бўладики, асаннинг тўлиқ таржимасига киришганда таржимон уни қайта ишлаган ва асл нусхага ҳар жиҳатдан мос бўлишига эътибор берган: “ҳикоят” ва “шикоят” сўзларида “лар” кўплик кўшимчаси йўқ, шунинг учун қайта таржимада таржимон ҳам аввалги хатосини тўғрилаб, ундан воз кечади. Бунда энди вазн талабига кўра бир бўғин орттириш тақозо қилинади ва энди таржимон “қилур” радифини “айлагай” деб алмаштиради. Форсча “мекунад” сўзининг маъноси “килади, этади, айлайди” бўлиб, уларнинг барчаси маънодош сўзлар, лекин “айламоқ”да китобийлик, шеърий нутққа хос кўтаринки оҳант мавжуд ва бундан таржима факат ютган.

“Маснавий маънавий”да ҳалқ мақоллари даражасидаги мазмунан теран ва бадиий юксак ҳикматли мисра ва байтлар кўп – уларни бир ерга йигиб, мавзусига кўра жойлаштириб чикса, инсонга Оллоҳни ва ўзини танитадиган, олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир-синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга йўллайдиган ўзига хос “Ҳикмат китоби” дунёга келади. Бу ҳикматлар Куръони карим ва Ҳадиси шариф каби мўътабар чашмалардан сув ичгани, комусий билим ва катта ҳаётий тажриба асосида яратилгани, кундалик турмуш воқеалари негизига курилгани, ҳалқона соддалик, самимиятга йўғрилгани, тасвир воситаларига бойлиги, ҳассос рухи, равонлиги, жарангдорлиги ва таъсирчанлиги билан бутун дунё илму адаб аҳлини ҳайратта солиб келаётпи. Уларнинг кўпчилиги ўзбек тилида ҳам аслидагидай жаранглаб чиқкан. Чунончи:

Бу жаҳон – тоғ, феълу атворинг – нидо.

¹ Ф и ш Р. Жалолиддин Румий. 30-бет.

Ул нидони сенга кайтаргай садо (14).

* * *

Яхшилик ёки ёмонлик этмайин,
Бир нафас дунёда турмогинг кийин (159).

* * *

Паст киши ўздин баландга ёв бўлур (81).

* * *

Вакт лозим кондан айрилгунча сут (131).

Бу таржималарнинг канчалик муваффакиятли чикканига ишонч
хосил қилиш учун уларни аслият билан қиёслаб кўриш мумкин:

Хок амину ҳар чи дар вай кошти,

Бехиёнат жинси он бардошти (26).

Мазмуни: “Тупрок ҳеч качон омонатга хиёнат қилмайди – у энг
ишончли: унга ниманки эксанг, ҳеч бир хиёнатсиз экканингта яраша
хосил кўтарасан”.

Бу байтни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди – ғализ ва тўмток
чикиб қолади. Масалан: “Ер ишончли – унга ҳар неки экдинг.
Хиёнатсиз ўша нарсани ўрдинг”. Ёки: “Тупрок ишончлидир, эксанг
ҳар нима, ўшани кайтариб берар бетама”. Шунинг учун таржимон
матнга ижодий ёндашади ва соф ўзбекча таржима яратади:

Ер ҳалоддир, бехиёнат ҳар маҳал.

Экканингни қайтариб бергай тугал (23).

Матнга ёпишиб олиб, сўзма-сўз таржима килишга уриниш
бадиий таржимада ҳеч қачон муваффакият келтирмаган. “Китобхон
ҳакикий санъат асарини ўқишини истайди. Сўзма-сўз бажарилган
таржима эса санъат намунаси бўлолмайди...”¹. Шунинг учун
таржимашунослар ичida матндан канча узоклашсанг, унга ўнчалик
якинлашасан деган коида машҳур. “Мутаржим муаллиф билан ҳукук
талашадиган даражада эркин ва журъатли бўлиши лозим.
Таржимонда журъат бўлмаса, асл нусхага ижодий ёндаша олмайди”².

Ж.Камол хок – тупрокни ер деб олади. Амин сўзининг бир канча
маънолари бор: ҳалол, ишончли; омонатни сакловчи, омонатдор;
кафил; хазиначи; вакил; вафодор, ишончли киши; вакил килинган.
назоратчи; ҳимоя қилинган, кафолатланган, сакланган ва ҳоказо³.

¹ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. 59-бет.

² Матёкубов А., Жўраев Н. Ғафур Гулом (портрет-очерк) //
Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи (таржима тарихидан лавҳалар).
Тошкент, 1985. 89-бет.

³ Фарҳангি забони тоҷики. Иборат аз ду жилд. Жилди I. M., 1969. С. 62;
Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт жилдан иборат.

Таржимон улар орасидан ерга энг мувофик келадиган сўз сифатида ҳалолни танлайди ва тўғри қилади. “Бехиёнат” сўзини биринчи мисрага олади – бадиий таржима амалиётида нафакат сўзлар, балки мисраларнинг ўрнини алмаштиришга йўл кўйилади. Жинс сўзининг ҳам тур, хил, нав, тарз; ўхшаш, монанд, тент; мол, мато сингари катор маънолари бор¹. Бу ерда у тенг, баробар, мукобил, яъни экканингга яраша маъносида келаяпти. “Унга нимаики эксанг, ўшанг яраша нарсани оласан” деган энг асосий жумлани эса “Экканингни қайтариб бергай тугал” деб ўгиради. Бошқача айтганда, “Ердан экканингга яраша нарса оласан” деган фикр “Ер экканингга яраша қайтариб беради” тарзида зидди билан ифодаланган ва у матн мазмунига хилоф эмас. Мазкур жумлани ихчамлаш эвазига фикрга ургу бериш, уни кучайтириш учун мутаржим “хар махал” иборасини қўшганки, у байтнинг таъсир кучини оширишга хизмат килган. Шу тарика, у байтнинг ҳам аслиятга мувофик равища таъсирчан, ҳам соф ўзбекча жаранглаб чикишига эришган. Зеро, “таржиманинг вазифаси бошка тил мухитида оригинал ўкувчиси олган таассуротни қайта яратишдан иборат”².

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар нафакат ғоя ва мазмун, балки эстетик маънодан ҳам иборат бўлади. Чунончи, келтирилган байтнинг ғояси – ҳалолликка, тўғриликка, диёнатга давлат бўлса, мазмуни – ернинг энг ҳалол, энг ишончли омонат сақловчи эканлиги, экканингга ҳеч качон хиёнат қилмай, хамиша муносиб тарзда уни қайтариши. Эстетик маъноси эса ана шу ғоя ва мазмунини ўкувчи онгига ўтказадиган таъсирию қалбига багишлайдиган маърифий зиёси ҳамда шу орқали ақлда уйғотадиган фикр-хулосасию қалбда қўзғатадиган завқу шавқи, яъни ҳалоллик, тўғрилик ва диёнатнинг улуғлиги, инсон ҳаётида мухим ўрин тутиши, инсонийлик мезони ва ҳаёт таянчи эканлиги. Асарнинг ғояю мазмунини ҳар қандай таржимон у ёки бу даражада таржимада акс этириши мумкин, лекин эстетик маъносини факат истеъдодли ва маҳоратли мутаржимгина кайта яратади. Шунинг учун “шевърий таржима ҳақида гапирганда мазмуннинг кандай сакланганига эмас. балки естетик маъно кай даражада қайта

1-жилд. Тошкент, 1983. 85-бет; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 2006. 78-бет.

¹ Фарҳанги забони тоҷики. Жилди 2. М., 1969. С. 781-782; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. 578-бет.

² Т о х и р б о е в Б. Таржимашунослик фанининг назарий илдизлари // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 5-китоб. Тошкент. 1980. 32-бет.

яратилганига караб баҳо бериш лозим”¹. Ж.Камол таржималари ғояю мазмуннинггина эмас, эстетик маънонинг ҳам аслиятга мувофик тарзда маҳорат билан кайта яратилганлиги ва ватан адабиётининг таркибий кисмига айланганлиги билан алоҳида аҳамият қасб этади.

Шеърий таржиманинг гаржимашунос синчковлик билан тадқик этиши, таҳдил килиши керак бўлган нозик томонлари кўпки, уларни назардан кочириш таржимоннинг меҳнатини муносиб баҳоламаслик, уни ноҳақ танқид қилишга олиб келиши шубҳасиз. Масалан:

Дар макоме захру дар жое даво,

Дар макоме қуфру дар жое раво (116).

Мазмуни: “Бир ўринда заҳару бир жойда даво, бир ўринда қуфру бир ўринда раво”.

Ўз макомида заҳар бўлгай даво,

Ўз макомида қуфр бўлгай раво (87).

Бу ерда байтнинг маъно доираси торайгандай, шоир фикрининг факат бир кирраси акс этгандай, тазод санъати йўкка чиққандай кўринади. Чунки аслиятда “Бир жойда заҳар бўлган нарса, бошқа жойда даво ўрнига ўтиши, бир жойда қуфр бўлган нарса, бошқа бир ўринда жоиз бўлиши ҳам мумкин” деган фикр ёркин ифодаланган. Лекин, диккат килинса, ўзбек тили ва аruz вазни имкониятларидан келиб чикиб, таржимон бу фикрни бир оз ўзгартириб, бошқача шаклда ифодалашнинг уддасидан чиқкан: “Заҳарни факат заҳар деб ҳисобламанг, жойи келганда у даво бўлиши ҳам мумкин, қуфрнинг чегараси ҳар канча қатъий белгиланган бўлмасин, вазиятга караб унга йўл ҳам кўйилади”. Форсча байтнинг маъно таржимаси билан қиёслаганда шеърий таржиманинг унга зид эмаслиги, балки аслият маъносини саклаган ҳолда шаклий ўзгаришлар билан гўзал бадиий шаклда қайта ифодалагани маълум бўлади. Албатта, байтни:

Бир ўринда захру бир жойда даво,

Бир ўринда қуфру бир жойда даво, –

кабилида таржима килиш ҳам мумкин. Лекин форсчада байтнинг жарангдорлигини кучайтирган макон маъносини билдирган сўзлар тақорори ўзбек тилида айни бадиий вазифасини унча бажармаяпти. Буни пайқаган таржимон уларнинг бирини саклаб, иккинчисини “бўлгай” феъли билан алмаштиради ва бу мисраларнинг тасирчанлигини кучайтирган.

Шу билан бирга, маснавий таржимасининг ўзига хос имкониятлари ҳам мавжуд. Айтайлик, бир байтга сифмаган муайян

¹ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар. 119-бет.

сўз ёки фикрни кейингисига олиб ўтиш ёки айрим тақрор сўзларни тушириб қолдириш ҳисобига маънони кенгроқ ифодалаш йўлларини излаш мумкин. Мазкур жанр байтлар кетма-кетлигига асосланганидан бу ишни маҳорат билан сезилмайдиган даражада амалга ошириш мумкин. Лекин бунда байт орттириш ёки қисқартириш йўлидан бормаган маъкул. Аслида меъёрида иш тутилса, катта асарларда бу жилла билинмайди ҳам. Чунончи, А.С.Пушкиннинг “Бокчасарой фонтани”, М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” достонлари таржимасида Усмон Носир маънони кенг ва тўлиқ ифодалаш учун мисра орттириш йўлидан борган бўлса, тақрорлар ва баёнчиликнинг олдини олиш максадида Атторнинг “Уштурнома”си таржимасида Ж.Камол аксинча, байтларни қисқартириб кетган. Кичик шеърий жанрлар таржимасида эса бунга йўл кўйиб бўлмайди.

Чунки, айтайлик, рубоийни беш мисрадан, муҳаммас бандларини олти мисрадан қилиб таржима қилинса уларнинг жанрий ўзига хослиги йўқка чиқади.

Шеърнинг бутун бадний гўзаллиги, таровати, жарангি, таъсирчанлиги кофия билан. “Маснавий маънавий” таржимасида Жамол Камол кўплаб пишиқ-пухта, гўзал, таъсирчан ва охорли кофияларни маҳорат билан топиб кўллаган: ботин – Афлотун, қаранг – турфаранг, ҳаким – вахим, тикан – янгидан, лайн – асрарин, аршида – каршида, хожа – дебоча, нағмадин – даҳмадин, афсус – маҳбус, аврасин – наърасин, баҳрида – бағрида, босими – меросими ва бошқалар шулар жумласидандир. Шундай салмоқли асарни бошдан-оёқ тўқ қофиялар топиб таржима килиш осон эмас, баъзида ҳатто иложсиз дейиш мумкин. Шунинг учунми, таржимон кўплаб байтларни оч қофиялар билан ўзбекчалаштиради. Эътироф этиш керакки, оч қофиялар борасида ҳам таржимон анча маҳорат кўрсатган – уларнинг кўни янги ва бетакрорлиги билан эътиборни тортади: денгиз – чексиз, ундан – хумдан, юрт – кут, тинмади – ҳиммати, бўйладинг – улфатинг, кўргани – пардани, титратур – иҷрадир, фалон – тамом. Эгам – деган, молмидинг – олмадинг, мустақим – қисматим, эса – ўша, юпқадир – бешубҳадир ва ҳоказо. Бирок, барча байтлар ҳам ана шундай тўқ ва оч қофиялар билан муввафқиятли таржима килинмаган – таржимон кўпинча мазмунга асосий эътиборни каратиб, қофияни назардан кочирали. Бундан таржимоннинг, Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Қофия эҳтиётига муқайяд эмас”лиги¹

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Тошкент, 1997. 63-бет.

маълум бўлади. Ҳолбуки, Шарқ шеъриятида кофияга шунчалик катта эътибор берилганки, ҳатто кофия илми алоҳида фан тармоғи сифатида ривожланган. Атойининг шоҳбайтлар сирасига кирувчи:

Ул санамким, сув қирогинда паридек ўлтуур,

Ғояти нозуклугидин сув била ютса бўлур, –

мисраларидағи “ўлтуур” – “бўлур” сўзларини танқид килиб, “Кофиясида айбгинаси бор”¹, – деган Алишер Навоий Жамол Камолнинг Шарқ адабиётининг гултожи бўлган “Маснавий маънавий”дан ўғирган қуидаги кофиясиз байтларини кўриб, нима дейишини тасаввур қилиш қийин эмас: терсада – зарбida, кал – магар, билмагил – шир, бедор – баттар, изн – ишим, килур – кил, кўзаси – чашмаси, урмагил – келур, ажал – ёкар, этар – бор, маҳал – мевалар, беписанд – айниган, амал – бадар, ҳам – таваккал, гурух – ул, эммагай – айланмагай, пардалик – унчалик, ўзини – илмини, мағзидир – аслидир, кўркмайин – тунд, бўйини – узрини, менга – олдига, колмасин – наърасин, ўйлагил – тинглагил, бермагил – кўрсатмагил, беҳудлик – йўклик, ўзгармади – бўлмади, тўхтасин – киссасин, беписанд – тубидан, ҷоҳга – бедодга. Ҳак – дараҳт, панжаси – ўлжаси, меҳрини – сенинг, макр – ханжар, билан – ҳам, кайтдигу – рўбарў, титради – тўхтади, ишваси – палласи, иҷрамиш – сўйламиш, фойдалар – таъналар, армуғон – тўтижон, лутфига – иккига, табор – эҳтимол, юмдилар – ёндирилар, аввали – айтгали, айир – айлагил, кайдадир – сўйлагил, қоплагай – айлагай, бойлагай – бермагай, айлагай – сиғмагай, урмамиш – сўйламиш, бандадир – мурдадир, асир – овчиdir. Албатта, шеърни қофияга солиш, муносиб қофия топиш осон эмас, лекин белни боғлаб астойдил изланса, топилмайдиган сўзу қофиянинг ўзи йўқ. Зоро. Буалонинг қуидаги сатрларини Жамол Камолнинг ўзи таржима килган эди:

Қофия сабот-ла изланса агар,

“Лаббай” деб хизматга бош эгиб келар².

Айни пайтда таржима катор вазний сакталиклардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, қуидаги байтнинг охирги рукнида бир кисқа, бир узун бўғин такозо қилингани ҳолда. иккни узун бўғинли “авло” сўзи кўлланган:

Ел кўтарсан бўйла аклу ҳушни то,

Сен каби жоҳилни ўлдиrmок авло (190).

¹ Ўша ерда.

² Б у а л о . Шеърий санъат (Ж.Камол таржимаси). Тошкент, 1978. 6-бет.

Аслиятда эса бу сўз ўрнига “сазо” сўзи ишлатилган ва у вазнга мувофиқ:

Шўх бар он ақли гузинаш, ки турост,
Чун ту, к-он жаҳлро күштан сазост (360).

Демак, таржимон бу сўзни алмаштирумай, айнан қолдирса, вазний бузилиш келиб чикмас эди.

Ёки:

Ул ҳаким дедики, кўрдим дафъатан,
Зоғ учради кўкда бир лайлак билан (191).

Бу байтдаги вазний сакталикни бартараф этиш учун “зоғ” ва “учради” сўзларининг ўрнини алмаштириш керак бўлади – ўшанда “учради зоғ” ибораси фоилотун рукнига тўла тушиб, сакталик йўқолади. Бу техник хато бўлмай, олдинги нашрда ҳам шундай эди¹.

Таржимадаги вазний хатолар жузъий характерда бўлиб, арузда ўтирилган бошка таржималардаги каби вазн кўпол равишда бузилган ёки бармоқка айланган ўринлар йўқ дейиш мумкин. Бу ҳам таржимоннинг шакл жиҳатидан муваффақиятга эришганидан далолат беради.

Ўзбек тили узок асрлар мобайнода форс ва араб тиллари билан ўзаро алоқада ривожлангани туфайли тилимизга кўплаб форсча, арабча сўзлар кириб қолган. Уларни биз худди ўз сўзимиздай ишлатиб кетаверамиз ва бошка тилга мансублигини ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Шу билан бирга, нафакат форсий ва арабий, балки кўпгина туркий сўзлар ҳам бугунги кунда эскириб, архаик қатламни ташкил этган. Иккинчидан, шеърий нуткка хос кўтаринки услуб нафакат арузда, бармоқ вазнида ҳам муайян даражада архаик сўзларни кўллашни тақозо қиласди. Бунинг ёркин мисолини Гафур Гулом ва Абдулла Орипов ижодида кўриш мумкин: бу икки забардаст шоир ижодида қадим туркий, форсий ва арабий сўзлар нисбати жуда юкори, форсий изофаларга ҳам тез-тез дуч келамиз. Учинчидан, биз мумтоз адабиёт намуналарини мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юргатарида ўрганамиз, мустақил ўқиймиз, демак, маълум миқдорда архаик сўз бойлигимиз бўлиши табиий. Ахир, тил нафакат янги қабул килинган сўзлар, баътки истеъмолдан чиқиб кетган баъзи сўзларга кайта ҳаёт бағишилаш ҳисобига ҳам бойиши шубҳасиз. “Шунинг учун классик асарлар таржимасида қадимги сўзлардан унумли ва ўринли

¹ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-китоб. 181-бет.

фойдаланган таржимонларимизнинг ишини маъқуллаймиз”¹, – деб ёзган эди Нажмиддин Комилов. Жамол Камол таржималари ҳам ана шундай соф шаркона сўзларга бойлиги жиҷатидан алоҳида бадиий-эстетик таъсирчаникка эга. Чунончи:

Хуш хаёл бирла сабр ширин эмиш,
Эрк хаёли ҳаммадан афзун эмиш (148).

Машварат кил нафс ила сен bemalol,
Аксини этсанг, сенга келгай малол (197).

Кўриниб турибдики, келтирилган байтларда бор-йўғи биттадан архаик сўз (афзун ва машварат) ҳамда “билин” боғловчисининг архаик шакллари (бирла. ила) ишлатилган. Чунки мумтоз шоирлар асарларини таржима жараёнида батамом замонавийлаштириш ўзини оқламайди, ахир. биз уларни замонавий шоирлар каби қабул қилолмаймиз – нимадир мазкур асарларнинг ўтмиш адабиёти намунаси эканлиги ва улар яратилган тарихий даврни эслатиб туриши керак. Лекин бу борада, Абдулла Орипов айтганидек, муайян меъёр бўлиши керакки², Ж.Камол таржималари учун ана шу меъёрга риоя қиласлик, форсий сўз, ибора ва изофаларни сунистеъмол килиш хос. Шунинг учун адабий жараёнда, адабиёт муҳлислари орасида: “Жамол Камол таржималарида форсий сўзларни кўп ишлатади”, – деган гаплар юриши бежиз эмас. Чунки у кўпинча бутун-бутун мисра ва байтларни деярли форсий сўз, ибора ва изофалар билан шундоққина ўзбекчага ўтказиб кетаверади. Масалан, “К-аз барои иззи дини Аҳмади” (292) – “Азбарои иззи дини Аҳмадий” (213). Келтирилган мисрада битта ҳам ўзбекча сўз йўқ – мисра шундоққина кўчириб кўя колинган. Ўз-ўзидан “Бунинг нимаси таржима?” – деган савол туғилиши табиий. Ҳолбуки, мисранинг мазмуни: “Аҳмад динининг хурмати учун”. Аҳмад – Мухаммад алайхиссаломнинг лақабларидан бири. Ёки: “К-ў далили нури хуршиди Худост” (22) – “Ул далили нури хуршиди Худо” (21). Бу мисра ҳам деярли таржимасиз ўтган бўлиб, маъноси: “У Оллоҳ офтоби нурининг далилилар” (Бу ерда сўз авлиё ҳақида бормокда).

¹ Комилов Н. Қодир Мирмуҳамедов (Ижодий портрет) // Ўзбекистонда таржимачилик. Тошкент: “Фан”, 1988. 173-бет.

² Орипов А. Эҳтиёж фарзанди (Адабий маколалар, сұхбатлар). Тошкент: “Ёш гвардия”, 1988. 109-бет.

Арабча байту мисраларни айнан колдириб, матн остида уларнинг мазмунини бериб борган мутаржим қуидаги мисрани изоҳламай ўтиб кетган:

Фолик ул-асбоҳ Исрофилвор,
Жумларо дар сурат орад з-он диёр (21).

Фолиқу-л-асбоҳ Исрофилвор
Келтирур, чун ул диёрдин бул диёр (20).

Фолик ул-асбоҳ – тонгларни оттирувчи маъносини билдириб, мажозан очувчи, тонгларни яратувчи, вужудга келтирувчи мазмунида кўлланади¹. Исрофил – киёмат келганидан дарак бериб, сур чаладиган фаришта². Бинобарин, байтнинг мазмуни: “Тонгларни орттирувчи, яъни Худо Исрофилнинг бир сур чалиши билан у дунёдан келганларни, яъни мархумларни яна ўз ҳолига кайтаради – тирилтиради”.

Таржимадан эса бу мазмунни англаб бўлмайди. Биринчи мисра айнан таржимасиз колдирилгани етмагандай, иккинчи мисрада Исрофил ўлганларни тирилтирувчи эмас. балки одамларни бу дунёдан у дунёга элтувчига айлантирилган. Ёки:

Он, ки будаст уммахул ал-ховия,
Ховия омад мар ўро зовия (42).

Жуҳуд подшоси ва унинг аъёнлари ҳақидаги ушбу байтнинг мазмуни: “Жаҳаннамнинг онаси бўлган бу қавмга жаҳаннамнинг туби макон бўлди”.

Бу байт ҳам таржима матнига деярли шундоккина кўчиб ўтган ва ўзбек ўқувчиси ундан ҳеч нарса тушунмайди:

Улки эрди чун уммуҳу ҳовия,
Ҳовия сўнгига келди зовия (34).

Албатта, асарнинг янги нашрини чопга тайёрлар экан, таржимон кўнгли тўлмаган ўринларни кайта кўриб чиккан ва бир катор ҳатоларни топиб тузатган. Жумладан, вазний сакталикларни бартараф этган, кўплаб форсча сўзларни ўзбекча мукобили билан алмаштирган. Айтайлик, “Ахволи ёмон ва яхши кишилар, яъни бечоралар ва бадавлатлар билан бирга бўлиб” маъносидаги қуидаги мисра “таржимаси”да бор-йўғи биргина ўзбекча сўз ишлатилган эди: “Жуфти балҳолону хушхолон шудам” (5) – “Жуфти бадхолону

¹ Фарҳанги забони тоҷики. Жилди 2. С. 439.

² Ислом (энциклопедия). Тошкент, 2004. 126-бет.

хушқолон бўлиб”¹. Янги нашрда у шундай тузатилган: “Бахтию бечора бирлан ўлтириб” (8).

Албатта, мўъжаз бир маколада шундай улкан асар таржимасининг барча ютук ва камчиликлари хақида фикр юритишнинг имкони йўқ. Шунинг учун биз уларнинг баъзилари хусусида тўхтадик, холос. Кўрсатиб ўтилган бу қусурлар аслида таржиманинг ютуклари олдида қўёш олдида зарра, дengиз олдида катра каби гап. Энг муҳими, жаҳон сўз санъатининг дурдона асарларидан бири бўлган “Маснавий маънавий”нинг ўзбек тилига аслиятга хос шакл ва мазмун бирлигини, бадиий таровати ва жарангосини саклаган ҳолда маҳорат билан таржима қилиниши ватан адабиётининг яна бир бебаҳо асар билан бойишидир. Уни ўзбекчалаштириш билан Жамол Камол бир алп таржимоннинг ишини амалга оширди. Бу адабий-маданий ҳаётимиздаги улкан ҳодиса бўлиб, хали мазкур таржима устида маҳсус тадқиқотлар яратилиб, асар бадиияти ва таржимон маҳоратига муносиб баҳо берилиши ва унинг ўзбек таржима адабиётидаги мавқе-мақоми белгиланиши тайин.

“Бадиий адабиётнинг энг яхши намуналарини, хусусан, классикани шундай таржима қилайликки, уларнинг умри бокий бўлсин. Таржима классикасининг бизда ҳозиргача мавжуд бўлмаган олтин фондини яратишимиз керак”² – деб ёзган эди бир пайтлар таникли адиб Аскад Мухтор. Бизнингча, бундай фонд аллақачон яратилган ва янгидан-янги гўзал таржималар билан бойиб бораяпти. Ҳозиргача жаҳон адабиётининг “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна”, “Илиада”, “Илохий комедия”, “Декамерон”, “Дон Кихот”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Фауст”, “Уруш ва тинчлик” каби шоҳ асарлари ўзбек тилига таржима килиниб, ўзбек ўкувчиларининг севимли асарларига айланган ва ўзбек таржима адабиётининг олтин фондидан жой олган эди. Улар каторига қўшилган “Маснавий маънавий” таржимаси бу олтин фонднинг энг бебаҳо намуналаридан бири эканлиги шубҳасиз.

¹ Ўша асар. 25-бет.

² А скад М у х т о р . Таржима – умрбокий бўлсин // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 4-китоб. Тошкент, 1978. 19-бет.

3.2. ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА ВАЗН МУАММОСИ

Ғазал Шарқ адабиётида энг көнг тарқалған лирик жанр бўлиб, уни “аруздан ташқари тасаввур қилиш кийин”¹. Шунинг учун ўзбек таржимонлари достон, қитъа, рубоий, дубайтий каби бошка жанрлардаги асарларни бармоқка солиб таржима килганларида ҳам ғазал таржимасида арузга содик колганлар. Бу иш, албатта, эътиборга сазовор. Лекин масаланинг нозик жиҳати шундаки, ғазални умуман арузда таржима қилишнинг ўзи билан масала ҳал бўлмайди – уни ўзи ёзилган вазнда таржима қилиш керак. Аруз – улкан ва ранг-баранг шеърий тизим: унда 21 та баҳр ва ҳар бир баҳрда ўнлаб вазнлар мавжуд: уларнинг ҳар бир ритм ва оҳанг жиҳатидан ўзаро фарқланади ва ўзига хос руҳий кайфият пайдо қиласди. “Ўзбек шеъриятида жами 100 атрофида вазн кўлланган”².

Маълумки, шеърий таржиманинг дастлабки шарти аслиятга мувофик вазн танлашдан иборат. Вазн нотўғри танланса, маъно ҳар қанча тўғри берилмасин, таржима муваффақиятли хисобланмайди. Чунки шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳангни ҳам ўзгаради, шунга яраша, унинг эстетик таъсири ҳам ўзгача бўлади. Шунинг учун шеърни ўз вазнида ёки муқобил вазн билан таржима қилган таржимонлар ҳамиша муваффақият козонгандар. Ҳатто узок тиллардан таржимада ҳам аслиятга ритм ва оҳанг жиҳатидан якин вазнлар изланиши сир эмас. Якин тиллардан таржимада эса бу муаммо бирмунча осон ҳал этилади. Чунки уларнинг адабиёти кўпинча муштарак анъаналар асосида ривожланади, шеъриятида бир хил ўлчов амал қиласди. Айни жиҳатдан, форсийдан ўзбекчага шеърий таржимада вазн муаммоси бўлмаслиги керак. Чунки ҳар иккала тилдаги шеърият ягона шеърий тизим – арузда ривожланган. Форсий сўз санъаткорлари бу шеърий тизимнинг кайси вазнларидан фойдаланган бўлсалар, забардаст ўзбек шоирлари ҳам улардан истифода этгандар. Хусусан, Алишер Навоий ижодида арузнинг деярли барча баҳр ва вазнлари маҳорат билан кўлланганлигини кўрамиз. Бундай шароитда арузни аруз билан беришининг ўзи етарли эмас, балки “шеърий вазнни ҳам ўзгартирмай таржима қилиш” керак, чунки “вазнни салгина ўзгартиришнинг ўзи ҳам таржиманинг дастлабки нуқсони бўлади, деб ҳисоблаймиз”³.

¹ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва гаржима). Тошкент, 1979. 162-бет.

² Ҳожиахмедов А. Ўзбек арузи луғати. Тошкент, 1998. 10-бет.

³ Исимиддинов З. Сўздан сўзнинг фарки бор // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 6-китоб. Тошкент, 1985. 226-бет.

Моҳир таржимонлар ўз таржималарида бу имкониятдан маҳорат билан фойдаланганлар. Жумладан, Хуршид Ҳофизнинг кўплаб ғазалларини улар ёзилган вазнларнинг айнан ўзи билан таржима килиб, муваффакиятга эришган. Бугина эмас. У аслиятга шакл ва мазмун жиҳатидан мувофиқ таржималари билан ғазал таржимачилигини юқори босқичга кўтарди. Шунинг учун ҳам таникли таржимашунос Нажмиддинов Комилов унга “Ғазал таржимасининг Хуршиди тобони” деб гаъриф берган эди¹. Чунончи, ҳассос шоирнинг Шероз гўзалига бағишлиланган машхур ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб. Хуршид уни айни вазннинг ўзи билан таржима килиб, ўз таржимасининг нафақат мазмунан, балки шаклан ҳам аслиятга мувофиқ чиқишини таъминлаган:

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи хиндуяш бахшам Самарканду Бухороро...
Ғазал гуфтиву дур суфти, биёву хуш бихон, Ҳофиз.
Ки бар назми ту афшонад фалак иқди Сурайёро².

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарканду Бухорони...
Ғазал этдингу дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни³.

Маълумки, шеърий таржимада нафақат мазмунни кайта яратиш, балки мувофиқ вазн топиш ҳам бирдай мухим. Таъбир жоиз бўлса, улар шеърий таржиманинг икки қанотидир – бир канотидан айрилган күш парвоз қилолмаганидек. улардан биридан айри таржима ҳам тўлақонли бўлмайди. Форсийдан ўзбекчага ғазал таржимасида эса муваффакиятга эришишнинг асосий шарти уни ўзи ёзилган вазн воситасида таржима килишдан иборатдир. Хуршид кўплаб ана шундай гўзал таржималари билан бу ҳақиқатни яна бир карра исботлади. Лекин вазн талабини ҳисобга олмаган ўринларда у ҳам муваффакиятсизликка учраган. Жумладан, Ҳофизнинг куйидаги ғазали ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида битилган:

Маро аз туст ҳар дам тоза илпке,
Туро ҳар соате ҳусне дигар бод!⁴

¹ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. 210-бет.

² Ҳофизи Шерозий. Куллиёт. Душанбе, 1983. С. 33.

³ Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. Тошкент, 2006. 31–32-бетлар.

⁴ Ҳофизи Шерозий. Куллиёт. С. 147.

Хуршид уни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазни билан таржима қиласы:

Ҳар лаңза менга янгиланур шавқ ила ишкинг,

Ҳар дамда сенинг равнаки ҳуснинг дигар ўлсин!¹

Мазмун жиҳатидан жуда гўзал таржима. Бунинг устига, услубан равон, соғ ўзбекча. Фақат... ритм бошқа, оҳанг ўзгача. Бу Ҳофиз ғазалининг мусиқаси эмас.

Ўзбек таржимашунослик мактабининг асосчиси Гайбулла Саломовнинг ёзишича: “Таржимада бадий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам мухим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача агар ҳам оҳангли к таъминланмаган бўлса, у таржима соҳта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида бадий асарларнинг бошқа компонентлари, луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф, кофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда таржимада ётаби ийлики, ёки аксинча, соҳталик, сунъи ий контекст, ясама бадий мухит пайдо бўлишига олиб келади”².

Таникли шоир ва таржимон Чустий ҳам Адиб Собир Термизий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Ғолиб каби машҳур форсий забон шоирларнинг кўплаб ғазалларини ўз вазнида маҳорат билан таржима қилган. Лекин у имкони борича уларни ўзи ёзилган вазнда таржима килишга кўпда эътибор бермайди. Дастреб Ҳофиз ғазаллари таржимасида кўзга ташланган бу нотўғри усул Адиб Собир ғазаллари таржимасида айникса якқол намоён бўлади. Гап шундаки, Чустий унинг шеърларини сидирғасига халқ оғзаки ижодига якин, бир кадар енгил ва осонлиги жиҳатидан ҳазаж ва рамал вазнларига солиб ўгиради. Ҳолбуки, Адиб Собир айни шу вазнлардан ўз ижодида жуда кам фойдаланган. Ўз-ўзидан, аслият ва таржима орасида номувофикалик келиб чикади. Чунки шоир ва мутаржим услуби бирбиридан кескин фарқланади. Тўғри, Чустий Адиб Собир шеърлари таржимасида аруз доирасидан четга чикмайди. Лекин уларни ўзи ёзилган вазнда таржима килмаслиги натижасида бу шеърлардаги рух, ритм ва оҳанг ўзгаради, таъсирчанлик камаяди. Чунончи, мана бу ғазал ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, – Чустий уни рамали мусаммани маҳзуфда ўгиради:

Овард ба мо булбули ошик хабари гул.

¹ Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. 65-бет.

² Саломов F. Таржима ташвишлари. Тошкент, 1983. 21–22-бетлар.

Жуз булбули гулдўст ки донад хатари гул?¹

Бизга гулдан булбули шайдо кетурди хушхабар,
Ким билур булбулдин ўзга – бу хабардур бехатар?²

Кўриниб турибдикি, ғазалда аслият ва таржима оҳанги бирбиридан кескин фарқланади. Чунки улар бир баҳрнинг иккى вазнида ҳам эмас, бошқа-бошқа баҳрларда. Бу шоир руҳи ғазал таъсирчанлигини аслидагидай дарк этишга халал беради. Бундан ташқари, ғазалнинг шакли ва мусиқаси, бўғинларнинг кам ёки кўплигига караб сўзлар микдори ҳам ўзгаради. Маълум бўладики, гарчи аruz баҳрида таржима қилинса-да, аслиятдагидан бошқа вазн танланса, бу таржимада катор курбонликлар берилишига олиб келади. Шусиз ҳам таржима қурбонликсиз амалга ошмайди. Бинобарин, муттаржим имкони борича бундай курбонликлар микдорининг камроқ бўлишига интилиши керак.

Албатта, ҳар кандай ғазални ҳам унинг ўз вазни билан таржима қилишининг имкони бўлмас. Лекин бу аксарият ғазалларни дегани эмас. Чунончи, Ҳофиз ғазаллари таржимасида Хуршид бу ҳолга деярли йўл кўймаган бўлса, Чустий қаламига мансуб таржималарда бунинг мутлако тескарисини кўрамиз. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ўзи ҳазаж ёки рамалда ёзилган ғазаллар таржимаси анча мываффакиятли чиккан. Лекин таржимон ҳазаж ёки рамалда битилган ғазалларни ҳам ўз вазни билан таржима қилишга интилмайди. Чунончи, куйидаги ғазал рамали мусаммани маҳзуфда яратилган бўлиб, Чустий уни ҳазажи мусаммани солим вазни билан ўгиради:

То сиришкам бештар шуд, сабри ман камтар шудаст.

Рост пиндори, зи дила сабр меорам, на об³.

Менинг бори карорим бекарор зулфиннга боғлабсен,
Анинг ҳар ҳалкаси, билсанг, менинг жойи кароримдир⁴.

“Турган гап, таржимон учун ҳар бир ғазалнинг ритми ва оҳанги руҳига кириш, кайфиятни шунга мослаб ижод қилишдан кўра. ўзи ўргангандан вазн қолипига тушириб юбориш осон, иш ҳам тез кўчади.

¹ Адиб Собир Термизий. Осори мунтахаб. Душанбе, 1981. С. 250.

² Адиб Собир Термизий. Сайланма. Тошкент, 1982, 98-бет.

³ Адиб Собир Термизий. Осори мунтахаб. С. 45.

⁴ Адиб Собир Термизий. Сайланма. 17-бет.

Бирок бу муаллифнинг ҳам, китобхоннинг ҳам фойдасига эмас, заарига хизмат килади”¹.

Газаллар таржимаси бўйича кузатишлар мохир таржимонлар иложи борича ўзи ёзилган вазнда таржима килишга уринсалар-да, бу йўлда сабит эмасликларини кўрсатади. Бу, бизнингча, таржима назарияси ва амалиёти бўйича билимларнинг етарли эмаслиги, ҳар кандай асарни у ёзилган вазннинг ўзи билан таржима қилиш кераклиги ҳақидаги қарашнинг қатъийлашмаганидадир. Шунинг учун ҳам “Девони Фоний”дан иккита ғазални таржима қилган Ғафур Ғулом ҳам уларнинг бирини ўз вазнида таржима қилса, иккинчисини бошқа вазнга солиб ўзбекчалаштиради. Чунончи, қуйидаги ғазал рамали мусаммани максур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – – V – – – V – – – V –) да ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазннинг ўзи билан таржима қилиш орқали аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан мувофиқ таржима яратган:

Ҳарчи ҳастанд аҳли олам бех, ки н-ори ёдашон,
То ба хотир н-оядат аз ёдашон бедодашон².

Яхши бўлғай олам аҳлин килмасанг ҳеч ёдларин,
Олмасанг ҳеч хотирингга ёдларин – бедодларин³.

Лекин иккинчи ғазал ҳазажи мусаммани ахраби солим вазнида бўлиб, мутаржим уни ҳам рамали мусаммани мақсурда таржима қилган:

Ту ҳам гули бўстони, ҳам шамъи шабистони.
Ҳам рўз манат булбул, ҳам шаб шуда парвона⁴.

Бўстонимда гулимсан, тундаги равшан чароғ,
Кундузи булбулга ўхшайсан, кеча парвонага⁵.
Бу таржима назариясида ижобий ҳол сифатида баҳоланмайди.

Кўпчилик таржима деганда бир тилдаги матн мазмунини иккинчи тилда аслига мувофиқ қайта яратиш деб тушунади. Шунга мувофиқ равища, мазмуннинг аҳамияти бўрттирилиб, шаклнинг мавкеи иккинчи ўринга сурилиб қолди. Аслида шакл ва мазмун бир-биридан

¹ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. 198-бет.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 19-жилд (Девони Фоний (Давоми). Тошкент: “Фан”, 2002. 366-бет.

³ Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн икки жилдлик. 9-жилд (Таржималар). Тошкент: “Фан”, 1988. 57-бет.

⁴ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 19-жилд. 482-бет.

⁵ Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 9-жилд. 57-бет.

ажралмас бўлиб, улар диалектик бирликда мавжуд: шаклсиз мазмун, мазмунсиз шакл йўк. Бинобарин, таржима баҳонасида асарнинг мазмунини шаклидан жудо килиш унинг ягона организм сифатидаги яхлитлигига пугур етказади. Бу ҳол, ўз-ўзидан, уни бадиий жозибасидан ҳам маҳрум қиласди. Шунинг учун таржима назарияси таржиманинг нафакат мазмунан, балки шаклан ҳам аслиятга мувофиқ бўлишини талаб қиласди.

Забардаст таржимон Жамол Камол Алишер Навоийнинг форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнида – арузий жилоси билан таржима килиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттириди. Бу таржималар нафакат мазмун, балки шакл жиҳатидан ҳам аслига мувофиқ – шоир-таржимон Хуршид каби аксарият ғазалларни ўзи ёзилган вазн билан таржима килиб, юксак даражадаги шакл ва мазмун бирлигига эришган. Мисол учун:

Оламе ҳоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў¹,

байти билан бошланадиган рамали мусаммани максур вазнидаги мухтараъ Фонийнинг энг гўзал ва машҳур ғазалларидан бўлиб, уни таржимон ўз вазни билан маромида таржима қилган:

Оlam истарманки, унда ахли олам бўлмасин,
Унда олам аҳлининг бедодин ғам бўлмасин².

Лекин у ҳам бир неча ғазални, гарчи арузда бўлса ҳам, ўз вазнида таржима қилмаган.

Хабибулло Сайд Фани “Девони Фоний”даги 25 та ғазални ўз вазни, ҳатто ички кофияланиш тартибини сақлаган ҳолда таржима килиб, аслият билан бирга ҳар бир ғазалнинг вазнини кўрсатиб, алоҳида китобча шаклида эълон қиласди. Бу усул муайян ғазалларнинг вазнини аниқлаш жиҳатидан ҳам, арузни ўрганиш жиҳатидан ҳам дикқатга сазовор. Лекин у ҳам асосан ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрларининг турли вазнларида ёзилган ғазалларни таржима қилган. Албатта, таржимада шакл ва мазмун мутаносиблигини сақлаш борасида бир қадар муваффакиятга эришган. Масалан, шоирнинг мухтараъларидан бўлган рамали мусаммани максур вазнида ёзилган ғазалдан олинган қўйидаги байт ва унинг таржимаси бунинг ёрқин далилидир:

Гарчи ҳайрони ба хуснаш бошадам аз ҳад фузун,
Ҳаст дар ишқи худ афзунтар зи хуснаш ҳайратам³.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 19-жилд. 450-бет.

² Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани (Ғазаллар ва қасидалар). Форсийдан Ж.Камол таржимаси. Тошкент, 2011. 45-бет.

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 19-жилд. 338-бет.

Хуснига хайронлигим ўз ҳаддидан ошди, ва лек
Хуснидин ишкимнинг ортиқ эрканидин ҳайратим¹.

Лекин вазнга ўта содиклик унинг эркинлигини ҳам бўғиб кўйган: ғазаллардаги ҳар бир сўзни сақлаш ва уларни вазнга солишга уринаман деб баъзан маънони қурбон қилган, ижодийликка уринган ҳолларда эса вазний сакталикларга йўл кўйган. Арузни яхши билмаслиги унинг ҳижо билан бўғинни фарқламаслигида яккол кўзга ташланади.

Арузниң ҳазаж, рамал, ражаз ва мутакориб вазнлари туркий шеъриятда фаол кўлланганидан арузниң туркий вазнлари сифатида машҳур. Масалан, Ҳусайн Бойкаронинг барча. Атойининг эса аксарият ғазаллари рамал вазнида ёзилган. Бу ҳол ғазал таржимачилигида ҳам яккол кўзга ташланади. Таржимонлар ўз таржималарида асосан шу вазнлардан фойдаланадилар. Аксарият ғазалларниң бундай “фоилотун” ва “мафоийтун”лар оҳангига туширилиши натижасида кўпчилик ғазаллар бир оҳангли бўлиб колаяпти. Буюк сўз санъаткорлари арузниң деярли барча вазнларидан маҳорат билан фойдаланганлари ҳолда, уларниң сидирғасига ҳазаж ва рамал баҳридаги вазнларга солиб таржима қилиниши вазний якрангликни келтириб чиқарайпти. Бунинг устига, баъзи шоирлар. айтайлик, Адаб Собир ва Камол Ҳўжандийлар ўз ижодларида айни вазнлардан жуда оз фойдаланганлар. Амир Ҳусрав эса асосан ражаз баҳрининг турли вазнларида ҳассос ва дилўртар ғазаллар битган. Ёки Фонийниң куйидаги ғазали музореъи мусаммани мақсур вазнида ёзилган:

Дилро фурӯ гирифта зи ҳажрам малолат аст.

Соки бидор май, ки дил саъб ҳолат аст².

Ж.Камол эса уни осонгина ҳазажи мусаммани солим билан ўтириб кўя қолади:

Кўнгилни кийнаган бу дарди хижрондин маломатдир,

Кетур, сокий, майи нобингниким, бу тийра ҳолатдир³.

Кўриниб турганидек, вазн ўзгариши билан оҳанг ҳам ўзгарди.

14 ҳижоли вазнниң 16 ҳижолик вазнга айланиши таржимондан мисраларни тўлдириш учун ортиқча сўзларни, қўшимчаларни кўллашни такозо этган: биринчи мисрадаги – “бу дарди” сўз

¹ Алишер Навоий. “Девони Фоний”дан. Тошкент, 2006. 39-бет.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 18-жилд (Девони Фоний). Тошкент, 2002. 266-бет.

³ Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани. 64-бет.

бирикмаси, иккинчи мисрадаги “нобингниким” сўзи бунинг ёрқин далилидир. Аслиятда факат “май” сўралган бўлса, таржимада унинг кандай бўлиши ҳам аниқлаштирилган – тоза, тиник, соф. Худди шундай биринчи мисрада ҳам ҳижрон ҳақида сўз кетса, таржимон унинг ёнига “дард”ни кўшиб кўяди. Аслида кўшилган бу сўзлар матн учун жилла ортиқча ҳам эмас, бильякс унинг маъносини кенгрок очган, батафсилрок ифодалаган, лекин орада вазндан ташкари, шоирнинг ўзига хос услуби масаласи ҳам бор-да: муаллифнинг ихчам ва лўнда фикрини мутаржимнинг ўзидан сўзлар кўшиб, кенгайтириб таржима қилиши айни жиҳатдан тўғри эмас – бунда нафақат вазн, балки услугуб ҳам бузилмоқда.

Одатда, таржимонлар сиқиқ вазнданги шеърларни ўзларига кулаги яратиш, аслиятдаги барча сўзларни таржимада акс эттириш максадида ҳам иложи борича чўзиқ вазнларга солиб таржима киладилар – бунда мисраларни тўлдириш учунгина керак бўладиган “ёрдамчи” сўзларни тикиштиришга тўғри келади. Бундай кўпсўзлилик, хусусан, Фонийнинг мана бу 12 ҳижоли мухтараъ газалининг Ж.Камол томонидан 16 ҳижоли вазн билан таржима килинишида яккол кўринади:

Бувад гарчи жоми ман лолагун талх,
Вале жоми ҳажр аст аз вай фузун талх¹.

Агар жом ичра эрмиш ул шароби лолагун аччик,
Ва лекин жоми ҳижрон унданам баттар, фузун аччик².

Аввалги таржиманинг ҳар мисрасида икки бўғиндан орттирилган бўлса, бунда тўрт бўғиндан орттирилмоқда: биринчи мисрада “ичра” сўзи ва “ул” олмоши” кўшимча равишда киритилган бўлса, иккинчи мисрада “фузун” сўзи ортиқча – такрор бўлиб келган, колгани сўзларнинг чўзилиши ҳисобига: “вале” – “ва лекин”, “ҳажр” – “ҳижрон”, “талх” – “аччик” деб олинган.

Чўзиқ вазнданги шеърларни сиқик вазнга солиб таржима қилиш таржима амалиётида сийрак учрайдиган ҳодиса. Жумладан, Ж.Камол Фонийнинг 15 ҳижоли вазнданги бир газалини 11 ҳижоли вазнга солиб ўгиради:

Ончунон сўхтаам аз ғами ҳижрон, ки мапурс.
К-оташам зад ғами ҳижрони ту дар жон, ки мапурс³.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 18-жилд. 332-бет.

² Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани. 93-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 19-жилд. 72-бет.

Бўйлаким ёндириди ҳижрон, сўрмагил,
Ёнди ҳижронинг аро жон, сўрмагил¹.

Бу ҳолда энди чўзиб таржима килишнинг акси ўлароқ, сўзлар тушиб қолади: биринчи мисрада “ғамидан” сўзи ва “ки” кўшимчаси тушиб колган бўлса, иккинчи мисрада “ғаминг” сўзи, “сенинг” олмоши ва “ки” кўшимчасидан воз кечилган. Аввалги ҳолатда маъно кенгайиши ҳолати юз берса, бунда энди аксинча торайиши ҳодисаси содир бўлади. Таржима аслиятга мувофик бўлиши – у ортиқча сўз кўшиш хисобига муаллиф фикрини ўта майдалаб ҳам тушунтирмаслиги, айни пайтда сўзларни тушириб қолдириб, чала ҳам ифодаламаслиги керак.

Ғазалдай кичик жанрларда ҳар бир сўзгина эмас, ҳар бир ҳарф ҳам муайян максад билан чертиб-чертеб қўлланади ва ўзига хос бадиий вазифа бажаради. Шундай экан, уларни тушириб қолдириб бўлмаганидек, ёнига ортиқча сўзу кўшимчаларни кўшиб ҳам бўлмайди. Бундай килингандаги шакл ўзгарибгина кlmай. маънога ҳам таъсир қиласиди, услугуб ҳам бузилади.

Бундай камчиликларнинг сабаби замонавий шеъриятимиз бармоқда ривожланиб, аруздан бир кадар узоклашиб қолганидагина эмас. Бизда аruz назариясини ўкиш-ўқитиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун арузнавис шоирларимиз ижодида ҳам шаклий якрангликни кўрамиз – улар асосан ҳазаж ва рамал вазнларида ижод қиласидар. Ўз-ўзидан, бу ҳол таржима амалиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, вазний камбағалликни келтириб чиқармоқда: арузнинг мураккаб вазнларида битилган ғазаллар ҳам одийгина “фоилотун” ва “мафойилун”га солиб таржима килинмоқда. “Бундай аҳволдан кутулиш учун арузни чукур ўрганиш, унинг классик шоирларимиз фойдаланган ранг-баранг охангларини ҳозирги шеъриятимизга олиб кириш лозим”².

Тахлиллардан маълум бўладики, форсийдан ўзбекчага ғазал таржимасида вазн муаммоси бўлмаслиги керак, чунки форсий ғазалчиликда кўлланган деярли барча вазнлар ўзбек ғазалчилигига ҳам истифода этилган. Бинобарин, бу борадаги муаммолар арузнинг мураккаблиги, шеърий таржиманинг кийинчилигидан эмас, балки таржимонларнинг аруз илмини, унинг нозик сир-синоатларини етарлича билмаслигидан келиб чиқади. Бу – биринчидан.

¹ Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани. 130-бет.

² Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. 198-бет.

Иккинчидан, ғазални умуман арузда таржима қилишнинг ўзи кифоя эмас, уни ўзи ёзилган вазнда ўгиришга интилиш керак – факат шунда тўла маънодаги шакл ва мазмун бирлигига эришиш мумкин. Бошка баҳрга эмас, ҳатто айни баҳрнинг бошка вазнларига солиб ўғирганда ҳам унинг ритми ва оҳанг ўзгаради, шунга мувофик эстетик таъсири ҳам бошқача бўлади, илмий тил билан айтганда, бир эстетик воқелик бошка эстетик воқеликка айланади.

Учинчидан, арузнинг турли баҳрларию хилма-хил вазнларида яратилган ўзига хос ритму оҳангга эга ғазалларнинг барчасини сидирғасига фаол кўлланишда бўлган ҳазаж ва рамал каби арузнинг нисбатан содда ва равон вазнларига солиб таржима килиш таржимада шеърий якрангликни келтириб чиқарадигина эмас, бу ҳол уларнинг муаллифлари бўлмиш буюк сўз санъаткорлари ижоди хусусида улар шу бир неча вазндагина калам тебратган деган соҳта, сийка, ног’ури тасаввуф пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Мумтоз шеъриятнинг ўзмас гоялари ўзининг юксак ифодасини топган теран мазмунли етук намуналари яшашда давом этар экан, улар яратилган гўзал вазнлар ҳам ҳеч қачон унтутилмайди. Ҳар кандай асар шакл ва мазмуннинг мустаҳкам бирлигидан иборат бўлиб, улар бир-бирини такозо килар ва яхлитликда бадиий-эстетик қудрат касб этар экан, таржимада ҳам уларни бир-биридан ажратмаслик, бильякс бу иттифокни аслига мувофик саклаб колиш бадиий таржиманинг асосий талаби, муҳим шарти бўлиб колаверади.

3.3. РУБОИЙ ТАРЖИМАСИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Форсийдан ўзбекчага рубоий ўз классик вазни билан таржима этилиши керак. Масалани бу тарзда катъий килиб кун тарибига кўйиш учун куйидаги асослар мавжуд: 1. Рубоий учун вазн жанрни белгилаш даражасидаги муҳим омил – у фактат ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб тармоғидагина яратилади. “Бу конундан ташқари чиккан шоир тўрт мисрани ҳар канча **ааба** тартибида кофиялагани билан рубоий чиқара олмайди”¹. 2. Форсий ва туркий адабиёт гарчанд тиллар якин бўлмаса-да, асрлар давомида ҳамкорликда, муштарак анъаналар асосида ривожланган. Аруз вазни – ҳар икки тилдаги шеъриятнинг асосий ўлчов бирлиги бўлиб келган. Демак, нафакат

¹ Саломов F., Комилов Н., Салимова З., Журاء К., Отажонов Н. Таржимон маҳорати. – Тошкент: “Фан”, 1979. 45-бет.

“таржима санъати, ундан ҳам аввал адабий мантиқнинг ўзи такозо этган бирдан-бир тўғри йўл – арузни аруз билан таржима қилиш”¹ эканлиги шубҳасиз. 3. Рубоий вазнлари ўзбек адабиётида ҳам етарли даражада ишланган. Навоий ва Бобур бу борада ҳам устод макомига кўтарилигандар. Чунончи: “Навоийнинг буюк хизматларидан бири шундаки, у ўзбек тилида турли вазнларда кўплаб рубоийлар яратиш билан бу жанрни янги боскичга олиб чиқди. уни ўзбек ёзма поэзиясининг энг асосий жанрларидан бирига айлантирилди”². 4. Хуршид, Муинзода, Васфий. Чустий каби рубоий таржимачилигини бошлаб берган мутаржимлар бошда анъанавий йўлдан чекинмаган эдилар ва 80-йилларнинг охирига келиб Ж.Камол, М.Абдулхаким сингари таржимонлар салафлар тажрибасини давом этириб, рубоийлар классик вазнда ўгирилиши лозимлигини ўз ижодлари билан исботладилар.

Анъаналарни ҳисобга олсак, аслида форсийдан ўзбекчага рубоий таржимасида вазн муаммоси бўлмаслиги керак эди. Чунки рубоий нафакат форс-тожик, балки ўзбек адабиётининг ҳам “уз жанри, минг йиллар давомида ҳалқ руҳига сингиб кетган формалир”³. Бизда эса, аксинча, бу борада арузда ҳам, бармоқда тизимида ҳам бир неча вазнлар тажриба қилиб кўрилди. Изланишлар эса ҳамон давом этаяпти. Ҳануз бир тўхтамга келингани йўқ. Иш шу даражага бориб этаяпти, рубоий таржимасида вазн муаммосини кун тартибига катъий қилиб қўйишни таржима амалиётининг ўзи талаб қиласяпти. Акс ҳолда, бу йўлдаги ҳар хилликларнинг охири қўринмайдиганга ўхшайди.

Классик адабиёт жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ўз тақомилига эришган. Шулардан бири – тадқикот обьектимиз ҳисобланмиш рубоий бўлиб, унинг бошка лирик жанрлардан алоҳида ажралиб турадиган хусусияти шундаки, у факат ҳазаж баҳри ахрам ва ахраб гармоғининг 24 вазнидагина ёзилади. Бошка ҳар қандай ўлчовга солинса, у рубоий эмас, китъя ёки тўртлик деб аталади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунончи, туюқ биргина рамали мусаддаси мақсур (фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилади. Асрлар давомида шаклланиб, классик поэтикада барқарорлашгани учун ҳам

¹ Саломов F., Исомиддинов З. Икки олам юки – таржима // Таржима муаммолари (Мақолалар тўплами). Уч китобдан иборат. 2-китоб. – Тошкент-Самарқанд, 1991. 8-бет.

² Искоков Ё. Навоий ижодида рубоий жанри // “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1968, 9-сон, 36-бет.

³ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар. 163-бет.

бундай коидаларни **классик** деб атайдын. Мазкур коидани барча ўтмиш ва хозирги замон олимлари илгари сурган¹. Биз эса сўзни мухтасар килиб, навоийшунос Ё.Исҳоқовнинг бир таърифини келтириш билан чекланамиз: “Ҳар кандай тўртлик рубоний бўлавермайди. Бирор тўртликни рубоний деб аташ учун унда тугал мазмун, рубоний шакли бўлишидан ташкири, рубоний вазни ҳам бўлиши керак. Тўртлик қанчалик чукур маъно ва гўзал шаклга эга бўлмасин, агар у рубонийнинг маҳсус вазнига тушмаса, рубоний бўла отмайди”².

Хўш, нега рубоний факат ҳазаж³ баҳрида ёзилади? Нима сабабдан вазн рубоний учун бу қадар катъий килиб белгиланган?

Классик поэтика намояндалари асарларида бу саволга жавоб йўқ. Улар фақат фалсафий фикрларни, ҳаётгий кечинмаларни ихчам ифодалаш учун вазннинг кулайлиги хусусида гапириш билан чекланадилар. Умуман, қадимги адабиётшуносликда нима учун фалон жанр фалон вазнда ёзилади, деган масала кўйилмаган.

Алишер Навоий рубоний вазнлари ҳакида: “вазнедур асрү ҳушоянда ва назмедур бағоят рабоянда”⁴, – деб ёзса, Бобур: “Аҳрам била ахраб авзонининг ижтимоидин шеър номавзун бўлмас”, – дейди. И.Ҳаккулов айни фикрларга таяниб, “Рубоний нега факат ҳазаж баҳрида ёзилади?”, – деб кўйган саволига: “Бу ерда мана шундан бошка сир йўқ”, – тарзида жавоб қиласди.

Ғ.Саломов ва Н.Комиловлар эса бу ҳақда бирмунча кенг ва батрафсили тушунча берадилар: “Шарқ классик шеъриятида ҳар бир

¹ Маълумот учун қаранг: Ш а м с и Қ а й с и Р о з и. Ал-мўъчам. – Душанбе. 1991; В а х и д Т а б р и з и. Джам-и мухтасар. – Москва. 1959; А л и ш е р Н а в о и й. Мезон ул-авзон. Асарлар, 14-том; Б о б и р. Мухтасар. – Тошкент, 1971; С и р у с Б. Арўзи тожики. – Сталинобод. 1963; З е ҳ н и й Т. Санъати сухан. – Душанбе, 1967; Ш о м у х а м е д о в Ш.М. Форетожик арузи. – Тошкент, 1970; С а л о м о в Ғ. Комилов Н. Жаҳонгашта рубонийлар; А м и н о в А. Жанр рубаи и советская лирико-философская поэзия. – Душанбе, 1983; Ю н у с о в М. Классик ва хозирги замон поэзиясида рубоний // Барҳаёт анъаналар. – Тошкент, 1969; Ҳ а к к у л о в И. Ўзбек адабиётида рубоний. – Тошкент: “Фан”, 1981 ва хоказо.

² И с х о к о в Ё. Навоий ижодида рубоний жанри // “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”. 1968, 9-сон. 35-бет.

³ Ҳ а з а ж – ёқимли овоз килиш, дегани.

⁴ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. 157-бет.

⁵ Б о б и р. Мухтасар. 60-бет.

⁶ Ҳ а к к у л о в И. Ўзбек адабиётида рубоний. 13-бет.

жанр мұайян мавзулар доирасини қамраб олади ва у ўша белгиланған адабий тур учун мұвоғиқлаштирилған. Чүнөнчи, маснавий – эпик тасвири. ғазал – лирик кечинмаларни, қытъа – панд-насиҳатни ифодалаш учун хизмат қылған. Рубойй-чи? Рубоийда ҳам ғазал ва қытъа маъноси баъзан ифодаланади. Лекин оҳанг, интонация бошқача бўлади. Қытъада турли хил ахлоқий-ижтимоий фикрлар бадиий уқтириш йўли билан баён этилиб, тамсиллар орқали китобхоннинг онгига таъсир қилинади. Рубоийда эса фикр китобхоннинг руҳи, калбига таъсир орқали сингдирилади. Қытъага нисбатан рубоийда туйғуни ифодалаш, лирик кайфият туғдириш устун. Тўғри, ғазал ҳам кайфиятни, лирик туйғуни акс эттиради. Рубоий ғазалдан, таъбир жоиз бўлса, ўйчан туйғуни, ҳикматона лирикани ифодалаши билан ажралиб туради. Ана шу ўзига хос маънo талкини, таъсири ва тараннуми ахрам ва ахраб вазнида мұвоғиқ интонация билан мукаммал бир ҳолда рўёбга чиқади”¹. Таржимашунослар фикрларини давом эттириб, ёзадиларки: “мазкур вазн ва ааба ва аааа тарибидаги кофияланиш системаси ана шу лирик ҳикмат ёхуд ҳикматона лириканинг ярашик формаси сифатида кашф этилган. Агар бу вазн бузилса ёнки рубоийда айтилган фикр бошқа баҳрга кўчирилса – ритм, интонация, лирик рух ўзгаради, демакки, бир эстетик вокелик бошка эстетик вокеликка айланади, шоирнинг максади рўёбга чиқмайди, кайфият, шеърий таъсирчанлик бузилади”².

Оғахий “Гулистон”нинг ички шеърлари таржимасида фард, қытъа, маснавий каби жанрларнинг “вазн турини ҳам, кофияланиш тартибини ҳам ўзgartириб”³ ўтиргани ҳолда, рубоийларни ўз вазни билан ўзбекчалаштирилар экан, жанр учун вазннинг асосий омил ҳисобланишини ҳам назарда тутган, албатта.

Даврони бако чу боди сахро бигузашт,
Талхию хушию зишту зебо бигузашт.
Пиндошт ситамгар, ки жафо бар мо кард,
Дар гардани ў бимонду бар мо бигузашт⁴.

Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ахтам (мағъувлу мағоилун мағоийту фаул) вазnidаги мазкур рубоийнинг ўзбекчаси

¹ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар. 100-бет.

² Ўша ерда. 101-бет.

³ Ўша ерда. 147-бет.

⁴ Саъди Шерози. Гулистон. – Душанбе, 1988. Сах. 61.

хазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам (мафъувлу мафойилу мафойилу фаул) вазнида:

Саҳро елидек ўтгуси даврони бако,
Айшу тарабу роҳати зишту зебо.
Золимки, хаёл этар, қилур элга ситам,
Элдин кетиб, айлар яна ўз бўйнида жо¹.

Рубоийни ўзбек тилига таржима килишнинг ҳақиқий тарихи асримизнинг эллигинчи йиллари иккинчи ярмида бошланди. Ана шу тарихни бошлаб берганлардан бири – Хуршид анъанавий йўлдан чекинмаган эди. Мутаржим Ҳофиз рубоийларидан 23 тасини ўз вазни билан ўгирган:

Гул гуфт: агар дастгахе доштаме,
Бигрехтаме агар раҳе доштаме,
Бо бегунаҳи маро чунин месӯзанд,
Эйвой ба ман гар гунаҳе доштаме².

Гул айтдики, кош такягоҳим бўлса,
Қочмасми эдим агар паноҳим бўлса.
Бўлмай гуноҳим кўйдирадилар шундай,
Найлар эдилар зарра гуноҳим бўлса³.

Келтирилган рубоий уч вазн – ҳазажи мусаммани ахрабу макфуфи мажбуб (1-ва 4-мисралар), ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи мажбуб (2-мисра) ва ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими азалл (3-мисра) иштирокида ёзилган бўлса, у икки вазн – ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими абртар (биринчи байт) ҳамда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абртар (иккинчи байт) билан ўгирилган. Шу ўринда, аруза бажарилганига қарамай, Хуршид таржималарининг тили замонавий, араб-форс сўзларидан, баландпарвоз жумлалардан холи, солда ва ҳалққа тушунарли эканини айтиб ўтиш керак. Куйида тадқиқотга

¹ Мұхаммад Ризоғ Мироб Эрни ёзбек ўғли Оғажи. Асарлар. Олти жилдлик. 4-жилд (таржималар). – Тошкент, 1977. 115-бет.

² Шамсуддин Мұхаммад Ҳофиз Шерози. Ғазаллар. – Тошкент, 1958. 220-бет.

³ Ўша ерда. 221-бет.

тортиладиган Муинзода ва Чустий ўзбекчалаштирган рубоийлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Рудакий рубоийларидан бир нечтасини Муинзода ҳам ўз анъянавий вазни билан ағдарган. Лекин тажрибалари муваффакиятли чикқанига карамай, у негадир, кўпроқ бармок вазнини маъкул кўради. Мутаржимнинг Рудакий, кейинчалик Пахлавон Махмуд ижодидан қилган бир қанча таржималари фикримизнинг исботидир.

Кўриб ўтилган мисолларнинг барчаси ахраб шажарасидалиги мазкур вазннинг хийла машҳурлигини кўрсатади. Умуман, форс-тожик адабиётида ҳам, ўзбек сўз санъатида ҳам ахраб вазнлари ахрамга нисбатан кўп қўлланади. Кўп шоирлар, жумладан, Ҳофиз. Камол Хўжандийлар ахрам вазнини умуман ишлатмаганлар. Рудакий ижодида эса ҳазажи мусаммани ахрами аштари азалл вазнида яратилган биргина рубоий мавжуд.

Чустий таржималарида ҳазажи мусаддаси мақсур (V — — V — — V — — мафонийлун мафонийлун фаулун) вазнини кўп қўллайди¹. Бу форс-тожик адабиётида дубайтий (сўзма-сўз: икки байтли шеър. тўртлик) вазни ҳисобланиб, Бобо Тоҳир айни шу вазнда қалам тебратган². Дубайтийлар ҳам тўрт мисрадан такил топган ва рубоийга жуда якин турса ҳам, уларни рубоий деб ҳисоблаш тўғри эмас. Дубайтий – енгил, ўйноқи вазн. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида ҳам бу вазнга тушадиган намуналар кўп учрайди. Шунинг учунми, Ш.Шомухамедов шоирнинг бу дилбар тўртликларини асосан ўз вазни билан таржима қилган³. Мазкур вазн романтик-каҳрамонлик достонлари ёзишда ҳам қўлланилган. “Фарҳод ва Ширин” ҳам шу вазнда яратилган. Чустий вазн танлашда санаб ўтилган жиҳатларни ҳисобга олган, албатта.

Не давлати дунъё ба ситам меарзад,
Не лаззати мастеш ба алам меарзад,
Не хафтҳазорсола шодии чаҳон,
Ин меҳнати ҳафтрўзаи ғам меарзад⁴.

На дунё давлати арзир ситамга,

¹ Чустий Лоҳутий рубоийлари таржимасида ҳам айни вазни ишга соглан. Каранг: А б ул к ос и м Л о х у т и й . Танланган асарлар. – Тошкент, 1968.

² Каранг: Б о б о Т о ҳ и р . Мунтахаби рубоиёт. – Душанбе, 1963.

³ Каранг: инжулар уммони. 120-149-бетлар.

⁴ Ҳ о ф и з . Ғазаллар. 204-бет.

На борлик лаззати арзир аламга.
Жаҳоннинг етти минг йиллик ғурури.
Қачон арзийди етти кунли ғамга?¹

Рубоийнинг лирик қаҳрамони – ҳаётнинг иссиқ-совуғини тотган, дунёнинг пасту баланди, тақдирнинг буқаламунлигини кўравериб дийдаси котган ва кўрган-билғанларини хулосалаб, донишмандларга хос босиклик, хотиржамлик билан ўзи англаб етган фалсафани рубоий руҳига мос ҳикматли гап тарзида ифодалаб: “Бу дунё ғам чекишга арзимайди”, – деб айтаяпти. Ўзбекча тўртликда эса вазнга мувофиқ равишда фикрнинг “қадами тезлашашити” ҳаётда бир иши юришмай, тушкунликка тушган кимса жаҳл билан кўл силтаб: “Дунё икки пулга арзимайди!” – демоқда. Фалсафийлик ўрнини оний кайфият эгаллашти. Зоро “вазннинг тўғри берилиши – бу унинг мусикаси, куйи, қолаверса, кайфият ва эмоциянинг берилиши масаласидир”².

Савол туғилади: мақсад арузда таржима килиш экан – рубоий вазнининг ўзи макбул эмасми? Жавоби аник: мутаржим ё рубоий вазнларини билмайди, ё вазннинг жанрни белгиловчилик аҳамиятини англамайди – у билан ҳисоблашмайди. “Ҳар бир асарнинг табиатига мос тушадиган оҳанг кашф қилингандагина уни бошқа тилга таржима килишнинг қалити топилади”³, – деб ёзган эди таржимашунос F. Саломов. Вазнга содик колинса-да, арузнинг бошқа баҳрлари рубоий оҳангги, руҳини беролмайди. Мазмун ўша бўлгани билан ритм бегона. Таъсир бўлакча. Чунки шеър оҳангги билан кишига таъсир килади, кайфият уйғотади. “Инсон эса мазмун ва мъёнони, фикр ва мълумотни қандай кайфиятда қабул килиши жуда муҳим. Бир фикрнинг ўзи агар турли шеърий формага солиб ифодаланса, у ҳолда ҳар бир шеър одамга алоҳида таъсир кўрсатади ва унинг қалбида бошқа-бошқа руҳий кечинмаларни уйғотади. Шу боисдан шеърларнинг ғоявий-эстетик таъсири ҳам ҳар хил бўлади”⁴.

Муинзода каби Чустий ҳам бир неча рубоийни бармоқ вазни билан ўгиради. Бу ҳол рубоий таржимаси тарихига рубоийни бармоқ тизимида таржима килиш йўлидаги дастлабки қадамлар сифатида киради.

¹ Ҳоғи з. Ғазаллар. 205-бет.

² Шомухамедов А. Уч тўртликнинг ўн беш таржимаси // Таржима санъати. 4-китоб. – Тошкент, 1978. 282-бет.

³ Саломов F. Таржима ташвишлари. – Тошкент, 1983. 21-бет.

⁴ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар. 99-бет.

Рубоийнинг инжиқликлари, нозикликлари билан бир қаторда, ўз имкониятлари, қулагиллари ҳам бор. Чунончи, бир неча вазн билан рубоийда ўрин алмасиб келиши мумкин. Ҳатто ҳам ахрам, ҳам ахрабда битилган рубоийлар мавжуд. Бу мазмунга таъсир қилмайдигина эмас, балки бир мусикӣ оҳанг, бир шеърий рух доирасида айлангани учун ритмни ҳам айтарли ўзгартирмайди. Мумтоз адабиёт намояндлари ҳеч қачон битта вазнда рубоий ёзиши катыйи қоида қилиб олмаганлар. Уларнинг кўпгина рубоийларида бир нечта вазн маҳорат билан кўлланилган. “Бир рубоийда турли вазнлардан фойдаланиш ўзбек шоирлари орасида кўпроқ Бобурга хосдир”¹.

Мутаржимлардан Ж.Камол ижодида шу ҳолни кузатиш мумкин. У 9 форс-тожик шоирининг 333 та рубоийсини анъанавий вазн билан ўғирган ва бу намуналарнинг кўпчилигида икки ё уч вазн ўзаро ўрин алмасиб келаверади².

Камол Хўжандийнинг қуидаги рубоийси уч вазн иштирокида яратилган бўлиб, Васфий уни тўрт вазн билан таржима қиласди:

Аввали икки мисра ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими абтар вазнида:

мафъувлу	мафоилун	мафоийлун	фаъ
Эй сарв	туро агар-	чи тўбо хо-	нем.
Аз сарка-	шият ба жо-	и худ биншо-	нем.
Кейингиси – ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб:			
мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаал
Бо қома-	ти ў чанд	куни нисба-	ти хеш.

Нидоят, охирги мисра – ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнида ёзилган:

мафъувлу	мафоийлу	мафоийлун	фаъ
Мо асли	туву фаръи	ту некў до-	

нем³.

1) ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи мажбуб:

¹ Ўша ерда. 14-бет.

² Қаранг: 333 рубоий (Форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Тошкент: “Нур”, 1991.

³ Камол Хўжандий. Девон. – Тошкент, 1962. 316-бет.

мафъувлу	мафоилун	мафойлу	фаал
Эй сарв.	сени агар-	чи тўбий а-	тадик.
2) ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб:			
мафъувлу	мафойлу	мафойлу	фаал
Бебошли-	гидан ўрни-	га кўйдик а-	ни тик.
3) ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими айттар:			
мафъувлу	мафойлун	мафойлун	фъ
Ёрим ка-	дини ўзинг-	га нисбат бер-	ма,
4) ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими айттар:			
мафъувлу	мафойлу	мафойлун	фъ
Аслингди-	р-аён бизга-	ку беш бармок-	дек ¹ .

Аслияtnинг биринчи байти билан таржиманинг учинчи сатри. форсий матнининг учинчи ва ўзбекча тўртликнинг иккинчи мисралари ҳамда ҳар иккала нусханинг охириги қаторлари битта вазнда.

Лекин Васфий вазн танлашда сабит эмас. Камол Хўжандийнинг 1962 йили босилган девонида рубоий номи билан шоирнинг 9 та тўртлиги берилган бўлиб, мутаржим уларни 5 вазн ёрдамида таржима қилган. Боз устига, мазкур намуналарнинг 3 таси қитъа бўлиб, ўзбекчада ҳам улар рубоийга ўхшамайди: на вазн, на қофияланиш тартиби сакланган.

Чустидан фаркли ўларок, Васфий рамали мусаддаси максур (фоилотун фоилотун фоилун) вазнини хуш кўриб кўллади. Бу бизда **туюқ** вазни ҳисобланади.

То фикрати ман никод бунъёди сухан.
Обод шуд аз ман тарабободи сухан.
Мехост сухан зи дасти бетабъон дод,
Додам ба ишорати сухан доди сухан².

Сўзга то фикрим солибмишdir асос,
Топди равнақ сўз қувончи бекиёс.
Бетамизлар дастидан жаварди сўз,
Ақл ила мен айладим сўзни халос³.

Рубоийдаги ўйчан, фалсафий мазмунни, шунга мувофик оҳанг ва ритмни туюқ вазни ҳам ифодалашга ожиз. Бу жанр – оний хайрат, бир

¹ Ўша ерда. 317-бет.

² Камоли Хўжанди. Мунтажабот. – Душанбе. 1960. Сах. 309.

³ Камол Хўжанди. Девон. 317-бет.

дамлик кайфият, ички кечинмаларни тажнислар орқали акс эттиришга мўлжалланган бирмунча енгил, ўйноқи назм тури. “Туюк дастлаб халқ оғзаки ижодида юзага келган бўлиб, кейинчалик ёзма адабиёт вакиллари томонидан тажнис санъати воситасида классик адабиётга ўтган”¹.

Х.Даврон ҳам, Васфийга ўхшаб, Румий ижодидан ўгиранг тўртликларида рамали мусаддаси максур (маҳзуф) вазнини кўллади.

Рубоийни бармоқ тизимида таржима қилишни Муинзода ва Чустий Рудакий ҳамда Ҳофиз ижодидан ўгиранг айни ўлчовдаги тўртликлари билан бошлаб бердилар. F.Фулом ҳам Саъдий “Гулистан”ининг барча ички шеърлари қатори, улар орасида келган икки робоийнида бармоқ вазнида ўзбекчалаштирган эди. 1960 йили мумтоз шоирларнинг “атеистик” руҳдаги асарларини ўзида жамлаган “Тафаккур мевалари” (тўпловчи Муинзода)² номли тўплам нашр этилган. Китобда, жумладан, Бедилнинг F.Фулом, Н.Саидий ва Ш.Шомухамедов таржимасидаги 21 робоийси берилган бўлиб, улардан бор-йўғи биттаси аруз, колган барчаси бармоқ вазнида. Булар робоийни бармоқ тизимида таржима қилиш сари ташланган илк кадамлар эди. Кейинчалик бу йўлни изчил давом эттириган Ш.Шомухамедов ўндан ортиқ форс-тожик шоирларнинг робоийларини таржима қилиш орқали **робоийни бармоқ ўлчовида ўгиришнинг бутун бир мактабини шакллантириди**. Муинзода ва Васфий ҳам унинг қаторига қўшилдилар. Шунингдек, F.Фулом, Т.Жалолов, Улфат, Бокир, Н.Саидий, Э.Пардаев, Н.Карим, Б.Тургучов, О.Эркин, А.Пардалар бу мактабнинг намояндлари ҳисобланадилар.

Арузни бармоқка – робоийни тўртликка айлантириб таржима қилишга сабаб бўлган омиллар, бизнингча, куйидагиларdir:

1) инкилобдан кейинги шеъриятнинг бармоқ тизимида ривожланиши;

2) арузгу нисбатан уюштирилган танқидлар, ўгмиш сарқити деб уни бир чеккага суреба кўйишга бўлган уринишлар;

3) бармоқ вазнида яратилган шеърият руҳида тарбия топган халқ галаби ва дидини ҳисобга олиш;

4) бармоқ тизимида таржима қилишнинг нисбатан осон ва кулагилиги;

¹ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент, 1983. 335-бет.

² Каранг: Тафаккур мевалари. – Тошкент, 1960. 51–54-бетлар.

5) таржима қилинаётган рубоийлар муаллифларининг классик шоирлар эканини унутиб кўйиш.

Ҳақиқатда ҳам, тилемизга ўгирилган рубоийларнинг асосий кисми 11 ҳижоли бармок вазнида. Бу вазни рубоийларни бармок тизими билан ағдарган мутаржимларнинг барчаси қўллаган. Шу сабабдан 11 ҳижоли бармок ўзбек таржима адабиётида рубоий вазни сифатида қабул қилинди. “Чиндан ҳам бармоқнинг бошқа турларига караганда, 6-5 туроқли 11 ҳижоли вазн тури рубоий оҳангини акс эттиришда бирмунча имкон беради. Гарчи бу вазн тури рубоий учун белгиланган ҳазажи мусаммани ахрам ёки ахраб ўрнини қоплаёлмасада, бироқ рубоийни арузнинг бошқа вазнлари (рамал, ҳазаж ва ш.к.) билан таржима килгандан кўра, шу 11 ҳижоли бармок билан ўгириш афзалрок эканлиги аникланди. Чунки арузнинг бошқа баҳрлари интонацияни бутунлай ўзгартиради, 11 ҳижоли бармок эса – агар у моҳир таржимон тадбири билан амалга оширилса, ўзига хос интонацияни бера олади”¹. Мутахассисларнинг шу фикрини тасдиқловчи мисол тариқасида, Ш.Шомуҳамедовнинг Умар Хайём ижодидан таржима килган бир тўртлигини келтирайлик:

Як катран об буду бо дарьё шуд,
Як зарран ҳок бо замин якто шуд.
Омад-шудани ту андар ин дунъё чист?
Омад магасе, падиду нопайдо шуд.

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди.
Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди.
Дунёга келишинг, кетишинг нима?
Бир чивин тугилди ё үлиб кетди².

Хайёмона фалсафа яхши акс этган. Оҳанг ҳам рубоий руҳига яқин. Балки шунин гучун вазн тез оммалашди. Ўкувчиларда ҳам шунга кўнишка ҳосил бўлди, мутаржимларга ҳам жуда аскотди: форсий адабиётдан мустақилликкача ўзбекчалаштирилган уч мингта яқин рубоийнинг кариб иккни ярим мингтаси айни вазнда эканлиги фикримизнинг исботидир. Айни вазн билан Ш.Шомуҳамедов 15 форсийзабон шонринг, Т.Жалолов, Муинзода, Васфий, Улфат, Бокир

¹ Ўша ерда. 156-бет.

² Умар Хайём. Рубоийлар. 173-бет.

каби мутаржимлар Паҳлавон Махмуд, Б.Турғунов Бадриддин Ҳилолий рубойларини таржима қилганлар.

Рубои ҳамиати хилма-хил вазнларни кўтармайди. Шунга қарамай, бу борада Васфий ва Чустий арузнинг бир неча вазнларини тажриба килиб кўрганлари каби бармоқ тизимида ҳам уни турли ўлчовларга солиб ўгириш ҳамон давом этаяпти. Тўккиз, ўн, ўн икки, ўн уч, ўн тўрт, ҳатто ўн беш бўғинли бармоқ вазни билан амалга оширилган таржималар учраб турибди. Бунда оҳанг тамомила ўзгаради. Тўғри, арузда рубои ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоғидан ясалган 24 вазнда ёзилади ва улар бир-бирига ўтиши, икки, уч, ҳатто тўрт вазн бир рубои донрасида кўлланилиши мумкин. Лекин бунда муштарак оҳанг мавжуд ҳамда улар бир-биридан кескин фарқланмаслигини Хуршид, Муинзода ва Васфий таржималари мисолида кўриб ўтдик. Арузнинг бундай қулай имкониятларидан Ж.Камол ҳам ўз таржималарида усталик билан фойдаланади. Бармоқ вазни ҳакида эса бундай деб бўлмайди. Ҳар хижонинг камайиши ё кўпайиши билан вазн ҳам ўзгаради. Масалан, Ш.Шомуҳамедов биргина Бедил ижодидан ўзбекчалаштирган 439 рубоийнинг 26 таси – 12 хижоли, 12 таси – 13 хижоли, яна шунчаси – 14 ва 3 таси – 15 хижоли бармоқ вазнида. 28 тўртликда эса вазн бузилган – бир ҳижо ё етмаган, ё ортган.

Давлатшоҳ Самаркандининг “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар бўстони”) тазкирасининг ўзбекча нашрида турли шоирларнинг 12 та рубоийси келтирилган бўлиб, уларни шоир С.Рахмон таржима қилган. Мазкур намуналарда вазнлар нисбати қўйидагicha: рамали мусаммани мақсур ва 15 ҳижоли бармоқ вазнида биттадан, 11, 12, 13 ҳамда 14 ҳижоли бармоқ вазнларида иккитадан рубоий ўгирилган¹.

14 ва 15 ҳижоли бармоқ вазни рубоий учун ўта кўпол, ноқулай. Фалсафий мазмун сўзлар уюми тагида колиб кетади. Рубоиёна рух йўқолади. Ахир, шаклнинг ихчам, мазмуннинг эса сиқик бўлиши – рубоийнинг ҳос ҳусусияти ҳисобланади. 14 ва 15 ҳижоли бармоқда нафакат сўзлар меъридан ортиб кетади, балки оҳанг ҳам бутунлай ўзгаради – аслият билан таржима ўртасидаги интонацион фарқ кучаяди, таъсирчанлик камаяди. “Ҳар бир бадиий мазмун ўшанга мос келадиган оҳангни талаб этади”². Бундай намуналар қўпинча кандайдир шеърнинг дастлабки бандига ёки бошлаб қўйилгану, аммо тугатилмаган назмга ўхшайди. Мисоллар:

¹ Қаранг: Давлатшоҳ Самаркандиј. Шоирлар бўстони.

² Саломов F. Таржима ташвишлари. 21-бет.

14 ҳижоли бармок – Умар Хайёмдан:

Бирор киши чиқиб ҳар замон, мана Мен, дейди.
Молу симу зарн бор чунон, мана Мен, дейди.
Иши ривож топиб турғанда, бир куни ажал –
Пистирмадан чиқиб ногаон, мана Мен, дейди¹.

15 ҳижоли бармок – Бедилдан:

Кўк паргорида бош-оёқ бажо – ҳар иккиси бир,
Шоҳларнинг тожи – касойи гадо – ҳар иккиси бир.
Настлик-баландлик фарқин килмогинг бехабарлиқдан,
Оёқда халхолми бўйинда тавқ ё – ҳар иккиси бир².

Бедил рубоийлари таржимасида юкоридати вазнлар, айниқса, кўп қўлланган. Бу хол яна Ш.Шомуҳамедовнинг Хайём, Саъдий, Низомий ва бошқа шоирлар ижодидан ўтирган тўртликларида ҳам учрайди. М.Абдулҳакимнинг Пахлавон Махмуд рубоийларидан ўзбекчалаштирган намуналарида ҳам буни кўриш мумкин.

От айланиб, козигини топади, дейдилар. Бармок вазни рубоий таржимачилигига роса 30 йил танҳо ҳукмронлик килди. Шунга қарамай, ўз ўрнини арузга бўшатиб беришга мажбур бўляяпти. Эллигинчи йилларнинг охири – олтмишинчи йилларнинг бошида олиб борилган арузий тажрибалар саксонинчи йилларга келиб яна жонланди.

Лекин бу гал анча олдинга кетилди. Чунки М.Абдулҳаким ва Х.Даврон ўз салафлари – Васфий ва Чустий каби, таржималарида арузнинг бир неча вазнларини тажриба килиб кўрган бўлсалар, Ж.Камол 9 форсийзабон шоирнинг 333 рубоийсини анъанавий вазни билан тилимизга ўгириб, рубоийни ўз классик вазни билан ўзбекчалаштириш лозимлигини амалда кун тартибига катъий килиб қўйди. Бу таржималарга вазн жиҳатидан деярли ҳеч қандай эътиroz йўқ. Оҳанг, ритм, бадиий тароват ҳам жойида:

Бул кеча умид тошига тошимни қўяй,
То лабингга лаб, кошингга қошимни қўяй.
Сен ёшли кўзимга қўй оёғингни, санам,

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. 366-бет.

² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. 34-бет.

Мен эрсам эшик тубига бошимни кўяй¹.

Бу – таржима эмас, балки Адаб Собирнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб ўйлайсиз. Холбуки, бу – Термизий сатрларининг Ж.Камол қалами шарофати билан кайта жаранглаган ўзбекча ифодаси. Мана робоийнинг асли:

Дорам сари он, ки имшаб оям ба барат,
То лаб ба лабат барниҳаму бар ба барат.
Ту пой ниҳи зи ноз бар чашми тарам,
Ман сар ниҳам аз ниёз бар хоки дарат².

Кўринниб турибдики, аслиятда радиф йўқ. Лекин биринчи байтнинг қофиялари тажнис асосига қурилган (“ба барат” ибораси биринчи мисрада – ёнингга, иккинчи сатрда эса – кўксингга маъноларини ифодалаб келаяпти). Таржимада бу санъат акс этмаган. Бироқ ўзбекча тўртлик қофияларининг пишиклиги жарангдор радифга эгалиги билан бадиий гўзаллик касб этган. Бундай ходисаларга илмда **аслиятдан ўтказиб таржима қилиш³** дейилади.

Ж.Камол нафакат шаклни шакл, мазмунни мазмун, балки оҳангни оҳанг билан ҳам бера олган: робоийни у ёзилган ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи мажбуб ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб (2-мисра) вазнларининг айнан ўзи билан таржима килиб, бир вактнинг ўзида “ҳам вазн талабини, ҳам маъно эҳтиёжини кондирган”⁴.

М.Абдулҳакимнинг Паҳлавон Махмуд ижодидан ўғирган робоийларида робоий вазнлари етакчилик қилса-да, уларда вазнга тушмаган мисралар, вазний сакталиклар тўлиб-тошиб ётибди. “Тўлиб-тошиб ибораси атай кўлланди, чунки мутаржим таржималари орасида нуксонсиз таржималтар бармок билан санарли.

Биз кейинги йигирма йил ичидаги робоий тадқики билан бирга таржимаси билан ҳам шугулланиб, форсий тилда ижод қилган 200 дан ортик шоир қаламига мансуб 10 мингта яқин робоийни арузда –

¹ 333 рубоий. 37-бет.

² Адаб Собири Термизи. Осори мунтакаб. Сах. 338.

³ Бу ҳақда қаранг: Исимиддинов З. Оригиналдан ошириб таржима қилиш мумкинми? // Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. № 606. – Тошкент, 1979. 20–24-бетлар.

⁴ Саломов Ф., Комилов Н., Салимова З., Журاءев К., Отажонов Н. Таржимон маҳорати. 40-бет.

анъанавий вазнда ўзбекчалаштиридик. Бу таржималар газет-журналларда эълон килинди, алохида китоблар шаклида нашр килинди¹. Шеърият ватани бўлмиш Шаркнинг юксак даражадаги адабиёт вориси бўлган диди баланд ва табъи нозик ўқувчилар уларни илик кутиб олдилар. Изланишларимиз адабий жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилди. Бизни қўллаб-кувватловчи макола ва тақризлар эълон килинди.

Рубой таржимачилиги рубоийларни анъанавий йўлда таржима қилиш билан бошланган эди ва бу соҳа ўз тараққиётининг юқори босқичига ётгач, яна классик вазнни асос қилиб олаяпти. Демак, Шарқ поэтикасининг жанр учун белгилаб берган темир конунидан чекиниб бўлмаслигини нафакат оригинал адабиёт, балки таржима ҳам амалда исботляяпти. Бу асрлар синовидан ўтган классик адабиёт назарияси конун-коидалари умрбокийлигининг яна бир тантанасидир.

Биз факат уч жанр – маснавий, ғазал ва рубоий таржимасининг ўзига хосликлари хусусида фикр юритдик. Туюқ, дубайтий, таърих каби қатор жанрлар таржимаси ҳам ана шундай ўзига хос хусусиятларга эга. Бундан кўринадики, Шарқ шеъриятидан таржимада ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисоб олиб иш тутиш керак.

¹ Қаранг: Ишқ дафтари. Тошкент: “Маънавият”, 2002; Мұҳабbat тароналари. – Тошкент: “Шарқ”, 2005; Донишманлар тухфаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009; Минг бир рубоий. – Тошкент: “Фан”, 2009; Рубоий гулшани. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010; У ба д и й. Дийдор орзуси. – Тошкент: “Шарқ”, 2007; УмарҲайдар ё м. Тириклик тилсими. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012; Жалолиддин Румий. Мұҳабbat маъвоси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013 ва ҳоказо.

АСАР БАДИИЯТИ ВА ТАРЖИМОН МАХОРАТИ

Бадиий тасвир воситаларидан холи бадиий матн йўқ. Дурдона асарлар-ку юксак бадиият дурлари билан зйнатланган бўлади. Қаваткават бадиий санъатлар пардаси ичидағи бетакрор маъно жавохирларини излаб топиб, уларни бошқа тил воситалари билан аслига мувофиқ ифодалашнинг ўзи бир олам машаккат бўлса, бирни биридан гўзал ва мураккаб бадиий санъатларни қайта яратиш фавқулодда маҳоратни талаб килади. Шунинг учун таржима асарни ўкигандаги муаллифнинг истеъодод маҳсулидан баҳраманд бўлиш билан бирга мутаржим маҳоратидан ҳам завқ оламиз. Шунинг учун ҳам таржимада услуг масаласи тадқики мисолида F.Саломов ва Н.Комиловлар ёзган эдиларки: “Бадиий таржима икки услубнинг бирикишидан ҳосил бўлган янги адабий ҳодисадир”¹. Муаллиф ва мутаржим ҳамкорлигининг ажойиб намунаси бўлганлиги учун ҳам буюк немис алиби И.В.Гёте таржимани “учинчи адабиёт” деб атаган эди. Чунки уни аслият мансуб тил адабиётига нисбат берай деса. бошқа тилда, таржима тили мансуб адабиёт мулки деса ҳам бўлмайди – сабаби, у ўзга миллат намояндаси томонидан ижод қилинган.

Бадиий асар муаллиф истеъододи ва меҳнатининг маҳсули бўлса, унинг таржимаси мутаржим маҳорати ва заҳматининг меваси. Етук асарнинг теран маъноси, гўзал шакли, юксак бадиияти айнан таржимоннинг тилни канчалик билиши, адабиётни канчалик тушуниши, маҳорати ва тажрибаси туфайли бошқа тилда аслига мувофиқ жаранглайди. Бундан салкам юз йил муқаддам Санжар Сиддик “Адабий таржима санъати” китобида таржимоннинг мавкеи хусусида фикр юритиб шундай ёзган эди: “Таржимон ўзи таржима килаётган асар муаллифининг ижодий ёрдамчиси бўлиб, у айтмоқчи бўлган гоявий максадни тўла ва пухта ишлаш орқали ўз тилида яратиши. ўзини муаллиф билан бир катерда асар учун масъул санаши, таржима – асарнинг бошқа тилдаги тўлиқ нусхаси эканлигини унугласлиги зарур”².

Маълум бўладики. таржимада мутаржимнинг муаллиф билан ҳак талашадиган даражада салмоқли ўрни мавжуд. Бинобарин, мутаржим

¹ Саломов F. Комилов Н. Дўстлик кўприклари. 185-бет.

² Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: “Фан”, 1985. 35-бет.

иккинчи даражали шахс сифатида муаллифнинг соясида колиб кетмаслиги керак. Зоро, у ёки бу адабнинг жаҳоний шухрати, асарларининг дунё бўйлаб сайри таржимонларнинг машаккатли ва шарафли меҳнатлари натижасидир. Шунинг учун ҳам таржимон маҳоратини ўрганиш – унинг аслиятга ёндашиш принциплари ва асарни бошқа тилда талқин килиш усулларини тадқиқ этиш хамиша таржимашуносликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган. Бу – бежиз эмас. Зоро, таржима назарияси ўз конун-коидаларини таржима амалиёти асосида ишлаб чикади ва такомиллаштириб боради. таржима амалиёти эса алоҳида-алоҳида таржимонлар ижоди маҳсули бўлмиш асарлардан, бу асарлар таржимасида улар кўллаган турли-туман усул ва коидалардан ташкил топади. Айни жиҳатдан ушбу боб таржимон маҳорати масалаларига бағишланди.

4.1. ҲОФИЗНИНГ ЎЗБЕК ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистонда Ҳофиз Шерозий ғазаллари таржимаси хусусида сўз кетгудай бўлса, барчанинг кўз олдига дарҳол забардаст мутаржим, форсий адабиёт билимдони Хуршид келади. Бу – бежиз эмас. Чунки Хуршид лисон ул-ғайб Ҳофиз шеърлари таржимасига биринчи бўлиб кўл урган ва бу ишни муваффакият билан амалга оширган таржимон ҳисобланади. У Ҳофизнинг руҳига кириб, дилини англаб, услубига калит топиб, шоирнинг оташнафас ғазалларини ўзбекчада аслидагидай жарангата олган. Шунинг учун ҳам гарчи Ҳофиз шеърлари таржимасига кўпчилик журъат этган бўлса-да, ҳеч ким бу борада Хуршидинг олдига туша олган эмас. Хуршид ўзининг ҳ о ф и з о н а таржималари билан бошқа таржимонлардан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек мусиқали драматургиясининг асосчиларидан бири. таникли шоир, забардаст мутаржим, матншунос олим Хуршид – Шамсиддин Шарафиддинов 1892 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски мактаб ва мадраса таҳсилини кўрган. Мадрасада форс ва араб тилларини ўрганиш билан бирга. Абулкосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мухаммад Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби форсий ва туркий адабиётнинг улкан сўз санъаткорлари ижодини ҳам иштиёқ билан мутолаа килади. Айни пайтда, ўзи ҳам шеър ёза бошлиди. Уларни ўкир экан, шоирнинг Шарқ сўз санъатини накадар теран

билишини англаш қийин эмас. Бу ҳақда Хуршиднинг ўзи шундай ёзди:

Яссавий, Жомий, Навоий Хуршид устоди экан,
Бўлгусидур ҳајк аро ашъорим зъжоз окибат¹.

Хуршидга ўз аслий ижоди эмас, балки Алишер Навоий ва Абулқосим Фирдавсий асарлари асосида яратган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» мусикали драмалари ҳамда «Сиёвуш» опера либреттоси, Ҳофиз Шерозий ғазаллари ва рубоийларидан килган таржималари катта шуҳрат келтириди.

Ўзбек ўқувчилари Ҳофиз ижоди билан ўз тилларида 1958 йили илк марта танишдилар. Шу йили шоирнинг 82 ғазал, 40 рубеий, таржеъбанд ва сокийномасини ўз ичига олган тўплами таржима қилиниб, нашр этилди². Бу ғазалларнинг 64 гаси, яъни тўртдан уч қисмидан кўпроғини, рубоийларнинг 23 таси – ярмидан ортиғини Хуршид муваффакият билан таржима килган. Шу маънода, айтиш мумкинки, ўзбек ўқувчиларини илк бор Ҳофиз ижоди билан таништирган мутаржим Хуршид хисобланади. У факат таништирибгина қолмай, шоир шеърларини киёмига етказиб ўзбекчалаштирганки, мана, орадан салкам ярим аср ўтганига қарамай. Ҳофиз асарлари гаржимасига Чустий, Васфий, Ш.Шомухамедов, Ж.Жабборов, Э.Вохидов³, О.Мухтор, О.Бўриев, С.Сайид, М.Кенжабек каби катор мутаржимлар кўл урган бўлсалар-да, ҳалигача ундан ўтказиб таржима килган таржимон чикмади.

Хуршид форс тили ва адабиётини, мумтоз сўз санъатимизнинг услубини яхши билишдан ташқари, Ҳофиз руҳига кирган, шоир ғазалларининг жарангосини топа олган. Шунинг учун ҳам унинг таржималари бошқаларникидан кўра муваффакиятли чиққан. Дарҳакикат, Хуршид таржималарида шоир ғазалларига хос жўшқин ва исёнкор рух, жозибали ва дилўртар оҳангни дарк этамиз:

Аё, сокий, суниб жоминг, кил эҳсон, яшнасин диллар,

¹ Хуршид д. Танланган асарлар. – Тошкент, 1967. 305-бет.

² Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар (форс ва ўзбек тилларида). – Тошкент, 1958. Шоир ғазалларидан олинган барча кўчирмалар шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади.

³ Каранг: Ҳофиз Шерозий шеъриятидан. – Тошкент, 1985. Тўплам Хуршид, Чустий, Васфий, Ж.Жабборов, Э.Вохидов. Ш.Шомухамедов таржималари асосида тартиб берилган.

Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар (23).

Биринчи мисраси арабча, иккинчиси форсча – ширу шакар тарзида ёзилган бу байтнинг накадар қойилмаком килиб ўзбекчага ўгирилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг асл матнини келтириш кифоя:

Ало ё айохассоқи, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал vale афтод мушкилҳо (22).

Таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, ўкувчи уни ватан адабиёти намунаси каби ўқиса, мутаржим ўз зиммасидаги вазифани тўлик ва мукаммал бажарган ҳисобланади. Ҳофиз шеърлари таржимасида Хуршид ўз олдига худди шу вазифани қўйган ва кўп ҳолларда бунга эришган ҳам. Чунончи, куйндаги байтларни ўқир экан, Ҳофизнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб юборасиз:

Сун, эй соқий, майинг охиргача – жаннатда топмайсан
Бу Рукнобод кирғоидаги сўлим Мусаллони...
Ғазал битдингу дур соҷдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингта гавҳардек нисор этсин Сурайёни (29).

Вазн ҳам бир – ҳазажи мусаммани солим, рух ва оҳант ҳам бир – жўшкин ва жозиб:

Бидех сокий, май бокий, ки дар жаннат наҳохи ёфт
Канори оби Рукнободу гулгашти Мусаллоро...
Ғазал гуфтиву дур суфти, биёву хуш бихон, Ҳофиз,
Ки бар назми ту афшонад фалак иқди Сурайёро (28).

Таржима турлари ичida энг мураккаби ва машаккатлиси бу – шеърий таржима. Чунки бунда нафақат шеърнинг асосий маънозамзумини, балки шакли ва ҳажмини ҳам аслиятга мувофик ҳолда кайта тиклаш тақозо қилинади. Айтайлик, насрий асар таржимасида мутаржим бу борада анча эркин. Агар 100 бетлик асарни у 120 сахифа килиб ўтиrsa, бу табиий деб қабул қилинади. Сабаби: таржима ҳажми ҳамиша аслиятга нисбатан кўпроқ бўлади. Бу бир тилдаги матннинг иккинчисига интерпретация қилиниши билан боғлик ҳодиса. Шеърий таржимада эса мутаржимнинг бундай йўл тутишга, масалан, 5 байтлик ғазални 6 байт килиб ўтиришга ҳакки йўқ. Ҳар бир байтдаги

мазмунни бошқа тилга ҳам бир байт килиб ўгириш керак. Бу эса осон эмас. Боз устига, маъно теран, фалсафий мазмун куюқ. шеърий санъатлар сероб бўлса! Баъзан муайян олинган бир сўз бир неча маънони ифодалаб келадики, унинг ана шу барча маъноларини бошқа тилда ҳам қайта экс эттиришнинг деярли иложи йўқ. Шу боис ҳам бадиий таржима учун табиий бўлган курбонликлар миқдори шеърий таржимада кўпроқ бўлади. Лекин моҳир мутаржимлар ҳамиша бой берилган унсурлар ўрнини бошқа жиҳатлардан тўлдиришга интиладилар. Бу ҳолни Хуршиднинг ҳам кўплаб таржималарида учратамиз. Масалан:

Ҳадис аз мутрибу май гўву рози даҳр камтар жў.
Ки кас накшуду накшояд ба хикмат ин муамморо (28).

Мазмуни: «Чолгувчидан, майдан кўпроқ сўзлаб, дунё сирини камрок изла, чунки ҳеч ким бу муаммони ҳикмат билан ечганмас ва ечолмайди ҳам».

Хуршид вазн такозосига кўра «ечмаган ва ечолмайди» иборасини ўзбекчада беролмайди, тўғрироғи, улардан биттаси – «ечолмайди»ни акс эттиради, лекин унинг ўрнига ўзидан «оғир» сўзини кўшиб, бу муаммонинг накадар мушкул эканлигига ургуни кучайтириш билан бой берилган курбонлик ўрини кайсиdir маънода тўлдиради:

Гапир чолгучидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони (29).

«Асл нусхани ўз вазни билан ўгирганда таржимон учун анча енгиллик туғилса-да, бироқ у ҳамма кийинчиликлардан кутулмайди.

Таржимон олдида энди ҳар бир байтдаги мазмунни вазнга **қайта сиғдириш** вазифаси туради. Асл нусха байтларидағи сўзлар, жумлалар ўзбекчага ўгирилганда ҳамма вакт ҳам форсча сўзларнинг вазн ўлчовига тўғри келавермайди-да! Ўзбек тили фонетикаси ва синтаксисининг ўз хусусиятлари мавжуд. Форсча сўзлар ўзбекчага айланганда рукнларнинг ўлчовидан кам ёки кўп бўлиб чиши, ҳижоларнинг узун-кисқалиги, ўзаро комбинациясида фарқ бўлиши табиий ҳолдир. Катта тажриба ҳосил қилган моҳир таржимонгина бу номувофикликни бартараф кила олади»¹.

¹ Саломов F., Комилов Н. ва бошқалар. Таржимон маҳорати. – Тошкент, 1979. 39-бет.

Хуршид ана шундай тажрибали ва мохир мутаржим эди.

Маълумки, форсийдан туркийга таржима кўп асрлик тарихга эга бўлса-да, кичик лирик асарлар – ғазал, рубоий, китъя ва бошқалар таржимаси асосан XX асрнинг иккинчи ярмида бошланди. Шунинг учун ўзбек адабётида ғазал таржимачилиги ҳам Хуршид номи билан боғланади. У Ҳофиз Шерозий ғазалларидан килган таржималари билан нафакат ғазал таржимачилигини бошлаб берди, айни пайтда, уни юкори погонага кўтарди ҳам. Шунинг учун ҳам таникли таржимашунос Нажмиддин Комилов унга «Ғазал таржимасининг Хуршиди тобони», деб таъриф берган эди¹.

Шу ўринда, икки ҳодисани таъкидлаб ўтиш лозим:

1) ҳозирги тилимиз форс-тожик тилидан узоклашиб, энди унга арабий-форсий эмас, балки рус ва европа сўзлари кириб кела бошлиди;

2) шеъриятимизнинг асосий вазни аруз эмас, балки бармоқ бўлиб қолди.

Буларнинг барчаси таржима ишини мураккаблаштирадиган ҳодисалар жумласига киради. Зоро, мутаржим вазнни саклаб қоламан деса, матн бугунги ўкувчига тушунарсиз бўлиши мумкин, соғ ўзбекча таржима яратаман деса, вазн муаммоси кўндаланг бўлади.

Биз ҳали мумтоз сўз санъатидан бутунлай узилиб кеттанимиз йўқ. Лутфий, Навоий. Бобур. Фузулий. Огахий. Муқимий, Фуркат каби шоирлар асарларини халқимиз севиб ўқиуди, улар мактаблар ва олий ўкув юртлари дастурига киритилган. Бинобарин, мумтоз адабиётдан баҳраманд ўкувчиларда маълум даражада «архаик» сўз жамғармаси бўлади. Таржима жараёнида буни ҳисобга олиш керак. Мумтоз шоирларни таржимада ўта замонавийлаштириш ҳам ўзини окламайди: уларни ўтмишдан бутунлай ажратиб олмаган ҳолда, замонавий таржима килиш керак. Яъни, уларнинг асарлари таржимасини замонавий ўкувчи тушунсин, айни пайтда, қайситир даражада анъанавий унсурлар ҳам акс этиб, бу асарларнинг замонавий эмас, балки мумтоз адабийт намунаси эканлигини эслатиб турсин. Бу борада Хуршид олти ни ўрталлиқни топа олган: ўзбек ўкувчиси Ҳофиз ғазалларини бир вактнинг ўзида ҳам мумтоз, ҳам замонавий сўз санъати намунаси сифатида кабул қиласи. Чунки таржимон «классик шеърият услубидан мавриди билан ўринлатиб фойдаланган ҳолда, ҳозирги ўзбек тили талабларини кондирган.

¹ Каранг: Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент, 1979. 210-бет.

Натижада таржима ҳозирги ўзбек китобхонига тушунарли ва манзур бўлиш баробарида, айни пайтда, ғазал руҳи тарбия топгани, ўзи ҳам газал ёзиб, тажриба орттиргани Ҳофиз шеърлари таржимасида унга кўл келган, албатта:

Сухандониву хушхони намеварзанд дар Шероз,
Биё, Ҳофиз, ки то худро ба мулки дигар андозем (146).

Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,
Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга ўтиргаймиз (147).

Шеърий таржимага баҳо берганда унинг умумий мазмуни ва руҳи бошка тилта қандай кўчганлигига караб ҳукм чиқариш керак. «Мана бу сўз ташлаб кетилибди, мана бу маънолардан бири акс этмабди», – деб майдо-чуйда кусурлар кидиравериш ножоиз. Чунки шеърни унинг барча маъно товланишларию бадиий унсурлари билан тўла ва мукаммал таржима қилиш жуда мушкул ва баъзан бунинг иложи ҳам йўқ. Бундай камчиликлар Хуршид таржималарида ҳам талайгина. Жумладан:

Ҳаме кас толиби ёранд, чи хушъёру чи маст,
Ҳама чо хонаи ишқ аст, чи масжид, чи куништ (58).

Бу ерда Ҳофиз такрор санъатини кўллаб, байтнинг гўзал ва таъсирchan чикишини таъминланган. Хуршид эса, мазмунни ўзбекчага тўла ўтиргани ҳолда, такрор санъатини акс эттиришнинг иложини тополмаган. Натижада ўзбекча байт форсчадаги каби таъсирchan чикмаган:

Масту хушёр – ҳама одамга талабдур дилдор,
Фарки йўқ – севги уйи масжиду ҳам дайри хароб (59).

Лекин Ҳофизнинг мана бу гўзал газали таржимасида Хуршид такрор санъатини ажойиб тарзда яратади:

Рўзи васли дўстдорон ёд бод,

¹ Ўша ерда. 174-бет.

Ёд бод, он рўзгорон ёз бод! (68)

Дўстлар базми висолин эсда тут,
Эсда тут дўстлар жамолин, эсда тут (69).

Албатта, Хуршид таржималари ичидаги маъно бузилишлари ҳам йўқ эмас. Масалан:

Зи ҳасрати лаби Ширин ҳануз мебинам,
Ки лола медамад аз хуни дидаи Фарҳод (66).

Мазмуни: «Ширин лабининг ҳасратида ҳозирга кадар Фарҳод кўзининг конидан лола унади».

Таржимаси:

Кўзимнинг олдидақим, Ширин ишқу ҳасратидан
Ётарди лолазор ичра ватан тутиб Фарҳод (67).

Бу ерда «Шириннинг лаби ҳасратида» – «Ширин ишқу ҳасрати»га айланган бўлса, «Фарҳод кўзининг конидан лола униши» – «Фарҳоднинг лолазор ичра ватан тутиб ётиши» тарзида таржима килинган.

Ёки:

Ин ҳама акси маю нақши нигорин, ки намуд,
Як фурӯғи рухи сокист, ки дар жом афтод (70).

Мазмуни: «Бу барча май аксию ажойиб нақшлар азал сокийсининг юзидан жомга тушган бир катра нур туфайлидир».

Таржимаси:

Топди май шуъласидан хониш ила нағма ривож,
Тушди бир нурки, сокий юзидан жом ичра (71).

Бу ерда «хониш ила нағма ривож топган»и аслият матнига мувофиқ тушмаган.

Шеърий таржиманинг мураккабликларидан яна бири шундаки, шеърнинг гоя ва мазмунидан ташқари, унинг вазни ва шаклий курилишини ҳам аслига мувофиқ холда қайта яратиш керак. Бир вазндаги шеърни бошқа вазнга солиб ўгириш унинг ритму оҳангига

рухини ўзгартирғани каби таъсирчанлыгини ҳам йўкка чикаради. Шунинг учун аслиятга мувофик вазн топиш – шеърий таржиманинг дастлабки шартидир. «Биз шеърий системаларини (арузни аruz билан, бармокни бармок билан) эмас, балки объектив имконият мавжуд бўлган ҳамма ҳолларда шеърий система билан бирга, шеърий вазнни ҳам ўзгартирмай таржима килиш тарафдоримиз, бинобарин, бундай ҳолларда вазнни салгина ўзгартиришнинг ўзи ҳам таржиманинг дастлабки нуқсони бўлади, деб ҳисоблаймиз»¹. Якин тиллардан таржимада бу муаммо бирмунча осон ҳал этилади. Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки аruz асрлар давомида ҳам форсий, ҳам туркий шеъриятнинг асосий ўлчов бирлиги бўлиб келган. Бу Хуршидга кўл келиб, Ҳофизнинг кўплаб газалларини улар ёзилган вазнларнинг айнан ўзи билан таржима килиб, муваффакиятга эришган. Лекин вазн талабини ҳисобга олмаган ўринларда муваффакиятсизликка учраган. Жумладан, шонрнинг куйидаги ғазали ҳазажи мусаддаси максур вазнида битилган:

Маро аз туст ҳар дам тоза ишке,
Туро ҳар соате хусне дигар бод! (82)

Хуршид уни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи максур максур вазни билан таржима қиласди:

Ҳар лаҳза менга янгиланур шавқ ила ишқинг.
Ҳар дамда сенинг равнақи ҳуснинг дигар ўлсин! (83)

Мазмун жиҳатидан жуда гўзал таржима. Бунинг устига, услубан равон, соф ўзбекча. Фақат... ритм бошқа. оҳанг ўзгача. Бу Ҳофиз газалининг мусикаси эмас.

Ўзбек таржимашунослик мактабининг асосчиси Файбулло Саломовнинг ёзишича: «Таржимада бадиий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, хикоя, романгача агар ҳам оҳанг иккита минланмаган бўлса, у таржимас оҳта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида. бадиий асарларнинг бошқа компонентлари, лугавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф,

¹ И сом и д д и н о в З. Сўздан сўзнинг фарки бор // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 6-китоб. – Тошкент, 1985. 226-бет.

кофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда таржимада ётаби ийлек, ёки аксинча, сунният контекст, ясама бадиий мухит пайдо бўлишига олиб келади¹.

Шеърий таржимада муносиб радиф топиш ҳам анча мушкул масала ҳисобланади. Радифли ғазални ҳамиша ҳам радифли килиб ўгиришнинг иложи йўқ. Бу ҳолатда радиф бўлиб келган сўз ёки иборанинг маъноси матн ичига сингдириб юборилади. Чунончи, Ҳофизнинг:

Даст аз талаб надорам, то коми ман барояд,
Ё тан расад ба жонон, ё жон зи тан барояд (118), –

матлали ғазали таржимасида радифни беришнинг иложини тополмаган таржимон унинг мазмунини мисралар ичига сингдириб юборади:

Қўл тортмоғум тилақдан, лутф этмагунча дилбар.
Ё жон кетар танимдан, ё васл бўлур мұяссар (119).

Чиройли, муносиб радиф топилса, ғазал таржимасининг ярми ҳал бўлди, дейиш мумкин. Ҳуршид аксарият яхши радифлар топиб, гўзал ва ҳофизона таржималар яратган. Жумладан:

Чу рўят меҳру мах тобон набошад,
Чу каддат сарв дар бўстон набошад (84).

Юзингдек ёрқин ой осмонда ҳам йўқ,
Қадингдек сарв ҳеч бўстонда ҳам йўқ (85).

Мана бу ғазалда эса радиф мисранинг тенг ярмини ташкил қиласи. Шунга қарамай, Ҳуршид унинг ўзбекча мукобилини топиб, ғазални гўзал бир тарзда ўзбекчалаштирган:

Мутриби хушнаво, бигў, тоза ба тоза, нав ба нав,
Бодаи дилкушо бижў тоза ба тоза, нав ба нав (172).

Чолғувчи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,
Изла шароби дилкушо янги ва янги, хилма-хил (173).

¹ Саломов F. Таржима ташвишлари. – Тошкент, 1983. 21–22-бетлар.

Бу ерда мутаржим радифни аслига мос таржима қилибгина колмай, ғазалдаги ички кофия тузилишини ҳам кайта ярата олган:

Бо санами чу лўъбате, хуш бинишин ба хилвате.
Бўса ситону ком жў тоза ба тоза, нав ба нав.

Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтур нигер ила,
Бўса-ла ком этиб раво янги ва янги, хилма-хил.

Мұштарак анъаналар асосида ривожланганлиги сабабли форсий ва туркй шеъриятдан таржимада кўплаб кулайликлар мавжуд. Айтайлик, ҳар иккала шеъриятнинг вазни аruz бўлган, кўплаб сўз ва иборалар ҳар иккала тилда ҳам бирдай қўлланаверган. Форсийдан таржимада кофия ва радиф танлашда, баъзи сўз ва ибораларни қўллашда бу имкониятлардан фойдалана билиш керак. Масалан, кўпинча бошкага кофия танланса, албатта аслиятга номувофиклик келиб чиқали. Кўнидаги ғазал таржимаси бунинг ёркин мисолидир:

Айт: шамъ кетирмангизу базм ичра бу окшом
Ой юзли гўзалнинг юзи мажлисда аёндур.

Гар мазҳабимиз бода ҳалол дер эди, лекин
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур...

Сўз килма уятдан, мени расволигим ундан,
Сўрма отим, ул от мени шармимга зиёндур (41).

Таржиманинг нуксонларини кўрсатин учун ғазалнинг форсечасини келтирайлик:

Гў, шамъ маёред дар ин чамъ, ки имшаб
Дар мажлиси мо моҳи рухи дўст тамом аст.

Дар мазҳаби мо бода ҳалол аст, валекин
Бе рўи ту, эй сарви гуландом, ҳаром аст...

Аэ нанг чи гўй, ки маро ном зи нанг аст,
В-аз ном чи пурси, ки маро нанг зи ном аст (40).

Бу ғазалда кофия нотўғри, максадга номувофиқ танлангани учун келтирилган мисолнинг биринчи байтида «базмни безаш учун дўст юзининг нури кифоя, шам ҳожат эмас», деган маъно ёркин чикмаган: «аёндур» сўзи «кифоя, етарли» маъноларини беролмайди. Иккинчи байтда ҳалол ва ҳаром сўzlари бир-бирига зид кўйилиб, тазод санъати ҳосил қилинайпти. Бундан ташқари, ҳалол ва ҳаром – шариатдаги икки ўзаро қарама-карши алоҳида ахкомлар. Бинобарин, «ёмон» сўзи «ҳаром»нинг ўрнини босолмайди. Учинчи байтда шоир чиройли сўз ўйини, лутф қилган: номусдан тапириб нима киласан, менинг номим ундан, номдан сўраб нима киласан, менинг номусим номдандир.

Форсий шеърпятда ному нанг, нангту ном иборалари ҳўлинча бирга қўлланади. Бу ерда шунга ҳам ишора мавжуд, албатта.

Баъзи тадқикотчилар орасида Ҳофиз ғазаллари заро боғланмаган, пароканда байтлардан иборат, деган фикрлар юради. Факат зоҳирбинларгагина шундай туюлиши мумкин. Аслида Ҳофиз ғазаллари мантиқ риштаси билан ичдан жуда мустаҳкам боғланган. Унинг ғазалларидан бирор-бир байтни олиб ташлаш мумкин эмас. Шундай килинганда аввалги байтдаги мазмун ниҳоясига етмаган. кейинги байтдаги фикрининг эса каноти киркилгандай таассурот туғилади. Шоир фикрининг бадиий таъсир кучи заифлашади. Масалан, биз фикр юритаётган нашрда кўплаб байтларнинг ўрни алмасиб колгани¹, баъзиларининг таржима қилинмай, ташлаб кетилгани шоир ғазалларининг умумий мазмунига салбий таъсир кўрсатган. Бу мутаржимларнинг эътиборсизликларидан ташқари, таржималар Ҳофиз девонининг муқаммал нашрлари асосида амалга оширилмаганлигидан далолат беради.

Баъзинда тиниш белгиларининг ташлаб кетилгани ёки нотўғри қўлланилгани ҳам айрим байтларда ифодаланган мазмунни тўғри тушуниб олишга халакит беради. Масалан:

Юзингга етмак умиди кўп эрди дилда, бирок
Ажал, умид ва умринг йўлида бир гирдоб (53).

¹ Тўпламдаги ғазалларнинг форсча ва ўзбекча байтлари ўзаро мувофиқ келмаслиги, уларнинг ўрни алмасиб кетгани хусусида таниқли матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов биринчилардан бўлиб фикр билдирган эди (Қаранг: Раҳмонов В. Шероз булбули наволари // Таржима санъати. 4-китоб. – Тошкент, 1978. 257-бет). Умуман, мазкур нашрнинг камчиликлардан холи эмаслигини форсий адабиёт билимдони, забардаст мутаржим Ш.Шомуҳамедов ҳам таъкидлаб ўтган (Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. – Тошкент: “Фан”, 1965. 12-бет).

Бу ерда «ажал» сўзидан кейин вергул кўйилмаслиги керак эди. Чунки у «умид» ва «умр» сўzlари билан уюшиб келаётгани йўқ, балки ажалнинг умр йўлида бир гирдоб эканлиги таъкидланмоқда. Вокеан. Ҳофизнинг мазкур байти муваффакиятли таржима килинмаган бўлиб, унинг маъноси аслида қўйидагича: «Юзинг васлига етишиш учун дилимда умид кўп эди, лекин ажал умр йўлида саъй-ҳаракатларнинг йўлтўсаридири (яъни, мақсаднинг амалга ошишига тўскилий киласи)»:

Дилам умеди фаровон ба васли рўи ту дошт,
Вале ажал ба раҳи умр раҳзани амал аст (52).

Мана бу байтда эса вергул зарур бўлгани ҳолда, кўйилмаган:

Менга бода кемасин тезда кетур дилбарсиз
Ғамдан оқмоқда кўзим бурчида нахри Жайхун (169).

Байтни ўқиган ўқувчи: «Менга бода кемасини олиб кел, лекин унинг ичилади дилбар бўлмасин», – деган фикрдан хайрон бўлиши тайин. Ҳолбуки, «дилбарсиз» сўзи бу ерда кейинг мисрага тегишли: «Дилбардан айрилиқда йиғлайвериб, кўзим Жайхунга айланди». Бу ерда «кетур» феълидан кейин вергул кўйилса, маъно тўғри бўлади:

Менга бода кемасин тезда кетур, дилбарсиз
Ғамдан оқмоқда кўзим бурчида нахри Жайхун.

Байтнинг форсчаси қўйидагича жаранглайди:

Киштии бода биёвар, ки маро бе рухи дўст
Гашт ҳар гўшаи чашм аз ғами дил дарьёе (188).

Мазмуни: «Май кемасини келтирки, дўстнинг юзисиз кўнгил ғамидан кўзимнинг ҳар бир гўшаси бир дарёга айланди».

Қўринадики, аслиятда Жайхун ҳақида сўз йўқ. Умуман, дарё тўғрисида сўз боргани учун мутаржим қоғия талаби билан уни Жайхун деб кўя колган. Ҳар нечук, шеърларида Самарканду Бухорони тилга олган Ҳофиз учун Жайхун ҳам бегона эмас-да.

Маълумки, рубойи ҳазаж баҳрининг ажрам ва аҳраб тармоғида ёзилади. Мумтоз шеъриятда бу коида тусини олган ва бошқа вазнга

солинса, у рубоий дейилмаган. Мазкур қоида шөрниятн арузда ривожланган, рубоийнавислик тажрибасига ҳам эга ўзбек адабиёти учун ҳам ўз кучида қолиши керак. Бизда эса ушбу анъана ва қоида билан ҳисоблашилмай, рубоийлар ётпасига бармок вазнида таржима қилинди. Ҳолбуки, рубоий таржимачилиги тарихини бошлаб берганлардан бири – Ҳуршид анъанавий йўлдан чекинмаган эди. У Ҳофиз рубоийларидан 23 тасини ўз арузий вазни билан ўтирган. Шу ўринда, арузда бажарилганига қарамай, Ҳуршид таржималарининг тили замонавий, архаик сўзлар, баландпарвоз жумлалардан холи, содда ва ҳалққа тушунарли эканини айтиб ўтиш керак.

Ҳакикат киёса очилади, дейдилар. Ҳуршид таржималарининг афзаллигини кўрсатиш учун Ҳофиз рубоийларидан бирининг икки таржимасини кўриб чиқайлик:

Ёри чу накард баҳти шўрида чи суд?
Шоди чу надид ин дили ғамдида чи суд?
Он мардуми дида буд.к-аз дида бирафт,
Чун мардуми дида нест, дар дида чи суд? (212)

Ҳуршид таржимаси:

Не фойда у баҳтданки, килмас имдод,
Не фойда у дилданки, сира бўлмас шод.
Ул эрди кўзим кароси – кетди кўздан.
Не фойда у кўздан эса нури барбод (213).

Ш. Шомухамедов таржимаси:

4 3 3
Баҳтим каро бўлмаса ёр не фойда?

5 3 3
Шодлик кўрмаса дил афкор не фойда?

6 5
Кўзим мардуми ҳам ундан кетибдир,

6 2 3
Кўз агар мардумсиз, не бор, не фойда!¹

Ҳофиз рубоийси ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи мажбуб вазнида ёзилган бўлиб, Ҳуршид уни ҳазажи мусаммани

¹ Ҳофиз Шерозий шеърниятидан. 89-бет.

аҳраби солими абтар билан ўгиради. Ш.Шомухамедов эса гарчанд 11 ҳижоли бармоқ вазнида таржима килган бўлса-да, сатрларнинг ритми бир-бирига ўхшамайди. Чунки мисраларнинг ҳар бирида бўғинларнинг турлича гурухланиб келиши турокларнинг ҳам ранг-баранг бўлишига олиб келган. Бу эса, ўз навбатида, сатрларнинг ўзаро фарқланишини кептириб чикарган. Ҳолбуки, «шеърда сўзнинг маъносигина эмас, ҳатто ундаги бўғинлар сонию жаранги ҳам ҳисобга олинади»¹.

Ш.Шомухамедов таржимаси нафакат шаклий, балки мазмунга боғлик камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, илк мисранинг маъноси: «Менга мададкорлик килмаса, унака шўр баҳтдан нима фойда?» бўлиб, мутаржим уни: «Агар каро бўлмаса, бундай баҳтдан не фойда?» тарзида тескари мазмун ва ғалати мантиқ билан тилимизга ўтказади. Ҳар ҳолда, матндан шу маъно англашилиб турибди. Иккинчи сатр эса ғализ ва мавхум. Учинчи сатр ҳам тушунарсиз: «Кўзим мардуми ҳам ундан кегибидир». Қаердан? Бундан ташкари, «мардум» сўзининг «қорачик» маъноси ҳозирги ўкувчи учун нотаниш. Ҳолбуки, кейинги байтнинг мазмуни мана бундай: «У кўзимнинг корачиги эди-ю, кўзимни тарқ этди. Қорачиксиз кўздан нима фойда? Яъни. корачиксиз кўз кўз бўлмаганидек, Усиз хаёт ҳам хаёт эмас».

Хуршид эса, кўриниб турганидек, вазни – вазн, мазмунни – мазмун, оҳангни – оҳанг билан бера олган: аслиятга ҳар томонлама муқобил таржима яратган. Боз устига, рубойи арузда бўлишига қарамай, соф ўзбекча.

Бугина эмас. Хуршид ўзининг арузда бажарилган соф ўзбекона таржималари билан ҳозирги ўзбектилихамарузталабларигажавоб беришни памалдаисбот этди.

У ёки бу асарнинг мазмунини иккинчи бир тилда кайта яратишнинг ўзи етарли эмас. Уни ўша тилда жаранглата олиш, таржима килинаётган ҳалқ адабиёгининг адабий ҳодисасига айлантириш лозим. Таржимадан асл мақсад аслида – шу. Ҳофиз ғазаллари таржимасида Хуршид бу вазифанинг улласидан чиккан.

Хуллас, Хуршид сиймосида Ҳофиз ўзининг ўзбек таржимонини топган. Бу ғазаллар таржимасида Хуршид нафакат мутаржимлик, балки шонрлик маҳоратини ҳам намоён этган. Бу таржималарда унинг ижодкорлик истеъоди, маҳоратининг янги кирралари очилган.

¹ Олимов С., Матёкубо А. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари. – Тошкент, 1989. 37-бет.

Хуршид Ҳофизнинг ўнлаб газалларини киёмига етказиб таржима килганки, улар ҳакли равишда мазкур олтин фонддан жой олишга муносиб. «Аё, сокий, суниб жоминг, кил эхсон, яшнасин диллар», «Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони», «Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиrimиз», «Сокиё, кел энди сунғил жомни», «Дўстлар базми висолин эсда тут», «Ҳар нечаким, юзларинг ой, кунга нисбат килдилар», «Юзингдек ёркин ой осмонда хам йўқ», «Ул кимки, эхсон йўлидан менга вафодорлик килур», «Сарви равоним не учун килмайди ҳеч майли чаман», «Домлалар минбар уза сўз килса такрор ўзгача», «Қўл тортмағум тилакдан, лутф этмагунча дилбар», «Лабларингдан куттган орзу бўлмади комим ҳануз», «Бу жаҳон гулшанида ул юзи гул раъно бас», «Ажаб Шерозким, йўқdir мисоли», «Кел энди, гул сочиб ҳар ён, кадаҳ қўлда ўтургаймиз», «Мен эмасдурман у ринд тарки маю дилдор этай», «Чолғучи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил», «Хиркамни гаров қўйгум, бир коса шароб авло» каби ўнлаб гўзал таржималар фикримизнинг исботи.

Унутмаслик керакки. Хуршид таржималари шўро даврида амалга оширилган ва кизир мафкуранинг таъсиридан холи эмас. Айтайлик, мутаржим Ҳудо сўзини камрок ишлатишга, тарикат, ҳаробот, мухтасиб каби диний-тасаввуфий сўзлардан имкони борича қочишга, улар англатган маънени бошқа сўзлар ёрдамида ифодалашга интилади. Мисол учун, мухтасибни – ман киувчи, факиҳни – донишманд деб олади. Ҳолбуки, бу сўзлар истилоҳ сифатида мумтоз шеъриятдан кенг ўрин олган ва уларнинг ўрнини алмаштириш макбул эмас.

Ёки мискин, ғариб сўзларини кўпинча шўро даврида камбагал, юпунларга нисбатан кўлланган йўксул сўзи билан ифодалайди. Мумтоз шеъриятда улар камбагал, қашшоқ эмас, балки бечора, ёлгиз, бенаво, хоксор каби маъноларда кўпинча ошикнинг сифати бўлиб келади. Бинобарин, йўксул мискин, ғариб сўзларининг ўрнини босолмайди. Ёки дарвеш сўзи аксар тарикат йўлига кирган сўфий-орифларни билдирадики, уни хам йўксул деб олиш мумкин эмас. Ҳатто факирни-да йўксул деб бўлмайди. Шунингдек, тасаввуфий тушунчаларни ифодалashi жиҳатидан «пашминапўш»ни – «эски чопон», «хирка»ни – «маллатўн» дейиш хам ўзини окламаган. «Хушманд»ни – «эслик», «ҳушни тарқ этиш»ни – «аклни камайтириш» деб ўзбекчалаштирилиши ҳам шоирнинг ё тасаввуф таълимотидан етарлича хабардор эмаслиги ёки эътиборсизлиги оқибатидир. Зоро, «бехуд»лик бу адабиётда таржимон талқин килганидай, «эсини йўқотиш» маъносида кўлланмайди. Шунингдек,

майхона, майкада сўзлари ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам фаол сўзлардан ҳисобланадики, уларни «май уйи» деб олиш тӯғри эмас. Ҳофизнинг машҳур ғазалидаги «ишқи нотамом» иборасини мутаржим «нуконли ишқ» деб ўғиради. Аслида у «номукаммал ишқ» маъносида кўлланган.

Тахлиллар Ҳофиз ғазаллари таржимасида бир қатор муваффакиятларга эришилганини қарамай, камчиликлар ҳам кам эмаслигини кўрсатади.

Халкимиз азалдан Ҳофиз билан Навоийни, Фузулий билан Бедилли тенг кўриб, баб-баравар мутолаа килиб келган. Ҳусусан, ҳофизхонлик ва бедилхонлик машҳур бўлган. Форсий адабиётга муҳаббат ҳозир ҳам баланд. Факат энди бу адабиёт намуналарини таржима ёрдамида «ҳатм» киласиз. Демак, таржималаримиз аслиятга мувофик келиши керак. Шу маънода, Хуршиднинг Ҳофиз ғазаллари ва рубоийлари таржимаси борасидаги хизматларини камситмаган ҳолда, айтмокчимизки, шоир асарларининг тўла ва мукаммал таржималарини амалга ошириб, жаҳон адабиётининг забардаст намояндаларидан бўлган Ҳофиз Шерозий шеъриятидан халкимизни чинакам маънода баҳраманд қилишимиз лозим. Бугина эмас. Ҳофиз ғазалларига кўплаб шарҳлар ёзилганки, уларни ҳам таржима ва изоҳлар билан ўзбек тилида нашр этсак, бу нафакат Ҳофиз ижоди, балки умуман мумтоз Шарқ адабиётини тобора теранрок англашимиизга хизмат қиласи.

4.2. ЖАМОЛ КАМОЛНИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ

Жаҳон сўз санъати дурдона асарларининг ўзбек тилида жаранглashi – ватан адабиётининг ютуғи. Айни жиҳатдан биз ҳар қанча фахрлансак арзиди. Чунки дунёга машҳур асарларнинг асосий кисми аллакачон халкимизнинг маънавий мулкига айланди. Бу борада Ўзбекистон халк шоири, серқирра ва сермаҳсул таржимон Жамол Камолнинг хизматлари бекиёс. У бир неча таржимон умри бўйин кила олиши мушкул бўлган кенг кўлам ва катта микёсдаги таржималарни бир ўзи амалга ошири – 30 га яқин алоҳида асар ва 20 дан ортик шоир шеърларини ўзбекчалашибтириди.

Албатта, Жамол Камол серқирра истеъодод соҳиби – у элизимиз ардоғидаги ҳассос шоир, у – нукгадон адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди. У – кенг қамровли ва сермаҳсул таржимон. У бу соҳаларнинг барчасида ҳам эътиборга сазовор ютукларга эришган.

Лекин салмоғи ва аҳамиятига кўра таржима унинг ижодий фаолиятида етакчи ўрин тутади.

Жамол Камол бадиий ижодда фақат лирик турда ижод қилган – шеъру достонлар, газалу рубойлар ёзган шоир бўлса, таржимада унинг янгидан-янги кирралари намоён бўлиб, ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида шеърий, насрый ва драматик асарларни бирдай маҳорат билан таржима қилиб келмоқда.

Таржимонлар бор – фақат бир тилдан таржима қилади.

Таржимонлар бор – факат бир адабиёт таржимасига ихтиносослашган.

Таржимонлар бор – бир тур ёки жанрдаги асарлар таржимаси билан шуғулланади.

Таржимонлар бор – фақат ўзига яқин услубдаги адиллар асарларини ўгиради.

Жамол Камол эса бир неча тилдан – рус, инглиз, форс, тожик, турк, озарбайжон тилларидан таржима қилади.

Рус тилидан – А.С.Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери» кичик фожнаси, Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романи, француз классицизмининг йирик намояндаси Буалонинг «Шеърий санъат» асари, латиш шоири Ян Райниснинг «Ок тулпор» драматик эртаги, немис адаби Бертольд Брехтнинг «Сичуандан чиққан меҳрибон» драмаси, Шандор Патефи (венгер), Леся Українка (украин), Максим Танк (белорус), Николай Грибачев (рус), Фридон Холвashi (грузин) шеърларини ўзбекчалаштириди.

Озарбайжончадан Баҳтиёр Ваҳобзоданинг «Фарёд» тўплами ва «Шаби хижрон» достони, Халил Ризонинг «Самарқандим» шеърини, турк тилидан Ҳазрат Алининг девонини, тожик тилидан Сотим Улуғзоданинг «Фирдавсий» романи, Гаффор Мирзонинг «Давлат тожи» лирик достонидан «Ошиқ дил рози» номли каттагина парчани ўгириди.

Инглиз тилидан – буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг жаҳон драматургиясининг гултожлари бўлмиш «Қирол Лир», «Ҳамлет», «Макбет», «Афиналик Тимон», «Ромео ва Жульєтта», «Отелло», «Кориолан», «Юлий Сезар», «Венеция савдогари», «Қиши эртаги», «Қирол Генрих VI», «Антоний ва Клеопатра» каби 12 та драмасини¹, шунингдек, Билқиз Аладиннинг Будда, Мусо, Исо ва

¹ Булардан учтаси – «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Венеция савдогари» драмаларини аввал русчадан таржима қилиб, кейинчалик уларни инглизча нусхасига киёсан қайта кўриб чиққая. – Э.О.

Мухаммад сингари пайғамбарларга бағишланған киссаларини, «Ақбар ва Бирбал» ҳикоятларини маҳорат билан тилимизда жаранглатди. Яқинда Шекспир сонетлари таржимасини ниҳоясига етказди.

Форс тилидан – Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абдуллоҳ Анзорий, Ҳаким Саноий, Адіб Собир Термизий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Нажмиддин Кубро, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулкодир Бедил рубоийлари, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат муazzзам «Маснавий маънавий»си, Шайх Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Асрорнома» достонлари, Абдураҳмон Жомий ғазалларини ўзининг арузий вазни билан ўзбек тилида янграта олди.

У Шарқ сўз санъати дурдоналарини ҳам, Ғарб адабиёти баркамол намуналарини ҳам қиёмига етказиб таржима қилиб келаяпти – рус, инглиз, француз, латиш, форс, тоҷик, турк, араб, озарбайжон адабиётидан қылган таржималари бунинг ёркин далилидир.

Жамол Камол таржималари жанр жиҳатидан ҳам чегараланмаган – у роман, кисса, ҳикоят, драма, достон, ғазал, рубоий, сонет, эртак, ривоят каби кўплаб жанрдаги асарлар таржимасида қаламини синааб кўриб, уларнинг барчасида муваффакиятга эришган.

Услуб жиҳатидан ҳам таржимоннинг ижодий куввати чексиз бўлиб, мумтоз, замонавий, ҳалкона, содда ва мураккаб – барча услугбади асарлар таржимасига қўл урган ва ҳамиша муаллиф услугбини таржимада кайта яратса олган. «Услублар якин келиб колганда яхши таржима ато этиш – бир қобилият, бироқ турфа характерли услубларга ҳам калит топиб, яхши таржималар бунёд этиш – яна бошқа маҳорат, таъбир жоиз бўлса, таржимавий маҳоратнинг олий даражаси»¹.

Дарҳақиқат, Жамол Камол Шекспир ва Пушкиннинг ок шеърда ёзилган фожиаларини ҳам, Ибн Сино, Умар Хайём ва Мирзо Бедилларнинг теран фалсафа ва юксак бадиият омухта пурмаъно рубоийларини ҳам, Румий ва Атторларнинг исломий ғоялар, тасаввуфий карашлар ҳассослик билан назм риштасига терилган ирфоний достонларини ҳам, Буалонинг «Шеърий санъат» номли адабиёт назариясига оид шеърий асарини ҳам, Ян Райниснинг болаларга бағишланған «Оқ тулпор» номли шеърий драматик

¹ Саломов F., Комилов Н., Жўраев Т. Бадиий таржиманинг тараккиёт тамойиллари // «Таржима санъати» (Мақолалар тўплами). 6-китоб. Тошкент, 1985. 33-бет.

эртагини ҳам, Радий Фиш ва Сотим Улуғзодаларнинг тарихий романларини ҳам уларнинг руҳига кириб, услугуга қалит топиб, мувофиқ шаклда аслиятга муносиб таржима килишининг улдасидан чиккан.

Шу тарика, у «рус, турк, озарбайжон, форс-тожик ва инглиз тилларини пухта ўзлаштирган, нафосатини теран хис қила биладиган полиглот таржимон сифатида нафакат ўз она-Ватанида, балки Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия. Озарбайжон ва Тожикистон сингари мамлакатларда танилдики, буни унинг мазкур таржималари учун Туркия жумхурияти Маданият вазирлигининг Жалолиддин Румий олтин медали ҳамда Эрон Ислом Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланганлиги»дан¹ ҳам билса бўлади.

Ҳеч муболағасиз, Жамол Камол бир неча тиллар, ҳар хил адабиётлар, турли жанрлар, ранг-баранг услублардаги маҳорат билан амалга оширилган «қўй ва ҳўй» таржималари билан ўзига ўлмас хайкал қўйиб улгурди.

Жамол Камол таржималарининг ютуғи унинг сиймосида шоирлик, ёзувчилик, олимлик, таржимонлик каби бир неча истеъдоднинг ўзаро омухта бўлиб кетгани. ҳар томонлама кенг ва чукур билимга эгалиги, бир неча тилни билиши. Шарку Ғарб, мумтоз ва замонавий адабиётнинг асосий услублари, ўзига хос хусусиятларидан ҳабардорлиги, ўзбек тилини бутун маъно товланишлари билан ишга солиши каби омиллар билан белгиланади.

Жамол Камол таржималарида ажаб бир шаркона рух, туркона оҳанг, мумтоз ва замонавий лисоннинг гўзал бир тарзда уйғунлашувидан хосил бўлган ширали тил мавжуд. Айнан ширали тил, ҳассос рух, жозибали оҳанг, равон услубда амалга оширилиши ва ўзбек тилида ҳам худди аслиятдагидай жаранглаб чикиши уларнинг мұваффакияти ва ўқишилигини таъминлайди. Аслида таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, у худди ватан адабиёти намунасидай ўқилса, чинакам таржима бўлади.

Ағсуски, кўп ҳолларда таржимага таржима деб қаралади. Муносабатта қараб, таржима ҳам ўзига яраша бўлади. Бундай таржималарда фикр мавхумлашиб, маъно охиригача очилмай колади, услуб ғализ ва тўмтотк, сўзлар ўз ўрнига тушмаган – ўқиганда ҳар кадамда қоқиласиз. Буюқдан-буюқ адилларнинг асарлари нўноқдан-нўноқ ҳаваскор қаламкашнинг машкларидай таассурот уйғотади.

¹ Сафаров О., Шарипова Л. «Аср билан видолашув» // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 5-сон, 101-бет.

Абдулла Каххор таъбирини сал ўзгартириб айтса, бу тилда ёзиб бўлмайди. факат таржима қилиш мумкин.

Жамол Камол таржималарини эса ўқувчи худди етук ўзбек алибининг баркамол асаридай сира кокилмай ўкийди, унинг таржималигини ҳам баъзида унутиб кўяди. У таржима килган Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романининг адабий-маънавий хаётимизда қанчалик воқеа бўлганини эсланг. Атокли шоира Зулфия: «Буни Радий Фишнинг ўзи ўзбекча ёзган!» – деб бежиз лутф этмаган эди.

Жамол Камол сўзни, унинг нозик товланишларини чукур хис этади. Моҳир заргар сингари сўзларни танлаб. уларни узукка кўз кўйган каби жойлаштириб чикади.

Жамол Камолнинг барча таржималари – рубоийлардан тортиб «Маснавий маънавий»гача адабий ҳаётда воқеа бўлган. Жумладан у 9 нафар форс-тожик сўз санъаткорининг 333 та рубоийсини маромига етказиб таржима қилган. Мумтоз адабиётни, рубоийнавислик анъаналарини чукур билиши бу борада унга ниҳоятда қўл келган. Мазкур таржималарда форсий ва туркий рубоийнавислик руҳи билан бирга, замонавий шеърият оҳангини ҳам дарк этамиз, нафакат муаллиф, балки мутаржим услубини ҳам хис киламиз – улар ўзаро уйғунлашиб кетган, бир-бирини тўлдирган. Жамол Камол бу рубоийларни нафакат арузда, балки рубоийнинг ўз вазнида ўзбекчалаштирган.

Маълумки, ҳар қандай бадний асар факат ғоявий мазмундан эмас, балки эстетик маънодан ҳам иборат бўлади. Ғоявий мазмун унда тасвиirlанган воқеа-ходиса, илгари сурилган фикр бўлса, эстетик маъно унинг «ўқувчидаги колдирадиган таъсири, нашъу намоси, кайфияти, завку сафоси воситасида туғдириладиган ғоя»дир¹. Шундай экан, «шеърий таржима ҳақида гапирганда. м а з м у н н и г қ а н д а й с а қ լ а н г а н и г а² эмас, балки э ст е т и к м а ъ н о к ай даражада қ айт а я р а т и л г а н и г а қараб баҳо бериш лозим»³. Жамол Камол таржималарида ғоявий мазмун тўлақонли акс этибгина қолмай, айни пайтда, эстетик маъно ҳам ҳамиша аслиятта қойилмаком ҳолда кайта яратилади. Чунки у факат мазмунни кайта яратиш билангина

¹ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Маколалар тўплами). З-китоб. Тошкент, 1976. 120-бет.

² Барча таъкидлар макола муаллифига тегишли. – Э.О.

³ Саломов F., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Маколалар тўплами). З-китоб. 119-бет.

кифояланиб қолмай, шаклни ҳам, бадий тасвир воситаларини ҳам хамиша сақлаб қолишга интилади.

Албатта, таржимон таржимада аслият мазмуни ва гоясини беришни бирламчи вазифа деб хисоблайди ва шунга ҳаракат қиласиди. Лекин шу ғоя ва мазмун қандай ифодаланган – муаллифнинг услуби, бадий тасвир воситалари, асарнинг композицион курилиши, жумлаларнинг тузилиши, сўз танлаш, турли приёmlардан фойдаланиш – буларнинг бари асарнинг таъсирчанлигини оширадиган шаклий воситаларга киради.

Олти дафтардан иборат “Маснавийи маънавий”дай муazzам асарни аслига мувофиқ жаранглатиб таржима килиш билан Жамол Камол ўзбек адабиётида бир алп пахлавоннинг ишини амалга оширеди. Буюк сўз санъаткорининг юксак бадиият билан омухта кўйма байтларининг кўпчилиги ўзбекчада ҳам равон ва таъсирчан чиққанлиги мутаржимнинг муаллиф панжасига муносиб панжа ура олганидан далолат беради. Чунончи:

Вакти сиҳҳат жумла ёранду ҳариф,
Вакти дарду ғам ба жуз Ҳак ку алиф?¹

Соғ эканда барча дўсту ошно,
Хасталик етганда дўстинг бир Худо².

«Маснавийи маънавий» рамали мусаддаси максур (маҳзуф) вазнида яратилган бўлиб, таржимон уни айни вазнининг ўзи билан аслига мувофиқ таржима қилган. Келтирилган мисолда таржима нафақат маъно жиҳатидан, балки сўзма-сўз форсчасига мос (факат “дарду ғам” иборасини “хасталик” деб олганки, аслида уни айнан колдирса ҳам бўларди).

Маълумки, таржимада у ёки бу даражада курбонлик бермасликнинг иложи йўқ. Бу таржимашуносликда компенсация килиш, яъни берилган курбонликнинг ўрнини тўлдириш, товон тўлаш дейилади. Бунда таржимон бирор ибора ёки тасвирий воситани айнан кайта яратолмаса, унинг ўрнини бошқа нарса билан тўлдириш, шу тарика берилган курбонликнинг бадалини тўлашга ҳаракат қиласиди.

¹ Маснавийи маънавийи Мавлоно Жалолиддин Мавлавий. Аз рўи нусхай Р.Никулсон. Техрон, 1380 (хижрий-шамсий). С. 871.

² Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Бешинчи китоб. Техрон, 2004. 290-бет.

Чунончи, Жамол Камол юкоридаги байтда “Дарду ғам вактида бир Худодан ўзга суюнч қайда” риторик сўрогини тасдик гапга айлантириб юборган бўлса, қуидаги байтда аксинча, тасдик гапни риторик сўрока айлантиради:

Гар шавад беша – қалам, дарё – мидод,
“Маснави”ро нест поёни умид¹.

Бўлса гар ўрмон – қалам, дарё – сиёх,
“Маснавий” назмига етгайму адо².

Кўриниб турибдики, “ўрмон қаламу дарё сиёҳ бўлганида ҳам “Маснавий”ни охирига етказиш умиди йўқ” мазмунидаги фикр таржимада “Агар ўрмон қаламу дарё сиёҳ бўлганида ҳам “Маснавий” назми охирига етадими” тарзида таржима килинган.

Жамол Камол машҳур мутасаввиф шоир ва авлиё Фаририддин Атторнинг уч муazzам асари – «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Асрорнома»ларни ўз арузий вазнида аслиятга мувофиқ таржима килиб, Аттор асарлари таржимасини бошлаб берди, ўзбек ўқувчиларини илк бор бу буюк илоҳий ишқу маърифат кўйчиси асарлари билан танишитирди, Аттор деган бекиёс оламга йўл очди. Бундай дейишимизнинг сабаби шўро даврида Аттор мистик шоир сифатида кораланиб, унинг бир мисра шеъри ҳам таржима килинмаган, у ҳақда бирор-бир тадқикот ҳам олиб борилмаган. Айни жиҳатдан Жамол Камол Атторнинг ўзбек адабиётидаги кашшофи бўлди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки биз Аттор деган забардаст бир сўз санъаткори борлигини, ўзидан кейинги Шарқ, жумладан ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказганини, Алишер Навоийнинг шеъриятдаги устозларидан бири, маънавий раҳнамолари қаторидаги буюк зот эканлигини билсак-да, кўплаб мумтоз шоирларимизга илхом берган адабий сарчашмалардан биридан мутлако бехабар эдик. Айтайлик, «Лисон ут-тайр»ни мутолаа қилас, тадқик этар эдигу унинг пайдо бўлишига сабаб бўлган «Мантиқ ут-тайр»ни билмасдик. Адабиётимиздаги ана шу улкан бўшлиқни Жамол Камол тўлдирди.

Аттор асарларини ҳам шоир-таржимон қиёмига етказиб таржима килган. «Аттор сўзларининг рухи, фикрларининг ёлкини, тасвиридаги

¹ Маснавий маънавий Мавлоно Жалолиддин Мавлавий. С. 1019.

² Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. 6-китоб. Техрон, 2004. 202-бет.

таъсирчанлик ўзбекчада ҳам сусаймаган¹. Жумладан, «Мантиқ ут-тайр» рамали мусаддаси максур (маҳзуф) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни айни вазнининг ўзи билан таржима килиш орқали таржимада шакл ва мазмун бирлигини саклай олган. Чунончи:

То чу бар ту айби ту ояд гарон,
Набудат парвои айби дигарон².

Кўз очиб, кўрсайдинг айбингни агар,
Ўзгалар айбига солмасдинг назар³.

Таржимада биргина «гарон» сўзининг маъноси акс этмаган (бу сўзининг маъно доираси кенг бўлиб, бу ерда у кўп, катта, зиёда, фаровон маъноларида келган). Лекин у таржиманинг сифатига деярли дахл килмаган. Чунки «айбинг кўплигини кўрсайдинг» билан «айбингни кўрсайдинг» жумлалари ўртасида кескин тафовут йўқ. Сабаби бу ерда кўзда тутилган асосий мақсад инсоннинг ўз айбини кўриши бўлиб, кўп, ортиқ маънолари бор-йўғи фикрни бир оз кучайтиришга хизмат қилаяпти, холос. Яъни биргина сўзининг таржимада акс этмагани билан унинг қиммати заррача пасаймаган.

Бадиий таржимада ҳар бир сўзининг акс этган-этмаганлиги эмас, балки маънонинг аслиятга канчалик мувофик ҳолда қайта яратилганлиги ҳисобга олинади ва бунда баъзи сўзларнинг ўзгаришга учраши, алмаштирилиши ва хаттоки тушиб қолиши ҳам табиий ҳодиса сифатида каралади.

«Илохийнома» ва «Асрорнома» достонлари эса ҳазажи мусаддаси маҳзуф (максур) вазнида ёзилган бўлиб, Жамол Камол уларни ҳам ўз вазни билан аслиятга мувофик таржима килган. Чунончи, «Асрорнома»да ўқиймиз:

Чу себеро, ки андар хулд бишкофт.
Тавони, дар миёнаш хури айн ёфт⁴.

¹ Хаккул И. Аттор кашф эттан асрор (Сўзбоши) // Шайх Фаридуддин Аттор. Асрорнома (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2008. 32-бет.

² Шайх Фаридуддин Аттор Нишибурий. Мантиқ ут-тайр. Техрон, 1376 (хижрий-шамсий). С. 204.

³ Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр (Форсийдан Ж.Камол таржимаси). Тошкент, 2006. 266-бет.

⁴ Аттор. Асрорнома. Техрон, 1386 (хижрий-шамсий). С. 118.

Мазмуни: «Агар жаннатда олмани ёра олсанг, унинг ичидан кора кўзли хур топасан».

Биҳиштда олмани ёрсанг мабодо,
Кўзинг ўнгидаги хур бўлгуси пайдо¹.

Айтиш мумкини, бу таржима ҳар жиҳатдан аслиятга койилмақом. Тўғри «бишкофт тавони» – «ёра олсанг» ибораси «ёрсанг» феълига айланган, лекин «мабодо» боғловчисининг кўшилиши тушиб колган «олсанг»нинг ўрнини босган. Чунки «ёра олсанг» сўз биримасида айнан шарт маъноси мавжуд бўлиб, «мабодо» шарт майли боғловчиси уни кошлаган.

Шеърий таржима – бадий таржиманинг энг қийин ва мураккаб хили. Муқобил вазн топиш, кофия, раиф, бадий санъатлар – буларнинг барчасини бошқа тилда аслига мувофиқ яратишнинг ўзи бўлмайди. Ҳолбуки, таржимада мисра мазмунини мисрага сингдиришининг ўзи баъзида таржимонни қанчалик қийнашини бу азобни бошидан ўтказмаган кишининг ҳис қилиши ва англаб етиши қийин: бир мисрада ифодаланган фикрни гоҳ таржимага бир мисра килиб ўгириш имконияти топилса, гоҳ бунинг сира-сира иложи йўқ – аслиятда бир сўз билан ифодаланган маънени баъзан икки ёки уч сўз билан ифодалашга тўғри келади, гоҳ бир ёки икки бўғинли сўз бошқа тилда уч ёки тўрт бўғинга чўзилади. Лекин вазнни бузиб, ёки бир мисрани икки мисра килиб ўгириш мумкин эмас. Ана шунда таржимоннинг истеъдоди, маҳорати ва тажрибаси ёрдамга келади, сўзни қанчалик ҳис қилиши, бадий таржима қонуниятларини қанчалик билиши, аслиятни қанчалик тушунгани ва ўзлаштиргани, тўғри талқин эта олиши аскотади ҳамда контекстдан келиб чикиб, зарур сўзларни нозаруридан ажратишда адашмайди, муҳимни номухимга курбон қилмайди. Масалан:

Дил дар ин дунёи дун бастан хатост,
Доман аз вай зуд барчини равост (10).

Бойламак дунёга кўнгилни хато,
Силкимак андин этакларни раво.

¹ Шайх Фаридуддин Аттар. Асрорнома. 97-бет.

Бу байт таржимасида иккита сўз тушиб колган: биринчи мисрада дунёни мазаммат этиб келган дун – тубан сифати, иккинчи мисрада зуд – тез равиши. Кейинги байтда ҳам дунё айни сифат билан таърифлангани учун бу ерда унинг тушиб қолгани жилла билинмаган. Қолаверса, этак силкмак билан уни тез силкмак ўргасида катта ва жиддий тафовут йўқ. Бинобарин, айни байт таржимасини ижобий баҳолаш мумкин. Албатта, бунда “этак” сўзини бирликда қўллаб, “Силкимоқ ундан этакни тез рано” деб ўзбекчалаштириш ҳам мумкин эди. Лекин бу насиҳат ўғил баҳона аслида барчага қартилгани учун у ҳам айни ўринда ўзини оқлаган.

“Уштурнома” рамали мусаддаси максур вазнида (фоилотун фоилотун фоилун – – V – – V – – V –) яратилган бўлиб, Жамол Камол уни айни вазннинг ўзи билан таржима килиш оркали нафакат мазмун, балки шакл жиҳатдан ҳам аслиятга мувофиқликни сақлаб колишга муваффак бўлган, яъни асар ўзбекчада ҳам форсчага ҳамоҳанг жаранглайди:

Жисмро аз хоку об ў офариd,
Рўҳро аз боду оташ парварид¹.

Тании ул тупрок ва сувдин этди бор,
Жонни ел бирлан оловдин устувор.

Таржима нафакат шакл, балки мазмун жиҳатидан ҳам аслиятга койилмақом: “офариd – яратди” сўзини у “бор килди”, “парварид” – “парвариш этди”, “тарбия килди”ни – “устувор этди, событ килди” деб олади ва ҳам аслиятга мувофик, ҳам ўз тилига муносиб ва гўзал ва таъсирчан таржима яратади.

Кўйидаги байт таржимасини ҳатто сўзма-сўз аслиятга мувофик дейиш мумкин:

Эй даруни жисму жон пайдо шуда,
Аз ду олам то абад якто шуда (9).

Эйки жисму жон аро пайдо ўзинг.
Икки оламда абад танҳо ўзинг.

¹ Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурӣ. Уштурнома. Ба кўшиши доктор Мехди Мұхәммәд. – Техрон: Аңжумани осор ва мағоҳири фарҳанги. 1380 (хижрий-шамсий). С. 5. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат килингандা сахифаси кавс ичиди кўрсатилади. – Э.О.

Таржимон “даруни жисм” иборасини “жисм аро” деб ўзбекча мукобилини топиб таржима килган бўлса, “якто” сўзининг маънодоши “танҳо” ҳам ниҳоятда ўрнига тушган. Албагта, адабий анъаналар аро муштаракликлар, абадий тиллар ўртасида шаклланган умумий анъаналар ва якинликлар ҳам таржиманинг муваффакиятини таъминлаган омиллар сирасига киради.

Жамол Камолнинг ўз таржималарида амалга оширган ижодий тажрибалари, кўллаган усуллари таржима амалиёти учун ҳам кўплаб тавсия тар беради. Таржимонларга таржима жараёнида у ёки бу муаммога дуч келганида уни қандай хал килиш йўлларини кўрсатади, эй муҳими, матнга ижодий муносабатда бўлиб, аслиятнинг таржимада ҳам яратилган тилидаги каби жаранглаб чикиши учун қандай йўл тутиш кераклигидан сабок беради. Чунончи:

Рози парда мардро ҳосил нашуд,
Ранж бурда ўю дар он восил нашуд (145).

Рози парда унга восил бўлмади,
Муддао йўлчига ҳосил бўлмади.

Шеърий таржимада баязи қурбонликларга, ўзгартиришларга йўл кўйилади, жумладан, мисраларнинг ўрнини алмаштириш, янги кофия топиш, бошқа сўзни радифга чиқариш мумкин. Куйидаги байт таржимасида Жамол Камол кофияларнинг ўрнини алмаштирган: “Мардга парда сири ҳосил бўлмади, кўп машаккат чекди-ю, унга восил бўлмади” деган фикр ўзбекчада “Парда сири унга восил бўлмади – йўлчига муддао ҳосил бўлмади” тарзида ўtkазилгани учун фикр оқими айни ўзгартиришни такозо этган.

Ёки:
Ҳар ки розам ёфт, ў девона гашт.
Аз хирад якбораги бегона гашт (140).

Кимки билди, бўлди бас девона ул,
Аклу ҳущдин айрилиб, бегона ул.

Маснавий таржимасининг имкониятларидан бири шундаки, у ёки бу мавзууда сўз бораётган бўлса, кейинги байтлар таржимасида, бир томондан, тақрордан кочиш, иккинчи томондан, фикрни кенгрок ифодалаш мақсадида ўша нарсани тушириб колдириш мумкин. Жумладан, олдинги байтларда сир ҳакида гап кетаётгани учун келтирилган байт таржимасида таржимон бу сўзни кискартириб кетади ва умумий контекстда бу билинмайди.

Яна:

Мезанад ҳар лаҳза баҳр из шавқ жўш;
То кунад дурри висолатро ба гўш (10).

Ҳар нафас денигиз урар соҳилга бош,
Бир нафас васлингга етсам дейди кош.

Албатта, таржима “аслига тўғри”, лекин шоир қўллаган гўзал ташбеҳ қурбон қилинган: “Денгиз то висолинг дурини кулоғига осиш мақсадида ҳар лаҳза шавқдан тўлқинланади”. “Шавқ” сўзи тушиб қолганига қарамай, илк мисра ҳар ҳолда тўғри таржима қилинган, лекин иккинчи мисранинг шунчаки мазмуни берилган. Бунда маъно тўғри акс этган бўлса-да, шеърий санъат ташлаб кетилгани учун таъсирчанлик сусайган.

Аслида таржима амалиётида бадий санъат қўлланилган мисраларни оддий таржима қилиш ҳолларига дуч келинганидек, аксинча, оддий мисраларни кучайтириб, муайян санъат ёрдамида таржима қилиш тажрибаси ҳам учраб турадиган ҳодиса. Бунинг ёрқин мисолини Жамол Камол таржималарида ҳам кўрамиз: мохир таржимон иложини топмаганда худди шундай қурбонликларга ҳам йўл кўйиши баробарида, имкони бўлгандা оддий байтларни бадий тасвир воситалари ёрдамида таржима қилиш билан уларнинг ўрнини тўлдириб кетади. Шу тарика муайян асар таржимаси мобайнида гоҳ қурбон бериш-гоҳ унинг ўрнини тўлдириш жараёни давом этиб, охир окибат муаллиф ва мутаржимнинг ўзаро баҳси, аслият ва таржиманинг мавқе талашишидан иборат бу ижодий курашда машақкатли меҳнат ва катта маҳорат маҳсули бўлган яхлит таржима асари дунёга келади.

Ишқ Одам ёфт, аз жаннат фитод,
Ишқ шўриш бар ҳама олам ниҳод (28).

Ишқ сабаб жаннатни Одам этди тарк,
Ишқ жаҳон кўкига солди гулдирак.

Байт – ижодий таржиманинг ёрқин мисоли. Таржимон сўзма-сўз таржимага ёпишиб олмай, “Одам ишқни топди-ю, жаннатни тарк этди, Ишқ бутун оламга ғавғо солди” деган мазмунни “Одам ишқ туфайли жаннатни тарк этди (яъни жаннатни тарк этишига ишқ сабаб бўлди), ишқ жаҳон осмонида момоқалдироқдай гулдирак солди” деб гўзал ва таъсирчан таржима килади. Бу ерда энди “Ишқ жаҳонга ғавғо солди” деган оддий фикр бадий санъатга ўралиб, “Ишқ жаҳон кўкига гулдирак солди” тарзида гўзал ва таъсирчан ифодасини топмоқда.

Жамол Камолнинг аксарият таржималари ана шундай юксак савия ва гўзал даражада бўлиб, улар аллақачон ўзбек халкининг маънавий мулкига айланиб ултурган, миллий адабиётимизнинг олтин фондидан жой олган. Ҳозирги ўзбек адабиётини Жамол Камол таржималарисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, Жамол Камол таржималари бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Айтайлик, араб-форс сўzlари, форсий ибора-изофаларнинг батъида меъёридан ортиқ кўлланиши, матнни бирмунча эркин талкин килиш, гоҳида аслият маъносини тўлиқ акс эттиришдан кўра таржиманинг ўзбек тилида жаранглаб чикиши учун интилиш, маънога тақалувчи айрим хато-камчиликлар, гоҳ-гоҳо мисраларнинг тушиб колиши, тасаввуф истилоҳлари ифодаси билан боғлик қатор кусурлар, баъзан миллий бўёкнинг ҳаддан ташкари қуюклашиб кетиши, Румий ва Аттор маснавийлариdek салмоқли шеърий асарларда кофиясиз байтларнинг тез-тез учраши, оч кофияларнинг кўп кўлланиши ва бошкалар шулар жумласидандир. Лекин бир мақолада барча масалаларни камраб олишнинг имкони йўклиги сабабли бу ерда биз Жамол Камол таржималарининг салмоғи, қайси тиллар ва адабиётлар, қайси жанрлар ва услублардан амалга оширилганилиги хусусида умумий маълумот бериб, таржимонлик маҳоратининг айрим кирраларигагина тўхталиб ўтдик.

4.3. “ТУХФАТ УЛ-АФКОР” ТАРЖИМАЛАРИНИНГ КИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

“Тухфат ул-афкор” – Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги энг бадиий баркамол ва машҳур қасидаси. 99 байтдан иборат салмоқли бу қасидани у Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига давобан устози Абдураҳмон Жомийга багишлаб ёзган. Ҳозирги кунда унинг Шоислом Шомуҳамедов, Абдулқодир Ҳайитметов ва Жамол Камоллар томонидан амалга оширилган уч таржима нусхаси мавжуд. Улуғ ўзбек шоирининг форсийда ҳам буюк салафлари асарлари билан бемалол бўйлашгалиган асарлар яратса олиш салоҳиятини ёркин намоён этган бу қасида рамали мусаммани максур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – – V – – – V – – – V – – – V –) вазнида ёзилган ва таржимонларнинг барчаси уни анъанавий вазнида ўзбекчалаштирганлар. Таниқли манбашунос олим Ҳамид Сулаймон ва филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафиддиновлар уни насрый таржима қилганлар.

Ш.Шомухамедов қасиданинг 60 байтини таржима килган. Бунда у асосан араб ёзувидаги ҳарф ўйинлариға асосланган мураккаб ҳамда диний-тасаввуфий мазмун бўртиб турган 39 байтни кискартириб кетган. Эътироф этиш керакки, қасида таржимаси муваффакиятли чиқмаган – унинг радифдан воз кечиб, кофия шаклини ўзгартириши ижобий натижа бермаган. Албатта, катор байтлар яхши таржима килинган – қасида матлаъси шулар жумласидандир:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли ҳом пухтан дар сар аст¹.

Подшоҳлар тожида ёлкинли лаъл бўлса безак,
Бошдаги ҳар ҳом хаёлга тоб берувчи чўғ демак².

“Шоҳлар тожини безаган қип-қизил лаъл аслида бошдаги ҳом хаёлларни пиширувчи бир чўғдир” мазмунидаги бу байт таржимада ҳам тўла акс этган. “Оташин” – оташга мансуб, ўтли дегани. Шунинг учун ҳам таржимон уни “ёлкинли” деб олади ва бу хато эмас. Бу сўзда қизил маъноси ҳам мужассам. “Пухтан” – пиширин сўзини “тоб берувчи” деб ўзбекчалаштиради. Тоблаш, равшан килиш маъноси билан у ҳам мажозан “пишириш” сўзига муқобил бўла олади. С.Рафиддиновнинг насрый таржимасида “пиширувчи” сўзига кавс ичida “етилтирувчи” сўзининг илова килиниши (248) Ш.Шомухамедов “тоб берувчи” иборасини тўғри кўллаганини кўрсатади. Таржимада “учун” кўмакчисининг тушиб колиб, ўрнига “ҳар” белгиташ олмошининг кўлланиши “ҳом хаёл” иборасининг маъносини кенгайтириб, конкретлаштирган: аслиятда умуман ҳом хаёл ҳакида гап борса, таржимада бу ҳар ҳом хаёлга нисбат берилади. Худлас, байт таржимаси аслиятга мувофик дейиш мумкин. Вазн ҳам айнан сақланган – факат учинчи руқннинг учинчи хижосида сакталик мавжуд (“лаъл” сўзи бир узун, бир киска, яъни иккى хижоли бўлиб келади).

Таниқли адабиётшунос олим Абдулқодир Ҳайитметов ҳам қасидани ўз вазнида ўзбекчалаштирган. Қасиданинг асосий кисмини у

¹ А ли ш е р Н а в о и й. Муқаммат асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 20-жилд (Девони Фоний (давоми). Қасидалар, Муфрадот. Иловалар. Тошкент, 2003. 239-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда сахифаси қавс ичida кўрсатилади.

² Инжулар уммони (Тўплам). Тошкент, 1988. 386-бет. Бундан кейин мазкур нашр ИУ тарзида белгиланиб, сахифаси кўрсатилади.

1966 йилда ўгириб, “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1966 йил 16 июль сонида эълон қилган¹. Унинг тўлиқ таржимаси “Ишқим чечаклари” номли шеърий тўпламида босилиб чиққан. У қасиданинг кофияланиш тартиби ва радифини ҳам айнан сақлаган. Бу таржима раононлик, жарангдорлик, бадиий жозиба жиҳатидан бир оз оқсаса-да, аниқликка ҳаракат қилингани билан ажралиб туради. Чунончи, юкоридаги байт таржимасида “оташин” ва “зевар” сўзларини айнан сақлаган (бунга изоҳ берган), “тафт” сўзи ва “қадар” кўмакчисини кўшган:

Оташин лаъл шоҳларнинг тожига зевар эрур,
Пишиурга хом хаёлин тафти чўт қадар эрур².

Бу байт ҳам аслиятта мувофиқ. Фақат бўлишсизлик шаклидаги “хом хаёл” бунда аниқлик касб этиб, подшоҳга нисбат берилган. Вазн жиҳатидан эса биринчи рукннинг тўртинчи (яна “лаъл” сўзи), бешинчи рукннинг биринчи хижоси (пишиурга), еттинчи рукннинг тўртинчи хижоси (“қадар” сўзининг биринчи бўғини киска ҳижо) да сакталикка йўл қўйилган.

Қасиданинг учинчи таржимаси таникли шоир ва мохир мутаржим Жамол Камол қаламига мансуб. У ҳам қасиданинг кофияланиш шакли ва радифини айнан сақлаб колган. Лекин унинг таржимасида архаик сўзлар микдори кўпроқ. Келтирилган байтда ҳам у “оташин”, “зевар”, “ахгар” сўзларини айнан қолдирган:

Оташин лаъл, улки шоҳлар тожига зевар эрур,
Хом хаёлларни пишироққа олов, ахгар эрур³.

Бу таржимада “ул” – кўрсатиш олмоши ва “олов” сўзи ортикча кўлланган. Вазнни тўлдириш учунгина тиркаладиган бундай сўзларни

¹ Бу ҳақда каранг: Шукро в Ш. Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғликлиги тўғрисида // Навоий ва адабий таъсир масалалари (Маколалар тўплами). – Тошкент, 1968.199-бет.

² Абдул-Кодир Ишқим чечаги (Шеърлар. Манзумалар. Таржималар). – Тошкент, 2002. Бундан кейин мазкур нашр ИЧ тарзида белгиланиб, сахифаси кўрсатилади.

³ Мирлишер Навоий. Фоний гулшани (Ғазаллар ва қасидалар). Форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Тошкент, 2011. 239-бет. Бундан кейин мазкур нашр ФГ тарзида белгиланиб, сахифаси кўрсатилади.

таржимашуносликда “ёрдамчи”, “навбатчи” сўзлар дейилади. Аслида “ахгар”га маънодош “олов” сўзини кўллаш билан таржимон бу ерда изоҳли таржимани ҳам вужудга келтирган, фақат бу икки сўз орасига вергул (.) эмас, тире (—) кўйиши керак эди.

Бешинчи байт ҳам Ш.Шомухамедов таржимасида яхши чиккан:

Бо даҳони хушку чашми тар қаноат кун аз он-к,
Ҳар ки конеъ шуд ба хушку тар шәхи баҳру бар аст (239).

Қақраган оғиз ва нам кўзга қаноат айлагил,
“Хўл-куруққа қонеъ ўлғон ер-сув шоҳи демак” (ИУ–386).

Ташбех, тазод, лаффу нашр каби қатор санъатлар воситасида гўзал ва таъсиричан шаклда ифодаланган бу фикр шоирнинг бадиий маҳоратини кўрсатиб турибди. Албатта, иккинчи мисра татаббуъга асос бўлган қасидадан тазмин сифатида келтирилган. Лекин Навоий ўз фикрларини усталик билан унга омухта килиб юборган: биринчи мисрадаги ҳўлу курукнинг еру сувга нисбати лаффу нашр санъатини келтириб чиқарган. Таржимада вазн ҳам сақланган, аслият маъноси ҳам сўзма-сўз кўчган. Натижада шакл ва мазмун мутаносиблиги маҳорат билан қайта яратилган.

А.Ҳайитметов таржимаси бунга нисбатан бўшрок чиккан – у “оғиз”ни “танглай” деб олади – бу аслиятга зид бўлмаса-да, унча мувофиқ ҳам эмас. Бундан ташқари, кофия бўлиб келган “баҳру бар”ни айнан колдирадики, бу ўзбек ўқувчисига тушунарли эмас:

Қил қаноат қақраган танглай ила нам кўзингга,
“Ким чидар ҳўлу курукка – шоҳи баҳру бар эрур (ИЧ–56).

“Чидамок” “қаноат қилмок”нинг маънодоши бўлса-да, улар ўртасида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, бу ерда айнан “қаноат” сўзи тақозо килинмоқда, чунки байтда бардош бериш, сабр этиш, токат қилиш ҳақида эмас, балки рози бўлиш, кўниш, нафсни жиловлаш, ҳою ҳавасга қул бўлмаслик, тамадан узок бўлиш ҳақида гап бормоқда.

Ж.Камол эса байтни анча эркин талқин қиласи – таржима ҳикматли сўздай жаранглагани билан аслиятга мувофиқ эмас:

Бурда нону бир ютум сувга қаноат кил мудом.
“Ким қаноат айлагай, ул шохи баҳру бар эрур” (ФГ–239).

Байтда қуриган оғиз – ёшли кўзга, ҳўл қурук еру сувга қарши кўйилган бўлса (тазод), қуриган оғизнинг ерга, ёшли кўзнинг сувга нисбати мавжуд (лаффу нашр). Таржимада бу санъатларнинг барчаси йўқка чикқан. Чунки қуриган оғиз ҳам, ёшли кўз ҳам, ҳўлу қурук ҳам ташлаб кетылган. Бунинг ўрнига қаноат сўзи ва унинг талабларига урғу берилган: қаноат ҳакида гап кетаяптими, ўз-ўзидан нону сувга қаноат килиш керак. қаноат қилган киши эса бутун дунёнинг султони бўлади.

Тўғри, байт қансатнинг афзаллиги – шохликка тенглиги ҳакида. Бу фикр ўзбекча таржимада ҳам акс этган. Лекин қандай акс этган? Ҳамма гап шунда: аслиятда санъатлар воситасида ифодаланган бадий баркамол байт таржимада оддийгина хикматли сўзга айланиб қолган.

А.Ҳайитметов ҳам қасидани анча маҳорат билан таржима қилган. У иложи борича матн мазмунини тўлик ифодалашга, шоир фикрини бутун кирралари билан акс эттиришга, бирор-бир жиҳатни кўздан кочирмасликка интилган. Чунончи, кўйидаги байт таржимаси аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан мувофиқлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Нест саргардони баҳри ишқро ҳожат ба қайд,
Киштийи гирдобро гирдоб некӯ лангар аст (241).

Ишқ баҳри ичра сарсонларга ҳожатмас киshan,
Тушса гирдобга кайиқ, гирдоб ўзи лангар эрур (ИЧ–58).

Алишер Навоий қасидада кўплаб бадий санъатлардангина эмас, араб алифбосига хос ҳарф ўйинларидан ҳам маҳорат билан фойдаланган. “Навоий бу қасидада ўз муддаосини сўзнинг очик маъноси билан ифода қилган ҳолда, кўп байтларда ўша муддаони сўз ўйини – муаммо йўли билан ҳам таъкидлайди. Бу хилдаги сўз ўйини XV аср форс-тожик адабиётида катта ҳунар саналар эди”¹. Чунончи:

Ранги зарди ошиқи фоний бувад аз тири ишқ,
Ҳамчу сафро, к-аш алиф шинад ба паҳду асфар аст (241).
А.Ҳайитметов уни қуйидагича таржима қилган:

¹ Садриддин Айнӣ. Алишер Навоий ва тожик адабиёти // Танланган илмий асарлар. – Тошкент, 1978. 100-бет.

Сарғарар бечора ошиқнинг юзи ишк ўқидин,
Гар алиф “сафро”да ўтса олдига, асфар эрур (ИЧ–58).

Байтнинг мазмуни “Сафро сўзининг ёнида (олдида) “алиф” ҳарфи турса, у “асфар” (“сарик”)га айланганидек, фоний ошиқнинг ранги ҳам ишк ўқидан сарғайган” бўлиб, бу фикр иккала насрый таржимада ярқ этиб чикмаган. Айтиб ўтганимиздек, “Тухфат ул-афкор”нинг икки насрый таржимаси ҳам мавжуд. Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик Асарлар тўпламида у 94 байт ҳажмида берилган бўлиб, насрый таржимаси Ҳ. Сулаймон томонидан амалга оширилган. Мазкур байтни у шундай таржима килган: “Сафро этагидаги алиф, ўқ сингари бикинига ўтиrsa (санчилса), асфар (сап-сариф) бўлади. Фоний ошиқнинг сарғайган юзи ҳам ишк ўқидандир”¹. Шоирнинг йигирма жилдлик Муқаммал асарлар тўпламида қасида тўлиқ берилган бўлиб, уни Сайфиддин Рафиддинов таржима килган: “Сафро” сўзидағи “алиф” бикинига ўқдек қадалса, асфар (сап-сариф) бўлгани каби фоний ошиқнинг юзи ишк ўтидан сарғайгандир” (250). Ҳар иккала таржима ҳам – бирида сафро этагига, иккинчисида сафро бикинига алиф ўқ каби қадалса ёки санчилса деб кайтанга ўқувчини чалғитади – бунинг ўрнига оддийгина килиб араб алифбосига кўра “сафро” сўзининг олдидан “алиф” жой олса, у “асфар”га айланади дейилса, тушуниш осонрок бўлар эди.

Ж.Камол таржимага ижодий ёндашган: “сарик” сўзини “зъфарон” билан алмаштиргани унга мумтоз шеъриятга хос рух берган. Иккинчи мисра ҳам бир боғловчи сўз етишмаслигини хисобга олмаганда аслиятта мувофик чиқкан:

Ишк ўқига учрабон ошиқ ранги зъфарон.
Гар алиф “сафро”га ёндашса, сўзинг “асфар” эрур (ФГ–241).

Ёки қасиданинг иккинчи байтини олайлик:

Шах, ки ёд аз марг н-орад з-ўст вайронийи мулк,
Хусрави беокибат ҳусри билоди кишвар аст (239).

¹ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 5-жилд. 2-китоб. – Тошкент, 1965. 351-бет. Бундан кейин мазкур нашр А тарзида белгиланиб, сахифаси кўрсатилади.

Мазмуни: “Ўлимни ёд этмайдиган шоҳ мулкининг хароблигига сабаб бўлади – оқибатсиз шоҳ шахру мамлакат учун фалокат боисидир”. Ёки: “Ўлим ҳақлиги, бир кун барча бу дунёдан ўтишини ўйлаган шоҳ ишларини адолат асосига қуради, буни хаёлга келтирмайдиган хукмдор эса бугунги айш-ишратини ўйлаб, мулкини хароб қиласи. бундай беоқибат подшоҳ шахру мамлакат учун айни фалокатнинг ўзгинасидир”.

Бу байтда ҳам шоир ҳарф ўйинидан фойдаланади: “хусрави беоқибат”, ибораси зохиран “оқибатсиз подшоҳ” маъносини англатади, айни пайтда, у охирги, яъни “в” (вов) ҳарфи тушиб колган “хусрав”га ҳам ишора қиласиди, бунда мазкур сўз “хуср”га айланади – “хуср” эса фалокат, зиён, заҳмат маъноларини билдиради. Бинобарин, “хусрав” сўзининг охирги ҳарфи (в) тушиб колса, яъни охири бўлмаса, у “хуср”га – фалакат сўзига айланганидек, подшоҳнинг ҳам оқибати бўлмаса (оқибатни ўйламаса). ундан шахру мамлакат ҳалокат ёқасига келади. Кўриниб турибдики, байт зохирий ва ботиний маъно каватига эга. Шунинг учун Ш.Шомуҳамедов иккинчи мисра мазмунини биринчи мисрада акс эттириб, иккинчи мисрада ушбу сўз ўйинини акс эттирган ва матн остида унга изоҳ берган:

Оқибатни ўйламас шоҳдан келур вайроналик,
Охири гар бўлмаса Хусрав – хусрликдан дарак (ИУ–386).

Бизнингча, матн остида изоҳ келтирап экан, таржимада байтнинг зохирий маъносини тушунарли қилиб акс эттиргани маъқул эди.

Албатта, байтнинг маъно доираси кенг бўлиб, шоир “хусрав” сўзи орқали умуман подшоҳларни ҳам, айни пайтда айш-ишратга берилиб, мулкини хароб қилган кадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ Хусрав Парвезни ҳам кўзда тутган. А.Ҳайнтметов эса Хусрав шахсига ургу бериш билан ўз таржимасида байт мазмунини конкретлаширади, лекин маъно доирасини торайтиради (Хусрав сўзини бош ҳарф билан ёзганидан, гарчи изоҳда бунга бирор ишора қилмаса-да, Ш.Шомуҳамедов ҳам ўз таржимасида Хусрав Парвезни кўзда тутган кўринади):

Шаҳки пухта ўйламас умр охирин Хусрав каби,
Мулки барбод, шахри вайрон, эл бузук кишвар эрур (ИЧ–56).

Лекин ҳарф ўйини ҳакида лом-мим демаган. Демак, у бунга эътибор қилмаган. Шунинг учун байт мазмунини умумий тарзда ифодалаш билан кифояланиб кўя қолган.

Ҳ.Сулаймоновнинг насрый таржимасида ҳам хусрав сўзи бош ҳарф билан ёзилиб. Хусрав Парвез назарда тутилган, ҳарфий ўйинлар эса акс этмаган: “Ўлимни эсламайдиган подшоҳ, Хусрав сингари ишининг окибатини ўйламайди, натижада охири мамлакати таназзулга юз тутади” (А-347). С.Рафиддинов таржимасида ҳам шундай: “Ўлимни эсламайдиган подшоҳнинг мамлакати вайрон бўлади, окибатиз шоҳ (Хусрав каби) юртига зиён келтиради” (248). Лекин у изоҳлар қисмида байтдаги ҳарф ўйини батафсил шарҳланган (546-547).

Ж.Камол таржимасида ҳам “хуср” сўзи тушиб колгани натижасида ушбу ҳарф ўйини қурбон қилинган:

Шоҳки ёд этмас ўлимни, юртни вайрон айлагай.
Хусрави беоқибат ғораттари кишвар эрур (239).

Албатта, таржимон байтнинг зоҳирий маъносини муваффакиятли акс эттира олган.

Ҳарф ўйинларига асосланган яна бир гўзал, таъсирчан ва теран мазмунли байт таржимасини кўриб чикайлик:

Мехнати ифлоси муфрит дар гарони Қоф дон,
Қоф чун шуд фока беҳад гашт в-ин мустанкар аст (243).

Мазмуни: “Ҳаддан зиёд камбағаллик азоби юкини Қоф тогиданда оғир деб бил. Камбағаллик маъносида “фока” сўзининг охирги ҳарфи тушиб қолса, у “фок” бўлади, “фок”нинг чаппаси эса “Қоф”дир”.

Бу ерда “беҳад” – ҳадсиз, чегарасиз, охирсиз сўзи ёрдамида ҳарф ўйини қилинайти, яъни “фока беҳад бўлса”, бу сўзининг ҳадди – охири бўлмаса, сўнгги ҳарфи тушиб қолса, у “фок”ка айланади ва унинг тескариси Қоф бўлади.

Бу байтни ўқувчига тушунарли тарзда насрый таржима қилишнинг ўзи ниҳоятда қийин. Энди уни шеърий таржима қилиш машакқатини кўз олдингизга келтираверинг! Шунинг учун иккала насрый таржима ҳам байт мазмунини бутун мураккаблиги билан очиб беролмаган. Ҳ.Сулаймон биринчи мисрани тўғри таржима қилгани ҳолда иккинчи мисра мазмунини мутлақо тушунмаган – “коф”ни қоп

деб тушунган: “Ҳаддан зиёда камбағалликнинг меҳнатини оғирлиқда Кўхи Қоф тоғи деб бил; бўш қоф (коп) эса кўримсиз бир нарсадур” (А-355). Кўх – тоғ дегани. Кўхи Қоф – Қоф тоғи. Бинобарин, унинг “Кўхи Қоф тоғи” дейиши хато. С.Рафиддинов таржимаси: “Ҳаддан ортиқ камбағаллик меҳнатини Қоф тоғидан оғир деб бил, “қоф” – “фока” камбағаллик сўзига айланса, жуда хунукдир” (252). Бу таржима тўғри, лекин етарли даражада тушунарли эмас: “фока” сўзининг “бехад” колиб – охирги ҳарфидан жудо бўлиб, “фок” даражасига тушиши ва унинг боши оғидан келса, “қоф”га айланиши факирликнинг оғир юқидан бечоранинг тақдири сарнигун бўлишига киёсланаётгани батафсил ўз аксини топмаган.

Маълумки, йиллар, даврлар ўтиб, баъзи сўзлар ўз маъносини ўзгаргириб, янги мазмун ифодалай бошлайди. Масалан, бугун биз “иш” маъносида кўллайдиган “меҳнат” сўзи ўтмишда асосан ранжу машаққат, қийинчилик, азоб, уқубат, бало. ғам, қайғу, кулфат маъноларида истифода этилган. Бинобарин, мумтоз асарлар таржимасида бу каби омилларни ҳисобга олиш керак. Байтни насрый таржима килган бўлишларига карамай, Ҳ.Сулаймонов ҳам, С.Рафиддинов ҳам бу сўзни ўзича колдирганлар ва у насрый таржимада ўз вазифасини бажармаган.

А.Ҳайитметов таржимасида байт унча муваффақиятли чикмаган:

Камбағаллик ҳаддан ошса, Кўхи Қофча бор оғир.

“Қоф” сўзидан “фока” чикқайки, ҳаром, зарар эрур (ИЧ-59).

Биринчи мисра тўғри таржима қилинган, иккинчи мисранинг ҳам биринчи ярми аслиятга мувофик, лекин иккинчи ярми матнга мос эмас: “мастанкар” – хунук, нохуш, ёмон дегани бўлиб¹. “ҳаром, зарар” сўзлари у англатган маъноларни бермайди, зоро, камбағаллик сўзига иккаласи ҳам тўғри келмайди. “Зарар” сўзини-ку мутаржим кофия талаби билан ишлатганини тушуниш мумкин, лекин “ҳаром” сўзини нега кўллагани бир оз мавҳум. Қотаверса, “қоф” сўзидан “фока” чикмайди, балки у бу сўзининг тескарисидан чиқади. Бу мумтоз поэтикада қалб санъати дейилади.

Қалб – арабча сўз бўлиб, чаппа, тескари деган маънони билдиради. Шоир ёки носир гоҳ бирор ишора билан, гоҳ ҳеч бир эслатмасиз бирор сўз ёки сўз биринмасини келтирадики, уни

¹ Фарҳангি забони тоҷики. Иборат аз ду жилд. Жилди I. – Москва, 1969. С. 757.

тескарисига ўқиса ё ўша сўз, ё унинг зидди бўлган мутлако бошка сўз чиқади. Мумтоз адабиётда бу санъатга катта эътибор берилган. Навоий даврида ҳам бу санъат ривожланган эди. Келтирилган байтда “фока” сўзидан бир ҳарф тушиб колпб, “фок” бўлиши, уни тескари ўқиса “коф” бўлиши ҳакида гап борадики, бу тазодли – қарама-карши маъноли қалбга мисол бўлади¹.

Ж.Камол ҳам байтни анча эркин талкин қилган: биринчи мисра аслиятга мувофиқ, лекин иккинчи мисра бу ҳарф ўйинини тушунарли тарзда чиқариб беролмаган – шунча маъно нозикликларини етказиб бериш учун сўз етмай турган бир ўринда уни бор-йўги уч сўзда мавхум ифодалаб, “елкангда юқ залвар” тарзида яна учта ортиқча сўзниң кўлланиши кишини хайрон қолдирали:

Ҳаддан ортиқ камбағалликнинг юкидир Кўхи Коф,
“Коф” бўлса “фока”, елкантда юкинг залвар эрур (ФГ–244).

Кейин мисрани балки “Чунки “фока” “коф”га айланса, юкинг залвар эрур” тарзида таржима килса маъқулроқ бўлар – ўшандада бу ўқувчини ўйлашга, изланишга ундан, мисранинг мазмунини бир кадар ойдинлашарди. Зоро, маънони чиқаришга қийналган мутаржим уни тушунишни енгиллатувчи ишоралар қилиш керак. Ж.Камол таржимасида эса ўқувчининг мисра мазмунини тушуниб олишига ёрдам берадиган ана шундай бирор ишора сўз йўқ. Шунинг учун у “коф” ва “фока” сўзларининг қаердан келганилиги ва нима максадни ифодалашини англамай хайрон бўлади-да, байт мазмунини яхши тушунмай кейингисига ўтиб кетади.

Қуйидаги байт таржимасида эса А.Ҳайитметов ҳарф ўйинини беролмаган:

Тожи зар бигзор, эй мўзиву наздики гузин,
Курб мемонад чу шуд айне, ки акрабро сар аст (242).

Ташла олтгин тожни. золим, танла дўстлик йўлини.
Бош кўтарса гар чаён, дўстга кўп хатар эрур (ИЧ–58).

Байтнинг мазмуни “Эй золим, олтин тожнинг баҳридан ўту якинлик йўлини тут, чунки “акраб” сўзининг олдидаги “айн” ҳарфини

¹ Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун каранг: Раҳмонов В. Қалб санъати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, I-сон, 15-22-бетлар.

олиб ташласанг, “курб” – “яқинлик қолади” бўлиб, бу ерда фактга даъват мавжуд: акраб – чаён нишини санчмай туролмаганидек, тож аҳли ҳам зулмдан холи бўлолмайди, золим подшоҳнинг эса чайдан фарки йўқ. Молу дунё, бойлик-маргаба Ҳак йўлида тўсикдир, унга факт факт орқали етилади.

Мана бу байт таржимасида эса А.Ҳайитметов харф ўйинини тескари берганлиги матн мазмунини бузган:

Ҳокими норостиро окибат саргаштагист,
Давр гардад беалиф онро, ки гўй довар аст (242).

Окибат саргашталиkdir, адлсиз ҳоким иши,
“Давр”га кўшса “алиф” ҳарфини, у “довар” эрур (ИЧ-59).

“Довар” – ҳоким, “давр” – бу ерда айланиш, чарх уриш дегани. Агар “довар” сўзидан “алиф” кетса, у “давр”га айланганидек, ҳоким ҳам тўғриликдан чекинса, окибат сарсон-саргардон, яъни хору зор бўлади. “Норостлик”нинг “беалифлик”ка, “саргашталик”нинг “давр”га боғликлиги бўлганилиши учун бирининг алмаштирилиши иккинчисининг ҳам ўзгартирилишини тақозо қиласи. Бинобарин, таржимада аслиятга зид равишда “довар”дан “алиф”ни айриш эмас, аксинча, “давр”га “алиф”ни кўшиш ҳақида сўз борар экан, шунга мувофик равишда байтнинг биринчи мисрасини ҳам ўзгартириш керак эди – ўшанда акс йўл билан аслиятдаги маъно қайта яратилади. Бадиий таржима амалиётида бунга йўл кўйилади – бу антонимик таржима дейилади, яъни ифода ўзаро зид бўлса-да, англатган маъноси бир хил бўлади.

Ж.Камол таржимасидаги “бездолат” сўзи “беалиф”га мувофик эмас – бу ерда нотўғри, норост, эгри маъносидағи бир сўз бўлиши керак. Иккинчи мисранинг таржимаси тўғри бўлса ҳам ёркин, тушунарли эмас: “бошда” “довар” бўлган бўлса-да, алифсиз қолса, “давр” бўлади:

Бездолат бўлса ҳоким, окибат саргаштадир,
“Давр” бўлгай беалиф, бошда агар “довар” эрур (ФГ-243).

Бу мисра ҳам А.Ҳайитметов таржимасидаги каби бир кадар тескари тузилган: “довар” алифдан айру тушса деган фикр” “давр” алифсиз колгай тарзида талқин қилинган. Хуллас, шу фикрни очувчи бир сўз етишмаяпти: ифода ғализ, услуб равон эмас: бошда “довар”

бўлган сўз алифсиз қолса, “давр” бўлади демокчи таржимон, лекин шу фикрни ёркин ва тушунарли чикариб беролмаган.

Қасиданинг ўндан ортиқ байтларида ана шундай ҳарф ўйинларию муаммоларни кўрамиз. Бу эса таржимонлар учун анча-мунча кийинчиллик түғдиради. Айникса, бошқа алифбода ўқийдиган, араб ёзувидан, унинг нозик сиру асрорларидан бехабар ўқувчига уларни бутун нозикликлари билан етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Бу қасидани таржимон фақат таржима килмайди, балки унинг устида тадқикот ҳам олиб боради. Уни зарур шарху изоҳларсиз эълон килиб бўлмайди – шундай килинса, кўзланган мақсад ҳосил бўлмайди: ўқувчи қасида мазмунини тўла тушуниб етмайди. Шунинг учун барча таржимонлар ўз таржималарини у ёки бу даражадаги шарху изоҳлар билан таъминлаганлар.

Ш.Шомуҳамедов бу катта ҳажмдаги қасида таржимасида кўпинча мувофиқ қофия топишга кийналиб, матнга мос келмайдиган, бальзида ҳатто мутлақо алоқаси йўқ, ёки поэтик бўлмаган пўпак, тартарақ, бўнак, яхмалак, пучак, ғилвирак, хашак, эшак, сўлак, лойхўрак, йўлак, курмисқадак, гулак, шатак, зодиак каби сўзларни қофия килиб келтиради. Масалан:

Қайди зинат мускити фарру шукӯҳи хусравист,
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст (239).

Зебу зийнат кайдидин шоҳ шаънига етгай путур,
Билки, шер занжирга тушса, савлатин босган пўпак (ИУ–386).

Фарру шукӯҳ – улуғлик, ҳашамат, дабдаба, шаъну шавкат дегани. Таржимон бу жуфт сўзни “шоҳ” деган бир сўз билан беради-ю, унинг ўрнига “зийнат” сўзини зебу зийнат тарзида жуфти билан таржима килади. Иккинчи мисрадаги “Қафасдаги шернинг ҳайбати ўрмон шериникича эмас” деган фикр “Шер занжирга тушса, унинг савлатини пўпак босади” қабилида мувваффакиятсиз таржима килинганки, бу ўзбек тили нуктаи назаридан хато: савлатга нисбатан пўпак босади дейилмайди. “Билки” ундов сўзи ортиқча бўлиб, деярли бирор бадиий вазифа бажармаган. Бундай номувофиқликлар, ножўя, ўз ўрнида кўлланмаган сўз ва ибораларни кўплаб байтлар таржимасида кўрамиз.

Мумтоз асарлар таржимасининг мураккаб томонлари, нозик жиҳатлари кўп. Шулардан бири тарихий колоритга тўғри келмайдиган замонавий сўзларни ишлатиш. Масалан, XV аср олими

Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ-у-санойиъ” асарини таржима килган Алибек Рустамов кўп атамаларни ўша давр тилига мос келадиган туркий янги атамалар билан алмаштирас экан, уларнинг даврга мос келиш-келмаслигига жиддий эътибор беради. Айтайлик “мавҳум” истилоҳини “тушунча деб олиши мумкин бўлгани холда уни “англам деб олади, чунки “тушунча” термини XX асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида пайдо бўлганлигидан тарихий колоритни тўғри акс эттирас эди¹. Кўпчилик таржимонлар эса бу нарсани ҳисобга олмайдиган, тўғрироғи, билмайдилар ҳам. Чунончи, Ш.Шомухамедов касиданинг тўртинчи байти таржимасида соф замонавий “тартарак” сўзини ишлатади. Тартарак – “қаттиқ тариллаб овоз чиқарадиган парракли ёғоч асбоб (асосан боғни кўриклашда ишлатилади)”,² У ногора ғулгули – овози, шовқинини шу сўз билан алмаштиради:

Лозими шоҳи набошад холи аз дарди саре,
“Кўкси шах, холиу бонги ғулгулаш дарди сар аст” (239).

Холи бўлмок лозим эрмас шоҳга бош оғриғидан,
Довулин кўр, бўш ичи, бош оғритар бир тартарак (ИУ-386).

Албатта, бундан мумтоз асарларни замонавий сўзлар билан таржима килмаслик керак деган нотўғри хуносат келиб чиқмаслиги керак. Фақат таржимон кўллаган сўзлар аслият воқелиигига мос келиши керак.

Бошка бир байт таржимасида эса ҳозирги кунга хос бўлган “виждон ғилвирак” деган ибора ишлатилган. Ғалвирак – “ғалвирга ўлашиб тешик-тешик”³; яъни виждони илма-тешик бўлиб кетган. йўқ бўлган, виждонсиз: Ҳолбуки, аслиятга виждон ҳакида сўз йўқ:

Фиқҳро чун иллати макру ҳиял созад фақих,
Не факих аст он, ки ҳарфи иллати фикҳ андар аст (239).

Гар факих макру риё бирла тузар фатвосини,

¹ Бу ҳақда қаранг: Олимов С. Илмий таржима мураккабликлари // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 6-китоб. – Тошкент, 1985. 100-101-бетлар.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007. 686-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент, 2008. 432-бет.

Ул факих эрмас, касал бир кимса, виждон ғалвирак (ИУ-387).

Байтнинг мазмуни: “Агарда факих фикхни макру ҳийлалари учун курол килиб олса, у факих эмас, балки фикҳ касалига мубтало бўлган кишидир” бўлиб, бу фикр таржимада ҳам бир қадар умумий тарзда бўлса-да, акс этган: биринчи мисра маъноси тўғри берилган бўлиб, ижодий ёндашилган ҳолда амалга оширилган, иккинчи мисрадаги “фикҳ касалига мубтало бўлган” деган гап умуман касал ва виждонсизга айланган.

А.Ҳайитметов ҳам биринчи мисрани тўғри таржима қилгани ҳолда иккинчи мисра таржимасида бир қадар мавхумликка йўл кўйган:

Макр йўлида курол қиласа факих фикҳ илмини,
У факихмас, исмида ҳам иллатий ҳарфлар эрур (ИЧ-57).

Иллатий ҳарфларга эса шундай изоҳ беради: “алиф, вов, ёй” ҳарфлари иллатли ҳарфлар ҳисобланади. “Факих” сўзида ҳам “и” ҳарфи бор (ИЧ-62). Ажабки, байтни насрый таржима қилган Ҳ.Сулаймонов ҳам, С.Рафиддинов ҳам бу ҳакда маълумот бермайдилар. “Тожик тилининг изоҳли луғати”да баъзида туширилиб колдирилиши жиҳатидан бу ҳарфларнинг иллатли аталиши айтилади¹. Иллат сўзининг сабаб, боис, важҳ ҳамда дард, касаллик, беморлик маънолари бўлиб, байтнинг биринчи мисрасида у сабаб, иккинчисида касаллик маъносини билдираяпти. Бу ерда “ҳарф” сўзи ҳам товуш белгиси эмас, балки аломат маъносида келган: “ҳарфи иллати фикҳ” – “фикҳ касаллиги аломати”. Айни жиҳатдан насрый таржима муаллифлари бу сўзга эътибор қаратмай тўғри қилганлар.

Ж.Камол ҳам Навоий асари матни учун жоиз бўлмаган “хумпар” сўзидан қофия ўрнида фойдаланади:

Фикҳ илмидин агар макру ҳиял этса факих,
Ул факихмас, бир балога мубтало хумпар эрур (ФГ-240).

Бу таржимадан ҳам “фикҳ илмига мубталолик” маъноси тушшиб қолган. Яна “хийла”нинг кўпллик шакли бўлмиш “хиял” сўзи айнан сакланганки, бу ҳозирги ўкувчига тушунарли эмас.

¹ Фарҳангি забони тоҷики. Жилди I. С. 473.

Аслиятнинг кофия тизимини айнан саклаб колганларига қарамай, (А.Ҳайитметов ўз таржимасида кўллаган кофияларнинг 41 таси аслиятдан айнан ўтган, 59 таси янги топилган. 99 байтли қасидада 100 та кофия мавжудлигини назарда тутсак, қариб ярми таржима матнинг ҳам айнан кўчиб ўтган. Ж.Камол таржимасидаги 99 та кофиядан (унинг таржимасида бир байт етишмайди) 67 таси асл нусхадан айнан кўчган, 32 таси янги.) А.Ҳайитметов ҳам, Ж.Камол ҳам кофия толишга анчагина қийналгандар. Натижада қасида матни ва рулига мос келмайдиган пар, садкайсар, жанговар (А.Ҳайитметов), рангпар, хумпар, овсар (Ж.Камол) каби кофияларни ишлатгандар. Бундан ташқари, улар ахгар, кишвар, афсар, ахтар, аҳмар, соғар, бовар, меъжар, мистар, баҳру бар, логар, анвар, мазҳар, дуҳтар, асғар, чокар, аъвар каби ўқувчига нотаниш кофияларни ўзгартирганларни етмагандай, уларнинг ёнига ўзларидан камтар (камрок маъносида), саросар, бехтар, филҳажар, хўбтар, нақшингар, равшантар, бартар, азизтар, яксар сингари ўнлаб тушунарсизларни кўшганлар. Ж.Камол кўллаган афзал, пайкал, ёр, душвор, Марям, такрор, нур сингари сўзлар эса мутлақо кофия эмас.

Қасида таржимасидаги жиддий кусурлардан бири унда акс этган тасаввуфий мазмуннинг хира тортиши, сўфиёна истилоҳотларнинг оддий сўзлар билан алмаштирилиши ёки тушириб қолдирилишидир. Жумладан, Ш.Шомухамедов таржима жараёнида асосан диний-тасаввуфий мазмундаги байтларни қисқартириб кетгани етмаганидек, колган байтларни ҳам дунёвий талкин қилган. Чунончи:

Марди раҳбинро дили маҳфинамо в-он жоми Жам,
Хизрро оби ҳаёт оинаи Искандар аст (241).

Кўпни кўрган кекса гар кўрса узокни не ажаб,
Жоми Жамшидир дили, кўзгуи Искандар эрур (ИУ-388).

Бу ерда “марди раҳбин” – “йўлни кўрувчи”дан мақсад тарикат пири – маънавий раҳбардир. Бинобарин, байтнинг мазмуни куйидагича: “Хизрга оби ҳаёт Искандар ойинаси бўлгани каби тарикат пирига ҳам илоҳий маърифатга ошно қалби мисоли Жамшид жомидир”.

Байтнинг мазмунини тўлик ойдинлаштириш учун бир катор истилоҳу тимсоллар моҳиятини билиш керак бўлади. Аввало, мард тасаввуфда Ҳакка яқин кишилар, илоҳий сирлардан хабардор орифлар, валийлар маъносида келади. Жам – кадимги Эроннинг афсонавий шоҳи Жамшид исмининг қисқартирилган шакли. Жамшид “жоми жаҳоннамо” – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб,

унда дунёдаги нафакат ҳозирги, балки ўтмешда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ходисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илохий сирларни ўзида саклаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

Хизр – оби ҳаёт, яъни тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар, Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илохий) илм маъносида келади. Искандар – Шарқда Искандар Зулқарнайн иоми билан машҳур бўлган македониялик жаҳонгир Александр Македонский. Афсонага кўра. у темирга сайқал бериб, бир ойина ясаган эмиш – у ҳам худди Жамшид жомидек дунёда бўлаётган воқеа-ходисаларни кўрсатар экан.

Байтдаги истилоҳ ва тимсоллар моҳияти ойдинлашгач, унинг нафакат зоҳирий, балки ботиний маъноси ҳам бутун теранлиги билан намоён бўлади ва таржиманинг ютуқ ва камчиликлари ҳам яққол кўзга ташланади. Ана шунда Ш.Шомухамедов таржимасида байт мазмуни бузилгани, тасаввуфий мазмун бутунлай йўкка чиккани маълум бўлади. Аввало, тарикат пири, ориф кўпни кўрган оддий мўйсафидга айланган. Иккинчидан, “дили маҳфинамо” – яширин нарсаларни кўрсатувчи дил, Хизр, оби ҳаёт каби истилоҳ ва тимсоллар тушиб колган. Натижада ҳаётда кўпни кўрган кекса узокни кўрса, ажаб эмас, чунки унинг дили мисоли Жамшид жомию Искандар кўзгусидир деган оддий ва бир оз муболағали фикр келиб чиккан. Ўшанда ҳам шарху изоҳсиз Жамшид жомию Искандар кўзгуси тимсоллари ўқувчига тушунарсиз. Шоир эса айтаяптиki, маърифат – илохий илм, ирфондан баҳраманд марднинг кўнгли Жамшид жомидан кам эмас, зеро, Хизр топган оби ҳаёт, яъни у эришган илохий илм мисоли дунёни ўзида акс эттирувчи Искандар ойинасидир. Чунки Искандар ойинаси ҳам аслида маърифатли калб тимсолидир. Диккат килинса, орифнинг қалби – Жамшидинг жоми – Хизр топган оби ҳаёт – Искандар ойинаси – буларнинг барчаси аслида битти нарса – маърифат зиёсига лиммо-лим дил рамзиидир. Бинобарин, шоир айтаяптиki, сен Жамшид жомию оби ҳаёту Искандар кўзгусини излаб, умрингни бехуда ўтказма, уларнинг барчаси кўнгли маърифат зиёси, илохий илмларга тўла пирда, орифда мужассам! Шайх Рўзбекон Буклий, Бобо Афзал, Азизиддин Насафий каби бир қатор шайх-шоирлар ижодида бир умр жоми жаҳоннамони

излаб, охир-оқибат у ўзи – қалби эканлигини англағанлиги ҳакидаги рубоийлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради¹.

Пир, ориф тилга олинмаган бўлса ҳам, унинг вазифаси – йўл таниш ва сир кўрсатиш зикр этилиб, А.Ҳайитметов таржимаси аслиятга мувофик чиккан:

Жоми Жамга тенг дили – ким йўл танир, сир кўрсатар,

Хизрга оби хаёт кўзгуйи Искандар эрур (ИЧ-57).

Ж.Камол илк мисрасини комил пир кўнгли худди Жамшид жоми каби яширин нарсаларни кўрсатувчидир деб ниҳоятда тўғри таржима қилган, иккинчи мисра эса ўз-ўзидан аслиятга мувофик:

Пири комил кўнгли чун маҳфийнамодур, жоми Жам:

Хизр учун оби хаёт кўзгуйи Искандар эрур (241).

Рахрав – йўловчи сўзи тасаввуфда тариқат йўлига кирган солик, мурид, сўфий орфи маъносига келади. Шундан келиб чикибми, кўйидаги байтда “қаҳр” сўзи “факр”га айланган:

Рахравони боркашро саҳл дон ошоми факр,

Дар даҳони нока хори хушк хурмои тар аст (240).

Навоийнинг ўн беш жилдлик Асарлар тўпламида бу сўз “қаҳр” деб берилган (А-348), Ш.Шомухамедов ва А.Ҳайитметов таржималарида ҳам шу маъно акс этган.

Аслида тўғриси ҳам шу: аввало. “ошом” – емок, ичмок, ютмок сўзи бу ерда “қаҳр”ни тақозо қиласпти, чунки “факр”ни ютиб бўлмайди: иккинчидан, “қаҳр”нинг иккинчи мисрадаги “хори хушк” – курук янтокка нисбати бор: тариқат риёзатини чекаётган сўфийлар қаҳрларини осон ичларига ютганлари каби түяning оғзига курук тикан сархил хурмо кабидир. Бу ерда бир бурда нону сувга қаноат килиб, тарикатнинг машакқатли йўлини босиб ўтаётган солик юк ташувчи тяга киёсланаяпти: энг оғир юкни кўтарган, машакқатли меҳнатдан боши чиқмаган түяning емиши курук тикан бўлгани каби Ҳақ йўлида энг оғир синовларни бошидан кечираётган, ўзини кийнаб, нафсини поклаётган соликнинг бу дунёдаги ризки ҳам арзимас нарсалардир.

Учала таржимада ҳам солик маъносига акс этмаган – таржимонлар юк кўтарувчи маъносига ургу бериб, бечора тариқат йўлчисини ҳаммолга чиқариб қўйганлар, Чунончи:

Юк билан йўл юргувчилар қаҳрини осон ютар,

Нор тя оғзида янтоқ ҳам мисоли хурмадак (ИУ-387).

¹ Каранг: Донишмандлар тухфаси (Рубоийлар). – Тошкент, 2009. 174; 215-бетлар.

Ш.Шомухамедов таржимасидаги ушбу байтини ўқир экан: “Нега энди юк күттарган киши захрини осонгина ичига ютар экан?” деган ҳакли савол туғилади ва кишида шубха уйғонади. Соликлар эса хулкини такомилга етказиш йўлида бу босқичларни босиб ўтадилар – тасаввуда бирорни ранжитиши, кўнглига озор бериш ман қилинган. Ана шу босқичларни босиб ўтиб, ўзларида гўзал хулки шакллантирганлари учун ҳам соликлар қаҳрларини осон ичга ютадилар.

А.Хайитметов бу жумлага янада ургу беради – умрида бир мартагина бўлсин юк күттарган киши, билингки, захрини осонгина этади. Бундан қаҳрини жиловлаши учун киши албатта юк кўтариши керак деган мантиксиз бир фикр келиб чиқади:

Юк кўттарган умрида осон ютар захрин, билинг,
Тева оғзида қуруқ янтоқ эриб, шаккар эрур (ИЧ-57).

Ж.Камол Йигирма жилдлик асосланганни учун “каҳр” сўзини ҳам “факирлик” деб олади, яъни унинг таржимасида ҳам иккита хато кетган:

Юк кўттарган йўлчиларга бу факирликму писанд,
Қовжирок явшан-тиканлар тевага шаккар эрур (ФГ-240).

Куйидаги байтида шоир Ҳакка олиб борувчи йўллар ниҳоятда кўп, лекин улар орасида энг яқини ва тез олиб борувчи бу факрдир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар “Факирлик фаҳримдир” деган фикрни илгари суради:

Рах сўзи Ҳақ беҳад, аммо ҳаст акраброҳи факт,
Баҳри он-к “Ал-факру фаҳри” туфтани пайғамбар аст (245).

А.Хайитметов эса унинг биринчи мисрасини ўз тасаввуртакайюли асосида Ҳак йўли беҳад йироғу факт йўли яқин деб таржима киласиди, бу аслиятга зид:

Ҳак йўли беҳад йироқдир, факт йўли кўп яқин,
Улки “ал-факру фаҳри”, – деди, пайғамбар эрур (ИЧ-60).

Иккинчи мисра таржимаси ҳам аслиятга қойилмақом эмас: Шунинг учун ҳам Пайғамбар “Факирлик фаҳримдир” деган мазмунидаги фикр таржимада “Кимки “Факирлик фаҳримдир” деса, бундай одам пайғамбар бўлади” маъносида чиқиб колган.

Ж.Камол таржимасида ушбу мазмун тўғри акс этган:

Ҳак сари элтувчи йўл кўп, лек факирлик – энг яқин,
Ўйлаким, “Ал-факру фаҳри” қавли Пайғамбар эрур (ФГ-245).

Куйидаги байтнинг мазмуни “Камбағаллик ҳам, бойлик ҳам тарикат йўлига кирган сўфийларнинг риёзат босқичларини босиб ўтишига монелик киласиди, зоро, сафар оти ориқ ҳам, семиз ҳам

бўлмагани маъқул” бўлиб, Ҳ.Сулаймоннинг насрий таржимасида “фока” – “факирлик” маъноси тушиб колган: “Ноз-неъмат тасаввуф ахлининг сулукига тўскинлик килади, сафар оти семиз ҳам, орик ҳам бўлмаслиги керак” (А-351). Бу хато Ш.Шомухамедов таржимасига ҳам кўчган:

Раҳравонро, фокаву неъмат қунад манъи сулук,
Асби раҳ он аст, ўна фарбеху на лоғар аст (240).

Нозу неъматдан етар сўфиий сулукига зиён,
Чин сафарга на семиз, на орик ўлғон от керак” (ИУ-388).

Бу ерда шоир фикри чала акс этаяпти: аслиятда сулук учун камбағаллик ҳам, бойлик ҳам моне бўлади – тариқат боскичи мўътадилликни такозо килади дейилса, таржимада факат нозу неъматга ургу берилган. Бундан сулук учун факат бойлик халакит килади, камбағаллик эмас деган асл нусхага зид фикр келиб чиқади.

Навоий маҳорати, асарларининг юксак бадииятини-ку таржимада етказиб бериш осон эмас – таржимонларнинг бу борадаги оқизликларини тушуниш мумкин. Лекин аслият мазмунини тўғри ва тўла етказиб беролмай, муаллиф фикрини чўлтгок килишларини кандай тушуниш керак?

Бунинг акси ўлароқ, А.Ҳайитметов очлик, йўкликка ургу берган – мурид очу факир холда ҳам мақсадига етаверади деган аслиятга зид фикрни илгари сурган, кейинги мисра ҳам мувафаккиятли чиқмаган:

Очлик, тўклиқда ҳам – топгай мурод ахли сулук,
От сафарга яхши – гар на тўла, на лоғар эрур (ИЧ-57).

Ж.Камол таржимасида бу фикр тўғри акс этган. Лекин унинг мисрани тўлдириши учун кўшган “учок калтар эрур” жумласи ўрнига тушмаган – у байтни бузиб, шоир фикрининг ёркин ва тушунарли чиқишига монелик қилган:

Йўлчига моне бўлур бойлик, факирлик ҳам яна,
На семиз, на орик от йўлда учок калтар эрур (ФГ-241).

Албатта, “На орик, на семиз от йўлда калтардай учади” деган фикрдан, демак, у ўртacha бўлиши керак деган холоса келиб чиқади. Лекин жумла гарчи оддий сўз билан ифодаланса-да, барибир матннинг бир кадар мавҳум ва хира ифодаланишига сабаб бўлган.

Қасиданинг бъязи байтлари чукур фалсафий мазмун, теран хаётий кузатишлар юксак бадиият асосида ўзида омухта қилганлиги жиҳатидан шоҳбайтдай, хикматдай жаранглайди. Таржималарда эса улар англатган маъно гарчи тўғри берилса-да, кўпинча аслиятдаги даражада гўзал ва таъсирчан чиқмаганлиги туфайли нишонга тегмайди. Чунончи, мана бу байтида шоир “Агар пасткаш атласу ипак

кўйида ўлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ. чунки ипак курти бир умр ўзига кафан тўкнили” деган теран ҳаётий асосга эга фикрни маҳорат билан бетакрор бир тарзда назм риштасига тизган:

Сифла гар мирад пай иксуну атлас дур нест,

Ҳаст аз баҳри кафан кирме, ки абрешишгар аст (240).

Ш.Шомуҳамедов таржимасида бу мазмун тўлик акс этган, яъни таржима аслига тўғри, лекин шоирнинг ҳикмат даражасига кўтарилигани фикри ярк этиб чикмагани учун юракка етиб бормайди, кўнгилга жиз этиб тегмайди:

Гар разил шоҳи ва атлас кетида ўлса, не тонг,

Пилла қург ўз устига тортган кафан ҳам-ку ипак (ИУ-388).

Бу ерда “Ипак курти ҳаётининг моҳияти бир умр ўзига ўзи ипакдан кафан тўқишидан иборат” деган иккинчи мисра лўнда, тушунарли ва таъсирчан бир шаклда ўз ифодасини топмаган. Бу хол биринчи мисранинг мазмуни ҳам ёркин очилишига моненик килган. Бу ерда шоир молнараст кимсани ипак куртига ўхшатиб, худди ипак курти ипак тўкишга маҳлиё бўлиб, ўзига ўзи кафан тўкиб қўйганлигини билмаганидек, мол-дунё кетидан чопган кимса ҳам ўз ўлимини тезлаштиради, молу дунёси билан ўзини дунёдан тўсиб қўяди, шу тариқа тирик туриб ўлади деган фикрни илгари сурган бўлиб, байтнинг мисралари бир-бирини тақозо килади ва бир-бирини тўлдиради. Кейинги мисранинг кўнгилдагидай чикмагани аввалгисининг ҳам маъною киррасига соя солган.

А.Ҳайнитметов таржимасида ҳам бу фикр чақмоқдай яркираб, ўзига жалб этадиган даражада кўтарилилмаган:

Тонг эмас, атлас либослар кўйида ўлса хасис,

Курт ўтар пилла, ўзига ҳам кафан чирмар эрур (ИЧ-57).

Бунинг устига, “чирмар эрур” сўз бирикмаси гап қурилиши жихатидан ҳам, услубан ҳам ўзбек тили нуктаи назаридан тўғри эмас.

Ж.Камол эса ипак куртини овсарга чиқаради:

Шоҳи, атлас деб мабодо ўлса нокас, не ажаб,

Пиллакурт ҳам ўзига шайлаб кафан, овсар эрур (ФГ-241).

Таржимон “сифла” сўзини “нокас” деб қанчалик топиб таржимага килган бўлса, кофия учун “овсар” сўзини шунчалик ноўрин ишлатган. Бундан ташкири, “шайлаш” сўзи “ўраш”, “тўкиш” маъносини бермайди.

Кўринадики. шоирнинг пурмаъно фикрни ўзида ифодалаган касиданинг шундай гўзал бир байти бирон-бир таржимада аслига мувофиқ тарзда жаранглаб чикмаган. Зоро, таржимадан мақсад факат аслиятнинг маъносини бериш эмас, балки унинг гўзалиги, таъсирчанлигини ҳам қайта яратишдир. Асл нусханинг маъноси ҳар қанча тўғри берилмасин, агарда у ўқувчига етиб бормаса, кўнглига

тъсир килмаса, уни шавқу ҳаяжонга солмаса, бундай таржимани асл нусхага мувофиқ леб. мувафакиятли деб бўлмайди.

“Тұхфат үл-афкор” қасидаси таржималарининг киёсий таҳлилидан қуидаги холосаларга келиш мумкин:

1. “Девони Фоний”нинг насрый таржимаси билан бирга нашр этилиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлган: биринчидан, Навоий форсий меросининг асосий мавзулари, етакчи гоялари, образлар олами, мазмун-моҳиятидан кенг ўқувчилар оммаси баҳраманд бўлади; иккинчидан, насрый таржимада шеърий таржимага қараганда матн маъносини аниқ ва тушунарли етказиш имконияти мавжуд; учинчидан, бундай таржима таржимонлар учун ўзига хос таглама (подстрочник) вазифасини бажаради. Бу фикрлар “Тұхфат үл-афкор”нинг насрый таржимасига ҳам таалукъли. Лекин қасиданинг Ҳамил Сулаймон томонидан амалга оширилган таржимасида кўплаб хато-камчиликларга йўл қўйилгани, диний-тасаввуйий байтлар дунёвий талқин қилингани, сўфиёна тимсол ва истилоҳлар тушиб қолгани унинг янги насрый таржимасини такозо этар эдики. Йигирма жилдлик Муқаммал асарлар тўпламида у Сайфиддин Рағиддиновнинг янги таржимасида чоп этилди. Бирок у ҳам айрим жузъий қусурлардан холи эмас.

2. Шоислом Шомуҳамедов “Тұхфат үл-афкор”ни анъанавий вазнида – рамали мусаммани мақсурда таржима килганига қарамай, радифдан воз кечгани, кофия тузилишини ўзгартиргани, бунинг устига, қасидани деярли ярмига (39 байт) кискартиргани ўзини окламаган. Албагта, у янги, оҳорли ва гўзал қофиялар топиб, катор байтларни асл нусхага мувофиқ ёркин ва тъсиричан таржима килган. Лекин шундай салмоқли асар таржимаси учун ҳамиша ҳам муносиб кофия топишнинг уддасидан чиколмаган. Натижада аслият матнига ёпишиб тушмайдиган, улуғ сўз санъаткори асарига мос келмайдиган, мумтоз шеърият рухи ва асар услубига мувофиқ бўлмаган соғ замонавий, бъзизда ҳатто жонли нутқ ва шевага хос сўзларни қофия ўрнида ишлатишига тўғри келган. Бундан ташқари, матн мазмунини ўзбек тилида акс эттириш билан боғлиқ бир катор хато-камчиликларини содир этган, сўфиёна истилоҳ, ва тимсолларни тушириб ё ўзгартириб кетган. бъзи вазний сакталикларга йўл қўйган. Кўрсатиб ўтилган нуксон ва қусурлар мазкур таржимани муваффакиятли деб баҳолашга хуқук бермайди.

3. Абдуқодир Ҳайитметов қасиданинг тўлиқ таржимасини амалга оширган. Уни анъанавий вазнида таржима килиб, маъно силсиласини ҳам имкон қадар аниқ акс эттиришга уриниб, аслиятга шакл ва мазмун жиҳатидан мувофиқ таржима яратишга интилган. Лекин бу таржимада ҳам кўплаб вазний сакталиклар, услубий гализликлар ва тўмтоказлар, ўринсиз кўлланган сўз ва қофияларга дуч келамиз.

Бундан ташкари, катор ўринларда аслият маъноси етарли идрок этилмаган, ўзгартирилган ёки бузилган, тасаввуфий маъно дунёвий талкин қилинган, сўфиёна истилоҳлар тушириб қолдирилган ёки ўзгартирилган, ҳозирги ўкувчига тушунарсиз арабий-форсий сўзлар кўллакилган. Энг муҳими, бу таржимада услубий равонлик, шеърий рух ва охангдорлик, жаранг етишмайди. Олим-таржимон иложи борича аникликка интилиб, сўзма-сўз таржима принципига амал килгани туфайли поэтик рух ва жозибани таъминлай олмаган.

4. Шеърий асарларни ўзбек тилида равон ва жаранглатиб таржима килиш борасида катта тажриба ва маҳорат ҳосил килган Жамол Камол “Тухфат ул-афкор” касидаси таржимасида ҳам анча муваффакиятга эришган. Кўплаб байтларни аслиятга мувофик таржима қилиб, шакл ва мазмун мутаносиблигига эришган таржимон, энг муҳими, ўзбекчада ҳам қасиданинг поэтик рухи ва шеърий жозибасини саклаб қолишга муваффак бўлган. Лекин унинг таржимаси ҳам салафлариники каби бир катор хато ва камчиликлардан холи эмас. Баъзан ўринларда маънони ёркин чикаролмаганлиги, баъзида мазмун бир қадар хира торгтани, тасаввуфий руҳдаги байтлар таржимасидаги нотўғри талқинлар, архаик сўзларнинг меъеридан ортиқ кўлланиши, кофия кўлашда ҳамиша ҳам муваффакиятга эришмагани шулар жумласидандир.

5. Жаҳон сўз санъатининг дурдона асарлари кўпинча ўзининг муносиб вазни, кофия ва радифи, мароми, руҳи, жозиба ва жарангосини топиб таржима тилида ватан адабиёти намунаси каби жаранглагунча бир неча авлод таржимонларнинг заҳматли меҳнати такозо қилинади. Алишер Навоийнинг шоҳ қасидаси “Тухфат ул-афкор” ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин. Мавжуд таржималар мукаммал таржима яратиш йўлидаги ўзига хос уринишлар, муайян боскичлар сифатида қадрли. Чунки таржималарнинг бирортаси кўплаб хато-камчиликлардан холи эмас. Айтайлик, А.Хайитметов ва Ж.Камол таржималарида “эрур” боғламасининг радиф қилиб олинишининг ўзи ҳозирги ўзбек тилига койилмақом эмаслигидан ташкари, мисралар охирида оҳангнинг тушиб кетишига сабаб бўлган. Кофия тузилишини айнан саклашса-да, бу борада гўзал ва охорли кофиялар топиб, асарнинг жарангосини таъминлай олмаганлар. Яна таржималарда маънони бериш билан боғлик кўплаб хато-камчиликлар, вазний сакталиклар, шеърий жозиба ва жаранг сустлашган ўринлар мавжудлиги, тасаввуфий руҳдаги айrim байтларнинг дунёвий талкин қилингани, баъзи сўфиёна тимсол ва истилоҳларнинг тушириб қолдирилгани ва ўзгартирилгани каби нуксонлар қасиданинг аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан хар томонлама мувофик янги таржимасига эҳтиёж сакланиб қолишини кўрсатади.

У БОБ

ДАВРЛАР ВА ТАРЖИМА ПРИНЦИПЛАРИ

Хар бир фаннинг ўз антиномиялари – инкор эта туриб тақозо киладиган зиддиятли қонунлари бўлади. Таржимашунослик эса, таъбиз жоиз бўлса, бошдан-оёқ қарама-қаршилик асосига курилган. Бундай дейишимизнинг сабаби, таржима ҳеч қачон аслиятнинг ўрнини босолмайди, айни пайтда, таржимасиз ҳам иш битмайди. Чунки жаҳондаги барча тилларни ўрганиш имкондан хориж нарса. Ўз-ўзидан, хар бир асарни ҳам у яратилган тилдан таржима килишнинг иложи йўқ. “Дунёдаги биронта мамлакат ҳам ўз таржима хўжалигининг шунчалик улкан, қамрови кенг, универсал тармоғига эга эмас. Шу сабабли таржимачилик тажрибасида қадим ул-айёмдан бошлаб медиум, яъни “бошқа тил орқали таржима қилиш” каби ёрдамчи воситалардан нажот излашга тўғри келган”¹. Бинобарин, жаҳоннинг асосий, етакчи тилларини эгаллаш орқали дунёда юз берётган вокеа-ҳодисалардан, илмий-техник, маданий-адабий янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин.

Бугунги реалистик таржимачилик ҳозирги даражасига етиб келгунга кадар узок, мураккаб ва зиддиятларга тўла йўлни босиб ўтди. Умуман, таржимага, хусусан, шеърий таржимага тиш-тирноғи билан қарши кишилар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Энг кизиги, улар орасида машхур олиму адиблар ҳам учрайди. Масалан, машхур итальян сўз санъаткори Алигъери Данте: “Вазн қонуниятига бўйсунган, мусиқий равонликка эга бўлган асарларни асл нусха лафзининг тамоми лазизлиги ва уйғунлиги билан бошқа тилга бенуксон таржима этиб бўлмайди”, – деса, таникли инглиз шоири Перси Шелли ёзди: “Бирор бир поэтик матнни бошқа тилда кайта яратишга уриниш – бу байини бинафша гулини ичиди металл қайнаб турган идишга солиб, шундан кейин унинг аввалги ҳолатини яна саклаб қоламан деб тентакларча ишонишдай гап”².

¹ Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. 35-бет.

² Кўчирма кўйидаги китобдан олинди: Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўпприклари (Поэзия ва таржима). – Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 41-бет.

³ Ўша ерда. 35-бет.

Француз адабиётида эса 1830 йилдан буён шеърни таржима қилиб бўлмайди деган қараш таъсирида бир асрдан зиёд вакт мобайнида шеърий асарлар насрый таржима қилиб келингани маълум.

Насрий асарни шеърий таржима қилиш ёки аксинча шеърий асарни насрый ифодалаш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, Фирдавсий “Шоҳнома”си ning бир неча насрый таржимаси мавжуд. Ёки Лутфий “Зафарнома”ни шеърга солгани маълум. Бобур Хожа Ахрор Валийнинг “Волидия” рисоласини шеърий таржима қилган. Кейинги асрларда ҳалқ қиссалари асосида достонлар яратиш анъанага айланган. Хомуший ва Сайқалийларнинг “Чор дарвеш” ва “Баҳром ва Гуландом” киссалари асосида яратган шу номдаги достонлари бунинг ёрқин далилидир.

Албатта, таржимага кўчганда ҳар қандай асар ўзининг аслий гўзаллигидан қайсиdir даражада маҳрум бўлади. Нўнок таржимоннинг қўлига тушса-ку, бир ҳалқ адабиётининг дурдона бўлган асар таржимага кўчганда ўртамиёна бир китобга айланиши, сўз устаси бўлган адиб хашаки бир қаламкашга айланиб қолиши мумкин.

Лекин бу нарсани баҳона қилиб, таржимадан бутунлай воз кечиб ҳам бўлмайди-да. Шундай килинганда, ҳалқларнинг ўзаро илмий-маданий алоқаси, бир-бирини ривожлантириши, демакки, олдга силжиш, тараққиёт ҳам бўлмасди-да. Чунки таржима – дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, тараққиёт гарови. Энг ёмон таржимада ҳам нимадир қолади.

Албатта, ҳар қандай асарни ҳам бошқа тилга ўтириш мумкин. Одатда, таржима бўлмаслик ақидасига таржима бўлиш назариясини зид қўйганда, жаҳон адабиётидаги буюк бадиий ва илмий-фалсафий асарларнинг у ёки бу тилга таржима қилинганилиги далил қилиб келтирилади. Чиндан ҳам, Ҳомер ва Хайём, Данте ва Бокаччо, Шекспир ва Шиллер, Бальзак ва Гёте, Стендаль, Сервандес, Дидро, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Бедил, Толстой, Пушкин, Достоевский, Айтматов, Маркес, Пауло Коэльо, Гагор, Навоий, Бобур, Аристотель, Улутбек, Галилей, Коперник, Дарвин, Эйнштейн асарлари дунёning барча етакчи тилларига таржима қилинган.

Турли даврларда хукмрон мафкуралар ва диний қарашлар таржима равнаки ва сифатига таъсир ўtkазиб келганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний “Рамаяна” асари таржимаси муносабати билан диний мутаассибликнинг таржимачилик ишига, умуман фан ривожига салбий таъсир ўtkазаётганлигини танқид килади. Уламолар охири “С”

билин тугалланадиган юонон ва рим олимларининг номларидан ўлгудай нафратланадилар, натижада ҳар турли таъкиблардан кутулиш мақсадида мутаржимлар уларнинг номларини арабийлаштиришга мажбур бўладилар – юончча “Катигорийас”, “Аналитикус”, “Аристотелус” каби сўзларнинг “Ал-маколут”, “Ал қиёс ва бурхон”, “Арасту” бўлиб кетишининг сабаби шунда дейди¹.

Бундан ташкари, таржимага муносабат ҳам ўтмишда хозиргидан фарқ қилган. Таржимонлар таржимани ҳам оригинал асал макомида кўриб, аслиятга хоҳлаганча ўзгартиришлар киритганлар, уни қисқартирганлар, унга қўшимчалар килганлар. Баъзида ҳатто факат сюжетни олиб, уни ўз сўзлари билан қайта ёзб чикканлар.

Бундай эркин таржима принципларини ёқловчилар билан бирга танқид килувчилар ҳам бўлган. Жумладан, Абу Райхон Беруний машҳур хинд эпоси “Калила ва Димна”ни IX асрда яшаган олим ва таржимон Абдулло ибн Мукаффа ўзидан боб қўшиб, бир қадар ўзгартириб таржима қилгани учун танқид қилгани маълум. Бошка таржимонлар ҳакида ҳам “мана бу фаслда сўзларни кориштириб юборган”, “мана бу ўринда ўзгартиришлар қилган” каби фикрларни билдириб ўтади.

Турли даврлардаги таржима принциплари ҳакида тасаввур ҳосил қилиш, мумтоз ва замонавий таржималарни киёслаш ўрганиш мақсадида ушбу бобда Низомий Ганжавий “Хусрав ва Ширин” достонининг Кутб Хоразмий, Саъдий Шерозий “Гулистон” асарининг Сайфи Саройи, Оғаҳий, Ғафур Ғуломлар томонидан амалга оширилган таржималари таҳлилига ўрин ажратдик.

5.1. МОҲИР МУТАРЖИМ

XIII-XIV асрлар Шарқ ҳалклари ўртасида маданий-адабий алоқалар кучайган давр ҳисобланади. Кутб Хоразмийнинг Низомий Ганжавий “Хамса”-сига кирган “Хусрав ва Ширин” достонини таржима қилиши. Ҳайдар Хоразмийнинг Низомий “Махзан ул-асрор”и жавобида “Гулшан ул-асрор” достонини яратиши. Сайфи Саройи Шайх Саъдийнинг машҳур “Гулистон” асарини “Гулистон бит-туркий” номи билан ўзбекчалаштириши бунинг ёрkin далилидир.

Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони таржимаси (1340-41) билан машҳур бўлган ва шу орқали ўзбек мумтоз адабиётидан ўзига

¹ Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Тошкент: “Маънавият”, 1999. 53-54-бетлар.

муносиб ўрин эгаллаган Кутб Хоразмийнинг таржиман холи ҳакида маълумотлар деярли сакланиб қолмаган. Факат “Хусрав ва Ширин” таржимаси мукаддимасидаги шоир ҳаёти ва фаолиятига онд айрим ишоралардан унинг XIV асрнинг ўрталарида яшаб ўтгани. Хоразмда туғилиб, шу ерда бошлангич маълумот слгани, Шарқ адабиётидан етарли даражада хабардор бўлгани, кейин Оқ Ўрданинг “Сигноқ шахрига бориб, достонни шу ерда таржима қилгани англашилади. Шеърлар машқ қилиб, маҳорати ошган ва шоирликда шухрат пайдо килган Кутб Хоразмий асари таржимасига узок тайёргарлик кўради. Лекин факирликда яшагани учун ҳам “Хусрав ва Ширин”дек кўп вакт ва машаккатни таълаб киласиган катта ҳажмдаги достонни ўзи таржима килишига кўзи етмай, Олтин Ўрда хони Муҳаммад Ўзбекхон (1312-1340) нинг Оқ Ўрдадаги ноиби бўлиб турган шахзода Тинибек (1340-1342) хузурига ёрдам сўраб боради. Шон-шуҳратларини янада ошириш ва тарих зарваракларида абадий колиш мақсадида Тинибек ва унинг давлат ишларида фаол кўмакчиси бўлган хотини Кутбни илик кутиб олвдилар ва ижод килиши учун барча шарт-шароитни яратиб берадилар.

Кутб достон таржимасини Оқ Ўрданинг ўзида бошлаб юборади. Малика мадҳида битилган куйидаги байт шундан далолат беради:

Жамилахон мулки ул баҳт улки,

Оқ Ўрду давлати ул баҳт улки.

Кутб ўз достонида Маликанинг “ҳар ишни тарозида ўлчаб, зехн билан фикр юритувчи оқила, комила” аёл сифатида мадҳ этиб, уни достон қаҳрамони Ширинга қиёс қиласиди ва бу билан унинг давлат ишларидағи фаол иштирокини кўрсатади.

Кутб қаламига мансуб “Хусрав ва Ширин” таржимаси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган озарбаён олимі А. Тоҳиржонов у 1330-1336 йилларда яратилган, деган фикрни илгари суради. Лекин Олтин Ўрдадаги нотинч ва пароканда вазият бу ерда итм-маданиятнинг ривожланишига йўл бермади, кўпгина олиму адиблар ижод учун тинч жой қидириб, бошқа мамлакатларга кетиб қолдилар. “Хусрав ва Ширин” ҳам кенг тарқалмай, шухрат козонолмади. Сайфи Саройи Мисрга бориб, муқим бўлиб колгани ва шу ерда Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” асарини таржима қилганидек, Кутб Хоразмийнинг “Хусрав ва Ширин” достони таржимаси ҳам амир Кутлу Хўжанинг тавсияси билан 1383-1384 йилларда Мисрда Берка Факиҳ ибни Бароказ Эдгу Кипчокий томонидан кўчирилади. Бу кўлёзма 1914 йили Париж Миллий кутубхонасидан (инв.№ 312) топилиб, илмий муомалага киритилади

ва шарқшунослар ўртасида машхур бўлиб кетади. 1940 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўtkазиш комитети томонидан унинг фотонусхаси олиниб, Ҳоди Зариф уни нашрга тайёрлаган. Бу нусха ҳозирги вактда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида сакланади. 1958 йилда польяк шарқшуноси А.Зайончковский таржимани факсимиile ва транскрипцияси билан Варшавада нашр эттирган.

Қўлёзма 120 варак (240 бет) бўлиб, 4750 байтни ўз ичига олади. Шундан 4685 байти Кутб қаламига мансуб бўлиб, қолгани котиб томонидан қўшилган. Достон 91 бобдан иборат. Ҳолбуки, Низомий достони 102 боб бўлиб, 6 мингдан ортиқроқ байтни ўз ичига олади. Таржимон аслият мазмунини, сюжетини саклаб қолиш билан бирга, уни анча эркин таржима килади, ўз даврига мослаштиради. ўша даврда бадиий таржима принциплари шундай бўлиб, таржимон таржимани ижодий иш санаб, унга хоҳлаганча ўзгартиришлар киритиши мумкин бўлган. Жумладан, Кутб ҳам асар муқаддимасига “Шаҳзода Тинибекхон мадҳи”, “Малика мархума Ҳонмалик мадҳи”. “Китоб назм қилмоққа сабаби баён аюр” бобларини қўшади. Айни пайтда, достоннинг умумий сюжетига алокасиз ҳисоблаганидан бўлса керак, “Чихил қисса аз “Калила ва Димна” (“Калила ва Димнадан кирк қисса”), “Натижай афсонай Ҳусрав ва Ширин” (“Ҳусрав ва Ширин афсонасининг натижаси”), “Меърожи Муҳаммад” (“Муҳаммад Меърожи”), “Дар насиҳати фарзанди худ Муҳаммад” (“Ўз фарзандим Муҳаммадга насиҳат баёнида”) каби қатор бобларни қисқартиради, айрим бобларни ихчамлаштириб, бир-бирига қўшиб юборади. Лекин “Кутб таржима килганда воқеа ва сюжетни қисқартирмайди, балки буларга ҳалал етказмайдиган даражада бобларни бир-бирига қўшган, аниқроғи, бобларнинг номларини ўзгартирган, холос. Масалан, аслиятдаги: “53-боб. Огоҳ шудани Ҳусрав аз ҳоли Фарҳод”, “54-боб. Талаб кардани Ҳусрав Фарҳод”, “55-боб. Мунозараи Ҳусрав бо Фарҳод” деган уч бобни Кутб икки бобга келтирган: “52-боб. Ҳусрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазимоқлики сўзи”. Лекин шу икки бобда аслиятдаги уч бобнинг мазмуни, воқеа ва сюжети тўла берилган, ҳатто уч бобнинг сатрлар сони ҳам сакланган”¹.

Кутб Низомий достонидаги XII аср ҳаётига оид айрим лавҳаларни тушириб колдиради, қисқартиради ёки таҳрир қилади, уларнинг ўрнига Олтин Ўрда ҳаётига доир воқеаларни киритади.

¹ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: “Фан”, 1965. 46–47-бетлар.

Натижада, Содир Эркинов таъбири билан айтганда: “Достон билан танишган ўкувчи кўз ўнгидаги сосоний давлатининг манзаралари эмас, кўпинча Олтин Ўрда хаётини эслатувчи тафсилотлар, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, турмуш йўсинларини англатувчи мисралар диккатни тортади. Сарой ва у ердаги расм-руслар, кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги ахлоқ-одоб коидалари бевосига Кутбнинг ўзи яшаган турмуш шароитини эслатиб туради”¹. Кутб Низомий достонидаги давлатлар ва мамлакатлар номини ҳам ўзига танишлари билан алмаштиради. Ёки Хусрав сұхбатида Хурросон беклари иштирок этадилар. “Агар Низомий айрим бобларнинг хулюсасида лирик хотима тарзидаги ўзига мурожаат этса, Кутб бундай ўринларда ҳикоя килинаётган воқеадан олган таассуротлари асосида ўзининг шахсий ҳиссиятини баён этади:

Қайт, Кутб, онча эмгатма ўзунгни,
Ҳикоят бошла, кўй ўтмас сўзунгни”².

Албатта, таржимада вазний сакталиклар, қоғия бузилишлари ҳам мавжудки, уларни “Кутб қаламига мансуб дейишдан кўра, котибга нисбат бериш маъқулроқ бўлади”³.

Достонни эркин таржима қилгани ҳакида шоирнинг ўзи мукаддимада шундай деган эди:

Низомий назми янглиғ тут сўзунгни,
Анин билгут хонингға бу ўзунгни. . .

Қазонтек қайнаб-уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдим.

Ҳар кандай етук таржима ҳам аслиятнинг ўрнини босолмайди. Шунинг учун ҳам Кутб ўз таржимасини Низомий болидан пиширилган ҳалво деб атайди.

Кутб Низомий достони асосида ўзбекча достон яратиш ва унинг воситасида ўзбек тилининг бой имкониятларини намоён килишни ўз олдига мақсад килиб кўйган эди ва у буни муваффақият билан удалайди. Бу таржима ўша давр ўзбек тилини ўрганиш учун муҳим манба бўлибгина колмай, балки ўзбек адабий тили ва адабиётининг тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнади. Маҳорат билан назм силкига терилган ҳассос мисралар Кутбнинг ўзбек тилининг катта билимдони

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1977. 211–212-бетлар.

² Ўша ерда. 212-бет.

³ Ўша ерда. 218-бет.

бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, отасининг таҳтини эгаллаган Ҳусравга Ширин насиҳатлар тўла мактуб йўллади. Мактуб Қутб томонидан катта маҳорат билан таржима қилинганди, у таржима эмас, балки ўзбек тилида ёзилгандай таассурот колдиради:

Укүш эл карғишин олма, соқингил.

Райят асрароқ яхши эрур, бил.

Қаю хондин райят бўлса озор,

Темишларким, қолур ёлғуз бўлуб хор.

Сан ўз фойданг учун бир пандим олғил:

Райятга зулм килма, адл киля.

Қутб таржимасини Низомий достони билан киёслар экан, мутаржимининг шеърий салоҳияти баландлиги ва у аслиятга қойилмақом таржима яратиб, “Низомий панжасига панжа” ура олганлигини кўрамиз. Мисол тарикасида, Ҳусрав ва Фарход мунозарасидан бир парча келтирайлик:

Наҳустин бор гуфташ, к: “Аз кужон?

Бигуфт: Аз дори мулки ошнои.

Бигуфт: Он жо ба санъат дар чи кўшанд?

Бигуфт: Андуҳ ҳаранду жон фурӯшанд.

Бигуфт: Жонфурӯши дар адаб нест,

Бигуфт: Аз ишкбозон ин ажаб нест...

Таржимаси:

Бурун сўрди: не ерликсан тею сан?

Айиттиким: ошиқлар шаҳриданман.

Айитти: анда не санъат қилурлар?

Айитти: жон сотиб, қазғу олурлар.

Айитти: жонни сотмоқлик хато ул,

Айитти: ишк йўлинда ҳам раво ул.

Бу мунозарани ўқир экансиз. Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонидаги Ҳусрав ва Фарҳод мунозараси тааввурингизда жонланади. Бадиий баркамоллиги, равон ва жарангдорлиги жихатидан у Навоий достонидаги мунозарарадан қолишмайди.

Катор байт ва мисраларнинг ўзбек тилида ҳам мақол ё хикмат каби жаранглаши Қутбнинг Низомий асари таржимасида чиндан ҳам машакқат чекиб, маҳорат кўрсатганлигини тасдиклайди:

Хунар кўргил, айб кўргунча зинхор.

Чечак тер бокқа кирсанг, олмагил хор.

Ажаб шахсе эрур бу одамизод.

Бўлур мум одами илгинда пўлод.

* * *

Шох ул бўлурким, элга дод килса,
Зулмдин мунглини озод килса,

* * *

Вале сархуш киши арслон тутар теб,
Масал бор: англамаз оғу ютар теб.

* * *

Тиласанг иззат, элга барча бўл ёр,
Сокингил, қилма кўп эл кўнглин озор.

Маълумки, ўзбек тилида омоним сўзлар кўплиги жихатизан мумтоз шеръиятимизда тажнис санъати ривожланган. “Хусрав ва Ширин” достони таржимасида Кутб ўзбек тилининг ушбу имкониятларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади:

Отин охурда боғлаб, бердилар ўт
Вале Ширин юракинда ёнар ўт.

Бу ёрда ўт сўзи ўсимлик ва олов маъноларида келиб, тажнис санъатини ҳосил қилган. Мана бу байтда эса эл сўзи юрт ва кўл маъноларида келади:

Чикардинг хийла бирла ўз элимдин,
Бироктим тахту тожимни элимдин.

Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”идек бадиий юксак ва салмокли асарни таржима қилиш катта истеъдод ва филологик тайёргарликни талаб қилиши шубҳасиз. Кутб ўзбек тилининг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, достонни равон услубда, содда ва тушунарли тиљда таржима қиласди, “унга тушуниш кийин бўлган арабча, форсча сўзлар кам, бўлгандари ҳам халк дилига сингиб кетган сўзлардир. Таржимада шундай иборалар, ифодалар борки, гўё улар ҳозирги замонамида, шу кечакундузда, бу куннинг адабий тилида ёзилганга ўшшаб кетади”¹. Таржимада Хоразм шевасига хос сўзлар кўп учрайди: учак (том), экинчи (дехкон), копу (эшин), кулан (геша), ал (кўл), голи (гилам), узокитеқ (аввалгидек) ва ҳоказо. Айни пайтда, Кутб Низомийнинг мураккаб байт ва мисраларини кўпинча атай соддалаштириб таржима қиласди:

Фасиҳе, к-ў сухан чу об туфти,
Сухан бо ў бо сутурлоб бигуфти, –
байти таржимасида устурлоб сўзини ташлаб кетади:
Фасиҳеким, равон сўз сўзлар эрди,
Сўзин андин ўёлиб гезлар эрди.

¹ Шарифов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. 42-бет.

Қүйидаги тўрт мисра эса Қутб таржимасида бир байтга айланган:
Чу омад зулфи шаб дар атроси,
Ба торики фурӯшуд рӯшнои.
Бурун омад зи парда сеҳрсозе,
Шашандозе ба жои шишабозе.
Таржимаси:

Нетакким, сочти тун зулфи йипори,
Қоронғуликка кирди тун хисори.

Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” и ўзбек адабиётида маснавийнинг “Қутадғу билиг” ва “Ҳибат ул-ҳакойик”дан кейинги нодир намунасилир. У достонни ўз вазнида – ҳазажи мусаддаси мақсур (маҳзуф)да таржима килади. “Хусрав ва Ширин” ўзбек эпик шеърияти тараққиётida ҳам, бадний таржимачи-лик ривожида ҳам алоҳида ўрин тутади.

5.2. “ГУЛИСТОН” АСАРИНИНГ ТЎРТ ТАРЖИМАСИ

Форсий сўз санъатида ахлоқий йўналишнинг асосчиси сифатида хаёт муаллими деб улуғланган Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари (1258) Шарқ дидактик адабиётининг юксак намунаси бўлиб, асрлар давомида дунёнинг кўплаб тилларига таржима килинган ва жаҳоний шуҳрат қозонган. Элу юрт кезиб, кўпни кўрган, турли тоифадаги кишилар билан мулокотда бўлган, хаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоир кўрган-кечирганлари, умри давомида олам ва одам тўғрисида чикарган хulosаларини мўъжаз ривоят ва ҳикоятлар ҳамда киска-киска шеърий мисралар катига жо этганидан бу асар панду насиҳат ва одоб-ахлоқ китоби сифатида донг таратган. Шаклан гўзал, мазмунан теран, бадний юксаклиги жихагидан барча тоифанинг севимли асари бўлиб колди, мактаб ва мадрасалар ўкув дастуридан ўрин олди.

“Гулистон” кадимдан ўзбек халки орасида ҳам машҳур. Таълим даргоҳларида ўқитилиб, халқ орасида севиб мутолаа килинибгина колмай. Алишер Навоийдан тортиб барча ўзбек шоирлари ундан ўрганган, таъсирланган. Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб”, Ҳожанинг “Гулзор”, “Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарлари бевосита Саъдий таъсирида яратилган.

“Гулистон” турли даврларда ўзбек тилига тўрт марта таржима килинган.

1390-1391-йилдаёк XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Сайфи Саройи Мисрда дўстлари ва маслакдошларининг даъватига кўра «Гулистан»ни ўзбек тилининг кипчок шевасида «Гулистан бит-туркий» номи билан таржима килади. XIX асрда у Хива хони Мухаммад Раҳимхон II – Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадизо Огахий томонидан иккинчи марта ўзбекчалаштирилади. Асарнинг учинчи таржимаси тошкентлик таникли мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиххўжа қаламига мансуб, у «Шавқи Гулистан» деб аталади.

Таржимашуносликда шундай бир коида мавжуд – муайян олинган асар юзта таржимон томонидан таржима қилинса, юз хил жаранглайди! Чунки ҳар бир таржима аслиятнинг янги бир киррасини очади, ўзгача бир талкинини вужудга келтиради, ўзидан аввалги нусхаларни қайси бир жиҳатдан тўлдиради. Шунинг учун бир асарнинг бир неча таржималари бўлиши таржимашуносликда ижобий ҳол хисобланади. «Гулистан» таржималарида ҳам шу ҳолни кўришимиз мумкин. Сайфи Саройи матнга ҳар қанча эркин муносабатда бўлмасин, таржимага ижодий ёндашади – ўз даври туркий тилининг бойликларидан маҳорат билан фойдаланиб, буюк салафи услуги ва даражасига мос таржима яратишга интилади. Огахийда кискартириш кўп бўлса-да, ўзгартириш кам – у асарни мумтоз адабиёт услубида ҳар жиҳатдан аслиятга хос ва мос таржима килади. Мулло Муродхўжа таржимаси эса тилнинг мураккаблиги. услубининг бир қадар ғализлиги билан салафлари таржимаси даражасида бўлмаса-да, лекин «Гулистан»нинг тўлик таржимаси эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд таржималарнинг барчаси истеъодди адиблар томонидан катта маҳорат билан амалга оширилган бўлиб, ўз даври адабий муҳитида воқеа бўлган, хозиргача ҳам ўз адабий кимматини йўқотмаган. Чунончи, тил жиҳатидан бирмунча эскирганини айтмаса, Сайфи Саройи ва Огахий таржималари ҳам ҳақиқий шеърият муҳлислари эҳтиёжларини бир қадар кондира олади. Кейинги даврга мансублигига қарамай, араб ва форс сўзларининг кўп кўлланилганлиги, услубининг бир қадар мураккаблиги билан Мулло Муродхўжа таржимаси ҳам тил жиҳатидан салафларининг таржималаридан колишмайди. Сайфи Саройи таржимаси қадим туркий сўзларининг кўп кўлланилганлиги билан ажralиб турса, Огахий ва Муродхўжа таржималари арабий-форсий қалималарининг кўп истифода килинганлиги билан мураккаблик касб этади. Лекин

мазкур нашрларнинг вакти-вакти билан чоп этилиши уларнинг ҳар бир замонда ҳам ўз ўқувчилар доираси борлигини кўрсатади.

Мисол учун, кўйидаги ҳикматларни тушуниш замондошларимизга ҳеч бир қийинчилик түғдирмайди, деб ўйлаймиз:

Окил ул – сўзни ўринда сўзлагай

Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

(Сайфи Саройи таржимаси)

Келди дононинг вужуди, ўйлаким, покиза зар,
Борса ҳар ерға – килур халк қадру қийматин.

Шаҳрдин чикмас улуғзода агар нодон эса,

Не учунким, ўзга ерда тутмагайлар иззатин.

(Огаҳий таржимаси)

Еса ион ҳар киши ўзи ишидин,
Ҳеч миннат эшиштафай кишидан.

(Мулло Муродхўжа таржимаси)

Саъдийнинг кўплаб ҳикматларини барча таржимонлар киёмига етказиб, бир-биридан гўзал ва бетакрор даражада таржима қилганлар – улардан бирини танлаб олиш иккинчисига нисбатан инсофисизлик бўлар эди. Баъзида бир-биридан рақобат килар даражада етук бу таржималардан кайси бирини танлаб олишни билолмай уларнинг икки. баъзида ҳатто уч нусхасини ҳам тўпламга киритишга қарор қилдик – ўқувчилар улар ичидан ёккани, дидига ўтирганини танлаб оладилар. Чунончи:

Сайфи Саройи таржимаси:

Елар дунёнинг ортинча ҳарис эр,

Ўлумин англамай олтун ғамин ер.

Огаҳий таржимаси:

Мискин ҳарис олам аро тинмайнин юрар:

Ул ризкнинг изидан, ажал онинг изидан.

Ёки:

Эйки, султон олдида сўзинг топибдур эътибор.

Яхши сўз айтурни пеша кил ўзингга зинхор.

(Огаҳий таржимаси)

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши,
Лозимдир яхши гап топиб айтиши.

(Faфур Fулом таржимаси)

Кўринниб турибдикি, таржималар бир-биридан гўзал ва ўзига хос. Айни пайтда, улар бир фикрнинг икки талкини эканлиги, бири иккинчисини очиши ва тўлдириши жиҳатидан ҳам эътиборга молик. Айтайлик, биринчи мисолда югурик дунё ва ҳарис инсонга ургу берилган: омонат дунёда ғанимат эканлитгини билмаган ҳом сут ичган банда ўлимни хаёлига келтирмай, молу дунё йиккани-йиксан. Ҳолбуки, топган давлатини бу дунёда ҳам сарфлаб тугатолмайди, у дунёга ҳам олиб кетолмайди. Донишмандлар лутф этгандари идея, ортиқча бойлик тўптаётган кимса бошқалар учун жон куйдираётган бўлади.

Иккинчи мисолда одам ва ажал асосий образлар сифатида намоён бўлади: ҳарис банда дунё бўйлаб ризкини излаб юурса, ажал унинг жонини олиш учун ортидан қолмайди. Ҳа, бу ҷархпалак дунёда ҳамма нарса бир доира бўйлаб бир-бирининг ортидан чарҳ уради: ким бойликнинг, ким илмнинг, ким ишкнинг, ким машнатнинг... Лекин ўзининг кетидан ҳам бир нарса тушганини, ҳамиша пайт пойлаб юрганини кўпчилик хаёлига келтиравермайди.

Бу таржималарни аслият билан чоғиширса, Сайфи Саройи Саъдий фикрини бир қадар эркин талкин килгани, Оғаҳий таржимаси эса форсий матнга мувофиқлиги маълум бўлади:

Мискин ҳарис дар ҳама олам ҳамеравад,

Ў дар қазои ризқу ажал дар қафои ў.

Мазмуни: “Бечора мол-дунё бандаси бутун оламни чарҳ уради: у ризқ кетидан, ажал унинг ортидан”.

Иккинчи мисол ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин: Оғаҳий таржимасида шунчаки шоҳ даргоҳига йўл топиб, унинг назарига тушган киши ҳакида гап борса, Ғафур Ғулом таржимасида шоҳга ўз гапини ўтказган киши, бинобарин, маслаҳат берадиган шахс кўзда тутилмоқда.

Таржималарни аслият билан солиширса, Ғафур Ғулом таржимаси Саъдий фикрларига ҳамоҳанглиги аён бўлади:

Ҳар ки шоҳ он кунад, ки ў гўяд,

Ҳайф бошад, ки жуз накў гўяд.

Мазмуни: “Шоҳ маслаҳати билан иш қиладиган киши факат яхши сўзни сўзламаса, ҳайф бўлади”.

Бу таржималарни киёсий ўрганиш уларнинг аслиятга канчалик мувофиқлиги, муаллиф ва мутаржим услубининг таржимада акс этиш нисбати, ҳар бир таржимоннинг маҳорат даражаси ва таржимага ёндашиб усули, бадиий таржимада аниқлик ва эркинликнинг ўрни, мазмуни ва шакл бирлигини қайта яратиш каби таржима

назариясининг кўплаб масалаларини янги маълумот ва далиллар билан бойитибина қолмай, даврлар ва таржима принциплари, тил ва таржима, қайта таржима зарурати, таржима усуллари каби катор муаммоларнинг ҳам ўзига хос ечимларини тақдим этиши билан ҳам мухим аҳамиятга эга.

“Гулистан” саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши куйидагича: дебоча; биринчи боб – подшохлар сийрати зикрида; иккинчи боб – дарвешлар ахлоқи зикрида; учинчи боб – қаноат фазилати зикрида; тўртинчи боб – сукут саклашнинг фойдалари зикрида; бешинчи боб – ишқ ва ёшлиқ зикрида; олтинчи боб – қарилек ва заифлик зикрида; еттинчи боб – тарбият таъсири зикрида; саккизинчи боб – сұхбат одоби зикрида.

“Гулистан” – форс-тожик дидактик адабиётининг чўккиси ҳисобланади. У “панду насиҳат ва одоб-ахлоқ китоби сифатида шұхрат қозонган... Умрининг кўп кисмини саёҳатларда ўтказган, кўп халқлар, миллату әлатлар ҳаётини кузатган, турли табака кишилари билан мулокотда бўлган Саъдий кўрган-кечирғанларини, ҳаётий тажрибасини умумлаштириб, уларни юксак бадиий шаклда, қисқа-қисқа, аммо ғоят ширали, таъсирчан мусажжаъ насрый жумладар ва шеърий байтлар билан зийнатлаб, ўзига хос ҳикоятлар тўпламини яратган. Уларда донишманд бир ҳаким инсоннинг заковати, насиҳатлари ҳам, енгил ҳазил-мутобибаси, лутфу нуктадонлиги ҳам, ҳис-түйғуларга лиммо-лим шоирона маҳорати ҳам мужассам. Шу сабабли ҳар хил тоифадаги, турли табъли одамлар “Гулистан”дан баҳра ола биладилар”!

“Гулистан бит-туркий” ягона нусхада етиб келган. Асар ҳозирги кунда Голландиянинг Лейден кутубхонасида 1553 раками остида сакланади. Қўлэзма XX аср аввалларидан ўрганила бошлаган. 1954 йили турк олими Фаридиддин Нафис Ўзлук унинг факсимил нусхасини нацр эттирган.

Саъдийнинг “Гулистан” асари асрлар давомида Шарқ мамлакатларида мадрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келгани маълум. Сайфи Саройи дўстлари ва маслакдошларининг даъватига кўра уни ўзбек тилининг қипчоқ шевасида таржима қиласди. У асарнинг аслини айтарли сақлаб қолган, зйни пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган. Бу давр омили билан ҳам

¹ Комилов Н. Ҳикматлар ҳазинаси. Сўзбоши // Саъдий Шерозий. Гулистан. Форсийдан Мухаммадизо Оғаҳий таржимаси (Нашрга тайёрловчи Субутой Долимов). – Тошкент, 1993. З–4-бетлар.

боғлиқ: ўрта асрларда таржимага эркин ёндошилган – таржимоннинг асарни кикартириши, ўзгартериши, ҳатто қўшимча килиши табиий ҳол хисобланган. Сайфи Саройи ҳам таржима жараёнида “Гулистан”даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларини ижодий кайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади, айримларини таржима килмай, ўзича қолдиради. Шунга қарамай, таржима муваффакиятли чиккан ҳамда асрлар мобайнида туркй халқларни Саъдий ижоди билан таништириш ва донишманд шоирнинг маънавий-ахлоқий карашларини тарғиб килишда муҳим роль ўйнаган.

Ўзи ҳам даврининг баркамол шоири бўлган Сайфи Саройи “Гулистан” таркибида келган шеърлар таржимасида алоҳида маҳорат кўрсатган. Чунончи, куйидаги тўртлик аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тўла мувофик:

Абр агар оби зидаги борад,
Ҳаргиз аз шохи бед бар нахўри.
Бо фурӯмоя рўзгор мабар,
К-аз наи бўрье шакар нахўри.

Агар ёкса булутдан оби хайвон.
Яқин бил тол ағочинда емиш йўқ.
Ёмон бирла умрни зоеъ этма.
Кури найдан киши шаккар емиш йўқ.
Мана бу байт таржимасида вазн ўзгарган бўлса-да, мазмун аслиятга койилмақом:

Хумой бар ҳама мурғон аз он шараф дорад.
Ки устухон хўраду жонвар наёзорад.

Хумой ул иш билан топти шарафким,
Сўнгак еб, жонвор инжитмиши йўқ.
Албатта, Сайфи Саройи “Гулистан”нинг насрый кисмини ҳам катта маҳорат, шоирона ҳассослик билан таржима қилган. Баъзида Саъдийнинг насрый ҳикматларини шеърга солади. Жумладан: “... даҳ дарвеш дар гилеме биҳусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд”:

Сигар бир ҳужрага ўн икки меҳмон.
Бир иқлима сиғишишмас икки сulton.
Бир ғазалида шоир менинг сўзимни ориф – доно кишилар кадрлайдилар ва кимматбаҳо дур каби доим қулоқларига иладилар, деган эди:
Сўзларимнинг жавҳарин ориф кўруб, қадрин билиб,

Кўп баҳоли дур бикин доим кулокинда тутар.

Бу сўзларда муболага йўқ. Бизгача етиб келган мўъжаз мероси ва “Гулистан” таржимаси ҳам Сайфи Саройининг забардаст сўз устаси эканлитини яккол кўрсатиб турибди. Бинобарин, унинг мероси тўлалигича топилса, у ўзбек мумтоз адабиёти хазинасини бойитиши шубҳасиз.

XIX асрда “Гулистан” Хива ҳони Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадизо Оғаҳий томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима килинади. Асарни бирмунча кискартириб таржима килгани, чунончи. 187 ҳикоятдан 25 тасини колдириб кетгани, 1000 га яқин шеърий парчалардан 522 байтини шеър билан ўгириб, колганини насрлашгиргани, бир қанча арабий матнларни ўзбекчалаштирганига қарамай, “Оғаҳий Саъдий Шерозий ҳикоятларининг бадиий гаровати, руҳини ўкувчига етказади. Саъдий сажълари, ихчам, лекин лўнда афористик жумлаларда тузилган насири, китъя ва рубонилари, сероҳанг жарангдор ифодалари Оғаҳий таржимасида ўзбекча нафосат билан акс этган”¹.

Ўзи ҳам забардаст шоир бўлган Оғаҳий “Гулистан”ни кагта маҳорат билан ўзбек тилига таржима килган. Саъдий ҳикоятлари ва шеърларини бутун жозибаси билан ўзбек тилида қайта жаранглатади. Чунончи, мутафакир шоирнинг доно ва нодонни киёслаб, доно дунёнинг қайси бурчагига бормасин, ўз илму дониши билан ҳамма ерда ҳурмат қозониши, лекин ҳар қанча улуғзода бўлмасин, бўлар ерда эътибор топмаслиги учун нодон иложи борича ўз шахридан ташкари чиқмаслиги ҳакидаги фикрлари ифодаланган қуйидаги китъаси Оғаҳий таржимасида ҳам аслиятга мувофик жаранглайди:

Вужуди мардуми доно мисоли зари тилост,

Ки ҳар жо бираавад, кадру киматаш донанд.

Бузургзодаи нодон ба шаҳр вомонад.

Ки дар диёри гарибаш ба ҳеч настонанд.

Келди дононинг вужуди, ўйлаким, покиза зар,

Борса ҳар ерга килурлар ҳалқ кадру кийматин.

Шаҳрдин чиқмас улуғзода, агар нодон эса,

Не учунким, тутмагайлар ўзга ерда иззатин.

Саъдийнинг умуинсоний аҳамиятга эгалиги жихатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик кенгаши биносининг

¹ Комилов Н. Ҳикматлар хазинаси. 8-бет.

пештоқига дарж этилган қуйидаги машхур мисралари ҳам Оғаҳий томонидан маҳорат билан таржима қилинганды:

Бани одам аъзои яқдигаранд,
Ки дар оғариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор.
Дигар узвҳоро намонад қарор.
Ту, к-аз меҳнати дигарон бегами.
Нашояд, ки номат ниҳанд одами.

Бир-бирга улус эрур аъзо.
Зоти бирдур бориға, эй доно.
Етса ҳар аъзоға агар озор,
Қолмағой ўзга узвларга қарор.
Ўзгалар дардидин эсанг бегам,
Лойиқ эрмас сени демак одам.

“Гулистан”нинг учинчи таржимаси тошкентлик мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиҳхўжа ўғли қаламига мансуб бўлиб, у “Шавки Гулистан” деб аталган. “Муродхўжа мадрасаси талабалари эҳтиёжини хисобга олиб, асарнинг қийин сўз ва иборатларини шарҳлаган ва форсий оригиналини ҳам кўшиб, “Ғуломия” матбаасида нашр этириди”¹ (1909). Лекин сўзма-сўз таржима принципи устунлиги ва бадиий савиғаси баланд бўлмаганлиги туфайли бу таржима унча шуҳрат козонмаган².

Бу мавжуд таржималар ичизи мукаммали ҳисобланади. Чунки Сайфи Саройи ҳам, Оғаҳий ҳам асарни бирмунча кискартириш ва ўзгаришлар билан ўғирганлар. ҲаттоFaфур Ғулом, Рустам Комилов ва Шоислом Шомуҳамедовлар томонидан таржима килиниб, 1968 йили босилиб чиққан замонавий нашри ҳам тўлиқ эмас. 1960 йили таникли шоир ва таржимон Чустий таржимасида “Бўстон” асари нашр этилди. Кейинчалик Ш.Шомуҳамедов ҳам ундан парчалар таржима килди.

1968 йили “Гулистан”нинг тўртинчи таржимаси босилиб чиқди. Асаддаги шеърларни Faфур Ғулом ва Шоислом Шомуҳамедов, наср қисмини Рустам Комиловлар ўзбекчалаштиришган. Бу “Гулистан”ни ҳозирги давр ўкувчисига таништириш йўлида муҳим қадам бўлди. Чунки мавжуд таржималарнинг барчаси тил жиҳатидан эскирган

¹ Ўша ерда. 7-бет.

² Бу ҳақда каранг: С а л о м о в F. Таржима назариясига кириш. – Тошкент. 1978. 166–168-бетлар.

бўлиб. улар замонавий китобхоннинг тараб-эхтиёжларини кондирилмас эди. Бинобарин. асарнинг янги таржимасини даврнинг ўзи кун тартибига кўйган эди. Донишманл Саъдийнинг Олам ва Одам хусусидаги фикрларининг қаймогини ўзида жамлаган бу асардаги хар бир шеър хикматдай жаранглайди. F. Гулом унинг кириш кисми хамда биринчи ва иккинчи бобларидаги жами 800 мисра шеърни таржима килган. Таржималарни аслият билан киёслар экан. Саъдий фикрлари F. Гулом қалбила акс садо берганлиги, бу икки донишманд инсоннинг карашлари муштараклигини ҳис киламиз. Рухий яқинлик ва нуктани назарлар бирлиги – бадиий таржиманинг муваффакиятини таъминлайдиган мухим омил. F. Гулом таржималарининг ютуғи айнан шунда.

Жаҳон. эй бародар, намонад ба кас,
Дил андар жаҳонофарин банду бас.
Макун такъя бар мулки дунъёву пушт,
Ки бисъёр кас чун ту парварду кушт.
Чу оҳангি рафтан кунад жони пок.
Чи бар тахт мурдан, чи бар рўи хок¹.

Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар.
Дилингни Тангрига топширсанг етар.
Таянч, деб билмагин бу дунё молин.
Кўпларни ўстириб, берди заволин.
Жон берар экансан, фарки йўқ сира.
Тахтда ўласанми ё тупрок узра².
Таржима аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан койилмаком:
саъдиёна овознинг ғафурона акс садоси!

Албатта, бу сўзма-сўз эмас, балки маъно таржимаси, яъни Саъдий фикрларининг Ғафур Гулом қалбida қайта ишланган ўзбекча ифодаси.

Бундай гўзал таржималарни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бу – туташ қалблар, муштарак карашларнинг ўзаро бирлигига ўхшайди. Теран билим ва катта турмуш тажрибасига эга Саъдий ўз фикрларини ҳаётий ташбихлар воситасида лўнда ва ихчам ифодалайди. Ҳаётий тажрибалар маҳсули бўлган бу фикрлар ҳаётий ҳодисалар оркали тасвирлангани учун ҳам асрлар мобайнида кишиларни ҳайратга солиб

¹ Саъдии Шерозий. Гулистон. – Душанбе, 1988. С. 31.

² Саъдий. Гулистон. – Тошкент: F.Гулом номидаги Бадиий адабиёт нашиёти, 1968. 22-бет.

келмоқда. Гафур Гулом эса ўзбекнинг катта ҳаётий тажрибага эга комусий илм сохиби. Шунинг учун, айтиш мумкини. унинг сиймосида буюк форс-тожик шоири ўзининг муносиб таржимонини топган. Бу ҳикматларни ўқир экан, Саъдий агар ўзбекча ёзганида ҳам шундай ёзар эди, деган тўхтамга келасиз.

Албатта, Ш.Шомухамедов ижодида ҳам саъдиёна таржималар анча-мунча.

Тахлиллар юзасидан қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

Биринчидан, муайян асар таржимасига ҳар бир даврнинг ўз талаби, ҳар бир ўкувчининг ўз эҳтиёжи мавжуд. Ўз навбатида, ҳар бир даврнинг ўз таржима принциплари ва ҳар бир таржимоннинг аслиятга ёндашув усуслари бўлади. Шунга кўра, ҳар канча муваффакиятли амалга оширилган бўлмасин, бир даврдаги таржима иккинчи даврнинг эҳтиёжларини тўла қондиролмайди. Даврлар ўтган сари бу номувофилик даражаси ҳам ошиб бораверади.

Иккинчидан, аслият ўзгармас бўлгани ҳолда таржима замонлар ўтиши билан тил жиҳатидан эскиради ва янги давр ўкувчиси уни ўкишга кийналади. Бинобарин, лисоний муаммо ҳам янги таржимани такозо этади.

Учинчидан, ҳар бир таржимоннинг ҳам буюк сўз санъаткорлари “панжасига панжа ур”гиси, дурдона асарлар таржимасида ўз қалами кучини синаб кўргиси келади. Демак, ижодий мусобаа истаги ҳам янги таржималарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, давр талаби, замон мағкурасига кўра баъзан асарлар қискартириб, таржима килинади ёки таржима жараённида турли ўзгартиришлар амалга оширилади. Ўз-ўзидан, аслиятни тўлиқ ва аслига мувофик таржима қилиш максади ҳам янги таржимани келтириб чиқаради.

VI БОБ

АДАБИЙ АЛОКА, ЎЗАРО ТАЪСИР ВА БАДИЙ ТАРЖИМА

Адабий алока, ўзаро таъсир ва бадиий бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди – адабий алокасиз ўзаро таъсир, ўзаро таъсирсиз бадиий таржима бўлмайди, ўз навбатида бадиий таржима ривожланиши билан ўзаро таъсир кучайиб, адабий алоқалар янада мустаҳкамланади.

Илмий-техника ютуқлари моддий тараккиётга туртки бергани каби, маданий-адабий янгиликлар ҳам халкларнинг маданий-маънавий юксалишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун нафакат илмий-техник кашфиётлар, балки маданий-адабий ютуқлар ҳам бошқа халклар томонидан ўзлаштирилади ва ривожлантирилади.

Бирор-бир халқ ўз кобигида ривожланмагани каби, унинг адабиёти ҳам ташки таъсирларсиз тараккий этиши мумкин эмас. Адабиётлар бир-бирини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан бойитади.

Бу масаланинг мазмун жиҳати – муштарак мавзуларда қалам тебратишни ўз ичига олади. Масалан, Шарқдаги ҳамсанавислик анъаналарини олайлик. Бу анъана муштарак мавзуларнинг янги талкинларини вужудга келтирган. Айни пайтда, бу шакл жиҳатидан ҳам адабиётни янгилади, бойитди. Навоийгача туркий адабиётда “Ҳамса” бўлмаган.

Ҷусуф Ҳос Ҳожиб забардаст форс достоннависи Абулқосим Фирдавсий билан ижодий беллашиб, “Шоҳнома” муқобилида ўзининг “Кутадғу билиг” асарини яратган. Бу асарнинг туркий “Шоҳнома” номи билан шуҳрат тутгани бежиз эмас.

Туркий шеърият кадимда асосан аллитерапия асосланган, ҳатто унда кофия ҳам бўлмаган. Кейинчалик тўртликлар пайдо бўлди. Туюқ ҳам туркий шеъриятда вужудга келди. Лекин касида, газал, китъа, рубоий, фард, мухаммас, мусаддас, мустазод, мурабба, таржебанд, сокийнома каби шеърий жанрлар араб ва форс адабиётидан кириб келди.

Маълум бўладици, таржима воситасида адабиётлар янги жанрлар билан ҳам бойийди. Роман, драма каби жанрлар ҳам кейинчалик бизга рус адабиёти оркали Ғарбдан кириб келди. Аслида Шарқда халқ томоналари бўлган. Лекин бугунги тушунчадаги драма, комедия, трагедия жанрлари кадимги Юнонистонда ривожланган, уларнинг назарий асоси ҳам яратилган. Кейинчалик Шекспир уларни янги чўккига кўтарди. Ўзбек адабиётижа Бехбудий, Ҳамза, Мирмуҳсин,

Хуршид каби ижодкорлар илк бор драматик жанрларга қўл урдилар. А.Қаҳхор комедиялари, Шайхзода трагедиялари шуҳрат козонди. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Уйғун ва Иzzат Султоннинг “Алишер Навоий” драмалари, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор”, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедиялари ҳасида ҳам шундай дейиш мумкин.

Шеърнитимизда сонет, хокку, танка каби жанрлар пайдо бўлди. Шоирларимиз Рембо, Барокко усулида ёза бошладилар.

Адабий алоқа ва бадиий таржима туфайли янги услублар карор топди. Масалан, Шарқда романтизм услуби асрлар давомида амал килиб келган: кўтариинки услубда ёзиш, тахайюл, фантастика унинг асосий белгиларидан эди. Рус адабиёти таъсирида адабиётимизда реалистик тасвир услуби карор топди. Адабиёт ҳаётга яқинлашди: одамларнинг кундалик ташвишлари, реал орзу-умидларини акс эттира бошлади. Адабиётга реал инсон кириб келди ўз орзу-ташвишлари билан. Ҳолбуки, мумтоз сўз санъати ҳаётий масалаларни кўпинча четлаб ўтиб, юксак идеалларни улуғлаган, кишиларни олий мақсадларга даъват этган, кундалик ташвишлар гирдобида колган одам танкид килинган.

Сайёр сюжетлар, муштарак анъаналар вужудга келган. Лекин улар санъат санъат учун бўлиб қолмаган. Айтайлик, Навоий “Фарҳод ва Ширин”да Шарқ ҳалқлари учун азалий ва абадиий муаммо бўлган сув танқислиги масаласини кўтаради. “Сабаъи сайёр”да шавкатли шоҳ Баҳромнинг инкиrozини кўрсатиш орқали Ҳусайн Бойқаронинг кўзини очмоқчи бўлади. “Лайли ва Мажнун”да хос инсонларни оддий одамлар англамайдилар деган фикр қизил ип бўлиб ўтади.

“Таржимани мевали дараҳт ниҳолига киёс қилса бўлади. Чунончи бир заминда ўсиб турган ниҳол бошқа ерга ўтказилганда кўкариб, мева беради. Жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам таржима туфайли бир тилдан бошқа тилга кўчирилганда, ўша тилнинг эгаси бўлган ҳалқнинг миллий онгини ўстиришда, янгича эстетик дид пайдо килишда, дунёқарашини тарбиялашда фаол роль йўнайди.

Таржима тарбиявий, маърифий ва дониший (билиш) аҳамиятига эга. Оригинал адабиёт орқали, асосан, ўз ҳалқимизнинг ўтмиш, хозирги ва келажак ҳаёти, тарихий гурмуш шароитларини ўргансак, бадиий таржима асаллари орқали бошқа ҳалкларнинг ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, иктисадий турмуш шароитларининг бадиий инъикоси билан танишамиз. Ҳар иккаласи: оригинал адабиёт ҳам, таржима адабиёти ҳам баб-баравар аҳамиятга эга, улар изма-из,

кўлтиқма-кўлтиқ баравар ривожланади, бирини иккинчисидан устун кўйиш мумкин эмас¹.

Жаҳон адабиёти – ягона. Чинакам ёзувчи миллий адабиёт кобигида ўралашиб қолмайди, балки жаҳон адабиётининг илғор тажрибаларини ўзлаштириб, жаҳоншумул глобал масалаларни ўз асарлари орқали кўтариб, жаҳон адабиётига ҳисса кўшишга, биргина халқ эмас, балки инсоният ёзувчиси бўлишга интилади. Чунончи, Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов, Пауло Коэльо каби жаҳон миқёсидағи тафаккур соҳиблари бўлган адилар ўзбекларнинг ҳам ўз ёзувчиси бўлиб қолган – улар яратган ҳар бир янги асар бўёғи қуримай тилимизга таржима қилиб борилади.

Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Ҳўжандий, Салмон Соважий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби забардаст форсий сўз санъаткорларининг номи ва асарлари кадимдан халқимиз орасида машҳур бўлиб, шеърият кечаларида ўқилган, шоирларимизга кучли таъсир кўрсатган, адабиётимиз ривожида катта роль ўйнаган. Шундан келиб чиқиб, ушбу фаслда миллий маънавиятимизнинг таркибий қисмига айланиб кетган форсий шоирларнинг айримларининг ҳаёти, ижоди ва ўзбек адабиётига таъсири хусусида фикр юритишни лозим топдик.

6.1. АТТОР АБАДИЯТИ

I

Қадим ул-айёмдан сўз санъати иклимини фавқулодда истеъододлар белгилаб келган. Дунёда буюк сўз санъаткорлари кўп ўтган. Лекин бетакрор ижоди билан ўзига хос адабий мактаб яратиб, адабиётда бугун бир даврни ташкил этган ва ўзидан кейинги ижодкорларга кучли таъсир кўрсатган чин маънодаги ўткир қалам соҳиблари ҳамиша ноёб ҳодиса хисобланган. Фаридуддин Аттор рамзу тимсоллар асосига курилган кават-кават маъно қатламларига эга оҳорий асарлари билан сўз мулкига баҳорий нафас олиб кирган ва унинг об-ҳавосини кескин ўзгартириб юборган ана шундай кайхоний нигоҳи бепоён ва тафаккур миқёси чексиз мутафаккир, маърифат асрорини маҳорат билан назм риштасига тизиш орқали тариқат ва

¹ Саломов F. Таржима назариясига кириш. 124-125-бетлар.

шөъриятни ажойиб бир тарзда омухта этган ориф шоир бўлибгина колмай, мусулмон Шаркида донг тарагтган шайху авлиё ҳамдир.

Жаҳон адабиётининг забардаст намояндалари каторига кирган Фаридуддин Абуҳомид Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим Нишопурӣ (1145-1221) Нишопур атрофидаги Кадкани қишлоғига туғилган. Отаси Абубакр аттор ва табиб эди. Бу қасб ўғлига ҳам мерос бўлиб ўтган. Шоирнинг Аттор номи билан ҳалқ ичидаги машҳур бўлиши ва уни адабий таҳаллус килиб олиши шундан.

Ёшлигидан илм таҳсилига кизиккан Муҳаммад ислом дини асослари, тасаввуф таълимоти, тил ва адабиёт, ҳикмату қалом, нужум, тиб ва доришунослик фанларини чуқур ўзлаштириб. ўз даврининг фозил кишиларидан бирига айланади. У сўфийлик мухити ва тасаввуф аҳли орасида яшаганидан бу таълимот унга кучли таъсир кўрсатган. Воеан, отаси Иброҳим машҳур авлиё Қутбиддин Ҳайдарнинг муриди эди. Унинг ўзи ҳам йирик шайх ва авлиё бўлган. “Мазҳар ул-ажойиб” асарида хоразмлик буюк авлиё Нажмиддин Куброни кўрганлиги ҳақида ёзган мутасаввиф шоир унинг шогирди Маждиддин Бағдодий кўлидан дарвешлик хирқасини кийган. Эронлик машҳур адабиётшунос Саид Нафисий ҳам уни кубравия тариқатининг давомчиси бўлган, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, Аттор тариқат сулукида Шайх Рукниддиннинг муриди саналади. Аслида у увайсий бўлиб, машҳур сўфий Мансур Ҳалложнинг руҳидан тарбия топган. Алишер Навоий Жалолиддин Румий тилидан бу ҳақда: “Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлубдур”, – деб маълумот беради.

Аттор жуда сермаҳсул шоир бўлиб, унинг 40 тадан 190 тагача асар ёзгани накл қилинади. У Куръони карим суралари миқдорича. яъни 114 та асар яратган деган маълумотлар ҳам мавжуд. Улар орасида “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Жавҳар уз-зот”, “Хусравнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома”, “Мазҳар ул-ажойиб” достонлари машҳур. Яна “Ҳайдарнома”, “Шарҳ ул-калб”, “Гумгумнома”, “Жавоҳирнома”, “Меъроҷнома”, “Ҳалложнома”, “Вуслатнома”, “Лисон ул-ғайб”, “Бесарнома”, “Си нома” маснавийлари борлиги манбаларда келтирилади. лекин уларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган. баъзиларини шоирнинг ўзи йўқотиб юборган бўлса, баъзиларини бошқа муаллифларга нисбат берадилар. “Мухторнома”ни 50 фаслга бўлинган 3000 рубоийдан иборат килиб тузган, лекин кейинчалик уларнинг бир қисмини замонга мувофиқ келмаслиги жиҳатидан ўзи

йўқ қилган дейншади. Асарнинг Техронда нашр этилган нусхаси 2279 рубоийни ўз ичига олади. 100 дан зиёд қасида, мингтадан ғазалу китъадан иборат салмокли девони ҳам бизгача тўла етиб келмаган. Яна “Футувватнома манзум” номли асари ҳам бўлганлиги ва унда футувват қонидалири назмий талкин килинганигини айтадилар. Алишер Навоий унинг назмий меросини 120 минг, Давлатшоҳ Самарқандий 250 минг байтга яқин деб кўрсатадилар. Лекин ҳозиргача маълум бўлган асарларининг умумий ҳажми 50 минг байт атрофида. Насрда эса биргина “Тазкират ул-авлиё” асарини яратиб, унда 97 та шайху авлиё ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беради.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”нинг Аттор таърифига бағишланган 13-фаслида қиска сатрларда бу асарларнинг мавзумохиятини кўрсатиб ўтади. Айтайлик, “Илоҳийнома” – илоҳий сирлар шарҳи бўлса, “Мусибатнома” да шоир “нафска юз мусибат аён” айлайди, “Уштурнома” да шоҳлар бошига тож бўлгулик маъно дурларини тизган эса, ғазалларида ваҳдат асрорини бадиий талкин килян. “Мухторнома”сида маъно олами ҳусусида алоҳида-алоҳида маълумот берган, “Тазкират ул-авлиё”си оркали юзга яқин авлиёга кайта ҳаёт бағищлаган. Лекин бу асарларнинг барчаси бир тарафу “Мантиқ ут-тайр” бир тараф:

Ондаким, дарж этти күшлардин макол,
Ўзга тилдир, ўзга сўздур, ўзга ҳол.

“Хусравнома” достони дебочасида эса Атторнинг ўзи “Мусибатнома”нинг тариқат йўлчиларининг маънавий озиғи, “Илоҳийнома”нинг шоҳлар хазинаси. “Асрорнома”нинг маърифат олами, “Мухторнома”нинг дил аҳлининг – орифларнинг жаннати, “Мантиқ ут-тайр”нинг ишқ қуши учун жон меърожи эканлигини лутф этади.

Абдураҳмон Жомийнинг эътироф этишича, бирор-бир шоир ижодида тавҳид асрори ва тасаввуф ҳақикатлари Аттор асарларидағичалик ўзининг кенг ва чукур бадиий талкинини топмаган. Алишер Навоий ҳам “ваҳдат асрорини тафсир” айлагани жиҳатидан унинг асарлари ўлган кўнгилларга ҳаёт баҳш этишини таъкидлаган эди.

Атторнинг ўзи “Илоҳийнома” хотимасида: “Мен сўзни шундай юксак макомга кўтардимки, бошқаларга унга етишга йўл бўлсин. – дейди ва фикрларини давом эттириб ёзади. – Киёматда ҳатто куёшнинг нури тугаб, у корайиши мумкин, лекин менинг асарларим

порлок нур ичра мангу яшайверади: жаннат ичидаги ҳурлар кечакундуз менинг шеърларимни замзама киладилар, чунки менинг сўзим бошдан-оёқ пок Парвардигор ҳакида бўлгандан кейин жаннат ичра ўқилса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ”.

Фаридуддин Аттор асарлари Оллоҳ – Олам – Одам муносабатлари билан боғлиқ деярли барча мавзулардаги кенг кўламли ва ранг-баранг киррали бекиёс тафаккур дурдоналаридир. У ҳар томонлама кенг ва чукур билим, катта ҳаётий тажрибага эга донишманд шоир бўлгани, китоблар саҳифасию ҳалк орасидан кўплаб фикр дурдоналарини йиқкани, ўзи ҳам узок яшаб, ҳаётнинг пасту баландини кўриб, ачшік-чучугини тотгани, Оллоҳ ва Олам, Одам ва Одам, ҳаёт мазмуни, умр моҳияти, инсон феълининг турфа тусланишлари, фазилат ва кусурлари яхшилик ва ёмонлик, ҳақикат ва ёлғон, адолат ва разолат, муҳаббат ва нафрат, диёнат ва хиёнат, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ, дўстлик ва душманлик, тўғрилик ва эргилик каби азалий ва абадий муаммолар ҳусусида муттасил фикр-мушоҳада юритгани, исломий ғоялар, тасаввуфий ҳақикатларни тарғиб этгани, кишиларни камолот йўлига даъват айлаб, инсоний комиллик учун ўзини масъул ҳис қилгани, дунёни мукаммал. инсонни етук кўриш орзусида ёнгани учун ҳам унинг кўплаб байту мисралари ҳудди ҳикматдай, ҳалк мақолларидай жаранглайди. ўкувчини фикру мушоҳадага чорлайди, онгини ёриштириб, қалбига кувват бағишлияди, кўнглига эзгулик уругини жо килиб, хайрли ишларга унрайди. Оллоҳни англаш, одамни қадрлаш, ўзликнинг моҳиятига этиш йўлларини кўрсатади. Айни жихатдан уларни Тафаккур уммони, Ҳикмат комуси. Ҳаёт дарслиги. Маънавият ҳазинаси. Панднома. Заковат бўстони. Жавоҳирлар сандиги каби кўпдан-кўп номлар билан таърифлаш мумкин. Зеро, бу уммонга шўнгиган, бу комусни вараклаган, бу дарсликни мутолаа килган, бу ҳазинага кирган. бу пандномадан баҳра олган, бу бўстонни оралаган, бу сандикни очган киши ўзига керакли маънавий гавҳарни кўлга киритмай кўймайди. Шунинг учун ҳам шамс ул-миллат Алишер Навоий:

Ҳар не гардун баҳр ила конида бор,
Онча юз Аттор дўконида бор, –

яъни: “Дунёдаги барча денгизлар каъридаю конлар багрида қанча ҳазина бўлса, биргина Аттор дўконида улардан юз баробар кўп ганж бор. Айтайлик. жаҳолат инсон кўнглини хирадаштириб. у ёмон хулклар дастидан тубанлашса. шоир дўконида айни иллатлардан

тузалиш учун шарбат мұхайё. Үз-үзидан, бу шарбат – мутафаккир шоирнинг теран ва пурмáльно ҳикматлари ҳамда асарлари ичида келган бир неча юзлаб ҳар бири бир ибрат кўзгуси бўлган ҳикоят ва ривоятларидир.

II

Аттор қадимдан ўзбек ҳалқи орасида ҳам машҳур бўлган. Чунончи, XV асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур туркигўй шоир Атойи ижодида қўидаги байтга кўзимиз тушади:

Сен бути Чин ишқида холимни айб эткан киши
“Мантиқ ут-тайр” ичра кўрсун Шайх Санъон киссасин.

Бу ерда шоир бир гўзал ишқида не ҳолга тушганини батафсил баён қилиб ўтирумайди-да, мумтоз шеъриятда машҳур талмех санъати воситасида Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонидаги “Шайх Санъон киссаси”га ишора қиласди: Шайх Санъон воқеасидан хабардор киши менинг холатимни сира айб қилмайди, дейди. Агар бу қиссани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб, кейин ўз ишкини у билан қиёсласа, шоир бутун бошли бир китоб ёзиши керак. Ҳолбуки, у ўз ҳолатини бор-йўғи бир байтда баёт этиб, колганини зукко ўкувчининг билимдонлигига, нозик табъига ҳавола қиласди. Зоро, талмех санъати машҳур бир кисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш оркали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни муҳтасар қилишдир.

Алишер Навоий-ку “Лисон ут-тайр”да уни ўзига устоз санаб, достоннинг бошию охирида биттадан фаслни унга бағишилабгина колмай, “Насойим ул-мухабbat” тазкирасида ҳам у ҳакда анча кенг маълумот беради. Бундан ташкари, “Махбуб ул-кулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-муҳаййирин”, “Ҳолоти Саййил Ҳасан Ардашер” асарларида ҳам у ёки бу муносабат билан Атторга билвосита муносабати акс этган.

“Махбуб ул-кулуб”да қалам аҳлини илоҳий ишқни улуғлаган, илоҳий ва мажозий ишкни омихта ҳолда тараннум этган ва мажозий ишқни куйлаган шоирлар сифатида уч тоифага ажратар экан. Атторни биринчи тоифага киритади. Бу тоифанинг шеъриятдан мақсади илоҳий сирларнинг назмий талқини – маъно ҳазинасидан мърифат гавҳарини териб, ўкувчилар файз олиши учун назм риштасига теришдан иборат.

XVIII асрда яшаб ижод этган Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”га эргашиб, “Қүш тили” асарини ёзган.

Мунис Шарқ мумтоз сўз санъатининг кўплаб забардаст намояндалари қаторида Атторни хам ўз устози деб билади:

Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб.

Доим андин атрпарвар жон машомидур мангга.

Агар Навоий беш-олти ёшида “Мантиқ ут-тайр”ни ўкиб, ундан ажралолмай қолган бўлса, Фурқат саккиз ёшида шу ахволга тушади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзади: “Бу ародা вактим хомаси хаётим юзидин саккиз ракамини чекти, зехним тайри “Мантиқ ут-тайр” китобига нотик бўлди. Олти ой болу пар уруб, кушлар ҳикоятини хотима опёнасига қўндурдум”.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар ҳазинасида Фаридуддин Аттор асарларини ўз ичига олган 17 та қўлёзма сакланиши, такрорлари билан қўшиб ҳисоблаганда шоирнинг 150 га яқин асари мавжудлиги (масалан, “Тазкират ул-авлии”нинг 55, “Панднома”нинг 11 нусхаси бор)нинг ўзи мутасаввиф шоир асарларининг ҳалқимиз ўргасида канчалик кенг тарқалғанлитини яққол кўрсатиб турибди¹.

III

Аттор деганда, ўзбек ўкувчиларининг кўз олдида “Лисон ут-тайр”да тасвирланган беш-олти ёшли Алишернинг “Мантиқ ут-тайр” достонини қўлидан қўймай, унинг таъсирида хаёлпараст ва хилватнишин бўлиб қолгани-ю, бундан хавотирга тушган ота-онаси яшириб қўйганига қарамай, ёд олиб ултургани мазкур китобни ичидан тақрорлаб юргани воқеаси жонланади. Кейин адабий ҳаётимизга Румий кириб келди. Таникли шарқшунос олим ва адаб Радий Фишнинг Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камол таржимасидаги адабиётимизда воқеа бўлган “Жалолиддин Румий” тарихий-

¹ Бу ҳақда қаранг: М у с а е в Ш. Литературное наследие Фаридуддина Аттара в рукописном фонде Института востоковедения АН РУз // “Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурийнинг хаёти ва ижоди” мавzuидаги ҳалқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004. 88-102-бетлар.

биографик романи ва Нажмиддин Комилов, Ҳамидjon Ҳомидий, Иброҳим Ҳаққул каби Шарқ мумтоз сўз санъати билимдонларининг улуғ шонрга бағишланган тадқиқотлари оркали отаси ҳамроҳлигига ҳаж сафарига чиккан ўн уч ёшли Жалолиддиннинг Нишопурда Аттор билан учрашгани-ю, авлиё шоир кўзларида илохий нур чақнаб турган ўспиринга “Асрорнома” китобини тақдим эта туриб: “Бу бола ҳадемай оламдаги барча ошиклар қалбига ўт солади!” – деб унинг буюк келажагини башорат қилгани ва бўлажак мутафаккир бир умр уни ёнидан кўймай қайта-қайта мутолаа килгани-ю, кейинчалик Аттор ва Саноий достонлари таъсирида муazzзам “Маснавиий маънавий” асарини битганини билиб олдик. Румийнинг: “Аттор рух эди-ю. Саноий унинг икки кўзи. Биз Саноий ва Аттор изидан келдик”, – деган икрори бежиз эмас.

Маълум бўладики, биз Аттор номи билан машҳур соҳир сўз санъаткорини унинг ўзидан ўзган салафлари – Мир Алишер Навоий ва Мавлоно Жалолиддин Румий асарлари оркали таниган бўлсак, Аттор деган сирли-сехрли оламни забардаст мутаржим Жамол Камол таржималари воситасида каашф этдик.

Жамол Камол Фаридуддин Атторнинг олти муazzзам асари – “Мантиқ ут-тайр”, “Илохийнома”, “Асрорнома”, “Панднома”, “Булбулнома” ва “Уштурнома”ларни ўз арузий вазнида аслиятга мувофиқ таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларини илк бор бу буюк илохий ишку маърифат куйчиси ижоди билан танишитирди. Бундай дейишимизнинг сабаби, шўро даврида Аттор мистик шоир сифатида коралтаниб, унинг бир мисра шеъри ҳам таржима қилинмаган, у ҳакда бирор-бир тадқиқот ҳам олиб борилмаган. Айни жиҳатдан Жамол Камол Атторнинг ўзбек адабиётидаги каашофи бўлди десак, муболага қилмаган бўламиз. Чунки биз Аттор деган забардаст сўз санъаткори борлигини, ўзидан кейинги Шарқ, жумладан ўзбек адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказганини, Алишер Навоийнинг шеъриятдаги устозларидан бири, маънавий раҳнамолари қаторидаги буюк зот эканлигини билсак-да, кўплаб мумтоз шоирларимизга илҳом берган адабий сарчашмалар биридан мутлақо бехабар эдик. Айтайлик, “Лисон ут-тайр”ни мутолаа килар, тадқиқ этар эдигу унинг пайдо бўлишига сабаб бўлган “Мантиқ ут-тайр”ни билмасдик. Адабиётимиздаги ана шу улкан бўшлиқни Жамол Камол ўз таржималари билан тўлдирди – ўзбек китобхонлари неча ўн йиллар давомида орзикоб кутган ҳар бири тасаввуф таълимотининг бир назмий дастури бўлган сўфиёна асарларини киска бир фурсатда катта

завқу шавқ билан таржима килиб, мухлислар кўнглидаги бу маънавий ташаликни хадди аълосида кондирди.

Таржимашунослар орасида чинакам яхши таржима муаллиф ва муттаржимнинг юлдози бир-бирига тўғри келганда дунёга келади, деган фикр машҳур. Жамол Камолнинг Фариуддин Аттор ижодидан ўтирган ушбу таржималари уларнинг юлдузлари қанчалик бир-биirlарига тўғри келгани – Жамол Камол сиймосида Фариуддин Аттор ўзининг чинакам таржимонини топганини кўрсатади.

Бугунги кунда ўзаро алока ва бадпий таржимасиз бирор-бир миллий адабиёт ривожини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. “Бинобарин, ватан адабиёти деб аталувчи яхлит вужуднинг оригинал ва таржима асарларидан таркиб топган қўш каноти бор, улар бир-бирига куч беради, парвозининг юксаклигини таъмин этади”¹. Шу маънода, ўзбек сўз санъатининг дурдона асарлари аллақачон жаҳон илму адаб ахли томонидан эътироф этилиб, уларнинг ҳайрат ва тахсенига сабаб бўлган. Ўз навбатида, жаҳон адабиётининг энг сара намуналари ўзбек тилида койилмақом жарангламоқда – бир ҳозир таржима туфайли дунёнинг деярли барча адабий чашмаларидан маънавий ташналигимизни кондирмоқдамиз. Шу тарика яқин ўтмишда зиёлиларимизнинг орзуси бўлган жаҳон адабиёти етук намуналарининг энг мукаммал таржималари олтин хазинаси тобора бойиб бормоқда. Жамол Камол томонидан амалга оширилган Аттор асарлари таржимаси ҳам бу хазинага олтин ёмби бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

6.2. БОБУРНИНГ ФОРСИЙ ИЖОДИ

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг форс тили ва адабиётини чуқур билгани, Алишер Навоийнинг форсий девонига талабчанлик билан баҳо бергани, вазият тақозоси билан ўзи ҳам форсий байт, китъя ва рубоийлар айтгани маълум. Якинда адабиётшунос олим Шафиқа Ёркин шоирнинг Туркиядаги Истамбул университети кутубхонаси туркий кўлёзмалар бўлимида 3743 рақами остида сакланадиган девонидаги ҳозиргача нашр этилган тўпламига кирмаган янги шеърларини эълон қилди (Қаранг: Бобур девони. Кобул нашрига такмила (кўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёркин. – Тошкент,

¹ Умаров А. Гоявий-эстетик эҳтиёж ва таржима // Таржима муаммолари (Маколалар тўплами). Уч китобдан иборат. 1-китоб. – Тошкент, 1991. 21-бет.

2004). Бу шеърлар орасида унинг форс-тожик тилида ёзган I ғазал, 10 рубойй, 4 китъа, 12 фард ва 1 номаси мавжуд.

Бобурниң форс-тожик тилидаги деярли барча машқлари бадиҳа тарзида қоғозга тушганига қарамай, улар Бобурга хос услугу равонлиги, фикр ёрқин-лиги, мазмун теранлиги, қўлланган сўзларнинг содда ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Чунончи, куйидаги фардида у бирорни ранжитиши, кўнглига озор беришни коралаб, дилозор киши агар хуру фаришта бўлса-да, дилимга озор етказар экан, ундан безорман, дейди:

Он дилозоре, ки бошад дар дил озорам аз ў,
Филмасал, хуру пари бошад, ки безорам аз ў.

Шоирниң дилозор кимсани бундай кескин мазаммат этиши бежиз эмас. Динда ҳам, тасаввуфда ҳам, ҳалқда ҳам дилозор кишилар каттик коралантган. “Дилозорларниң ҳаммалари дўзахга махкумдирлар”, – дейилади ҳатто ҳадисда. Бошка бир ҳадисда айтилишича эса: “Ҳақиқий мусулмоннинг кўлидан ҳам, тилидан ҳам мусулмонлар озор топмайдилар”. Халқимизда: “Дилозордан Худо безор”, – деган мақол ҳам бор.

Бобур форс тилини шунчалик яхши билганки, ҳатто баъзи шеърларида ирсоли масал тарзида ҳалқ мақолларидан маҳорат билан истифода этади:

Басе асбони този монда лоғар,
Шуда гавони ноҳинжор фарбех.
Чи бояд кард кори даҳри дунро:
“Жаве толеъ зи ҳарвре ҳунар бех!”

Мазмуни: “Қанчадан-қанча учқур отларга эт битмагани ҳолда, фаросатсиз ўқизлар семириб кетди. Бу тубан дунё ишини нима килса бўлади: бир дунё фазлу ҳунардан бир зарра толеъ афзал!”

Машхур инглиз муаррихи Вильям Эрскинниң ёзишича, Бобурниң форс тили ва адабиётига қизиқиши оиласдан бошланган – у 8 ёшидаёк Фирдавсий “Шоҳнома”си ва Ҳофиз ғазалтаридан анчамунчасини ёд биларди. “Шоҳнома”га ихлоси баланд бўлганлигидан тахтга ўтирганидан сўнг бу муazzам асарда қаламга олинган воқеаларнинг давомини шеърга солишни икки нафар форс шоирига таклиф қилган. Бобур Ҳиндистондек улкан бир мамлакатда форс тилини давлат тили макомига кўтарибгина қолмай, форсийзабон адабиётда янги йўналиш – сабки ҳинди (ҳинд услуби)нинг вужудга келишига замин яратди.

Бобур ўзининг илк форсий ғазалини 11 ёшида ёзган – у куйидаги матлаъ билан бошланади:

Ҳеч кас чу ман харобу ошиқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту беражму бепарво мабод.

Мазмуни: “Ҳеч ким мен каби харобу ошиқу расво бўлмасин, ҳеч маҳбуба сен каби беражму бепарво бўлмасин”.

Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) тазқирасида Бобур хусусида маълумот берар экан, “туркий ва форсийда яхши шеърлари бор” дейди ва “подшоҳнинг олий мақолотлари” сифатида бир неча мисоллар келтиради.

Маълумки. Бобурнинг накшбандия тарикати ва унинг пирларига ихлос-эътиқоди баланд эди. Бу тарикатнинг ўша пайтдаги шайх ул-машойихи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий отасининг илтимосига кўра унга ном кўйган, унинг халфаси Мавлоно Мухаммад Қози Бобур хонадонининг пири эди. Мавлоно Қозининг халфаси, “накшбандия тарикатининг баландпарвозда шаҳбози” Маҳдуми Аъзам эса унга пир мақомида эди. Бобур Ҳиндистонни кўлга киритиб, улкан мамлакат ва бехисоб бойликка эга бўлганидан кейин барча кариндош-уруглари катори, Маҳдуми Аъзамга ҳам бир бўлак олтин кўймасини ниёз тарикасида юбориб, ўз мактубида куйидаги китъани илова килган:

Дар ҳавои нафси худ умр зоеъ кардаем,
Пеши аҳлулоҳ аз атвори худ шармандаем.
Як назар афкан ба сўи мо, ки аз роҳи вафо
Хожагиро мондаему хожагиро бандаем.

Мазмuni: “Гумроҳ нафс кўйида умримизни зоеъ қилдик. Бунинг учун Оллоҳнинг хос бандалари олдида уятлимиз. Биз томонга бир назар сол: вафо йўлида хожаликни ташлаб, хожаликка бандамиз”.

Маҳдуми Аъзам тарикати, яъни накшбандия хожагон – хожалар деб ҳам юритилади. Хожа сўзининг раҳнамо, соҳиб, хўжайин деган маънолари ҳам бор. Бобур шундан фойдаланиб, сўз ўйини килян: Оллоҳ олдида ҳамманинг қулигини англаб, бировларнинг устидан эгалик – хожалик килишни ташлаганмиз, лекин хожалар тарикатига қуликни бўйнимизга олганмиз.

“Бобурнома”да ҳам шоҳ-шоирнинг турли вазиятларда бадиҳа тарзида айтган катор форсий байт. мисра, китъя ва рубойларига дуч келамиз. Чунончи, тожу тахтидан ажralиб, Оббурдан кентида саргардон юрганида шу ердаги бир чашма ёқасидаги тошга куйидаги байтларни ёздиради:

Шунидам, ки Жамшиди фаррухсиришт
Ба сари чашмае бар санге навишт:

“Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.

Гирифтем олам ба марди-ю зўр
Ва лекин набурдем бў худ ба гўр”.

Мазмуни: “Эшитдимки, саодатли Жамшид бир чашма бошидаги тошга қўйидаги сўзларни ёзdirган экан: “Бу чашма кошида биз каби кўп кишилар келиб кетдилар, уларнинг кўплари бу дунёни тарқ ҳам этдилар. Биз бу дунёни мардлик ва зўрлик билан олсак-да, ўзимиз билан гўрга олиб кетмадик”.

Хусравшоҳнинг иниси Боки Чагониёний хиёнат йўлини тутганида уни жазолаш ўрнига, тақдир хукмига ҳавола этади – сен ўзинингга ёмонлик қилганни тақдир хукмига ҳавола кил, тақдирнинг ўзи сенинг ўчингни олиб берувчи хизматкордир, дейди:

Ту бад кунандаи худро ба рўзгор бисупор,
Ки рўзгор туро чокарест кинагузор.

Ҳакикатан ҳам, Боки Чагониён ўз бошини ўзи ейди: афғон карокчилари молини талаб, хотинини тортиб олиб, ўзини ўлдириб юборишиади.

“Бобурнома”да 50 дан ортиқ ўринда турли муносабат билан форсий мисра, байт, фард, китъа, рубойй ва таърихлар келтирилади. Улар орасида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайфи Бухорий, Шайхим Суҳайлий, Вафоий, Ҳасан Яъқубий, Бойсунгур, Камолиддин Биноий, Мулло Мухаммад Толиб, Кичик Мирзо, Фаривий, Муҳаммад Ҳусайн, Ҳожа Калон каби шонирлар ижодидан келтирилган намуналар билан бир каторда, турли вазиятлар такозоси билан муаллифнинг ўзи томонидан бадиҳа тарзида айтилган кўплаб форсий байт, китъа ва рубоийлар ҳам берилган. Такрор келган икки байтни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий ҳажми 172 мисрани ташкил этади. Истанбулда сақлананаётган девонидаги форсий шеърлари билан биргалиқда олсак, Бобурнинг форсий мероси ҳам салмоклигина экани маълум бўлади. Бундан ташкири у Ҳожа Ахрор Валийнинг “Волидия” рисоласини форсийдан шеърий йўл билан ўзбекчага таржима қилганки, бу ҳам Бобурнинг форсий тилини канчалик чуқур билишидан гувоҳлик беради.

VII БОБ

ТАРЖИМА ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Таржимашунос ва таржимон сифатида кўп йиллардан буён таржима ҳакидаги фикру мулоҳазаларимиз, қайду кузатишларимизни ён дафтарга ёзиб юрамиз. Куйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола киламиз.

* * *

Мумтоз асарлар таржимасида икки усул мавжуд: биринчиси – ўкувчи диди ва савиясини ҳисобга олиб, уни соддалаштириб, замонавий тилда таржима килиш, яъни асарни ўкувчи даражасига тушириш. Бунда асар бадиияти зарап кўради. Иккинчиси – ўкувчини асарга яқинлаштириш: бунда китобхон савияси асарни тушуниш даражасига кўтарилади.

* * *

Таржимада шоирнинг нима деганингина эмас, нима демокчилигини ҳам баъзила акс эттиришга тўғри келади.

* * *

Таржима – энг яхши мутолаа.

* * *

Қандай тушунсанг, шундай таржима киласан-да.

* * *

Шеърий таржима шеърдан шеър яратиш санъати эмас.

* * *

Аниқликка интилиш таржимани хароб киласади.

* * *

Таржимада фикрни бериш кийин эмас, туйгуни бериш қийин.

* * *

Ўртамиёна ижодкор таржимада ҳам моҳир бўлолмайди.

* * *

Таржимада сўз бойлиги катта роль ўйнайди.

* * *

Ўкувчи гаржима асарини ўқир экан, муаллифни кўз олдига келтиради, таржимонни эмас.

* * *

Тилни билганинг билан тилни билмагандан яхши таржима килолмасанг, тил билганингдан нима фойда?!

* * *

Олимлар аниқ, шоирлар эркин таржима қилишади.

* * *

Дунёда ҳатто аҳмоклик алоҳида фан сифатида ўрганилаётган бир даврда таржимашуносликни фанми-фан эмасми деб баҳсласиб ўтиришнинг ўзи аҳмоклик.

* * *

Таржимада санъатни қайта яратиш кийин, лекин фикрни ҳамиша бериш мумкин.

* * *

Таржима аслига тўғри бўлиши кифоя эмас, у аслият каби равон. тушунарли ва таъсирчан ҳам бўлиши керак.

* * *

Таржимада кўпчилик мазмунга асосий эътиборни каратиб, шаклни унутади.

* * *

Бадий таржимада сўзнинг кетидан кувган маънони кўлдан чикаради.

* * *

Таржима қизиқ нарса-да: аслига тўғри бўлса, чиройли эмас. чиройли бўлса, аслига тўғри эмас.

Ҳолбуки, ўқувчи чиройли таржимани хоҳлайди – унинг аслиятга қанчалик тӯғри келиш-келмаслиги билан иши йўқ.

Фицжеральд таржимасидаги Умар Хайём рубоийлари айнан эркинлиги ва гўзаллиги билан инглиз ўқувчиларини мафтун килган эди.

Эркин Воҳидов таржимасидаги Сергей Есенин шеърлари ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин.

* * *

Шеърий таржимада матннинг мазмунини бутун маъно қирралари билан тушуниб етишнинг ўзи бир машаққат, уни таржимада чикариб беришнинг ўзи бир азоб.

* * *

Табдил баъзида таржимадан кийин бўлади.

* * *

Илгари таржималаримда ўта аниқликка интилардим. Шеърият талаблари ва ўзбек тили коидалари нуқтаи назаридан бир кадар ғализлик юзага келар эди.

Энди эркинликка йўл кўя бошладим. Шеърлар жаранглаб чикаяпти, соф ўзбекча. Лекин аслиятга қанчалик қойилтмақом деб хижолат бўляйпман.

* * *

Мен аслида ўз кўнглимни таржима киламан.

* * *

Таржималарингни бир қуни келиб бирор аслига солиштириб таҳлил килиши мумкинлигини унутма.

* * *

Ўзбекчада чиройли, жаранглаб чиқсин деб, Шавкат Раҳмон Лорка шеърларини анча-мунча эркин таржима қилган кўринади.

* * *

Таржимадан камчилик топишдан осони йўқ.

* * *

– Менинг сўз билан ишим йўқ, – маънони таржима киламан, – дейди Жамол Камол.

* * *

Гар аслига тўғри эмас таржима.
У – сўзлар уюми, у бир жимжима.

* * *

Таржима аслиятнинг соясидир.

* * *

Таржима аслиятдан етти чақирим нарида юради.

* * *

Таржима аслиятга йўл очади.

* * *

Таржимадан тўла маънидаги аниқликни талаб қилиш таржиманинг мохияти тушунмаслиkdir.

* * *

Ўқувчига гўзал таржима керак, аник бўлмаса ҳам майли.

* * *

Таржимада тўла маънодаги аниқликка эришиб бўлмайди.

* * *

Ўтмиш шоирлари таржимага эркин ёндашиб тўғри қилишган.

* * *

Таржима – ўз дардингни бирорвнинг номидан изхор қилишдир.

* * *

Таржима қилма ҳеч ўзингни зўрлаб,
Буюк адилларни кўймагин хўрлаб?

* * *

Таржимада мазмун ва шакл нисбатини тенг саклаш қийин.
Шунинг учун таржимада ҳамиша ё мазмун, ё шакл деган муаммо юзага қатқиб чикади.

* * *

Таржимада тахмин кетмайди.

* * *

Машхур асарларни таржима қилишнинг маъсулияти катта.

* * *

“Алвидо, курол” романни таржимасининг муваффакияти хақида гапира туриб, Кўчкор Норкобил: “Иброҳим Ғафуров Эрнест Хемингуэй билан бирга жанг килган”, – деб лутф этади. Таржимашунослиқда бунга ўхшаш ходисалар кўп эсланади. Чунки муаллиф руҳига кира олган таржимонгина яхши таржима яратади. Шунинг учун ҳам “Илиада”ни йигирма йил мобайнида таржима килган Гнедичга Пушкин: “Сен Ҳомер билан узоқ, жуда узоқ сухбатлашдинг”, – деган эди. Пастернак эса бундай деган: “Мен Байрон билан тамаки чекканман”.

* * *

Таржимада сўзма-сўз аниқликка эришишга уриниш ижодийликнинг ҳиссасини йўққа чиқаради.

* * *

Факат тилнингина билган, лекин сўзни ҳис килмаган, услугуб ҳақида тасаввури ҳам бўлмаган, бадиий тасвир воситарадан беҳабар киши таржимага қўл урмагани маъкул.

* * *

Ўзидан сўз қўшиб, таржимани чиройли килиш муаллиф услубини йўққа чиқаради.

* * *

Сўз бойлигининг кўплиги таржимада жуда қўл келади.

* * *

Шоир ҳалқи маъноси ўзгарса ҳам чиройли таржима килишга ўч бўлади, токи ўзбекчада жаранглаб чиксин.

* * *

Таржима матнига ҳам бағрикенглик билан ёндашиш керак.

* * *

Таржима иши – күнгил иши бўлиши керак.

* * *

Таржима кўчасидан ўтмаган одам таржимага холис баҳо бериши қийин.

* * *

Аввал таржималар баъзи хатолардан сақлайди, уларни тузатишга ёрдам беради.

* * *

Тажриба таржимада қўл келади.

* * *

Мен таржимада иложи борича тушунарсиз сўзлардан қочаман.

* * *

Таржимон баъзида муалифнинг хатосини тузатиб ҳам кетиши ҳам керак.

* * *

Баъзи таржималар вақт сарфлаганинг арзимайди.

* * *

Ижодда ҳеч нарсага эришмаганлар кўпинча ўзларини таржимага урадилар.

* * *

Тушунмаганлар таржимани осон деб ўйлашади.

* * *

Таржимашунослик таржимадан хато топишдангина иборат эмас.

* * *

Ижодкор бўлган ва ижодкор бўлмаган кишиларнинг таржимасида сезиларли фарқ бўлади.

* * *

Таржимага давр ҳам ўз муҳрини босади.

* * *

Олим таржимада аникликка интилади, шоир гўзаликка.

* * *

Таржима туккан ва боккан онаси бор болага ўхшайди.

* * *

Таржима бир хонадондан иккинчисига тушган келинга ўхшайди – унинг янги хонадондаги мавкеи ва умри қанчалик муваффақият билан амалга оширилишига боғлик.

* * *

Таржима – музалиф ва мутаржим иттифокидан бино бўлган фарзанд.

* * *

Таржима ҳар бир даврда янгиланиб туриши керак, чунки, унга ҳар замоннинг ўз талаб ва эҳтиёжи бўлади.

* * *

Таржима билан бевосита юзма-юз келмаган кишининг унинг бутун нозикликларини тушуниши кийин.

* * *

Таржимада баъзан керакли сўзлар топилмай кийнайди.

* * *

Бузиб таржима қилгандан таржима қилмай қўя кол.

* * *

Тил билиш ва таржимонлик – алоҳида-алоҳида истеъод.

* * *

Мен сўзма-сўз таржима қилмайман, балки матннинг мазмунини бераман – токи у ўзбекча ёзилгандай таассурот колдирсин.

* * *

Таржима аслида бировнинг фикру қарashi, туйғу-кечинмаларини ўзингниридай қилиб кайта гапириб бериш. Ҳар кандай таржимада

нафакат асар муаллифи, балки таржимоннинг ҳам юрак зарби эштилиб туради.

* * *

Одатда, бирор асарни таржима килиш учун муаллифининг ҳаёти ва ижоди, даври, дунёкараши, мухити чукур ўрганилади. Ҳозирги таржимонлар эса ҳатто асарнинг ўзини ўқиб чикишмайди, балки биринчи жумласидан бошлаб ўгириб кетаверишиади.

* * *

Таржима килинадиган асарнинг рухига кириш ҳам бир қизнинг кўнглини топишдай нозик иш. Кўнглига ўтиришмаган йигитнинг севгисини киз рад этганидай, рухига киролмасант, асар ҳам сенга сирини очмайди.

* * *

Ўзи бир пачок шоир: нуқул буюк шоирларни таржима килиб, уларни ҳам майиб килаяпти.

* * *

Таржимашуносдан яхши таржимон чиқиши қийин, чунки у кўпроқ аниқ таржима килишга интилади.

* * *

Ўртамиёна шоирнинг таржимаси ҳам ўртамиёна бўлади.

* * *

Баъзida таржима чиқмайди, деб баҳона киламиз. Аслида тер тўкиб изланса, у албатта чикади.

* * *

Якин тиллардан таржимада ўзгартиришнинг иложи бўлмагандагина ўзгартириш керак.

* * *

Арузда ёзилган асарни бармоқ вазнига солиб таржима килса, охори тўкилади, жозибаси йўколади.

* * *

Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг “Макбет” фожиаси таржимасида Бухорога хос шева сўзларидан фойдаланибди (ас, таррак, жаложин, сайисхона, қусур, буюк, калтакалос, зардамни кайнатманг, хасдуз, пурзўр, кўрим, туршак, таажжубот, моли мардумхўр)... Бу ҳол таржимашуносликда маъқул кўрилмайди.

* * *

Ўкувчи қандай таржимани хоҳлайди – буни албатта ҳисобга олиш керак.

* * *

Ўзи таржима килиб кўрмаган таржиманинг моҳиятини гушуниш кийин.

* * *

Бадинй таржима илмий аникликни кўтармайди.

* * *

Таржима ўгай фарзандга ўхшайди.

* * *

Таржима имкон кадар ўкувчига тушунарли бўлиши керак.

* * *

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камоллар таржималари таҳлили шоирлар шеърларни анча мунча эркин талқин қилишларини кўрсатади.

* * *

Таржимада фақат сўз ва маънони беришга эмас, ифоданинг равон ва таъсирчан бўлишига ҳам интилиш керак.

* * *

Ўз даражангдан паст асарни таржима қилмаган маъқул.

* * *

Бедилни таржима кила олган бошқа шоирлар асарлари таржимасида деярли қийнамайди.

* * *

Таржима ҳеч қачон осон бўлмаган.

* * *

Таржимадан хато топишдан осони йўқ. Энг яхши таржимадан ҳам ҳоҳлаганча хато топиш мумкин.

* * *

Таржима энг оғир, айни пайтда, энг бекадр меҳнат.

* * *

Ўзи таржима килиб кўрмаган бирорнинг таржимасига холис баҳо берishi кийин.

* * *

Бадиий таржимада аникликка инглишиш муваффакиятсизликка олиб келади.

* * *

Бадиий таржима гўзал ва таъсирчан бўлиши керак.

ХУЛОСА

Шеърий асарлар таржимаси ва тадкики – бадий тажима ва таржимашуносликнинг энг мураккаб соҳаси хисобланади. Чунки шеърий асар таржимаси қанчалик нозик ва мушкул бўлса, унинг аспилятга мувофиқлик даражасини аниқлаш ва мутаржим маҳоратини муносиб баҳолаш ҳам шунча кийин. Умуман, бадий таржимада аспилятга тўла мосликни талаб килиб бўлмайди, шеърий таржимада-ку инчунин. Шундан келтиб чиқиб, ушбу тадқикотда шеърий таржима мувофиқликни яхлит ўрганишга ҳаракат килдик. Албатта, бундай мувофиқликни яхлит ўрганишга ҳаракат килдик. Албатта, бундай мувофиқликни яхлит ўрганишга ҳаракат килдик. Албатта, бундай мувофиқликни яхлит ўрганишга ҳаракат килдик.

Бирор-бир фан ўз тасарруфига кирадиган барча мувофиқликни охиригача ҳал килиб бермайди, балки уларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатади. Иш жараёнида келиб чиқкан ҳар турли мувофиқликни эса тўплаган билими, ортирган тажрибаси ва индивидуал маҳорати асосида ҳар кимнинг ўзи ҳал қиласи. Таржимашуносликда ҳам шундай: у тавсия этган умумий йўналиш асосида таржима ва таҳлил ишлари амалга оширилади, бу жараёнда келиб чиқкан хусусий мувофиқликни яхлит ўрганишга ҳаракат килдик. Шунинг учун биз асосий эътиборни шеърий таржиманинг ҳар бир таржимон амал қилиши шарт бўлган энг мухим масалаларига қаратдик.

Шеърий таржима мувофиқлари юзасидан кўплаб тадқикотлар амалта оширилган бўлса ҳам, бу борадаги барча масалалар ўз ечимини топган деб бўлмайди. Тадқикотчилар кўпроқ маънонинг берилиши, кофия, радиф, бадий санъатларнинг қайта яратилиши, миллий хусусиятларнинг акс этиши каби асосий ва умумий масалаларга эътибор қартиб, мазмун ва шакл бирлигини янгидан тиклаш билан боғлик қатор масалаларни, жанрлй мувофиқликни, гоёвий ва эстетик маъно, ритм ва оҳанг, жарагандорлик ва таъсиричаник, эркинлик ва аниқлик даражаси, музалиф ва мутаржим услубининг акс этиш нисбати, фикрий муштараклик ва руҳий якинлик омили каби шеърий таржиманинг таркибий кисми бўлган кўплаб жиҳатларни назардан четда қолдирмоқдалар.

Шеърнинг таржимада ҳам тўрт мучаси соғ бўлиб чикиши учун унинг барча унсурларини қайта тиклаш тақозо қилинади. Таржимада шеърнинг мазмуни тўғри акс этганию мувофиқ вазн топилтанининг ўзи билангина иш битмайди. Шеърнинг иккинчи даражали аъзоси

бўлмайди – шеърни шеър қилиб турган барча жиҳатлар таржимага ҳам кўчиши керак. Акс ҳолда, таржима аслиятнинг шунчаки сояси, жонли хилқатнинг жонсиз сурати бўлиб қолади. Бинобарин, шеърнинг фақат мазмун ва шаклинигина эмас, балки ритми ва оҳанги, бадиий жозибаси ва таъсирчанлигини ҳам қайта яратиш талаб этиладики, бу шеърий таржиманинг нечоғлик мураккаблиги ва машаққатлилигини, таржимон меҳнатининг эса қанчалик нозик ва мушқуллигини кўрсатади.

Монографияда шеърий таржиманинг энг муҳим ҳисобланган бирламчи масалалари тадқиқига асосий эътибор қаратган ҳолда бир катор хусусий ва эстетик муаммоларига ҳам тўхталиб ўтдик. Максад шеърий таржима мутахассислари ва бу соҳага қизиқувчиларни шеърий таржима отлиғ кенг ва бепоён, нозик ва мураккаб олиб кириш, унинг асосий масалалари билан таништириш ва уларни ҳал килиш йўлларини кўрсатишдан иборат.

Бадиий таржима нафакат лисоний ёки адабий, балки эстетик ходиса ҳамдир. Таржимашуносликда унинг лисоний ва адабий жиҳатлари анча-мунча ўрганилган, лекин эстетик хусусиятлари очилмаган кўрик бўлиб ётибди.

Таъкидлаб ўтилганидек, шеърий таржиманинг турли муаммоларига бағишлаб кўплаб тадқикотлар яратилган. Айни пайтда, соҳанинг барча муаммоларини бир бутун ҳолда қамраб оладиган яхлит тадқикотларга эҳтиёж мавжуд. Бундай тадқикотлар эса мазкур монография каби айрим-айрим масалалар тадқиқига бағишлиланган ишлар натижалари асосида яратилади. Ушбу тадқиқот мазкур йўналишдаги изланишлардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Бадиий таржима – дўстлик қуроли (мақолалар тўплами). Тошкент: “Ўқитувчи”, 1974.
2. Бадиий таржиманинг актуал масалалари, Тошкент: “Фан”, 1977.
3. Жавбўриев М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини кайта яратиш. Диссертатсия, Тошкент, 1991.
4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Шарқ”, 2002.
5. Исимиддинов З. Туркий эпос ва таржима масалалари. – Т.: Университет, 1995.
6. Комилов Н. “Бу қадимий санъат”. Т., 1988.
7. Комилов Н. Бу қадимий санъат // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 54-89.
8. Комилов Н. Ибн Сино ва Даис. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
9. Қурамбоев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар. – Т.: “Чўлпон”, 2009.
10. Қурамбоев К. Адабий таъсирдан ижодий ўзига хосликка. – Нукус: “Қорақалпогистон”, 2007.
11. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи (3-нашри). – Т.: “Ўқитувчи”, 1976.
12. Мусаев.Қ. Таржима назарияси асослари. Тошкент: “Фан”, 2005.
13. Мухтор Ш. Замон ва таржумон. – Д.: Адаб, 1989.
14. Нурмуҳамедов. Адабиёт назарияси. 2-том. Тошкент: “Фан”, 1979.
15. Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърияти таржималарида адекватлик муаммолари. АКД. – Т., 2011.
16. Олимов С., Матёкубов А. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари. – Т.: “Фан”, 1989.
17. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1988.
18. Очилов Э. Бедил асарлари ўзбек тилида // Бедил ва ўзбек маънавияти. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. 128-141-бетлар.
19. Очилов Э. Жамол Камолнинг таржимонлик маҳорати // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2008, 4-сон, 25-34-бетлар.

20. Очилов Э. Низомий асарлари ўзбек тилида // Низомий ва ўзбек адабиёти. – Т.: Ислом университети, 2007. 37-55-бетлар.
21. Очилов Э. Рўдакий асарлари ўзбек тилида // Одамушшуаро Рўдакий. – Т., 2008. 87-98-бетлар.
22. Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти (ўкув кўлланма). – Т.: Шарқшунослик институти, 2012.
23. Очилов Э. Ҳофизнинг ўзбек таржимони // “Сино” журнали, 2001, 3-сон, 11–13-бетлар.
24. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978.
25. Саломов F. Таржима назариясига кириш. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978.
26. Саломов F. Таржимон маҳорати. Тошкент: “Фан”, 1979.
27. Саломов F. Тил ва таржима. Тошкент: “Фан”, 1966.
28. Саломов F. Таржима санъати. Тошкент: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
29. Саломов F. Таржима назарияси асослари. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.
30. Саломов F. Адабий анъана ва бадиий таржима. Тошкент: “Фан”, 1980.
31. Саломов F. Мен сув ичган дарёлар. – Т.: “Ёш гвардия”, 1990.
32. Саломов F. Таржима ташвишлари. Тошкент: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1983.
33. Саломов F. Эй умри азиз. I-китоб. Тошкент: Шарқ нашриёти, 1997.
34. Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
35. Саматов А. Ўзбек тожик адабиёти: ўзаро алоқалар, ўзаро таъсир. – Т.: “Ўзбекистон”, 1990.
36. Таржима маданияти (маколалар тўплами). Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982.
37. Таржима масалалари (Маколалар тўплами). – Т.: Шарқшунослик институти, 2012.
38. Таржима муаммолари (Маколалар тўплами). Уч китобдан иборат. – Т. – С., 1991.
39. Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. – Т., 1992.
40. Таржима назарияси масалалари. Илмий ишлар тўплами, Тошкент: ТДУ., 1979.

41. Таржима санъати (мақолалар тўплами) Тошкент: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. З-китоб - 1976, 4-китоб - 1978, 5-китоб - 1980, 6-китоб - 1985.
42. Таржимашуносликка доир тадқиқотлар. Тошкент: "Ўқитувчи", 1975.
43. Умаров А. Юксак санъат йўлида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990.
44. Умиров С. Солланиб оқаётган дарё. – Т.: "Фан", 1992.
45. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Тошкент: Ўзб.Мил.Енс.Дав. нашриёти, 2006.
46. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-том Тошкент: Ўзб.Мил.Енс.Дав. наширёти, 2004.
47. Ўзбекистонда бадиий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Т.: "Фан", 1986.
48. Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи (таржима тарихидан лавҳалар). – Т.: "Фан", 1985.
49. Ўзбекистонда таржимачилик. – Т.: "Фан", 1988.
50. Ўрмонова Н.М. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниклиги. Номзодлик диссертацияси афтореферати. Тошкент, 2008.
51. Ҳазратқұлов М. Услуб ва таржима ҳакида баъзи кузатишлар // Таржима санъати. 4-китоб. – Т., 1978.
52. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. Тошкент: "Фан", 1972.
53. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Тошкент: "Фан", 1965.
54. Юсупов Ж. Қайнок қалб сурури. – Т.: Миллий кутубхона, 2006.

РУС ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. ИМО, 1975.
2. Биляева Т.Н Сели и задачи устного перевода // Вестник МГУ. Сер.19. лингвистика и межкультурная коммуникатия. 2005 №1.
3. Бреус Е.В «Основы теории и практики перевода с русского языка на английский». М., 2000
4. Гафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Т.: "Фан", 1973.
5. Илясов Б. Воссоздание художественной концепции произведения в переводе. – Т.: "Фан", 2010.

6. Илясов Б.А. Практика перевода. – Термез: Жайхун, 1992.
7. Комиссаров В.Н. «Общая теория перевода». М., 1999.
8. Лилова А. Введение в общую теорию перевода. М.: Высшая школа, 1985.
9. Морозов М.М. Пособие по переводу. М.: Иностранная литература, 1985.
10. Сайдов Ф. Текст и перевод (проблемы литературного жанра стилистики). АКД. – Т., 1991.
11. Творческие связи узбекской литературы. – Т.: “Фан”, 1983.
12. Текст и перевод. – М.: “Наука”, 1988.
13. Тюленев С.В «Теория перевода». М., 2004.
14. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. Т.: Фан, 1979.
15. Федоров А. В. Введение в теорию перевода. М., 1986.

ФОРСИЙДАН ЎЗБЕКЧАГА ТАРЖИМА КИЛИНГАН АСАРЛАР

1. 333 рубоий. – Т.: “Нур”, 1991.
2. Абдурахмон Жомий. Баҳористон. – Т., 1997.
3. Абдурахмон Жомий. Гулшанингда сўнмасин гул. – Т.: “Фан”, 2008.
4. Абдурахмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
5. Абдурахмон Жомий. Максуди дил: ғазаллар, рубоийлар, хикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
6. Абдурахмон Жомий. Мұхабbat мазхаби. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
7. Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайх. – Т.: “ЎзМК”, 1984.
8. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё. – Т.: “Шарқ”, 2012.
9. Абулқосим Лоҳутий. Таъланган асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968.
10. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Бир жилдлик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984.
11. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Уч жилдлик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975-1977.
12. Адіб Собир Термизий. Сайланма. – Т.: Алабиёт ва санъат, 1982.

13. Адиб Собир Термизий. Таъланган асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
14. Алишер Навоий. Девони Фоний. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
15. Амир Хусрав Дехлавий. Асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
16. Амир Хусрав Дехлавий. Ёр васли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
17. Амир Хусрав Дехлавий. Ҳикматлар. – Т.: “Ёш гвардия”, 1973.
18. Донишмандлар тухфаси (Рубоийлар). – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
19. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. – Т.: “Шарқ”, 2007.
20. Жалолиддин Румий. Муҳаббат маъвоси (Рубоийлар). – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
21. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
22. Инжулар уммони. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.
23. Ишқ дафтари (Рубоийлар). – Т.: “Маънавият”, 2000.
24. Камол Хўжандий. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962.
25. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавии маънавий. – Т.: “Мерос”, 2010, 2011.
26. Минг бир рубоий. – Т.: “Фан”, 2009.
27. Мири Алишер Навоий. Фоний гулшани. – Т.: “Megiyus”, 2011.
28. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Т.: Ўз МК, 1986.
29. Мирзо Абдулқодир Бедил. Такаллум. – Нукус, 1995.
30. Мирзо Абдулқодир Бедил. Ҳайрат ойинаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
31. Муҳаббат тароналари (Рубоийлар). – Т.: “Шарқ”, 2005.
32. Низомий Ганжавий. Гулдаста (“Панж ганж” дан парчалар). – Т., 1947.
33. Низомий Ганжавий. Иқболнома. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2009.
34. Низомий Ганжавий. Лайли ва Мажнун. – Техрон, 2005.
35. Низомий Ганжавий. Хусрав ва ширин. – Техрон, 2005.
36. Низомий шеъриятидан. – Т.: ЎзМК, 1983.
37. Паҳлавон Маҳмуд. Ким агар озодтур (Рубоийлар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.
38. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

39. Рубоий гулшани. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
40. Рудакий. – Т.: Бадиий адабиёт, 1957.
41. Саъдий Шерозий шеъриятидан. – Т.: ЎзМК, 1976.
42. Саъдий Шерозий. Бўстон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962.
43. Саъдий Шерозий. Ҳаёт ҳикмати. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
44. Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. – Т.: “Шарқ”, 2007.
45. Саъдий Шерозий. Ҳикматлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
46. Убайдий. Дийдор орзулар. – Т.: “Шарқ”, 2007.
47. Умар Хайём. Фанимат дамлар. – Т.: “Шарқ”, 2008.
48. Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: “Радуга”, 1985.
49. Умар Хайём. Тириклик тилсими. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
50. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар ва ҳикоятлар. – Т.: “Муҳаррир”, 2010.
51. Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. – Т.: “Шарқ”, 2006.
52. Ҳусрав Дехлавий шеъриятидан. – Т.: ЎзМК, 1979.
53. Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурый. Мантиқ ут-тайр. – Т.: “Фан”, 2006.
54. Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурый. Панднома ва Булбулнома. – Т.: “Meriyus”, 2011.
55. Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурый. Уштурнома. – Т.: “Meriyus”, 2012.
56. Шайх Фаридуддин Аттор. Асрорнома (Достонлар). – Т.: “Тамаддун”, 2013.
57. Шайх Фаридуддин Аттор. Илохийнома. – Т.: “Musiqa”, 2007.
58. Шамсуддин Мухаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1958.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ФОРСИЙДАН ЎЗБЕКЧАГА ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ	4
1.1. Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима тарихига бир назар	4
1.2. Форсий адабиётнинг ўзбек таржималари	13
II БОБ. ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА МУРАККАБЛИКЛАРИ	20
2.1. Рудакий асарларининг ўзбекча талкинлари	20
2.2. Таржима санъати ва санъат таржимаси	31
2.3. Низомий асарлари таржималари тарихи ва тадрижи	41
2.4. Жалолиддин Румий асарлари ва таржима муаммолари	52
2.5. “Девони Фоний”нинг насрый ва назмий таржималари	64
2.6. Таржима – истилоҳ – маъно	75
III БОБ. ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЖАНРИЙ МУАММОЛАРИ	95
3.1. “Маснавий маънавий” таржимасида шакл ва мазмун бирлиги	96
3.2. Газал таржимасида вазн муаммоси	112
3.3. Рубоий таржимасининг ўзига хослиги	121
IV БОБ. АСАР БАДИЯТИ ВА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ	136
4.1. Ҳофизнинг ўзбек таржимони	137
4.2. Жамол Камолнинг таржимонлик маҳорати	152
4.3. “Тухфат ул-афкор” таржималарининг киёсий таҳлили	164
V БОБ. ДАВРЛАР ВА ТАРЖИМА ПРИНЦИПЛАРИ	186
5.1. Моҳир мутаржим	188
5.2. “Гулистон” асарининг тўрт таржимаси	194
VI БОБ. АДАБИЙ АЛОҚА, ЎЗАРО ТАЪСИР ВА БАДИЙ ТАРЖИМА	204
6.1. Аттор абадияти	206
6.2. Бобурнинг форсий ижоди	213
VII БОБ. ТАРЖИМА ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР	217
ХУЛОСА	227
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	229



Техник мухаррир:
M.M. Зарифов

Компьютер версткаси:
M.M. Зарифов

Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрға тасвия этилган (Баённома №3, 31.10.2013)

Босишига рухсат этилди 1.12.2013.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли 14,75 б.т. 30 нусхада босилди.

МЧЖ «Extremum-Press» босмахонасида чоп этилди
Тошкент ш., Боғишамол к. 57 б.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

18.000 c.

